

АДОЛАТ
ЙЎЛИ



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ



АДОЛАТ ЙЎЛИ



*Бадий очерклар,
публицистик мақолалар*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 94(575.1)

КБК: 76.01

А – 31

Адолат йўли: бадий очерклар, публицистик мақолалар./
Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Сирожиддин Рауф, Бахтиёр
Ҳайдаров. Масъул муҳаррир: Муҳаммад Али. – Тошкент: Янги
аср авлоди, 2016. – 252 б.

ISBN 978-9943-27-587-4

Ушбу китобга ўтган асрнинг 80-йилларидаги машъум қа-
тагон даври ҳақида ёзилган бадий очерк ва публицистик
мақолалар жамланди. Уларда ўша фожиа кунларнинг совуқ
нафаси сезилади, айна пайтда халқимизнинг буқилмас иро-
даси, эртанги кунга бўлган қатъий ишончи акс этган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу хотира-
лар ҳар бир ватандошимизни кечаги фожиа ўтмишимизни
унутмасликка, бугунги озод ва обод кунларимиз учун шукро-
налар айтишга, унинг қадрига етишга чақиради.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 76.01

ISBN 978-9943-27-587-4

© Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди,
«Адолат йўли». «Янги аср авлоди», 2016.

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
25 йиллигига бағишланади

СЎЗБОШИ ҲУНИДА

«Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги «Пахта иши» – «Ўзбеклар иши» деб аталмиш туҳматлар тўғиб чиқарилган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамгалар ёпиштирилган фожиали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди. Бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юз минглаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қиргин уюштирилган эди».

Ислом КАРИМОВ

Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирий айтганидек, мазийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир: бугунги бахт кечаги куннинг фожиалари билан таққослаганда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бор-йўғи йигирма беш-ўттиз йилнинг нари-берисида бўлиб ўтган бу воқеалар мустақиллик даврида туғилиб-ўсган ёш авлод учун эртакдек туйилса, ажабмас.

Қизил империянинг сўнгги нафаслардаги ҳамласи халқимизнинг бошига ўттизинчи йиллар қатағонидан кам бўлмаган жабр-ситамаклар келтирди. Ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган «Пахта иши» кампаниясининг дастлабки кунлариданоқ туҳмат ва адолатсизлик билан, ҳақиқий шароит ҳисобга олинмасдан иш олиб борилади. Тергов гуруҳи бошлаган жараёнларнинг барчаси очиқдан-очиқ айблов йўналишида бўлди. Умр бўйи меҳнат қилиб келган оддий халқ жисмоний

ва маънавий азобларга дучор қилинди. Уларга пахтани қўшиб ёзиш, мансабни суиистеъмом қилиш каби оғир айбловлар қўйилди. Натижада Ўзбекистон – ноқонуний тергов усуллари ўтказиладиган тажриба майдонига айланиб қолди. Ўша вақтда республика бўйича 25 минг киши устидан жиноий иш қўзғатилгани, фақат собиқ Марказнинг кўрсатмаси билан иш олиб борадиган судлар томонидан 4500 киши жиноий жавобгарликка тортилгани, 3600 нафар юртдошимизга нисбатан эса турли жазо чоралари қўлланиганини айтиб ўтиш керак. Ўзбекистондаги қамоқхоналарда бўш жой қолмаганидан судланганларнинг аксар қисми Россиядаги жазо ўташ жойларига жўнатилади.

Қамоққа олинган ҳар бир кишининг ортидан ўнлаб оила аъзолари, қариндошлари асоссиз равишда тергов жараёнларига тортилди ва сарсон-саргардон қилинди. Минглаб бегуноҳ фуқаролар мустабид совет тузуми ва «Пахта иши» кампаниясининг шафқатсиз азоб-уқубатларига дучор қилинди.

1980 йилларнинг охирига келиб Ўзбекистоннинг янги раҳбари – Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан «Пахта иши» қатағонини тўхтатиш, Марказдан юборилган ўзбошимча тергов гуруҳи фаолиятини назорат остига олиш учун қатъий ҳаракатлар бошланди. Ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилганларнинг иши қайта кўриб чиқилди ва уч ярим мингдан зиёд бегуноҳ кишининг номи оқланди.

Аслида бу ҳаракатлар 1986 йилдан – Ислом Каримов Қашқадарё вилояти раҳбари сифатида фаолият кўрсатишга киришган пайтдан бошланган эди.

Кейинчалик бу ҳақда сўз юритиб, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 2015 йилнинг 12

январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқида, жумладан, шундай деди:

«Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. «Пахта иши» деган уйдирма ва бўҳтонлар, Марказдан юборилган, ўзини «десантчилар» деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим».

Дарҳақиқат, Истиқлолимизнинг бебаҳо қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиш мақсадида кечаги кунимизга холис назар ташлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўша машғум воқеаларни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиб, бугунги озод ва обод кунларимизнинг қадри ва аҳамиятини янада теранроқ англаймиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, матбуотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан машғум «Пахта иши» жабрдийдалари ҳақида китоб нашр этиш режаси эълон қилинган, уюшмага қисқа вақт ичида кўплаб ҳужжатли мақола ва бадиий очерклар тақдим этилди.

Қўлингиздаги «Адолат йўли» тўпламида ўзбек адиблари томонидан машғум «Пахта иши»нинг моҳияти атрофлича, ҳаққоний факт ва мисоллар орқали чуқур очиб берилган. Уларда ўша мудҳиш кунларнинг совуқ нафаси сезилади, айни пайтда халқимизнинг букилмас иродаси, эртанги кунга бўлган қатъий ишончи гуркираб уфуриб туради.

Бу китоб ҳар бир ватандошимизни кечаги фожиали ўтмишимизни унутмасликка, бугунги озод ва обод кунларимиз учун шукроналар айтишга, унинг қадрига етишга чақиради.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

ҲУКМНИ ТАРИХ ЧИҚАРАДИ

Ёки «Пахта иши», «Ўзбек иши» аслида кимнинг иши эди?

Ҳаётнинг ҳеч бир куч олдида бўйин эгмайди-ган, чекинмайдиган, абадул-абад ўзгармайдиган шундай қонунлари борки, улар инсонни ўйлаш-га, фикрлашга, воқеа-ҳодисалардан хулосалар чиқариб яшашга ундайди. Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унутилмаслиги, вақти-соати келиб, тегишли баҳосини олиши муқаррарлигидан сабоқ беради. Дарҳақиқат, бунга ўтмишдан исталганча мисоллар келтириш мумкин.

Биз СССР, «Собиқ иттифоқ», «Шўролар салтанати», «Қизил империя», деб атайдиган совет тузуми халқимиз бошига шундай кулфатларни солдики, бугун орадан йиллар ўтиб, Мустақиллик саодатидан баҳраманд авлод сифатида ўша даҳшатли воқеаларни хотирлаб, кўз ўнгимизга келтирсак, халқимиз тортган азоб ва изтироб, хўрликларнинг чек-чегараси бўлмаганини англаймиз.

Миллионлаб одамларнинг қонини тўкиш орқали яратилган, қон тўкишлар ҳисобига яшаб келган совет тузуми, ҳеч муболағасиз, ёвузлик империяси эди. Собиқ иттифоқ таркибида яшаган бирорта республика, миллат ёки элат йўқки, совет давлатининг қонли сиёсати жабрини тортмаган бўлсин.

Беҳисоб зулм ва зўравонликлар билан яшаб келган шўро салтанати ўз умрининг сўнгги йил-

ларида Ўзбекистонда яна бир мудҳиш жиноятни содир этди. Халқимизга нисбатан яна бир оммавий қатағон ўтказди.

1983-1989 йилларда амалга оширилган бу қатағон «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган сохта номлар билан ниқобланган бўлиб, унинг тагида ёвуз мақсад ётарди. Дастлаб одамлар нималар бўлаётгани, нега бундай бўлаётганини англашмади. Қама-қама кун сайин авж оларди. Ҳар тонг отиши билан бири-биридан совуқ, ваҳимали мишмишлар тарқаларди: «Кечаси фалончаевни ҳам қамоққа олишибди», «фалончаевнинг оила аъзоларини ҳам олиб кетишибди», «фалончаев ўзини ўзи осибди», «фалончаев ўзини отибди», «фалончаев тергов пайтида фалон қаватнинг деразасидан ўзини ташлабди...»

Худди 37-йиллардагидек, таҳликали кунлар эди, гўё Азроил кезиб юрибди-ю ким рўбарў келса, жонини оладигандай. Собиқ марказдан юборилган генераллар, терговчилар раҳм-шафқатни билмасди. Улар исталган пайтда исталган хонадонга бостириб кириб, тинтув ўтказар, кимни хоҳласа, ўшани ҳибсга оларди, бегуноҳ одамлар бўйнига туҳмату бўҳтондан иборат айбловлар илиб қўйиларди. Терговчилар тўқиган жиноятларни тан олмаганлар руҳий ва жисмоний қийноққа солинарди. Терговчиларнинг тубанлиги шу даражага етиб боргандики, туҳматни тан олмаган ёки бировга туҳмат қилишга кўнмаганларнинг хотини ёки қизини, ўғлини олиб келиб, қўшни камерага қамаб, қийноққа солишарди. Жўфти ҳалоли ёки жондан азиз фарзандларининг чинқириғини эшитган ҳар қандай киши терговчиларга бўйсинарди, улар тўқиган оғир айбловларга имзо чекишга мажбур бўларди, судда ҳақиқат юзага

чиқади, деб умид қиларди. Афсуски, судлар собиқ марказдан келган генераллар, терговчилар буйруғини бажарарди.

Қамоқда ётганлар адолатсизликлардан дод деб совет ҳукуматининг турли идораларига ариза-шикоятлар ёзиб, нажот кутишарди. Уларнинг ота-онаси, оила аъзолари эса Москвага бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Бош прокуратураси, Олий суди эшиклари остонасида муте бўлиб, зорланиб, хўрланиб, раҳм-шафқат сўраб ўтиришарди.

Шури қуриган, алданган, ҳақоратланган соддадил одамлар Ўзбекистонда бўлаётган бедодликлардан Марказдаги «катта раҳбарлар» беҳабар, улар арзимизни тинглашади, ҳуқуқларимизни ҳимоя этишади, деб ўйлашарди.

Афсуски, Ўзбекистонда бу қирғинни ўтказиш режасини тайёрлаганлар, қатағонга буйруқ берганлар, имкон қадар кўпроқ қамоққа олишни талаб қилаётганлар айнан ана шу «даҳо»ларнинг ўзи экани очиқ кўнгил халқимизнинг хаёлига ҳам келмасди.

Шу ўринда ўзимизга бир ҳақли саволни беришимизга тўғри келади: Ўзбекистонда бу воқеалар нега содир этилди, бу қирғин кимга, нега керак бўлиб қолган эди?

Бу саволларга холис жавоб топиш учун чуқурроқ, кенгроқ ўйлаш, 1980-йилларга келиб, собиқ Иттифоқда кескин тус ола бошлаган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятга эътибор қаратиш лозим. Аввало, шунини таъкидлаш керакки, «коммунизм курамыз, энг фаровон жамиятни яратамиз», деб дунёга жар солиб келган СССРдек қудратли давлатда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммога айланиб қолганди. Айниқса,

дон-нон, гўшт, сут маҳсулотларида узилишлар сезила бошлади. 1980-йилларга келиб, ишлаб чиқилган озиқ-овқат дастури бажарилиши ўлда-жўлда қолиб, кўзланган натижани бермади. Ҳаёт тажрибасидан маълумки, ижтимоий-иқтисодий танглик кўплаб бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Собиқ иттифоқда ҳам ҳукуматдан норозилик, бош-бошдоқлик, миллий низолар кучайиб борар эди.

1985 йилда КПСС Марказий Комитети Бош секретари бўлган Михаил Горбачев ўзидан олдинги раҳбарлар хатосини тузатиб, аҳволни ўнглаш учун «қайта қуриш» дастурини эълон қилди. Аммо бу ҳаракат боши берк кўчага кириб қолди, ўзгариш бўлмади. Борган сайин савдо дўконлари пештахталари ҳувуллаб, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида танқислик бошланди. Эртанги кун ташвиши кучайгандан кучайди.

Ҳуллас, СССРдек катта бир империяда узоқ йиллар давомида иқтисодий ислохотларнинг тўғри йўлини топа билмаслик, ҳаёт талабларига қараб эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик сиёсатига суяниб иш юритиш охир оқибатда мамлакатни ҳар жиҳатдан инқироз остонасига олиб келиб қўйган эди. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эриш остонасида» асарида узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат хомашё етказиб беришга асосланган номаъқул иқтисодий сиёсат оқибатида ҳар бир соҳа ҳалокат гирдобига тушиб қолгани асосли далиллар билан кўрсатиб берилган.

Узоқ йиллар давомида илмий таҳлилларга суяниш ўрнига ҳаётдан йироқ ғоялар кетидан қувган, эркинлик ва ташаббуслар ўрнига зўравонлик ва диктатурага асосланган тузум бари бир бир

кун ҳалокатга учраши тарихдан маълум. Дунёни титратиб келган СССРдай империя пойдевори ҳам дарз кетаётгани тобора яққол кўриниб қолганди. Табиийки, бу ҳол Горбачев ва унинг атрофидагиларни қаттиқ ташвишга солади. Горбачев турли йўллар билан иттифоқни сақлаб қолишга уринади. Унинг иттифоқдош республикаларга кўпроқ эркинлик бериш, СССРни федерация асосида қайта тузиш каби таклифлари ҳам бесамар кетди.

Демак, сўнгги чора, синовдан ўтган тажриба – қатағондан фойдаланиш керак, бўлиб қолган эди. Бироқ бунинг учун аввало ҳудуд танлаш ва қатағонни ўтказиш учун бир баҳона топиш керак эди.

Айни ўша пайтларда, аниқроғи 1983 йил апрель ойида Ўзбекистон давлат хавфсизлик комитети томонидан Бухорода область Ички ишлар бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари устидан жиноят иши қўзғатилган ва бу ишни давом эттириш СССР Бош прокуратурасига топширилганди. Собиқ Марказдан юборилган Тельман Гдяня бошлиқ тергов гуруҳи Бухорода фаолият кўрсатаётган эди. Ўша йили сентябр ойида Шароф Рашидов тўсатдан вафот этиб, Ўзбекистонга табиатан иродаси бўш, марказ нима деса, айтганини индамай бажарадиган И.Усмонхўжаев раҳбар этиб тайинланди.

Қатағон Ўзбекистонда ўтказилишининг асосий сабабларидан яна бир шундаки, ўзбеклар катта халқ, Ўзбекистон Ўрта Осиёда нуфузли республика. Бундай йирик республикада қатағон ўтказиш орқали бошқаларни қўрқувга солиш мумкин эди.

1984 йил июнь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумини

чақиришга топшириқ берилди. Пленумга КПСС Марказий Комитети секретари Е.Лигачев бошчилигидаги гуруҳ томонидан маъруза тайёрланди. Унда қайд этилишича, Ўзбекистонда коррупция, ўғирлик, қўшиб-ёзиш, қариндош-уруғчилик, давлат мулкани талон-тарож қилиш томир отган, зудлик билан кескин чора кўрилиши зарур.

Юртимизга, халқимизга тухматдан иборат бу маърузани Ўзбекистоннинг раҳбари И. Усмонхўжаевга ўқитишди. Халқ тили билан айтганда, сопини ўзидан чиқаришди. Гуё Республика раҳбарининг ўзи барча камчилик ва қонунсизликларни тан олиб, кадрлар масаласида ёрдам сўраяпти. Бу мудҳиш маъруза қатағон учун берилган фатво бўлди.

КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида Ўзбекистонга кетма-кет тергов гуруҳлари юборилди. Маҳаллий раҳбар кадрлар ёппасига бадном қилиниб, ишдан бўшатилиб, қамоққа олина бошланди. Улар ўрнига эса собиқ марказдан юборилаётган кадрлар қўйиларди. Кўп ўтмай Тошкент шаҳрига Б.Сатин деган шахс хўжайин бўлди. Ўзбекистон Компартияси иккинчи секретари этиб В.Анишчев тайинланди. Вазирлар Маҳкамасига В.Огарок, Олий Советга А.Романовский кабилар юборилди. Республика прокуратураси А.Бутурлин қўлига топширилади. Унинг тергов бўйича ўринбосари О.Гайданов, тергов бўлими бошлиғи О.Лаптев эди. Ички ишлар вазири маҳаллий кадр бўлса-да аслида вазирликни биринчи ўринбосар Э.Дидоренко, кадрлар бўйича ўринбосар А.Теплов бошқарар, улар атрофини ҳам марказдан юборилганлар эгаллаган эди. Барча вилоятлар, туман ва шаҳарларда ҳам аҳвол шундай бўлган. СССР Бош прокуратураси юбор-

ган Т.Гдян ва Н.Иванов бошлиқ тергов гуруҳи эса ҳақиқий жазо отряди эди.

Ўзбекистонга «ёрдам кўрсатиш» ниқоби остида жўнатилган, амалда бутун бир миллатни оёқости қилиб, беаёв хўрлаётган, минглаб бегуноҳ одамларни асоссиз равишда қамоққа ташлаётган бу ёвуз кучларни халқимиз «десантчи»лар деб атарди.

Десантчилар қамоққа олган одамларнинг кўпчилиги пахта тайёрлашда қўшиб ёзиш билан айбланаётганди. Тўғриси айтганда, қўшиб ёзиш, «Бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш»га одамларни мажбурлаш ўша замонда урф бўлган эди. Собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаб келаётган Ўзбекистонда ҳам пахта майдонлари йил сайин шиддат билан кенгайтирилиб, план-топшириқ ҳам ошгандан ошиб борарди. Чорва боқиладиган яйловлар пахтазорларга айлантирилади. Буғдойзорлар, боғ-роғлар, полиз экинлари майдонлари, одамларнинг томорқалари қисқартирилиб, пахта якка ҳокимлиги ўрнатилди. Уйларнинг остонасидан тортиб, қабристонлар этагигача пахта экишга мажбур қилинди. Шу тариқа пахта планлари уч миллиондан тўрт миллионга, тўрт миллиондан беш, сўнг-ра олти миллион тоннага етиб, ундан ҳам ошиб кетди. Ўзбекистондан минглаб километр узоқда, Кремлнинг катта кабинетларидан туриб план бериларди. План ҳарбий топшириқдек қатъий эди, муҳокама этилмасди. План-қонун эди. Уни бажариш шарт эди. Планни бажармаслик жиноят саналарди ва тегишли жазо бериларди.

Ўта нореал планни бажариш учун пахтакорлар декабрь ойида қор босган далаларда ғўзапоялардаги очилмай қолган кўсакларни кун бўйи териб, кечаси билан ухламай чувиб чиқишга мажбур

бўларди. Бари бир планни бажаришнинг имкони йўқ эди. Планни бажариш эса талаб қилинарди. Қишлоқ одамлари уйдаги кўрпа ва ёстиқларини йиртиб, пахтасини олиб, план учун топширган пайтлар ҳам бўлган. Бугунги ёшлар буни тасаввурига сиғдириши қийин, албатта. Аммо бу аччиқ ҳақиқат, халқимиз бошига солинган кулфатларнинг бир кўриниши эди.

«Пахта иши» билан боғлиқ жиноят ишлари сабаблари ҳар томонлама таҳлил этилганда, шу нарса аён бўладики, пахтачиликдаги кўшиб ёзишлар собиқ Марказдан туриб бажариш мумкин бўлмаган планларни бериш ва унинг ижросини талаб этиб, зуғум ўтказиш оқибатида юзага келган.

Мана бир мисол. 1986 йил 29 октябрда Хоразм вилояти республикада биринчи бўлиб пахта топшириш планини бажаради. Аммо ЎзКомпартиянинг иккинчи котиби Т.Осетров Хоразмга келиб, барча туман ва хўжалик раҳбарларини йиғиб, республика 6 миллион тонналик планни бажармагунча ҳеч кимга тинчлик йўқ, дейди. Планга қўшимча равишда яна 4,0 минг тонна пахта берасизлар, топшириқни бажармаганлар вазифасида қолмайди, деган талабни қўяди. Бу топшириқни бажариш мутлақо мумкин эмасди. Чунки далада пахта қолмаганиди.

Ўша йили ноябрь ойи ўрталарида собиқ Марказ томонидан қандай қилиб бўлсада, план бажарилсин, барча ташкилотлар, ўқув муассасалари бекитилиб, бутун ишчи кучи пахта теришга сафарбар этилсин, деган буйруқ берилади.

Шундан сўнг 1 декабрь куни И.Усмонхўжаев ЎзКомпартия Марказий Комитетининг махсус ёпиқ бюросини ўтказиб, қандай қилиб бўлмасин, пахта миқдорини 6 миллион тоннага етказиш

шартлиги, бу Марказнинг топшириғи эканлигини айтади.

Ана шундай кўр-кўрона топшириқлар, зўравонликлар оқибатида қўшиб ёзишлар юзага келган эди.

Кейинчалик бу ҳолатларнинг барчаси ҳисобга олиниб, мамлакатимиз Президенти топшириғи билан «Пахта иши» бўйича қўзғатилган жиноят ишлари қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Комиссияга республикамизнинг тажрибали юристлари, иқтисодчи ва молиячилари жалб этилди.

1990 йилнинг июнь ойида «Пахта иши» комиссияси қатъий хулосага келади: Пахта иши бўйича судланганларнинг аксарияти қўшиб ёзишлардан мутлақо манфаат кўрмаган. Уларнинг ҳаракатлари охириги зарурат ҳолатида содир бўлган. Демак, амалдаги Жиноят кодексининг 14-моддасига асосан улар оқланиши керак. Комиссия хулосалари баён этилган хат 1990 йил 13 июль куни СССР Бош прокурори, СССР Олий суди раиси ва СССР Адлия вазири қўлига шахсан топширилади.

Афсуски, улардан бирортаси бу хатларга жавоб бермади. Чунки, «Пахта иши» комиссияси хулосасига рози бўлиш КПСС Марказий Комитети сиёсатига, мақсадига мутлақо зид эди.

Собиқ Иттифоқнинг тегишли идораларидан жавоб бўлмагач, масала Ўзбекистон Олий суди Пленумининг муҳокамасига қўйилди. Пленум масалани ҳар томонлама муҳокама этиб, кўпдан-кўп саволларга асосли жавоб топиб, «Пахта иши» комиссияси хулосасини маъқуллаб, қарор қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўша пайтдаги вазиятда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бу қарори амалий жиҳатдан

ҳам, илмий-назарий жиҳатдан ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга эди. Минглаб кишилар қонунсиз, адолатсиз қамалганига ишонч ҳосил қилинди. Шундан сўнг Комиссиянинг иши жадаллашди, Олий суд ходимлари ҳам ҳар куни 15-16 соатдан ишлашига тўғри келди. Чунки минглаб одамларнинг айбсиз қамокда ўтириши тоқат қилиб бўлмас адолатсизлик эди.

Бироқ бу ишлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий суди ва СССР Бош прокурори газабини қўзғади. Шунинг учун ҳам ҳар томондан қаршиликлар кучайиб борарди. Кўп ўтмай СССР Олий суди раиси Е.Смоленцев Ўзбекистон Олий судига тавсиянома юбориб, мазкур ишлар бўйича қарорларни бекор этишни талаб қилади. Шундан сўнг СССР Бош прокурори Н.Трубин республикамиз раҳбариятига хат ёзиб, тазйиқ ўтказмоқчи бўлади. Бош прокурор ўз хатида Ўзбекистон Олий судининг қарорини гўё Иттифоқ қарорига мутлақо зид эканлигини кўрсатиб, уни бекор қилишни, «Пахта иши комиссияси»ни тарқатиб юборишни ва Олий суд ходимларига нисбатан чора кўришни талаб этади.

Собиқ марказдан бўлаётган тазйиқлар, айрим раҳбар шахслар, судьялар, прокурорлар орасидаги иккиланишлар комиссиянинг ишини мураккаблаштирди, унинг истиқболига соя солди. Шу пайтгача оқланган 500 нафарга яқин кишининг қайта қамокқа олиниши хафи пайдо бўлди. СССР Бош прокурорининг гапини шу пайтгача Ўзбекистонда ҳеч ким икки қилмаган.

Шунинг учун «Пахта иши» комиссияси аъзолари СССР Бош прокурори хатига Президент Ислон Каримовнинг муносабатини ҳаяжон билан кутишди. Президент қандай қарорга келади,

«Пахта иши» комиссияси фаолияти давом этади-ми ёки тўхтатиладими? Қамоқда асоссиз ётган минглаб одамлар озод этилиб, оиласи бағрига қайтадими ёки қамоқхоналарда қолиб кетаверадими?

Собиқ Марказдаги катта-кичик ҳар бир раҳбарнинг кўрсатмаси, талаби иттифоқдош республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам сўзсиз бажарилган. Лекин бу гал ундай бўлмади, темир қоида бузилди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислон Каримов Бош прокурор Трубиннинг талабини бажариш ўрнига, унинг хати устига қисқагина қилиб, «Архивга ташлансин» деган сўзларни ёзиб, имзо чекди.

Шундан сўнг комиссия аъзолари ишни ишонч билан давом эттиришди. Тўхматдан қамалиб, азоб чекиб ётган кишиларлар озодликка чиқа бошлади ва бу ўз навбатида халқимизнинг синган руҳини кўтаришга жуда катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон раҳбарининг таклифига биноан Олий суд ўз қарори асосли эканини янада мустаҳкамлаш, комиссия фаолияти атрофида бўлаётган ҳар хил ноўрин гапларга чек қўйиш учун Москвадаги таниқли ҳуқуқшунос олимларга хат билан мурожаат қилади. Хатларга 300 кишига нисбатан чиқарилган айблов ҳукмлари ва уларни оқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Олий судининг қарорлари илова этилади. Ўзининг демократик қарашлари билан танилган, тажрибали бу олимлар пахта маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшиб ёзишлар охириги зарурат ҳолатида содир бўлганини тасдиқлашади ва Ўзбекистон Олий суди қарорини маъқуллашади.

«Пахта иши» бўйича тузилган комиссия икки йилдан ортиқроқ вақт орасида 40 минг томлик жи-

ноят ишини кўриб чиқди ва 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Шу ўринда очиқ айтиш керакки, судланганлар орасида давлат мулкани ўзлаштирганлари бўлса, уларнинг бирортаси оқланмади.

Халқимизнинг аччиқ тарихидан маълумки, 30 – 50-йилларда асоссиз судланганларнинг кўпчилиги Сибирдаги қамоқхоналарда ҳаётдан кўз юмгач, орадан ўттиз, қирқ йил ўтиб, оқланган. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан «Пахта комисси-яси»нинг ўз вақтида тузилгани, дадил фаолият кўрсатгани учун «Пахта иши» билан судланганларнинг аксарияти ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, топталган ҳуқуқлари тикланди. Уларга етказилган моддий зарар қопланди.

Ўша қора кунлар ҳақида гап кетганда, қамоқ-хоналарда йиллаб асоссиз ётганлар, шафқатсиз қийноқларга солинганлар қисматидан ҳам оғир-роқ, аламлироқ нимадир киши кўксини куйди-ради, руҳиятини азоблайди, зил-замбилдай дард бўлиб вужудингни эзади. Бу нималигини бирда-нига англаб бўлмайди, чуқур ўйлаб кўрилса, бу ҳар биримизнинг қалбимиздаги, миллат қалбида-ги жароҳат эканини ҳис этамиз. Маълумки, вақт ўтиши билан ҳар қандай тан жароҳати битади, унга шифо топилади. Аммо миллат қалбидаги жароҳат ҳеч қачон битмайди, дунёнинг бирор бир табиби ҳали бу дардга даво топмаган.

Бу жароҳатлар миллатни доимо бедор тутади, ўйлашга, фикрлашга, хулосалар чиқариб яшаш-га даъват этиб туради. Халқимиз тортган барча азоб-уқибатлар, хўрликларнинг бош сабаби ўзга-га қарамлик эканидан сабоқ беради. Мустақил-лик деган бебаҳо неъмат нафақат халқимизни, балки келажак авлодимизни ҳам қарамликдан, қулликдан, қатағонлардан, бало-қазолардан аба-дул-абад халос этганини англашиб туради.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

ТУРА ВА ЗУЛФИНА ҚИССАСИ

Тура Шодиев умри бино бўлиб ҳали қамоқни кўрмаган эди...

У мана шу Қарши шаҳридан унча узоқ бўлмаган Кўнғирот қишлоғида туғилган. Болалиги шу ерда кечган. Эҳ-ҳе, болалик, болалик... Кўнгли у дамларни гоҳ-гоҳда қўмсаб туради.

У бақувват бўлиб ўсди, бўйи ҳам тенгқурларидан бир бош баланд эди. Йигитни кўрганлар: «Паҳлавонлар авлодидан бу, отини ҳам билиб қўйишган экан, Тура-да, Тура!» – дейишарди ҳавас билан.

Болалигидан ҳисоб-китобга ўч, санашни яхши кўрарди, шундан бўлса керак, туман марказидаги ўрта мактабни тамомлагандан сўнг, Самарқанд шаҳридаги бухгалтер, иқтисодчилар тайёрлаш техникумига ўқишга кирди. Ўшанда бу техникум орзу қилса қилгудек билим даргоҳи эди. Унга ҳамма ҳам кира олмасди. Файратли йигит эса ҳеч қийналмади. Ўқишни битиргач, совхозда ёрдамчи бухгалтер бўлиб иш бошлади. Лекин ҳали билими етарли эмас экан, ишда билиниб қолди. Фурсатни бой бермай, Тошкент қишлоқ хўжалик институтига йўл олди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, талабалikka қабул қилинди, таҳсил олди, ўрганди, ўқишни аъло баҳолар билан битирди. Етук мутахассис бўлиб уйга қайтганда, унга «Ленин йўли» совхози директори ўринбосари лавозимини ишониб топширдилар. Тура жон-жаҳди билан бу вазифани адо этишга киришди.

Ҳалол ишлаган ғайратли йигит дарҳол жамоатчиликнинг, кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. Меҳнатни қилганда ҳам қўл учида эмас, дилдан қилиш кераклигини отаси унинг қулоғига қуйган эди. Ана ўшанда чеккан заҳматинг, меҳнатинг бир кун роҳат бўлиб қайтади, ўғлим, дерди отаси. Билиб айтган экан. У шундай, бир ишни бошласа охирига етказмасдан қўймайдиган, бажарганда ҳам аъло даражада бажарадиган йигит бўлиб ўсди. Кези келганда шуни айтиш керакки, Тўранинг айна шу фазилати бўлажак қайнотаси – элда машҳур мироб Тоштемир Авазовга ҳам ёқиб қолган ва куёв қилиб танлаган, қизи Зулфинани унга берган эди. Бу ҳақда кейинроқ сўз келади.

Шу паллаларда чўлларни ўзлаштириш ҳаракатлари авж олганди, туманда янгидан 12-совхоз очиладиган бўлди. Унинг ерлари Қўнғиротдан ўн километрлар нарида жойлашганди. Тўрани директор этиб тайинлашганида, у йўқ демади. Ўзига ишончи баланд, вужудида шижоати кўпчир, билакларидаги куч ошиб-тошар, катта ишлар қилгиси келар, топширилган вазифани уддалай олишига имони комил эди.

Янги хўжалик деганимиз тўрт ярим минг гектар ерга пахта экилиши мўлжалланган бийдай чўлдан иборат экан. Атрофда на қишлоқ кўринади, на бирон қўрғон...

Тўра ака ҳикоя қилади:

«...Бирон тирик жонзот яшамайди бу ерларда, аҳоли йўқ... Баъзида одамларсиз яшаш шунчалар зерикарли ва ажабтовур экани сезилардики, бунга қандай чидаганимни ўзим ҳам билмайман. Бийдай далаларда машина кабинасида тунаган кунларим кўп бўлган. Ана шунда бу ерларда янги

уйлар қуриш муҳимлигини ва янги оилаларни кўчириб келиш, уларга шароит яратиш энг биринчи вазифа эканини тушуниб етдим. Раҳбарларга мурожаат қилдим, тушунтиришга уриндим, тушунтирдим ҳам. «Сув бор – яхши, дедим, аммо одамлар қани, одамлар туриши учун уйлар қани, совхоз посёлкасини қуриш лозим. Шунда одамлар кўчиб келади, бу жойлар боғ-роғларга айланади», – дедим.

Бу менинг орзуларим эди...

Даставвал чўлда чўлқуварлар отряди тузилиб, янги ишчилар иш билан таъминлана бошлади. Техникалар етишмасди, йўллар ўйдим-чуқур, баъзан йўл ҳам йўқ жойларда. Ястаниб ётган шўразорлардан қўриқ ерлар очиб, чўлни ўзлаштириш учун кечаю кундуз тер тўкардик, кўзларимиз уйқу кўрмасди. Лоф эмас, қишлоғим Қўнғиротга, ораси бор-йўғи ўн километр чиқса керак, оилам қучоғига баъзан бир ойда бир келсам келардим, бўлмаса йўқ. Вақт қайда. Топшириқ устига топшириқ, десангиз. Раҳбарлар: «Одам топ, ишла!» дея тиқилинч қилгани-қилган. Ўша йиллар бир этакча очиқ ер бўлса, дарров пахта эк, Масков биздан пахта кутаяпти, Иттифоқ халқини кийинтириш бизнинг чекимизга тушган, дея дўқ-пўписалар қилишарди. Янги, одами йўқ чўлда ташиқил қилинган хўжаликда уч йил ишладим, бу фурсатда совхоз ривожланган катта хўжаликка айланди, йилига 4000 тонна пахта берадиган даражага чиқди...»

Тўра Шодиевни 1974 йилда ўн икки қишлоқлик совхозга директор этиб тайинладилар. Ишлар яна ҳам юришиб кетди. Ўзи илгари ишлаган хўжалик-да, ҳамма нарсани яхши билади, барча таниш, бегонаси йўқ. Хўжалик катта, юки салмоқли, 6 минг гектар экин ери бор. Пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, қурилиш, дейсизми... Соҳа кўп. Меҳнат қилган одам – топади.

Йиллар ўтди.

Совхозда ўн бир йил ишлади, бу даврда ўзининг ғайрати-шижоати, ҳалол меҳнати туфайли обрўи ортгандан ортиб борди, туман, вилоят депутатлигига сайланди, вилоят партия комитети аъзоси бўлди. Ўша йили пахта бўйича йиллик режани 125 фоиз қилиб бажаришда жонбозлик кўрсатди. (Бу жонбозлик жуда қимматга тушганини у кейин билди.) Тўра Шодиев элнинг обрўи кишиларидан бирига айланди. Ҳамма хурсанд...

Ҳали ёрдамчи бухгалтер бўлиб ишлаб юрган пайтлари, ўшанда ўн тўққиз-йигирма ёшларда эди, уларнинг уйидан икки юз қадамлар нарида яшайдиган мироб Тоштемир ака ўз боғида, ползда экилган қовунларни чопиқ қилишга, жўяклар олишга, сув қўйишга Тўрани ёрдамга чақириб турарди. У хушмуомала одам эди, содда, ақлли паҳлавон йигит билан гурунг қилишни ёқтирарди. Тоштемир ака чақирди дегунча бўлмай, йигит дарҳол ҳамма ишини қўйиб, ўша ёққа шошиларди. Бунинг пинҳона сабаби бор бўлиб, бу уй эгасининг ўн олтига кирган шўх қизи Зулфина билан боғлиқ эди. Гарчанд қиз билан гаплашмаган бўлса ҳам, бунга умид ҳам йўқ, бир кўриб қўйиш илинжи йигитни тинч қўймасди, холос.

Бир кўрса бас... Лекин қиз ҳар гал, йигит ҳовлига кирди, дегунча, ниманидир баҳона қилиб, рўпара келмай ё боғ орқасига ўтиб кетар, ё ичкарига ўзини урарди. Тўра Зулфинанинг ҳам унга раъйи бор эканини ич-ичидан сезар, қизнинг йигит олдида изо тортиб қочиб кетганида ҳам катта маъно кўрарди: ҳарқалай, қиз ҳам бефарқ эмас... Шунини ҳис қилардию, кетмонни жўякка яна ҳам қаттиқроқ урарди.

Тўраларниқидан Зулфинага совчи келганда Тоштемир ака дарҳол розилик биладирди. Тўй 1955 йилда бўлиб ўтди. Тўймисан тўй бўлди. Тўғри, ташқарида қиш, қор ёғиб турарди, аммо куёвтўра Тўранинг қалбини ишқ офтоби ёритган, кўнгли висолдан нурафшон эди.

Суҳбат чоғида, Зулфина опага шундай савол бердим:

– *Тўйдан олдин, бундай... куёв билан гаплашган, кўришганмидингиз, ўзингизда ҳам бирон қизиқиш бўлганмиди?..*

Опа кулиб ерга қаради:

– *О-е, мен қайдан билай. Отам айтганидан кейин, гап тамом-да...*

Бошқа гапга ўрин йўқ эди.

Тўра билан Зулфина ажойиб оила қурдилар. Оиланинг чечаги, ҳаётнинг безаги – фарзандлар. Худойи таоло уларга ўн бир фарзанд ато қилди. Тўққиз қиз, икки ўғил! Лекин Тўра ҳам, Зулфина ҳам, ҳа, мана бу қизим экан, мана бу ўғлим экан, деб сира ажратишмайди. Бари фарзанд, дил пораси. Таниш-билишлар, яқинлар Тўрага ҳазиллашиб: «Уч қиз кўрган одам тўппа-тўғри жаннатга тушар экан, сиз алақачон уч карра жаннатга кириш ҳуқуқини ҳал қилиб қўйибсиз-а!» дейишарди самимий кулишиб.

Тўра ака билан Зулфина опалар эса мамнун, Худога шукр қилишади. Чунки барини Худо беради. Фарзандлардан элик беш нафар набира, ўттиз беш нафар чеваралари бор. Қизларининг бўй-бастларига қараб қувончдан кўзларига ёш олишганини билмай қолишади. Ўн бир меҳрибон жон-жигар улар атрофида парвона, ўтидан кириб, сувидан чиқишади, уларни ўтқизгани жой топишолмайди. Айниқса, қизлар! Уларнинг меҳрибонликларига, мурувватларига таъриф йўқ! Чиройли исмларини қаранг: Кароматхон, Ойгулхон, Тожихол, Нодирахон, Комилахон, Зебохон, Зулхуморхон, Зебунисо, Ойдиной. Ўғиллар Насимжон ва Содиржон... Ҳар бирлари бир оила бошлиғи, барчаси эл хизматида.

Тўра ака ҳикоя қилади:

«...Бирдан бошимизга бало ёпирилиб келди. «Пахта иши» деган қатагон бошланиб кетди. Юқоридаги кўрсаткичининг (совхознинг пахта режасини 125 фоиз бажаргани) ичида қўшиб ёзиш бор, деб мени Гдлян ва Ивановчилар терговга тортишди. 1985 йилнинг охири эди. Эсимда, дала кезиб юргандим, бир «Виллис» машинаси келиб олдимда тўхтади, ичидан бир ўрис ва иккита ўзбек киши тушиб келишди. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, дарҳол машинага чиқишимни, бир жойга олиб боришлари кераклигини билдиришди. Уйга хабар қилишимга ҳам қўйишмади. Ўша кетганимча, уч ой терговчилар томонидан сўроқ қилиндим...

Суд ҳар хил бўлган-бўлмаган туҳматларни менга ёпиштириб, ноҳақ ҳукм чиқарди: менга 11 йил қамоқ жазоси берилди. Қайси қилган ишимга, гуноҳимга? Бунга жавоб берадиган одам йўқ. Умид чирогим сўнганди ўшанда. Кундузим зулматга айланганди...

Ўша йиллари Қаришидаги ҳозир қайта таъмирланган Одина масжидини тергов ҳибсхонасига айлантиришган эди. Бизларда масжид эмас, турма дейишарди. Мени ана шу турманинг бир хонасига қамашди. Зах хонадан могор ҳиди анқирди. Қарасам, бу хонада ўн етти нафар хўжалик директори ўтиришибди. Ҳаммаси билан бирма-бир кўришиб чиқдим.

Бир сариқ тусли одам, кўзимга шундай кўринди, нарида чўзилиб ётган экан. У ўрнидан туриб ёнимга келди ва мени танимадингиз-а, деб ўзини бағримга отди. Бундай қарасам, 33-хўжалик директори Хайрулла Каримов экан. Турмадаги ҳаёт уларнинг рангини ҳам олиб қўйибди. Офтоб кўрмаган юзлар хамиртурушдай кўпчиган, оч-заҳил, кўзлар киртайган. Эл устида юрган одамга қийин бўларкан. Жуссалар кичрайган, киприклар тўкилган, лаблар қуруқшаб қолган...

Кунни кеча эл назарида турган, минглаб кишиларнинг бошини қўшиб, уларга яхши шароит яратиш дардида куйиб-ёниб юрган, жамият равнақи учун курашган биродарларимнинг афтангорларига қараб бўлмасди. Хайрулла Каримов савлатли одам эди. Энди эса бир тугун муштдай қотган, озиб-тўзиган, қаттиқ уриниб кетибди. Кўзимдан беихтиёр ёш қуйилди. Тўшак ўрнида тўнларимизни тўшадик. Сичқоннинг қулогича туйнук йўқ. Осмонни ҳар ҳожатга чиққанимизда кўрамиз, холос. Кенг осмон ҳам торайиб қолгандай. Хона қоронги. Шивирлашиб гаплашамиз, деворнинг қулоги бордай. Ҳар кунни терговчилар сўроққа тутиб, элакда элайди.

Марказдан – Москвадан буйруқ бўлиб турганда, ўнгу сўлга бурилиб бўлармиди? Пахта тайёрлашда жаҳонда биринчи бўламиз, деб бемав-

рид пойгада от чоптирган ўзлари-ку. Халқимиз, миллатимиз шаънига қора доғ чаплаганлар ҳам ўшалар. Енг ичида иш қилиб, миллатимизни ёмон отликқа чиқаришди...»

Тўра ака умри бино бўлиб қамоқни кўрмаган эди. Пешонада бор экан, энди кўрди...

* * *

1985 йил охирлари. Қиш қиличини қайраб кириб келар, ҳарорат совиб борарди. Бир куни Зулфина опа уйда, ишга кетган хўжайинини кутиб, уларни кўриб кетишга келган болалари билан гурунглашиб ўтирарди. Хуфтон бўляптики, ҳануз эридан дарак йўқ. Ташқарига чиқади, уйга киради, жойида туролмайдди. Тун қоронғи эди, булут қоплаган осмонда биронта ярқ этган юлдуз кўринмасди. Уни қандайдир бесаранжомлик ҳисси чулғади.

Бирдан кимнингдир ичкарига ҳам кирмай дарвозаданок: «Шодиевни даладан обкетишди!» деб қичқиргани эшитилди.

– Нега, ким, қаёққа обкетишади?! Нима? – деб юборди Зулфина опа югуриб кўчага чиқаркан. Болалар ҳам унга эргашди. Аммо кўчада ҳеч ким йўқ, хабар келтирган одам аллақачон кетиб қолганди. Зулфина опа жойида туриб қолди, ҳар хил ўйлар унинг миясини пармаларди...

Ҳаммаси эртасига маълум бўлди: Тўра Шодиевни олиб кетишиб, Касбининг ҳибсхонасига қамаб қўйишибди! Шўрлик Зулфина опа дарҳол Касбига йўл олди. Ҳали гап нимада эканини билмас, ҳар хил хаёллар уни қамрар, нима гуноҳи бор эди у кишининг, дея ўзича ўртанарди. Албатта, ҳақиқат излаб райкомга, обкомга бораман,

бошқа қаерга бораман, деб ўзини овутарди. Қамоқхона атрофида эри ҳақида тайинли бир гап топаманми, деб у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан у ёққа югуриб юрар экан, кўринганга мурожаат қилар, аммо сўраган маъмурлардан ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмас, жавоб ҳам бермасди. Секин атрофга кўз ташлаб, ўзига ўхшаган бир тўп жабрдийда хотин-халажнинг мунгсираб юргангани кўрди. «Шўримизга шўрва тўкилди, эримни қамаб қўйишди!», «Ўғлимни қамаб қўйишди!» деб фарёд чекишарди муштипар аёллар. Қашқадарёда «қама-қама» бошланиб кетган эди.

Шунда Зулфина опа барча аёлларга мурожаат қилди:

– Қараб ўтирсак бўлмайди, ҳой опалар-сингиллар! Ҳаммамиз арзга борайлик, арзга! Эрларимизнинг, ўғилларимизнинг гуноҳи йўқ!

– Борайлик! Борайлик! – деб қўллаб-қувватлашди аёллар чувиллашиб. Улар шу йўл билан адолатни қарор топтирамиз, ҳақиқатнинг тагига етамиз, дея умидвор эдилар.

Аввал райкомга, кейин обкомга бордилар, кўп вақт бой берилди, аммо ҳаракатлар самарасиз кетди.

Кейин йўл Тошкентга тушди. Қашқадарёлик фидойи аёллар – уларнинг етакчиларидан бири Зулфина Шодиева эди – адолат излаб республика раҳбари И.Усмонхўжаев, бош прокурори Усатов, Республика Олий совети, Олий судигача мурожаат қилдилар, вазиятни тушунтириб, шафқат қилишларини сўрадилар. Аммо аёлларнинг додини тинглаб ёрдам кўрсатиш ўрнига, ҳамма жойда: «Турмуш ўртоқларинг приписка қилган, еган-ичгандан кейин қамалади, керак бўлса, сизларни ҳам қамаймиз!» деб дўҳ қилардилар.

Йиғлаб-йиғлаб уйга қайтган Зулфина опа, энди нима қиламан, ўн бир нафар фарзандим бор, уларга нима дейман, деб қайғурар эди.

Жафокаш халқ ана шундай ноҳақликларга учраб, ўз дардини кимга сўйлашни билмай, оҳини Худога айтиб турганда, 1986 йилда Ислом Абдуганиевич Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбар этиб тайинланди. Вазият аста-секин бошқа томонга ўзгара бошлади...

Зулфина опа ҳикоя қилади:

«Қашқадарёга ҳурматли Ислом Каримов раҳбар бўлиб келдилар, деб эшитиб қабулларига қандай кирсам экан, деб ўйланиб қолдим. Қабул қилмасалар керак, шунча жойларга бордим, ҳеч қандай нажот бўлмади-ку, деб ўйладим. Бу киши ҳам ўша раҳбарларнинг бири эмасмикин, деган хаёл кечди бошимдан. Кейин-ку, шундай хаёлга борганимдан ўзим уялиб кетдим. Ислом Каримов мутлақо бошқача раҳбар эканлар! Ўшанда таваккал қилдим, эрта азондан бориб-келадиган йўлига ўтириб олдим, ўша кунидек қабул қилдилар. Жуда яхши қабул қилдилар. Уларга: «Эримнинг топиб келганини ҳамма қатори едик, ичдик, аммо орттириб қўйган бойлигимиз йўқ, нега приписка дейишади. Бунисини мен билмайман. Ўн битта фарзандим бор. Агар менга ёрдам берсангиз, ўша болаларимнинг кўз ёшларини тийган бўласиз, бориб рўзгоримни кўринг. Қишлоқдагилардан ортиқча яшамаймиз. У киши меҳнатнинг ичида яшади. Юравериб оёқларига пайпоғи ёпишиб кетарди, ажратиб олардим. Кеча-кундуз демай, уйга келмай ишлардилар», дедим. У киши: «Опа, хафа бўлманг, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, яхшиси, бола-

ларингизни эҳтиёт қилинг. Насиб бўлса, кўрмагандай бўлиб кетасиз!» – деб мени тушкунликдан қутқардилар. Хурсанд бўлганимдан йиглаб юбордим-да: «Э Худо, бахтимизга соғ-омон бўлинг», – деб дуо қилдим...

Яна иккинчи марта қабулларига кирдим. Яхши муомала қилдилар-да, ўша ерда ўлтирган бўйра (бюро, дейилмоқчи) аъзоларига айтдилар: «Мен у кишини танимайман, сизлар танийсизлар. Шодиев яхши одам дейсизлар, келинлар, агар ўша одам яхши бўлса, ҳаммамиз биргаликда қамоқдан чиқишига ёрдам қилайлик. Мен ўз номимдан афв қозонини ёзаман, опа ёзсин, сизлар ёзинлар, опага ёрдам қилайлик, фарзандлари хурсанд бўлсин», – дедилар.

Бу гапларидан кўнглим кўтарилиб, агар хўжайиним қутулиб чиқса, ҳузурингизга олиб келаман, дедим. Ростдан ҳам, орадан кўп ўтмай қамоқдан чиқиб келдилар...»

* * *

Тўра ака ҳикоя қилади:

«...Маҳкумлик муддатини ўтаб юрган кунларимнинг бирида оиламдан хушxabар келди: турмуш ўртоғим вилоятнинг янги раҳбари қабулига кирибди. Ичимда аллақачон ўчиб қолган чироқ ёнгандай бўлди! Кўнглим равшан тортди. Озгина фурсат ўтиб, мени зонага чиқаришди. Ишлаб юрдик. Кўп ўтмай, яъни 1988 йил апрелида озодликка чиқдим. Мен «Пахта иши» деб қамалганлар орасида республикада биринчи бўлиб озодликка чиққанлардан эдим. Бу Ислол ака шарофатидан эди! Мен ётган қамоқхонада 172 нафар хўжалик директори, шунча бухгалтер, 30 нафардан ортиқ

пахта тайёрлаш идоралари бошлиқлари, 17 райкомнинг биринчи секретарлари бор эди. Улар менга, Каримовга учрашиб, бизнинг ҳам илтимосимизни етказинг, оиламиз бағрига қайтишимизга кўмак берсинлар, деб зорланиб қолишди...»

Зулфина опа ҳикоя қилади:

«...Қамоқдан келган куннинг эртасига хўжайинимни обкомга олиб бордим. Бизларни милиция даставвал киргани қўймади. Бирдан, ичкаридан бюро аъзоларидан бир-иккитаси чиқиб, хўжайинимни кўришиб, «с приездом!» дея қучоқлаша кетишди. Шундан кейингина ичкарига қўйишди. Қабулларига кирганимизда, Ислом Каримов хўжайинимни кўрибоқ фаҳмладилар: ёнимда ўша ўзлари қамоқдан қутқарган Шодиев турибди. Қучоқ очиб кутиб олдилар. Ҳол-аҳвол сўрадилар. Кейин хўжайинимга қараб, мақтаб қўйдилар: «Умр йўлдош танлашда адашмаган экансиз, опа оилангиз – сиз учун кўп югурди...» дедилар. Мен хижолат бўлиб ерга қарадим ва дарҳол: «Сиздан миннатдорман, дунё тургунча туринг, – деб кўп дуолар қилганман, – энди уйимизга бориб бир пиёла чой ичасиз, – дедим. – Мен сизга атаб ният қилиб йиғлай-йиғлай (севинч ёшлари, албатта) тўнлар тикканман, шуни елкангизга таишлайман!»

Хўжайин шунда худди ўксинган бола отасига дардини ёргандек, қамоқдаги элдошларнинг арзу ҳасратларини ҳеч яширмай тўжиб солди. У киши бир оз ўйга чўмди, бошини оғир тебратдида, қатъий деди: «Ҳаммасини озод қиламиз! «Пахта иши» – миллатимизга тухмат. Бу кунларни эслаб юрасизлар!»

Хурсандчиликдан ўзимизни қайга қўйишни билмай у кишининг ҳузурларидан чиқдик...

Орадан ўн йиллардан кейин бир кун муҳтарам Юртбошимиз бизларни эслаб қолибдилар: «Қашқадарёда ишлаб юрган вақтимда ҳузуримга бир опа келарди. Ўн битта фарзандим бор, эрим қамалган, ёрдам беринг, деб келар эди, ўша опа борми-йўқми?..» – деб сўрабдилар. Қаранг, бизни эслабдилар-а! Бошимиз нақ осмонга етди, жуда хурсандмиз...»

Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимизнинг бир суҳбатда Зулфина Шодиевани эслаб, бармоғида узукнинг ўрни оқариб тургани, бу аёл қўлидаги никоҳ зуғигача сотиб, эрини қутқариш учун интигани ҳақида сўзлаганларини ҳаммамиз яхши биламиз.

* * *

Муҳтарам Юртбошимизнинг бемисл шижоати, она Ватанига, халқига бўлган кучли меҳри туфайли халқимизнинг шаънига уюштирилган «пахта иши» каби бўҳтонлар олиб ташланди, адолат юзага чиқиб, жуда кўп бегуноҳ кишилар ўз оилаларига қайтдилар. Не-не озор етган кўнгиллар нурафшон бўлди. **«Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш...»**, деган эди давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг дастлабки кунларидаёқ. Бу сўзлар ҳамиша ғуруримизга ғурур қўшади, қаддимизни баланд кўтаради.

Алишер Навоийнинг бир машҳур ҳикмати бор:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон
бўлса обод айлагай...*

Ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган, хўрланган, азобларга дучор қилинган Тура ака билан Зулфина опа сингари бир кўнгли эмас, юз кўнгли, минг кўнгли обод этилса-чи? «Иккинчи сорт» деб қаралган бутун халқнинг вайрон кўнгли обод этилса-чи?.. Буни қандай эзгуликка тенглаштириш мумкин? Унинг баҳоси қанча?..

Бу чинакам инсонийликнинг тимсолию тантанасидир.

Унинг баҳоси йўқ, у бебаҳодир.

ОҚ ЛАЙЛАК

Жамолхон ая Абдупатто ака билан қирқ тўрт йил бирга умр кечиришди. Парвардигор етти фарзанд берди...

Ҳозиргидай эсида турибди. Абдупаттонинг бошини иккита қилиш ниятида онаси Азизахон ая бир неча аёллар билан Довлоқдан Жамолхонларнинг қишлоғи Холдевлонбекка совчиликка келиб-кетишди.

Яхши гапнинг қаноти бор, деганларидай, янгилик дув этиб бутун Холдевлонбекка тарқалди. Ўша куннинг эртасигаёқ Жамолхоннинг дугоналари уни табриклагани келишди. Биттаси эса кутилмаганда, ў-ўл, куёвинг қанақа, сўраб-суриштирдингми бундай, бирам бепарвосан-э, деб ҳол-жонига қўймади. «Қизиқсан-а, мен қайдан билай, ота-онамларга ишонаман», – деб жавоб берди қиз. Кейин бошқа бир дугонаси бўлажак куёви яшайдиган, Холдевлонбекдан бир қишлоқ наридаги Довлоққа меҳмонга борганида, Жамолхоннинг куёвини кўрсатишибди. «Кўрдим... Баланд бўйли мўндидай йигит экан, онаси қорамойнинг ичида туққанми нима бало?» – деди ҳазиллашиб. Жамолхон жилмайди: «Буюргани-да, ўртоқжон... Билмайман...» Билгани – куёви 1956 йилда Бўз тумани марказидаги 1-мактабнинг 11-синфини битирган экан. Шу, холос. Лекин кейин, куёви Абдупатто мўндидай қорача юз бўлса ҳам, юраги, қалби оқ, садоқатга тўла эканлигини ўз кўзи билан кўрди. Тақдирини Худойи таоло шундай инсон билан боғлаганига шукрлар қилди.

Ўшанда тўйдан олдин «хоҳладим»га Катта-йўл қишлоғига бордилар. Қишлоқликлар ЗАГС-ни шундай «хоҳладим» деб атардилар, ёшлар шу йўлни ўзлари хоҳлаб, бир-бирларини танлаганларини тасдиқлаб, никоҳдан ўтардилар. Идорадан қизара-қизара чиққанларида, ажойиб ҳодиса юз берди: Абдупаттонинг кўзи ЗАГС идорасидан элик қадамлар нарида баланд симёғоч устидаги лайлак уясига тушди. Унинг асл касби монтерлик эди, шу сабабдан симёғочларни бошқача кўрарди. Симёғочда оқ лайлак бир оёқда сиполик сақлаганча назокат билан ёш келин-куёвларга қараб турар, гўё: «Менинг ишим кўп, сизларни қутлагани кутиб турибман, бахтли бўлинглар!» деётгандай эди.

– Биласизми, оқ лайлакни жуда яхши кўраман, ажойиб, беозор қуш, – деди Абдупатто қайлиғига лайлакдан кўз узмай.

– Жуда чиройли қуш, оқ ... – қимтинганча сўз қўшди Жамолхон.

– У муқаддас қуш денг, доим масжидлар томига, симёғочлар тепасига уя қуради. Оқ лайлак билан элга қут келади, мамлакат тинч бўлади, дейдилар ота-боболаримиз. Менга, айниқса, унинг гердайиб юриши ёқади, эгилиб қолмасликни ўргатади. Баландликларда ҳам секин, босиқ учади.

Жамолхон Абдупаттонинг бу одатини бир умр эслаб қолди.

Абдупатто табиатан тиним билмас, ҳаракатчан йигит экан. У иш деса жонини берадиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, муаммоларга чора излашдан чарчамайдиган, топмай қўймайдиган меҳнаткаш ва уддабуррон эди. Ҳаммаси Жамолхоннинг кўз ўнгида рўй берди. 1965 йилда Фарғона давлат институти физика-математика факультетини тамомлади, бир муддат «Билим жамияти»да ишлади. Лекин унинг иши бундоқ идораларда ўтириш эмаслигини тезда юрак-юрагидан ҳис этди, гўёки вақти бекорга ўтаётгандай туйилар, бундан хижолат тортар, ғайрат-шижоати кенгликларга, далаларга, янги ерлар очишга, боғ-роғлар яратишга чорларди. У юртни обод қилишни истаган ҳақиқий деҳқон ўғли эди.

Шу пайтлар Марказий Фарғонада жойлашган Бўз тумани ташкил бўлганига кўп вақт ўтгани йўқ, атрофда қўриқ ерлар, ўзлаштирилмаган майдонлар, бизни обод этадиган мардларнинг марди қаерда, дегандай ўз халоскорини кутиб ётарди. Ҳазрати Хизр ҳассаси изидан пайдо бўлган деб ҳисобланадиган Сарик Жўга анҳори бўйларида Бўритепа, Шўртепа, Каламуштепа, Суюлма мавзеларида бир эмас, ўнлаб, юзлаб Абдупаттодай баҳодирларга иш топиларди.

Абдупатто Солиев ўзи отилиб чиқиб, ташаббус кўрсатиб чўлни ўзлаштириш, қўриқ ерларни пахтазорларга айлантириш мақсадида кўзларида ўт чақнаган ёшлардан бригада тузди, дарҳол Шўртепа мавзесига кўчиб келди, одамларни йиғди, жонлиқ сўйди, режаларни белгилади. Ҳамманинг кайфияти аъло эди. Йигирмага яқин бригаданинг ёш аъзоларида қатъият кучли эканини Жа-

молхон ҳам кўриб турарди. Абдупатто ҳозирда-ноқ жон-жаҳди билан ишга киришишни кўнгилга тугди. Эътибор бермаган экан, бирдан шийпонга яқин ерда иккита симёғочга кўзи тушдию, унинг юраги ҳаприқиб кетди! Ҳар иккисида оқ лайлаклар нақ тўрвадай-тўрвадай уя қурган эди!

– Ҳеч ким уларга халал бермасин! Тегмасин! – тайинлади у. – Булар азиз қушлар! Улар бор жойда тинчлик бўлади.

– Тегмаймиз! Қараб турамыз! Уйини бузишга қўймаймиз! – ҳайқиришди ёшлар.

– Хўжайин, лайлакларни қаранг-а!.. – кўнгли ийиб деди Жамолхон.

– Ҳа... Худойи таоло қут-барака берибди, хотин, бизга лайлакларини юборибди. Энди ишимиз гуркираб кетади, албатта!

Абдупаттонинг шодлиги чексиз эди.

Чиндан ҳам, у ишга қаттиқ киришди. Шиддатга шиддат қўшди, ерга – ер. Ўзи ҳам тинмади, бошқаларни ҳам қўймади. Кўп ўтмай бригада майдони қирқ гектардан саксон гектарга етди. Бу орада Абдупатто техникани чуқур ўрганиб, донгдор механизатор номини олди, ўзи етиштирган пахталарни ўзи тера бошлади. Тинимсиз қилинган фидокорона меҳнатлар натижасида пахтанинг ҳар йиллик режаларини муддатидан олдин ва ортиқ бажарганлиги учун 1981 йилда собиқ Иттифоқнинг энг олий мукофоти «Социалистик меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. У Бўздай чўл туманда туғилиб, ўсиб-улғайган, шундай шарафга эришган биринчи инсон эди, номи элда машҳур бўлиб кетди. Жамолхон, бошқаларни билмайди-ю, ўзи ичида бундан ҳам қувонарди, ҳам қўрқарди.

Абдупатто Солиевни бригада бошлиқлигидан бўлимга, кейин «ХХ партия съезди» совхози раҳбарлигига тайинлашди. Абдупатто ака учун тун билан куннинг фарқи қолмаган, у кўпинча кечаси ҳам далада бўлар, Жамолхон гоҳи эрининг қачон келиб ётганини, баъзан эрта туриб кетганини ҳам билмай қоларди. Болалар ҳам, онаси Азиза буви ҳам, дадам бугун келдиларми, ўғлим вақт топмадими мени бир кўриб кетишга, қабилда сўраб қўйишарди. Кези келганда айтиш керакки, Жамолхон ая ҳам, Абдупатто ака ҳам фарзандларидан – улар тўрт ўғил, уч қиз – мамнун. Ҳар бири бир иш бошини тутган, фермер, тадбиркор дейсизми, орасида раҳбари ҳам бор...

Жамолхон ая бундан кейинги даврларни эслашни истамасди. Кошкийди, уларни эсламасликнинг имкони бўлса!

1986 йилда ўзбек халқининг бошига кулфат ёғилди, қатағоннинг қора кунлари келди: «Пахта иши» деб аталган кўр-кўрона даъво натижасида собиқ марказдан юборилган Гдяян ва Иванов бошлиқ десантчилар томонидан ноқонуний, ноинсоний тинтув-текширувлар бошланиб кетди. Текширувларда уларнинг айтгани – айтган, дегани – деган бўлди. Уларнинг кўзига ҳар бир ўзбек жиноятчи, порахўр бўлиб кўринди. Ҳой, сен нима қияпсан, сенда инсоф борми, деб сўрагувчи топилмади. Баҳордан кеч кузгача, тонгдан тунгача тер тўккан меҳнаткаш халқ, шу қилган сидқидил меҳнати – заҳмати учун, арзимас баҳога олтиндан аълороқ пахта етиштириб бергани учун – айбдор! Бу қандай

бедодлик! Одамларнинг додини эшитадиган бирон ташкилот йўқ... Натижада, халқимизнинг кўп ҳақиқий ўғлонлари, ҳалол меҳнаткаш инсонларга нисбатан асоссиз даъво очилиб, уларнинг покиза номлари булғанди. Тўқайга ўт тушиб, ҳўлу қуруқ баравар ёнди: «Пахта иши» деган ўйлаб чиқарилган бало гирдоби ўз домига тортган бегуноҳлар сони тобора ортиб борди. Афсуски, бу офат Абдупатто Солиевнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади...

1987 йил 9-12 март кунлари Андижон област жиноят ишлари судлов коллегиясининг очиқ мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўплар қатори Абдупатто Солиев иши ҳам кўрилди... Тўрт ой давом этган суд жараёнининг ортиқча тафсилотларига берилмай, суд ҳукмидан кўчирма келтириш билан чекланамиз: «Судланувчи Солиев Абдупатто ЎзССР ЖКнинг 155, 149, 149-1, 119-1, 153-модданинг 2-қисмлари билан айбли деб топилсин. ЎзССР ЖКнинг 119-1 моддаси билан ўзига тегишли мол-мулкани давлат фойдасига мусодара қилиб, муддати 11 (ўн бир) йил озодликдан маҳрум қилинсин ва муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан 5 йилга маҳрум қилинсин...» Ҳукмда яна шундай жазо ҳам белгиланган: «...Жазони ўташни 22.09.1986 йилдан бошлаб ҳисоблаб, кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўтатдирилсин...»

Ҳукм ўқилганда залда жонини ҳовучлаб ўтирган Азиза буви билан Жамолхон аялар дод дейишни ҳам, вой дейишни ҳам билмай қолдилар.

– Онажон! Онажоним! – деди Абдуваҳоб онаси билан келинбувисини юпатиб. – Хафа бўлманглар! Хафа бўлманглар! Олий судга апелляция ёза-

миз! Адолат бор! Ҳа! Акамни қутқариб оламиз!
Акамнинг гуноҳи йўқ!

Унинг овози қатъий, ишончли жаранглади.

* * *

Ташқарида уларни Абдупатто аканинг қизлари Манзурахон, Замирахон, Зарифахон, келини Юлдузхон, ўғиллари Бахтиёр, Баҳром, Шухрат ва Дилшод ўраб олишди. Ҳамманинг кўнгли хуфтон, олам қоронғи эди, ҳеч нарса дилни ёритмасди.

Абдуваҳоб айтган апелляциялар иш бермади. Саксон ёшга кирган қайнонасини юпантирай, деб Жамолхон аянинг эси кетди, бироқ фойдаси бўлмади. Ўғлимни қачон кўраман, қачон кўраман, опкеберинглар ўғлимни, дейди, холос, мунгсираб... Жамолхон аянинг кўнгли баттар эзилади. Охири, 1988 йил баҳорда Азиза буви ўз номидан Ўзбекистон ССР Олий суди раиси номига ариза йўллади. Унда шундай сўзлар бор эди (имлони аслиятдагидек қолдирдик):

«Мени ариза беришдан мақсадим шуки, углим солиев Абдупатто хакида ёзмокчиман. Унинг отаси 25 йил пахтачилик бригада бошлиги бўлган эди.

Углим иш фаолияти хакида район ва област газеталарида тез-тез ёритилиб турди. Углим уз ишидан рухланиб, уз ишига эътиқодини яна ҳам оширди. Энди уни кургани борганда ҳам бирор иш килаётгани устига борар эдик. Бир курганинда трактор миниб кетаётган, яна бир борсанг сув куяётган, бир курсанг трактор билан пахта тераётган булади.

Углимдаги бундай меҳнатга иштиёкни куриб, ич-ичимдан қувонар эдим.

Углим Абдупаттони тез-тез бригадасини алмаштириб, колок бригадага юборилар эди...

Кунлардан бир кун келиб, менга: «Мени колок совхозга директор қилишмоқчи» деди. Мен унга бошка ишга утма, ҳамма ишинг яхши, камчилигинг йук, хурматинг яхши, сенга нима керак? Мен яна узинг уйлаб қур, кейин пушаймон бўлмагин, дедим.

Углим директорлик вазифасига 1982 йил декабрь ойида утган, бундай вазифада ишлашга тажрибасиз эди. Хаммаси бўлиб, бу вазифада 10 ой ишлади холос.

Мен суд процессида иштирок этдим, углим Абдупаттони кузи хиралашибди, залнинг охиридаги кишиларни таний олмади.

Мана, углим якин икки йилдан бери камоқда, у ерда мутахассис врачлар бўлмагани учун, қуриш қобилияти тобора ёмонлашиб бормокда. Қани энди иложим бўлса-ю углимни урнига мен камоқда сақлансам! Уни ҳозирги ҳолатини куриб, нима деб кунглини кутаришни ҳам билмайман. Ҳозирги кунда мен узимни дунёдаги энг бахтсиз оналардан деб ҳисоблайман.

Ҳурматли Ўзбекистон ССР Олий суди раиси. Мен ҳозир 80 ёшдаман, мени Сизлардан илтимосим углимни ишини одилона куриб, енгиллик беришларингни, кузим тириклигида углимни тўйиб-тўйиб кучоклаб упишимни ва улмасимдан олдин бирор йил бирга яшашни жуда-жуда истардим... »

Имзо А.ЮНУСОВА

Азиза буви аризасига жавоб кутиб, кўп тонгларни оттирди. Аммо жавоб бўлмади. Иккинчи томондан, бутун мол-мулки мусодара қилинган Абдупатто Солиев хонадони моддий тарафдан танглик сезиб, офир қийинчиликларга дуч кела бошлади. Етти-саккиз жон таъминланиб турган хонадондан битта соғин сигирни, гилам ва палосларни ҳам мусодара деб олиб кетишди. Бу ҳали ҳолва экан. Энг нохуш жойи оила аъзоларига руҳий тазйиқлар ўтказилиши бўлди. Азиза бувига – сен жиноятчининг онасисан, болаларга – жиноятчининг фарзандисан деб қарашади, ишга олишмайди, ўқишга қабул қилишмайди, ҳар хил бошқача камситилишлар, бармоқ учи билан кўрсатилишлар эса ортиқча. Жамолхон аянинг ўзи «жиноятчининг хотини» деган сўзларни неча бор эшитган. Айниқса, тирикчилик деб бригада шийпонида чой қайнатувчи бўлиб ишлаганида буни қаттиқ сезганди. Ҳаммадан ҳам, айримларнинг унга раҳми келиб, ачингандай тикилишлари қаттиқ ботарди, барчасининг юзига: «Эрим жиноятчи эмас! Мен жиноятчининг хотини эмасман! Биз ҳам сизга ўхшаб меҳнат қилган ҳалол одамлармиз! Ҳали кўрасиз!..» деб қичқиргиси, бир аламдан чиққиси келарди.

Келини Юлдузхон Солиева замона шеваларига чидолмай, Жамолхон аяга дил ёриб дейди:

– Онажон, пешонанинг торлигини кўринг! Ё, Худо! Бу қандай кўргилик, бало бўлди? Қайинотам Абдупатто Солиев ҳам, отам Умарали Ҳакимов ҳам, амаким Кимсанбой Ҳайдаров ҳам, амаким Абдуманноб Солиевлар ҳам қамалсалар... Биргина менинг яқин одамларимдан тўрт киши қамалса-я?

– Ўксинманг, қизим, ўксинманг! Худонинг яхши кунлари олдинда... – юпатади уни ўз дарди ўзига етиб ошадиган Жамолхон ая.

Азиза буви ўз аризасига ҳамон жавоб кутарди. Она кутади, ҳали ўн бир йил экан-ку, юз йил бўлса ҳам кутади Она! Жавоб келади, деб умид қилади. Онаизор – она-да! Унинг дуоси, илтижосини Оллоҳ таоло инобатсиз қолдирмади...

Юртнинг, эзилган ҳимоясиз халқнинг бахтига, давлат бошига она халқи учун куйиб-ёнадиган бир раҳбар келди! 1989 йил июнь ойида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб сайланди. Муҳтарам Юртбошимиз «Пахта иши»да ноҳақ жабрланганларга афв эълон қилди. Минг-минг жабрдийдалар қатори Жамолхон ая хонадонида ҳам кун туғди: Абдупатто Солиевга уч йилги айрилиқдан сўнг оқлаиб, ёруғ юз билан ўз оиласи бағрига қайтишига йўллар очилди!

* * *

Жамолхон аянинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ёзган мурожаатномасига дарҳол жавоб олинди. Эсингизда бўлса, Азиза буви аризасига умуман жавоб берилмаган эди. Ўша пайтдаги услубни тасаввур қилиш учун қуйидаги ҳужжатни аслида беришга қарор қилдик.

*президиум верховного совета узбекской ССР
юридический отдел*

711070

гор.Ташкент, Дом Правительства

30 сентября 1989 г.
Гр. Солиевой Ж. Андижанская обл, Бозский
р-н, с/з «Ленинчи»,
отделение №2

Сообщаем, что Ваше ходатайство о помиловании Солиева А.

Президиумом рассмотрено. Указом от 21.09.89 г. он(она) помилован, освобожден от дальнейшего отбытия наказания.

Заведующий отделом **подпись**

Жамолхон ая қувончли хабарни эшитиб боши нақ кўкка етди. Шошиб қолди.

Назарида, бундай кунларга ҳали узоқдай туйилар, умуман бўлишига ҳам ишониб-ишонмай қўйганди. Дарҳол бориб йиғлай-йиғлай кўзлари ожиз бўлиб қолган қайнонаси Азиза бувини тавоф этди, қутлаб юзларидан ўпди, кўзларидан оққан дув-дув ёшлар қайнонасининг юзларини ҳўл қилар эди. Қайнағалари Абдуманноб билан Абдуваҳобларнинг қўлларига янги кийим-кечак тутқазиб, «хўжайин»ни олиб келишга жўнатди. Байрам бўлиб кетди. Ишнинг охири яхши бўлди, шукр. Лекин ўтган уч йилдаги азоб-уқубатлар, руҳий тазйиқлар, кўнгил изтироблари, камситилишлар, ўксишлар, аламлар доғларини нима билан кетказиш мумкин, бу ёғини билмасди. Кетармикин ўзи?..

Ўғли Абдупатто қамоқдан қайтиб, уйга кириб келаётганида, ҳовлида ўтирган Азиза буви қувончдан ўзини йўқотиб қўяёзди, ёнида турган Жамолхон ая билан Юлдузхонларга ёпишиб: «Менга эҳтиёт бўлинглар! Қўлимдан ушланглар. Йиқилиб тушмай тагин. Оллоҳ, мадад бер!» – деди.

Йиғи-сиғилар бўлди. «Болагинам! Болагинам!.. – дерди, холос, онаизор. – Сени кўрадиган кун ҳам бор экан. Кўрмай ўтиб кетаманми, деб кўрқардим... Оллоҳга шукр! Беадад шукр!» Кейин кўз ёшларини артар-артмас, кўлларини дуога очди:

– Илоҳи, ўша сени қамоқ балосидан қутқарган пошшомиз юрт бахтига, халқ бахтига омон бўлсин! Худо берган инсон экан! Ўзларининг афви билан фақат сенмас, минг-минглаб бегуноҳларни асраб қолди. Ҳозир менга ўхшаб дуо қилиб ўтирган оналар қанча!.. Илоҳи, бошлари тошдан бўлсин ўша боламнинг!

Жамолхон ая гувоҳ – бир мухбир Абдупатто акадан сўради:

– Бўлиб ўтган шунча гаплардан кейин, сиз яна пахтачилик билан шуғуланмоқчимисиз?

У комил ишонч билан бундай жавоб қилди:

– Ота-онам пахтакор ўтган. Мен ҳам пахтакорман, ҳеч қачон бу йўлимдан қайтмайман!

Жисмонан кучли, бардошли инсон бўлган Абдупатто ака чин пахтакор эди. У 16 гектар ташландиқ ерни шартнома асосида олиб оз фурсатда пахтазор майдонига айлантирди. Сирдарё вилоятида, Бўз туманида яна раҳбарлик лавозимларида ишлади. Лекин маҳбусликдаги азоб-уқубатлар ва қийинчиликлар йиллар давомида ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Абдупатто Солиев 2001 йил 1 январ куни юрак хуружидан вафот этди. Бундай фидойи инсонларни хотирлаш, эслаб туриш лозим, токи уларнинг руҳлари шод бўлсин. Бу ҳам савобдир, ҳам шарафдир.

Уларнинг номлари асло ўчмайди.

Кўлимга Абдупатто аканинг қизи Манзурахон ёзган «Армон» деган шеър тушиб қолди. Унда шундай сатрлар бор экан:

Тонгда бошимизга ёгилди кулфат,
Оппоқ гулин тўкди хомуш бодомлар.
Ҳаёт лаззатига ташна, тўёлмай
Мангуга кўз юмди азиз дадамлар...

Дадам яшаб ўтди инсонларга хос,
Элни алдамади, дўстни сотмади.
Чинордай фарзандлар ўстириб дуркун,
Уларнинг роҳатин, афсус, тотмади.

Хушҳол суратингиз муқаддас тумор,
Ҳар кун минг бора суртаман кўзга.
Эзгулик йўлида одимлаб мағрур,
Муносиб фарзандлар бўламиз сизга...
Муносиб фарзандлар оталарнинг муносиб
ишларини давом эттирадилар.

* * *

Яқинда иккита оқ лайлак осмонда учиб келиб
Абдупатто Солиев ҳовлиси тепасида икки бор ай-
ланди, кейин ҳов нарироқда жойлашган, отаси
бошига тушган мусибатдан руҳий қийноқларга
дучор бўлиб, қирқ икки ёшида оламдан ўтган
Бахтиёр Солиев уйи устида ҳам чарх урди...

Жамолхон ая барини кўриб турарди.

«Оқ лайлаклар ўзларига уя қуриш учун жой из-
лаяптилар, шекилли...» деб ўйлади у.

Юраги ажабтовур орзиқиб кетди.

АЧЧИҚ ХОТИРАЛАР ЁДИ

Исм-фамилиям Шухрат Бобоёров. 1955 йил 19 сентябрда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани «Сахвант» қишлоғида туғилганман. Маълумот учун-да. Асл масалага келсак, у йилларни эслаш мен учун жуда ҳам оғир, оғирдан-оғир...

Ўзбекистонга ўзи нима учун керак эди 6 миллион тонна пахта етиштириш?

СССР деган империя ўз даврида дунёда ҳамма соҳаларда биринчи бўлишга даъвогар эди. У қишлоқ хўжалигими, санъатми, адабиётми, машинасозликми, космонавтиками, қай бир соҳа бўлмасин, юқори кўрсаткичларга эришиши керак эди.

Мен бир жойда ўқиган эдим, ўшанда СССРнинг пахта етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда бўлиши учун 9 миллион тонна деган рақам керак бўлган экан. Шунинг 6 миллион тоннаси Ўзбекистон чекига тушди. Пахта билан янтоқнинг фарқига бормайдиган, Москвада ўтириб қанча пахта бериш кераклигини белгилаб берадиган «катта пахтакор»лар Ўзбекистондан 6 миллион тонна пахта талаб қила бошлашди. Бу рақамни бажариб бўлмаслигини барча биларди. Давлатга 4 ярим миллион тонна пахта топширадиган Ўзбекистондан 2-3 йил ичида ҳосилни 6 миллион тоннага чиқариш талаб қилинди.

1983 йил мени хўжаликка раҳбар этиб сайлашди. Ўшанда 27 ёшда эдим. Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини тамомлаганман. Ўзим раис оиласида тар-

бия топганман. Мен раҳбар бўлган колхозда отам 21 йил раҳбарлик қилган. Колхоз вилоятда ягона орденли хўжалик эди. Иш бошлаганимда моддий бойлик ёки манфаат кўриш хаёлимда ҳам йўқ эди. Фақатгина отамнинг номига муносиб бўлишни бурчим деб билардим.

Ўн беш кундан кейин пахта терими бошланди. 2-3 сентябрь кунлари Қашқадарё вилоятига Ўзбекистон ССР Олий Совети раиси И.Усмонхўжаев келиб мажлис қилди. Колхозга раис этиб тайинланганимга 17-18 кун бўлган. Мажлис Шаҳрисабз тумани «Гулистон» колхозининг боғида бўлиб ўтди. Масала битта: пахта тайёрлаш режаси қачон бажарилади? Навбат Шаҳрисабзга келди. Ҳамма колхозларнинг раислари навбатма-навбат сўзга чиқишди. Сўзга чиққан биринчи раис 4 октябрь деса, ундан кейин чиққанлари 3 октябрь, 2 октябрь, 1 октябрь деди. Мен 25 сентябрда бажарамиз, дейишим керак эди. Хўжалигимиз тоғ олди ҳудудида жойлашган, анча салқин. Шунинг учун 7 ноябрда бажарамиз, дедим.

– Тўхта-тўхта, сен нима деяпсан? Ноябрьда бажарадиган 4-сорт пахтаг кимга керак? Буни қаердан топдинглар, – деди вилоят раҳбари Р.Ғоипов.

Усмонхўжаев мендан яна қайта сўради. Мен ўша жавобни такрорлаган эдим, «Йўқотинглар буни, туш трибунадан пастга, ишдан бўшатишлар», деди. Мен индамай чиқиб кетдим. Орқамдан ижроқўм раиси Мавлон ака Муҳаммадиев чиқиб, «Нега бунақа дединг, мажлис йўналишига қараб гапирмайсанми? Тўхтаб тур, Усмонхўжаев мажлисдан сўнг сен билан суҳбатлашса керак», деди. Чиндан ҳам, мажлис тугагач, вилоят раҳбари мени Усмонхўжаевнинг олдига олиб борди:

– Бу ҳали ёш, муддатини адаштириб юборди, шошилди, рухсат беринг, ишласин, – деди.

Усмонхўжаев «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демасдан хонага кириб кетди. Мен хўжаликка қайтиб кетдим.

Пахта бошланди, сентябрь ойида штаб очилди. Режа бўйича беш кунлик, ўн кунлик якунлар бўларди, бажариб боравердик. Бир ой ўтиб, биринчи терим тугаганидан кейин хўжалигимиз 5 минг 800 тонна ўрнига олти минг тонна пахта топширди.

Туман раҳбари Халил Холиқов ҳар сафар мажлис ўтказганда, «Қўшиб ёзишга йўл қўймаймиз, яхшиликка олиб келмайди», дерди, биз хурсанд бўлардик. Бир ой шу сўзида туриб берди. Орада вакиллар алмашаверди. Вилоятда вазият ўзгара бошлади. 20 октябрда обкомнинг иккинчи котиблигига Головачёв келди. Ҳамма иш шундан кейин бошланди. Холиқов олдинги гапини қайтармайдиган бўлди, кундан-кунга кайфияти тушиб борарди. Буни биз сезиб турардик. Лекин алоҳида суҳбатларда «Маҳкам туринглар, борини топширинглар», дерди. Штабда Головачёв ўтирар, ҳар кунги иш «разбори» кечқурунги соат 10-11 да бошланарди. Головачёв ўзбек тилини, айниқса, ҳақоратли, сўқиниш сўзларини яхши биларди. Октябр ойининг охирларига келиб бизнинг хўжалигимиз 80 тонна пахта топширди. Эсимда, 20 октябр кеч 11-12 ларда штабда бизнинг навбат келди, кирдик. Головачёв:

– Қанча пахта бўлди? – деб сўради. Мен:

– 80 тонна, – дедим.

– 130 тонна топширгансан, – деди пахта тозалаш заводи директори.

– Қанақасига 130 тонна бўлади, пахта топшириш пунктдан келяпман, 80 тонна пахта топ-

ширилди, – дейишимни биламан, Головачёв соф ўзбек тилида ҳақорат қила бошлади.

Пахта штабига телефон қилдим. У ердан «130 тонна топширгансан», дейишди. Қўшиб ёзиш бошланган эди.

Шундай кунларнинг бирида идорага келсам, ҳамма таҳликада.

– Терговчилар келди, бухгалтерия ҳужжатларини қулфлаб сизни кутишяпти, – дейишди.

Ўша хонага кирдим. Улар ўзини таништириб, «Ҳамма ҳужжатларни оляпмиз», дейишди. Бизнинг хўжаликда ҳам тафтиш ишлари бошланди. Ҳисоблаб кўрсам, ҳаммаси бўлиб олти ой ишлаганман. Бу ёғини гапириш ҳам оғир... Энг аянчлисиси, май ойида Тошкентга прокуратурага чақиришди. Карташян деган терговчи:

– Ҳозир сени қамоққа оламан, – деди.

– Қандай қилиб прокурор санкциясиз қамоққа оласиз? – дедим унга.

– Сенга санкция керакми? Қанча керак? – деди ва тортмасидан фамилия қўйилмаган, аммо муҳр ва имзоси босилган бир даста бланка олди.

Ана шундай босимлар остида сўроқ давом этаверди. МВД ертўласида тинимсиз сўроқ. Текшир-текшир 1986 йил апрелигача давом этди. Умримизнинг икки йили терговда ўтди. Адолат истаб бош урмаган жойимиз қолмади. Мен рус тилини билардим, савол-жавоблар пайтида кўпчиликка тилмочлик қилдим. Отам уруш қатнашчиси бўлгани учун рус тилини яхши биларди. У бизга ҳамиша «Сизлар рус тилини ўрганишларинг керак, тузум шунақа», дерди. Яхшиям ўрганган эканман, оғир пайтларда керак бўлди. Лекин рус тилидан саводим борлиги сўроқ қилаётганларнинг бирига ёқмади.

– Сен кимсан? – деб қолди.

Мен жавоб берганимдан сўнг:

– Сен ҳали ҳам очиқда юрибсанми? – деб дағдаға қилиб кетди.

Тергов ишлари бошлангандан кейин бир ярим-икки йил ўтяпти. Қаерга борсак, телефонлашсак, фалончи қамалибди, деган гаплар. Эшитиб, ҳафсалам пир бўлади. МВДдан чақириб «Адвокат ёлланглар, «айблов ҳукми»ни берамиз», дейишди. Бордик, қўлимизга «Айблов»ни олиб қайтиб келдик. Судья «Уюшган жиноятчиликка бошчилик қилиб, юқори ташкилотларнинг ноқонуний топшириқларини бажариб, давлат мулкани талон-торож қилган», деган хулоса чиқарди. Лекин терговда ҳам, тафтишда ҳам бирор сўм олган, деган гап йўқ. Қандай қилиб шундай айблов қўйилди? Хуллас, суд икки ой чўзилган. Уйдагиларга «Иш билан борувдик», деймиз. Ака-укаларим билишади. «Онамга айтманглар, уни олиб келманглар», дейман. Барибир онанинг кўнгли сезаркан... Орада протоколсиз сўроқлар ҳам бўлиб қоларди. Бир куни прокурор: «Агар ҳамма иш мени қўлимда бўлса эди, ҳаммангизни қўйиб юборар эдим», деган гапларни айта бошлади. Бизга қўшиб ёзиш топшириғини берганларнинг айримлари ҳам қамокда эди. Биз, уларни гувоҳ сифатида чақиринглар, деб талаб қила бошладик. Шулардан бири Головачёв эди, у очиқда юрарди. Энг алам қиладигани, «Ўзбек иши, пахта иши» деб қанча одам бегуноҳ қамалди, жонига қасд қилди, қанчаси юраги ёмон бўлиб оламдан ўтди, қамокда касал бўлиб ўлди, қанча оилалар боқувчисиз қолди, ўтиб кетганларнинг болалари етим қолди.

«Нима, бу айбловлар айнан бир миллат учун ўйлаб топиладими? Қани, «Ўзбек» ишида рус

миллатидан ким қамаалди? Головачёвни чақиринглар», деяверганимиздан кейин, у ҳам кўришиб қолди. Мени четга чақириб, қучоғини очиб кўришмоқчи бўляпти. Мен қўл бермадим, совуққина муомала қилдим: «Кириг, гувоҳлик беринг, кейин кўришаверамиз», дедим. Ўша вақт ўғли орқамдан келиб дағдара қилишга ўтди: «Бу нима билан тугашини биласизми?» деб. Мен ҳам ўша пайт терговма-тергов юравериб анча қотиб қолган эдим, жавоб қилдим: «Бизни қамаб қўйса, отанга нима бўлишини биласанми? Бор отанга айт», деб суд биносига кириб кетдим. 15 дақиқадан кейин Головачёв гувоҳ сифатида суд биносига кириб келди. Судланувчиларнинг ҳаммаси: «Мана шу қилди», деб бармоғи билан кўрсатиб ҳар хил норози сўзларни айта бошлашди. «Хўжалик раҳбари сифатида Головачёвга саволингиз борми?» деб сўрашди мендан. «Ўзи айтиб берсин. Қандай қилиб кун бўйи иш билан ҳориб-чарчаган одамларни тунги соат 3 гача ҳақоратлаб олиб ўтирганини. Ҳатто шу даражага бориб етдики, ҳали терилмаган пахтанинг сводкасини ҳаммамизга олдиндан ёзиб берарди», дедим. Шунда Головачёв судьяга қараб: «Мен ўзбек тилини яхши тушунмайман, билмайман», деди. Мен эса: «Сен билмайсанми, сен ўзбек тилини шунчалик яхши биласанки, ҳатто мактабдаги адабиёт ўқитувчисидан ҳам ўтасан, ҳатто ўзбек тилида шеър ҳам ёза оласан», дедим рус тилида. Ёнимдаги бошқа судланувчилар ҳам чидолмай қолишди. Суд залида «Гумондор сифатида қамоққа олинсин, Головачёв иши бўйича алоҳида ажрим чиқарамиз», дейишди. Суддагилар ҳам «ўйинчи» экан, жавоб бериб юборишди. Кўпнинг қарғиши урар экан. Орадан 5-6 йил ўтиб билсак, Ўзбекистондан ке-

тиб қолган экан Белоруссияга – Минскка, ўғли хизмат сафарида бўлганда уйида ўлиб қолган. Уйдаги ит овқат тополмай мурдани еган, булар аниқ факт. Мана шу-да, кўпнинг қарғиши ургани.

Шу билан 11 йил озодликдан маҳрум этилдик, партиядан ўчирилдик, ишдан олинганмиз. Бир воқеа эсимда турибди, ҳали иш бошланмасидан 3-4 ой аввал райкомга ўзим кириб бордим, ҳамма нарсадан кўнглим совиб бўлган эди: «Прокуратуранинг тавсиясини кутиб ётамизми, ўзим ариза берсам-чи, мен бу партия сафида туришни истамайман», – дедим. О-о, қанақа реакция бўлди. «Нима деяпсан, КПСС билан ўйнашасанми», – деди район партия комитетининг секретари. Мен: «Ахир сиз эмасмидингиз пахта штабининг бошлиғи? Ҳамма 80 тонна сводкани 130 – 150 қилиб қўяди деган? Қандай қилиб мендан Уставни сўрайсиз? Жавоб беринг, Конституциянинг 6-пунктида СССРда бутун ҳамма соҳани етакловчи, бошқарувчи ва рағбатлантирувчи КПСС. Юқори ташкилотнинг қарорлари қуйи ташкилотлар учун мутлақо мажбурийдир», деб ёзиб қўйилган бўлса, мен мана шу ноқонуний топшириқларни мана шу бинодан олганман-ку. Келинлар, шу ўз аризасига кўра партиядан чиқиб кетди, деб расмийлаштирайлик», – деганимдан сўнг, улар: «Э-э йўқ, сен нима билан ўйнашаётганингни биласанми?» – дейишди. Мен эса: Бўлмаса, юқоридан буйруқ келса, ўзимни иштирокимсиз партиядан ўчириб юборинлар», – деб билетни топшириб чиқиб кетганман.

Хуллас, қамоқ жазоси бошланди – 11 йил беришди. 1986 йил апрелда қамалган бўлсам, 1997 йил чиқишим керак. Бутун ҳаётдан умидимни уздим. Яна олиб бориб бизни – далада юрган

деҳқон одамларни – дини йўқ, миллати номаълум, каллакесар, ҳеч нарсадан қайтмайдиган жиноятчиларнинг орасига ташлашди. 1440 кишига мўлжалланган қамоқда 2200 киши ётарди. Камерани-ку айтмай қўяқолай. Баъзи камераларда 10 кишига мўлжалланган жойда 30 киши ҳам ётарди. Бу фактларни мен кейинчалик – чиқишимизга яқин ўша ердаги қамоқхона назоратчиларидан билиб олганман. «Пахта иши» билан бориб қолган хокисор одамлар бир-биримизни кўролмаймиз ҳам, ҳимоя ҳам қилолмаймиз. Биз бориб тушган зонада каззоблар роса йиғилган экан, ҳамма ўшалардан кўрқади. Менинг эса йўқотадиган ҳеч нарсам қолмаганиди, шундай кайфиятда эдим. Бор-йўғи олти ой ишлаб ҳамма нарсадан ажралиб бўлганман. Шунча азоблардан кейин келиб шуларга бўйсунаманми, дейман. Хуллас, улар билан низо кун сайин кучайиб бораверди. Айнан ўша кунлари – қамоқда ўтирганимизга 6-7 ой ўтганидан сўнг уйимиздагилар билан қисқа муддатли учрашув берилди. Учрашувга онам келибдилар. Ойнаванд девор орқали телефонда гаплаштирди. Онам бардам, тетикдек кўринди. Кейин билсам, мен билан учрашувга келмасидан аввал онам, акам вилоят раҳбари билан учрашган, менга хушхабар билан келган эканлар: «Ўғлим, икки кун аввал Қашқадарёнинг янги раҳбари – Каримов Ислон Абдуғаниевич билан учрашдик, у киши биз билан жуда яхши муомала қилди. «Шунча азобларни бошингиздан ўтказаяпсиз, биламан. Вилоятда бир сизнинг ўғлингиз эмас, жуда кўплаб одамлар қамалган, буни ўрганияпмиз, болаларингизни бағрингизга қайтарамиз», деб айтди, – деди онам. Эшитиб хурсанд бўлдим. Онамни юпатиш учун: «Ана, кўрдин-

гизми, она, ҳақиқат барибир юзага чиқади. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг, мен бораман яқинда», – деб бор-йўғи 15 дақиқагина гаплашдим. Аслида учрашувга 2 соат белгиланган эди, аммо юрагим чидамади – бошқа гапиролмадим.

Бошқа маҳбусларга ҳам шундай хабарлар кела бошлади. Орадан бир-икки ой ўтди, бу гап қамоқхонанинг бошлиқларига ҳам етиб борибди. Секин-аста бизга бўлган муносабат ўзгара бошлади. Биздан кейин қамоқхонага келганлар қисқароқ, муддатга – 4-5 йилга кела бошлади. Уч кунда бир ишга келадиган катта пропоршик ҳар келганида янги бир хушxabар топиб айтарди. Шу одам: «Умидни узманглар, «Пахта иши» бўйича катта ишлар қилиняпти, мана кўрасизлар, яқинда ҳаммаларинг чиқиб кетасизлар», – деб кўнглимизни кўтара бошлади. Аввалига ишонмай юрган эдик, маъмуриятнинг ҳам муомаласи ўзгаргач, умид пайдо бўла бошлади. Қамоқда хабар тез тарқалади, фалончига озодлик берилибди, фалончига шартли берилибди, деган гаплар кўпаяверди. Кейин мени муддатимдан 5 йилни олиб ташлаб, 6 йилга туширишди. Хўжалик иши билан қамалганларга қўриқчисиз юриш тартиби бор эди, шунга чиққанимиздан кейин жуда кўп ахборотлар эшита бошладик. Айниқса, танишбилишлар билан учрашувимиздан кейин янги маълумотлар кела бошлади. Мени кўргани танишим Турсунпўлат Каримов бориб қолди. У агропром раиси бўлган сафдошимиз Шухратнинг гапларини айтди: «Мен ҳафтада 4-5 марта вилоят раҳбари Ислон Абдуғаниевич билан кўришаман, далани бирга айланамиз, одамларни қабул қилганда қатнашамиз. Ислон Каримов бу масалани ўрганишга жуда қаттиқ киришган, ўзим гувоҳ-

ман. Фақат тинч юриб туринглар, ичкаридан баҳона топилмасин», деганидан кейин менда ишонч пайдо бўлган. У киши сельхозтехниканинг бошлиғи бўлган, яқин одам эди. Кейин бошқа маҳбуслардан ҳам шундай хабар кела бошлади. Бу ишлар шундай қолиб кетмаслигига биз анча ишониб қолдик. Аини шу омилар пайдо бўлган пайт радиодан, Қашқадарё вилоятининг раҳбари республикага ўтибди, деган хабар эшитдик. «Ана энди чиқиб кетамиз», дедик ишонч билан. Мен ўшанда биринчи марта қамокдаги одамларнинг хурсанд бўлганини кўрганман. Ҳамманинг кўзида қувонч, бир-бирини табриклаган. Ҳақиқатан кўп ўтмай шартли равишда муддатидан олдин озод қилиндик. 1990 йилнинг 14 февralида, 3 йилу 10 ой деганда уйга келдик. Кўп ўтмай Тошкентга чақиришди. Борсак, Олий судда пахта ишлари бўйича оқлаш комиссияси тузилган экан.

Сафдошлар ҳеч эсдан чиқмайди, Зиёдуллаев деган раисимиз қамокдан чиққач, бир ойдан сўнг вафот этган эди, шуни эслатдим, вилоят судининг вакили Даврон Турсунов буни билмас экан. «Биринчи навбатда ўзингизни ҳужжатингизни қилиб берайлик», деди. Шунда мен Турсуновга: «Э-э, энди бу одамларга «сен оқландинг» деган қоғозингни кераги йўқ», дедим-у, яна ўйлаб қолдим. «Уларнинг бола-чақаси бор, хурсанд бўлсин, майли, ўшаларнинг қоғозини биринчи тўғрилаб беринглар», дедим. Шунда Олий суднинг пахта ишлари бўйича оқлаш комиссияси аъзоси Даврон Турсуновга қараб:

– Кўрдингми, қанақа одамларни қамаб қўйганмиз, аввал ўзиники эмас, вафот этганларникини қилиб беринг, деяпти, – деб мени ўзининг хонасига олиб кирди. Ўшанда ҳам тўлиқ ишон-

маймиз оқланишимизга. «Ростдан оқланамизми ё йўқми?» – деб сўрадим вилоят суди раисидан. Ўшанда биринчи марта:

– Э, Шуҳратжон, орқангизда ким турганини биласизми? – деди у. Мен:

– Билмайман, – дедим.

У бу ишлар ортида Президентимиз тургани, «Пахта иши» комиссияси ҳам унинг талаби билан тузилганини ҳаяжон билан гапирди.

Ана шундан кейин тушуниб ета бошладим, бу одамнинг ўта қатъиятли, катта юкни елкасига қўтарганлигини, ички кечинмаларидан нималар ўтганини. Чунки ўша пайтда Москвага тенг келиш... «Ўзимга бир нима қилишса-чи?» деб ўйламадимикан бу одам? Кейин анча пайт ўйлаб, бир хулосага келдим. Демак, у киши «Шу ишни охирига етказиб, бегуноҳ одамларнинг обрўсини тиклаб, кишандан озод қиламан», деган қатъий қарорга келган бўлса керак.

Яқинда – 2015 йил 19 февралда Қашқадарёда Президентимиз билан учрашув бўлди. Унда Илом Абдуғаниевич тарихга ҳам бир назар ташлаб, халқаро аҳволни мажлис иштирокчиларига тушунтириш мақсадида қуйиниб гапирдилар. У киши собиқ тузумда қилинган барча қабиҳ ишларни мукаммал билар эдилар. Ўшанда битта сиғири бўлган, буғдойи, битта оти бўлган одамларни қулоқ қилиб сургунга юбораверган. Шунинг учун ҳозир ҳам ўша ерда – Украинада ўзбекларнинг авлодлари борлиги ҳақида, «пахта иши» деган бўҳтонлар ҳақида қуюниб гапирдилар.

У кишининг оташин нутқи, теран мазмунли сўзларини тинглаб эканмиз, биз барчамиз Президентимизнинг мардлиги, жасорат ва матонатига

яна бир марта тан бердик ва қалбларимизда катта фахр туйғусини ҳис этдик.

Мен шу ўринда Юртбошимизга узоқ умр, мустақам соғлиқ, Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида сўнмас куч-ғайрат тилайман.

Захро ҲАСАНОВА ёзиб олди.

P.S. Ушбу тўплам нашрга тайёрлаётган пайтда Шухрат Бобоёровнинг бевақт вафот этгани ҳақида Қашқадарёдан нохуш хабар келди. Оллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсин.

ҚОРА ТАРИХ ЁХУД ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШ

Бугун биз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шонли санасини кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўраётган эканмиз, аввало, шундай дориламон кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз. Айни пайтда неча-неча аждодларимиз учун ушалмас армон бўлиб қолган бундай даври давронга етиш осон бўлмагани, халқимиз мустақиллик йўлида қанчалик машаққатли азоб-уқубатларни бошидан кечирганини ёдга оламиз. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг айни шу ҳақиқатни назарда тутиб айтган қуйидаги сўзлари нақадар тўғри ва ҳаққоний эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз: **«Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллоти етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир».**

Ана шу сўзлар замирида чуқур маъно, бутун бир тарих мужассам, десак, асло хато қилмаган бўламиз. Биргина «тоталитаризм мероси», «мафкуравийлик иллоти етказган зиён-заҳматлар» деган ибораларнинг туб моҳияти, маъзига етиш учун юртимизда қарийб 70 йил давом этган мустабид тузум ҳукмронлиги даврида эл-юртимиз бошига тушган алам ва изтироблар, талафот ва йўқотишлар, хўрлик ва ноҳақликларни хотира ва тасаввуримиздан бирма-бир ўтказишимизга тўғри келади. Ана шу салкам 70 йил давомида

халқимиз бир зум ҳам хавфу хатардан, тазйиқу таъқиблардан холи бўлмаганини эслаб, беихтиёр бутун вужудимиз золим мафкурага нисбатан нафратдан титраб-қақшаб кетади.

Ҳақиқатан ҳам, биз одатда совет давридаги оммавий қирғинлар деганда, 30 ва 50-йиллардаги Сталин қатағонларини тушунамиз, холос. Аслида, Президентимиз таъкидлаганидек, эл-юртимизга қарши бундай оммавий қирғинлар шўролар салтанатининг биринчи кунларидан бошланиб, унинг сўнгги давригача давом этди. Албатта, бунинг исботини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Айниқса, собиқ СССРнинг охириги йиллари – 80-йилларнинг иккинчи ярмида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган ғирт тухмат ва бўҳтондан иборат қатағон кампанияларининг жароҳатлари ҳали ҳам тўла битган эмас. Ана шу даҳшатли воқеаларнинг тирик гувоҳлари орамизда ҳаёт кечирмоқда. Давлатимиз раҳбари куйиниб қайд этганидек, бу инсонларнинг тилидан айтилган сўзлар, далил ва исботлар билан кечаги ўтмишнинг энг кир, энг қора саҳифасини келажак авлодлар учун тарихга муҳрлаб қўйиш – бизнинг муқаддас вазифамиз.

Собиқ Марказдан юборилган, Гдлян ва Иванов бошчилигида терговчилар гуруҳининг Ўзбекистон бўйича 25 мингдан зиёд одамни ноҳақ жавобгарликка тортгани расмий ҳужжатлардан яхши маълум. Агар ҳар бир қамалган, терговга тортилган инсон ортида унинг оиласи, ўртача тўрт-беш нафар фарзанди, қариндош-уруғлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу даҳшатли кампания оқибатида моддий ва маънавий зарар кўрганларнинг сони бир неча баробар ортиб кетади.

Бундай қонли қатағон юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари қатори Тошкент вилоятини ҳам четлаб ўтмади. Ҳар бир юртдошимизнинг қалби, юраги ваҳимадан безовта бўлган ўша таҳликали йилларда вилоят бўйича жами 450 нафардан кўпроқ одам ноҳақ жабр тортди. Уларнинг аксарияти ҳеч қандай юқори лавозимга эга бўлмаган, ҳалол меҳнат билан кун кўрган оддий одамлар экани, айниқса, кишини ҳайрон қолдиради. Туну кун, қишин-ёзин умри далада ўтган, кўллари меҳнатдан қадоқ бўлиб кетган бу заҳматкаш инсонларнинг нима гуноҳи бор эдики, шафқатсиз тузум уларни қатағон тегирмонига ташласа?! Мустабид тузум мафкураси, «доҳий»ларининг иккиюзламачилиги, мунофиқлиги одамни янада ҳайратга солади. Бир «доҳий» «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади», деб бутун дунёга жар солади, шу билан гўё ўзини ўзбек халқига меҳрибонлик қилгандек кўрсатади. Аслида, меҳрибонлик қайда? Буларнинг барчаси сиёсий нафма, ўйин эди. Бундай «меҳрибонлик» остида қандай ғаразли мақсад ётганини унинг ўрнига келган бошқа бир «доҳий» фош этиб қўяди ва ана шу «олтин қўллар»га темир кишан солиб, уларни қайириб, синдириб, одамнинг ақлига сирмайди-ган гуноҳларда айблайди. Бир халққа нисбатан бунчалик айёрлик, маккорлик, ёлғон ва бўҳтонларни тарих кўрганми ҳеч?!

Ана шундай «олтин қўллар»нинг қандай қилиб «Пахта иши»га «аралашиб қолгани» ҳақида албатта кўп мисоллар келтириш мумкин. Биз бу ўринда фақат бир жабрдийданинг ана шу фожиа гирдобига тушиб, қандай омон чиққани ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Эргаш ота Раимқулов Тошкент вилоятининг Чиноз туманида яшаган. Яратган унга 90 ёшдан зиёдроқ умр берди. У эсини таниганида ўзини пахта даласида кўрган. Бир умр далада ишлаб, энди қарилик гаштини сураман, деб турганида, бошига ҳеч қутилмаган фалокат тушди. Бунга қарангки, бутун ҳаётини пахта етиштиришга бағишлаган одамнинг хонадонига «Пахта иши» деб аталган бало ёғилса-я! Катта ўғли Маматқулни ярим тунда келиб, кўз олдида қўлига кишан солиб олиб кетишди...

Қани бир мард топилса-ю, ҳой, нима қил-япсизлар, меҳнатга туҳматми, кучларинг бир беғуноҳ бечорага етдими деб, уларни озгина инсофга чақирса! Бу гапни ким ҳам айтарди, дейсиз. Ўша пайтдаги туман, вилоят, ҳатто республика раҳбарлари кўрқувдан жонини ҳовучлаб, «ҳаммаси тўғри, ҳаммаси мақсадга мувофиқ», деб турган бўлса.

Алам қиладиган томони – Эргаш ота аёли Саври ая билан бирга меҳнатдан боши чиқмади. Эргаш ака тракторчи, тонгдан шомгача уйга келиш йўқ. Тўрт фарзанд кўришди – икки ўғил, икки қиз. Пахтазорга сепилаётган захри қотиллар ўз ишини қилди – хотини сил касалига чалиниб, дунёни эрта тарк этди. Ўшанда катта ўғли Маматқул эндигина ўн ёшга етганида Эргаш ака тўрт гўдак билан қақшаб қолаверган эди.

Эргаш ака умидсизликка тушмади, рўзғорга аёл, болаларга она керак. Аёли қазосидан уч йил ўтгач, Қумри исмли аёл билан ҳаётини боғлади. Аёли самимий, камсуқум инсон эди. Худойим яна икки ўғил, тўрт қиз – олти фарзанд ато этди.

Эргаш Раимқулов ўз даврининг энг фаол, энг фидойи пахтакор механизатори бўлиб назарга

тушди. 1951 йилдан бошлаб пахта териш машиналарини синашда фаол иштирок этди. Айнан унинг таклиф ва хулосалари асосида ушбу машина механизмлари такомиллаштирилди. У бир неча бор халқ депутатлари туман, вилоят кенгашларига депутат бўлиб сайланди. 1954 йили машинада пахта териш бўйича республикада ёш механизаторлар ўртасида учинчи ўринни олди. Вилоят ва туманнинг биринчи раҳбарлари уни йиғилишларга ўзлари билан бирга олиб борадиган, ўзгаларга намуна қилиб кўрсатадиган бўлишди. Лекин буларнинг барчаси ҳалол меҳнати учун берилган ҳақиқий мукофот эмас, балки ўша маккор тузумнинг ёлғончи ўйинлари бўлиб чиқди. Оддий иқтисодчи ўғлини «порахўрлик»да, «қўшиб ёзиш»да айблаб, бағридан юлиб олиб кетишганида буларнинг ҳаммасини тушуниб етди.

Эҳ, нимасини айтасиз, у кунларнинг азоби бақувват нортугяни ҳам чўктириши ҳеч гап эмасди.

Эргаш отанинг кўзлари бугун деярли кўрмай қолган. Ўнг қўли қалтирайди. Саволингизга қийнала-қийнала жавоб беради.

– Энди, болам, сиёсат офир эди у пайтларда. Ўша давр талаби бўйича фаол тракторчилар бригадирлик ҳам қиларди. Мен ҳам бригадир эдим. Ғўзанинг баргини тўкиш учун захри қотилларни сепаман деб юзим, қўлларимнинг териси бутунлай қовжираб, шилиниб кетганини кўрсангиз эди.

Бригадамизда Ашир Қурааматов деган сувчимиз бўларди. Аёли Хайри далага ғўзани чопиқ қилишга чиққан, ҳомиладор, ой-куни яқин эди. «Бекор олиб чиқибсан», – десам, – топшириқни бажармасам, балога қоламан», – деди. Шу куни аёлини тўлғоқ тутиб қолса бўладими, туғруқхонага етказиб боролмади, далада кўзи ёриди.

Уйимиз билан дала шийпонининг ораси кимга 300 метр, кимга 500 метр, кимгадир бир чақирим бўлса ҳам, ҳамма дала шийпониди тунашга мажбур эди. Айтсангиз, ҳозирги ёшлар ишонмайди, у пайтлар уйимиз ҳам далада, ошу нонимиз ҳам далада, боламиз, бешигимиз ҳам далада эди.

Мен вилоят кенгашига депутат бўлганим учун мусобақадош вилоятларга ўзаро текширувга бориб турардим. Бизнинг вилоят Андижон пахтакорлари билан мусобақадош эди. Ўша вақтдаги обкомнинг биринчи котиби Абдумалик Абдураззоқов мени ёнига чорлаб:

– Эргаш, ҳар тўқисда бир айб, деган гап бор. Тағин йўқ жойдан камчилик излаб юрманглар, – деб тайинлади.

Аммо комиссиямиз раҳбари Москвадан келган бир баджаҳл аёл эди. Андижонга бориб, бир нечта туманни икки кун давомида ўргандик. Якуний йиғилиш бўлди. Ана шунда бошланди денг томоша. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Умрида ғўза кўрмаган, чигит экмаган ўша баджаҳл аёл кекса пахтакорлар, эркагу аёлни шу даражада ҳақорат қилдики, қўяверасиз... Рости, бундай аҳмоқликдан ўзимни қўярга жой тополмай қолганман. Гуёки ўтирган жойимда товоним ёрилиб кетгудек эди...

Мустабид тузум даврида бундай бемаза ишлар тез-тез учраб турарди. Ҳали тобига келмаган ерга «Нега чигит экмаяпсан?» деб дўқ уришлар, ҳатто ўзбек деҳқонига кетмонни қандай ушлашни ўргатмоқчи бўлганлар, э, буларнинг ҳаммасини кўрдик.

Барчасига чидаш мумкин эди. Лекин «Пахта иши» деган балони бошимизга келтириб, тўнғич боламни беайб қамаб қўйганларидан кейин, рости, жоним ҳалқумимга келди, пичоқ бориб суякка қа-

далди. Қани инсоф, қани диёнат, қани биз сиғинган меҳнаткашларнинг халоскор коммунистик партияси?!

Ўша даврдаги обрў-эътиборим, депутатлигимдан фойдаланиб, адолат истаб бормаган жойим қолмади. Бир сафар Ўзбекистон ССР Олий Судининг раисига кирдим. «Айтадиганингизни тез айтинг», деб қисталанг қилиб, уч дақиқагина вақт берди. Имкон қадар дардимни айтдим... Кейин СССР бош прокурори Рекунковга ёзган шикоятни олиб Москвага жўнадим. Тўрт-беш кун кўчада ўтириб, қайтиб келдим. Биласизми, ҳеч ким оҳимни эшитмади. Қарасам, Кремль жойлашган Қизил майдон атрофида, катта-катта идоралар остонасида мен каби сарсон-саргардон юрган ўзбекларнинг саноғи йўқ экан. Ҳаммаси «Пахта иши»дан дод дейди, «Гдяян ва Ивановнинг уйи куйсин, уруғига ўт тушсин», дейди.

Аммо, болам, Худойим суйган бандалари учун бир нажоткорни юборар экан. Мен Юртбошимиз Ислон Каримов тимсолида ана шундай нажоткорни кўраман. Шу инсонга минг қуллуқ. Заҳматкаш элимизни қанча-қанча азоб-уқубатлар домидан эсон-омон олиб чиқди. Миллатни миллат, давлатни давлат, Ватанни Ватан қилиб дунёга танитди. Халқимизга ўз юртингга, ўз ерингга ўзинг хўжайинсан, сенинг мулкингга, бойлигингга кўз олайтиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб эгилган қаддини тиклади.

Бу ёруғ кунларимизга кўз тегмасин, илойим! Биз кўрган азоб-уқубатларни фарзандларимиз ҳеч қачон кўрмасин.

Сухбатимизни «Пахта иши» кўргиликларини бошидан ўтказган Маматқул Раимқулов ва у кишининг аёли билан давом эттирдик.

– Дунёда энг ёмон нарса тухмат балосига йўлиқиш экан. Дардингизни кимга айтишни билмасдан гангиб қолар экансиз, – дейди Маматқул.

– Бу кишини қамаб қўйишганида фарзандларимизнинг каттаси ўн яшар, кичиги бир ярим яшар эди, – дейди унинг аёли Мамлакатхон. – Аксига олиб шу воқеа содир бўлганидан кейин уч ой ўтиб учта болам бирин-кетин сариқ касалига чалиниб қолса денг. Онам раҳматли Мунаввар ая шифохонада олиб ётдилар. Ўзимиз ҳали қуриб битказилмаган янги уйдамыз. Бунинг устига, биздан тўрт-беш километр узоқдаги Қўтарма қишлоғидаги мактабга автобусда қатнаб ишлайман. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. У даврда энгил машиналар деярли йўқ. Бу ҳам етмагандек, тушдан кейин дарс берадиган шеригим ҳам сариқ касалига чалиниб, шифохонага тушиб қолди. Унинг дарсларини ҳам менга қўшиб беришди. Қишли-қировли кунлар, уйга қош қорайганда келаман. Газ йўқ. Иккита ўчоққа овқатга олов ёқаман. Бири – шифохонага парҳез таом, иккинчиси – ўзимизга. Кейин қизим кўчага қараб мўлтираб тургандир, деб шифохонага чопаман. Йўлда сирпаниб, йиқилиб қолишдан қўрқаман. Бир куни хаёл билан рўпарамдан тез келаётган поездни ҳам сезмай қолибман. Худо ўзи бир асради, фарзандларим бахтига омон қолдим.

Катта ўғлим Воҳиджон кўчадан «Ойижон, ўртоқларим, сенинг аданг қамоқда, дейишяпти, шу ростми?» деб бўзлаб келади. «Йўқ, – дейман, – аданг Москвага ўқишга кетган». Ўғлимни юпатган бўламан-у, ўкраб йиғлаб юборишдан ўзимни аранг тияман. Худойимдан ўзимга сабр тилайман, матонат сўрайман. Кўз ёшимни ҳеч ким кўрмайди, деб қасам ичган бўламан. Орадан бир йил ўтганидан

сўнг дарсимни тушдан кейинга ўтказиб, саҳар туриб бозорга чиқадиган бўлдим. Янгийўл туманидан кўкат олиб келаман. Қайнотам хўжайинимнинг ортидан ўзлари елиб-югурганлари учун, менга ҳеч қаерга боришга рухсат бермадилар.

– Қизим, эрингиз ёруғ юз билан қайтиб келгунича беш боланинг иссиқ-совуғига қараб, соғомон олиб ўтиришингизнинг ўзи катта гап. Яна ишга борасиз. Ўзингизни асранг, Худо хоҳласа, ҳақиқат қарор топади, мана кўрасиз, – деб менга далда берар эдилар.

Шукрким, ҳақиқат қарор топди. 12 йилга ҳукм қилинган эрим салкам уч йилда оқланиб, эсон-омон қайтиб келди.

Аммо бунга қадар Маматқул ака чеккан жабру жафолар, хорлигу зорликлар, таҳқиру надоматларни айтишга тил ожизлик қилади.

– Онамдан эрта етим қолиб, болалигим интернат мактабида ўтгани учун, – деб хотирлайди Маматқул ака, – яхши ниятлар қилардим. Учувчи бўлиш энг буюк орзуим эди. Оилавий учувчи бўлган Акбаровларга ҳавасим баланд эди. Аммо институтга кириш имтиҳонлари пайтида керагича балл тўплай олмадим. Кейин Тинч океани ҳарбий флотига хизматга кетдим.

Маматқул ҳарбий хизматдан қайтиб, 1972 йилда жамоа хўжалигида оддий табелчи бўлиб иш бошлади. Тошкент халқ хўжалиги институтида сиртдан ўқиди. Олий маълумотли мутахассис дипломини олгач, дастлаб чорва бухгалтери, кейин оддий иқтисодчи, 80-йилларда эса хўжалик бош иқтисодчиси бўлиб ишлади.

1983 йили Маматқул Раимқулов Чиноз тумани партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимига йўриқчи бўлиб ишга ўтди. 1985 йилда эса уни

«Пахта иши» бўйича, 1982 йилдаги фаолияти учун туман прокуратурасига терговга чақиришди. Кейин қамоққа олишди. Дастлаб туман ички ишлар бўлимидаги назорат постида бир ой ушлаб туришди. Ёнига, ўша пайтдаги тергов усулига кўра, «наседка» деб аталадиган, узоқ йиллар қамоқда ётган бошқа миллат вакиллари кириштиришди. Улар аввалига роса бошини айлантдиришди, ичкилик, наша, маст қилувчи нарсаларни таклиф қилишди. Кейин, «Терговчи нимани ёз, деса, шуни ёзишинг керак», деб «маслаҳат» беришди. У кўнмади, обдан калтаклашди, хўрлашди. 1985 йилнинг 2 июлида Тошкент шаҳридаги тергов изоляторига олиб келишди.

Битта хўжаликдан беш киши – хўжалик раиси Мутал Абдуллаев, бош ҳисобчи Исоқ Умаров, кассир Маҳмуджон Мансуров, табелчи Яхшибой Тўраев ва Маматқул қамалди. Буларнинг ҳар бири билан ўтказилган тергов тафсилотларини айтадиган бўлсак, мустабид тузумнинг ваҳшийлиги ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай чегара билмагани янада аён бўлади.

Ҳар бир камера 19-20 кишига мўлжалланган бўлса-да, 42 кишини ҳайдаб киритишган эди. Навбати билан икки-уч соатдан ухларди.

– Бизнинг камерада собиқ Ҳамроқул Турсунқулов хўжалигида 25 йил раислик қилган раҳматли Ўсар Жўраев ҳам бор эди, – деб хотирлайди Маматқул ака. – У кишининг метин иродаси, эртанги кунга ишончи, ҳаётини панд-насиҳатлари бизни жуда кўп балодан асраган. «Ҳали ёшсиз, тушқунликка тушманг, хатога йўл қўйманг, ўзингизни асранг, ёмонларга қўшилманг, биз катта бир оқимга, тўфонга тушиб қолдик. Худо хоҳласа, озод бўлиб кетамиз, яхши кунлар олдинда», – деб

ҳар куни кўнглимизни кўтарарди у киши. Бечоранинг иккала оёғи тиззасидан пастигача яра-чақа бўлиб, йиринглаб кетган эди. Охири бўлмади, уни қамоқнинг тиббиёт бўлимига олиб кетишди. Ўша ерда не бир азоблар билан ҳаётдан кўз юмди бояқиш.

Ўсар ака каби камтарин ва меҳнаткаш, кўнглида кири йўқ, шумликни билмайдиган инсонлар қамалганлар орасида кўп эди. Афсуски, уларнинг қанчаси ноҳақликка дош беролмасдан, ўкинч ва армон билан дунёдан ўтди ёки бир умр ногирон бўлиб қолди.

Бизнинг хўжалигимиздан қамалганларни саккиз ой қамоқда ушлаб туришди. Э, нимасини айтасиз, кўрган азоб-уқубатларимизнинг чек-чегараси йўқ эди. Олтита тишимни олиб ташлашди. Тишни суғуришдан олдин оғриқни қолдирадиган укол қилиш, милкингишга малҳам босиш қаёқда. Оғриққа чидаёлмасдан бақирсангиз, баттар бўл, деб бошингизга мушт туширишади.

Ниҳоят, суд бўлиб, мени 12 йилга ҳукм қилишди. Ҳукмдан кейин Олмалик шаҳрида ёпиқ заводда ишладик.

Менга «Айбингни бўйнингга олиб, кечирим сўрасанг, афв этишади», деб кўп бор уқтиришди. Ҳатто оқловчим келиб ҳукуматдан кечирим сўрашимни илтимос қилди. Мен қатъий рад жавобини бердим. Ахир, айбдор бўлмасам, қайси юз билан, қайси виждон билан ва кимдан кечирим сўрашим керак?

Ўсмирлик, йигитлик йилларим ошиқлик инсонни шоир қилади, деб ўйлардим. Аслида дард, изтироб инсонни шоир қиларкан. Қамоқда катта бир дафтар тутдим. Дафтаримнинг илк саҳифасига Дантенинг «Энг бахтли дамларни бахтсизлик дам-

ларда эслашдан оғир ғам йўқдир», деган ҳикмати-
ни ёзиб қўйдим.

Ўкинчимни, алаимини, аммо эртанги кунга
ишончимни ҳам шу дафтарга тўкиб солдим. Ўзга
шоирларнинг дардимга малҳам бўладиган шеърла-
рини кўчириб ёздим. Шуларни қайта ўқийман, ёд-
лайман. Ўзимга шу шеърлардан юпанч излайман.
Яхши шеърлар қалбимдаги тушкунликни сидира-
ди. Яшашга, муҳаббатга чорлайди. Наздимда беш
боламнинг ҳар бири – адажон, сизни кутяпмиз, дея
остонада мўлтираб тургандек туйилаверади.

Хаёлимда ўғлимга шеър ўқийман:

*Тақдир пешонамга битганда, ё Раб,
Сарсон ва айрилиқ солган кунларни.
Йиғламагин, бағрим! Йиғлама, ўғлим,
Бедор ўтказмагин мудҳиш тунларни.*

*Кўзларингда кўрсам гарчи томчи ёш,
Олсин фалак мени! Ёндирсин, майли.
Оламни яратган муқаддас қуёш,
Кўнглиннга ҳам солган қилмиш туфайли.*

*Ортиқча шон-шуҳрат ортидан қувган
Малъунлар лойида тойдим, йиқилдим.
Суюнган, ачинган, қадримга етган
Инсонлар қадрини ўшанда билдим.*

*Юрагимда ёнган ҳиссиёт билан
Қалбим буюргандай юваман уни.
Ғам-гусса қувилар, диллар бўлар шод,
Қариндош дўстларим қутлаган кунни.*

*Борганимда, ўғлим, ёруғ юз билан,
Кетар ушбу ғамлар, кетар мусибат.*

*Шахло кўзларингда, гулгун юзингда
Севинч ёшларини кўраман, албат.*

*Йигламагин, ўғлим, бағрим, йиглама,
Эр йигитлар учун йиглаш бегона.
Иқбол чирогини ёқсин, тобласин,
Деган ният билан тукқан-ку, Она!*

*Учрашув онлари йироқмас, ўғлим,
Буни мен ва сен ҳам қиламиз ҳавас.
Ўша дам қўлингга даста гул тутиб,
«Хуш келибсиз, дада!» дея олсанг бас.*

Ўзбекистонда Ислоом Каримов раҳбар бўлиб, ҳамма адолатсизликларга чек қўйганидан кейин тўла оқландим. Уч йиллик иш ҳақимни ҳам беришди.

Албатта, айбсиз эканим исботлангани элу юрт, фарзандларим, қариндош-уруғ олдида чўккан қаддимни кўтарди. Ўзим ишлаган хўжаликда дастлаб иқтисодчи, кейин бош ҳисобчи ва раис бўлиб ишладим. Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очилганидан сўнг, ана энди ишлайдиган замон келди деб, 25 гектар ер олиб «Яшил водий зиёси» фермер хўжалигини ташкил этдим. Кейин оиламиз билан бирга уч гектар ерда боғ яратдик.

Худо умр берган экан, мана, Мамлакатхон билан беш фарзандни уйли-жойли қилиб, 15 набиранинг бобоси, бувиси бўлиб шукроналикда ҳаёт кечиряпмиз. Ўғилларим олий маълумотли, ўз касбининг устаси. Қизларимиз ҳам бахтли оилаларнинг бекаси, касб-кори тайин инсонлар.

Тақдир экан, мен билан бирга қамалган, ҳам синфдош, ҳам олий ўқув юртида бирга ўқиган

дўстим Якшибой Тураев бу ёруғ кунларни эрта тарк этди – қамоқда сил касалига чалиниб, асаби ишдан чиқди, шу азоблар туфайли қазо қилди. Хўжалик раиси Мутал Абдуллаев ҳам оламдан ўтди. Барчасини Оллоҳ раҳмат қилсин!

Мана, Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонимиз йил сайин ривожланиб, дунёдаги энг бақувват давлатлар қаторига кириб бормоқда. Мен кўпинча «Бундай ютуқларнинг асосий сабаби нимада?» деб ўзимга савол бераман. Ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб, бу саволга жавоб топгандек бўламан: бу ютуқларнинг асоси – тинчлик-осойишталикда. Аввало, одамларимизнинг кўнгли тинч, хотиржам. Уларда эртага ўзимнинг, оилам, фарзандларимнинг тақдири нима бўлади, деган хавотир, бесаранжомлик йўқ. Эртанги кунидан кўнгли тўқ инсон эса чин дилдан меҳнат қилади. Ҳосили, роҳати эртага, албатта, ўзимга, болаларимга тегади, деб дарахт экади, уй-жой қуради, йўллар, кўприклар барпо этади. Юртбошимизнинг «Ободлик кўнгилдан бошланади», деган ҳикматли сўзларининг маъноси ҳам асли шу.

Илойим, бундай гўзал ҳаётимизга кўз тегмасин. Мен давлатимиз раҳбарининг «Биз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон қайтмаймиз!» деган сўзларини эшитганда, қувониб, тўлқинланиб кетаман. Ҳақиқатан ҳам, худди қўрқинчли тушдек қоп-қора кечаги кунларга, кечаги тарихга ҳеч қайтгулик қилмасин. Юртбошимиз омон бўлсин, Ўзбекистонимиз янада дадил қадамлар билан илгарилаб бораверсин!

...Биз ҳам ҳикоямиз қаҳрамони Маматқул Раимқуловнинг фикрига қўшилган ҳолда, сўзимизни яқунлаймиз. Чунки юракдан чиққан бу сўзларга бирорта изоҳ ёки қўшимчанинг ҳожати йўқ.

«ҲАҚ ЙЎЛИ, АЛБАТТА, БИР ЎТИЛҒУСИ...»

Оламни таниш ўзингни танишдан бошланади, дейди донишмандлар. «Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси», дейди озодлик йўлларида қурбон бўлган улуғ шоиримиз Чўлпон. Мустақиллик 25 йилда юртимиз ҳаётини, юртдошларимиз руҳиятини қанчалар ўзгартириб юборди. Истиқлол халқимизга бахт берди, имкониятлар эшигини очди. Оқни қора, қорани оқ деб айтишга мажбур бўлган, кўкси куйиб ўтган ота-боболаримиз орзу қилган замон келганига минг шукр.

Бобом: «Катта томорқамизда етишган буғдойни тегирмонда туйдириб нон ёпиб, ўз нонимизни ўзимиз ўғридай беркитиб ердик. Оқ нонни қайдан олдинг, деган маломатдан чўчиб, чўғнинг тафтида ноннинг юзини куйдириб пиширардик. Бир бурда нонниям тишлаб-тишлаб ея олмаган замонларда яшадик-да, болам», дердилар армон билан. Бобом айтганидек, буғдой экиб, нонга тўймаган, пахта экиб, «Пахта иши» билан қораланиб, бағри қон-зардобга тўлган юртдошларимиз қанча эди. Оталар, эрлар, ўғиллар эди улар. Ана шундай қора кунлар жабрини тортган оила бекаси Гавҳар Шарипова билан бўлган суҳбатимиз қора кунлар хотирасини жонлантирди.

Уста деҳқон Зариф отанинг тўнғичи Гавҳар оиланинг энг яқин кўмакчиси эди. Деҳқон боласи бўлгани учун суяги далада қотди. Отаси бошчилик қиладиган пахта бригадаси аъзолари орасида ҳар ишда илғор бўлгиси келарди. Ерга чигит қадалганидан то кеч кузгача ҳар куни дарсдан кейин далага чопади. Йиғим-терим пайтида «мингчи»лар

қаторида донг таратса ҳам, тунни тонгга улаб, китоб ўқийди. Адабиётга бўлган қизиқиши боис 1966 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг (ҳозирги Урганч давлат университети) ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Яхши қиз маҳалласидан ортмайди, деган нақд чин экан. Маҳалласидаги Шарифжон деган йигит билан тақдири боғланди. Зиёли, ҳалол-пок бўлгани учун қишлоқда Шарифбойни ҳамма ҳурмат билан тилга оларди. Фарзанд доғи юрагини тилиб, кўзининг оқу қораси ёлғизгина Шарифбойга суяниб қолган ота-онаси келин-куёвни дуо қилиб, Гавҳарни ўз қизидек бағрига босишди. Улар ҳамкасб эди. Бир даргоҳда ишлаб, ёшларга таълим-тарбия бериш баробарида рўзгор юкини биргалашиб тортардилар. Уч фарзанд кўришди. Онаизорнинг бағри тўлиб, боғи кўкариб, набираларини бағрига босиб, шукрона айтиб юрган кунлар эди...

1985 йил 20 март. Ўшанда Шарифбой колхозда «партком» вазифасида эди. Кутилмаганда жамоа раиси 6 март куни тунда ҳибсга олинди. Барча офирлик унинг зиммасига тушди. Эрта баҳор – деҳқоннинг тинчи бузилган палла. Беда экинини якунига етказиш учун кеча-кундуз даладан бери келмайди. Шом чўккан пайти далада 3-4 та нотаниш одам пайдо бўлди. Пешонасидаги терни артишга ҳам қўймай, қўлига кишан солиб олиб кетишди. Ўша кунларни Гавҳар опа шундай хотирлайди:

– Катта қизим Мақсудахон 3-синфда, Моҳирахон 6 ёш, ўғлим Жасурбек 1,5 ёшда эди. Мактабда эдим. Қайнонам тез келсин, деб одам юборганида юрагим қинидан чиққудек уйга югурдим. Маҳалладошлар орасида беш-олти нотаниш кишилар-

ни кўриб, ҳайрон бўлдим. Қайнонам бояқишнинг рангида қон йўқ, деворга суяниб турибди. Ўша кишилардан бири менга ўшқира бошлади: «Эринг Жамматов Шарип кеча қамоққа олинди. Яхши кўрган даласидан қўлига кишан солиб олиб кетдик. У порахўр, ҳукуматга қарши иш қилган жиноятчи. Ундай одамнинг оиласи, болалари ҳам жиноятчи бўлади, тушундингми? Бор, уйга қўйган пулларни олиб чиқ, йўқса тинтув қилиб топиб олиб...» деб дўқ ура бошлади. Нима бўлаётгани ақлимга сиғмай, бироз эсанкираб турдим, кейин уларга баланд овозда: «Эрим порахўр эмас, жиноят қилганига ишонмайман. Ҳалолдан ризқ топиб меҳнат қиладиган одамга бўҳтон қилманг, мени силталашга ҳақингиз йўқ. Бу бизнинг уйимиз, бу аёл бизнинг онамиз, ранг-рўйини қаранг, жони ҳалқумига келиб титраб турибдию раҳмингиз келмайдими, сизниям она туққандир», дедим.

Негадир ўша дамда йиғламадим, нафратим юрагимга қувват бўлиб қуйиларди. Уйда асраб қўйган пулимиз мана, бошқа бир чақаям йўқ деб 16 сўм пулни уларга узатдим. Уй тўрига тўшалган эски гилам ва тўшамани, болаларим кўриб турган оқ-қора телевизорни, дарс тайёрлайдиган столни хат қилиб машинага юклашди. Ота-онам тўйимда совға қилган гиламга тегманглар, деб кўп уриндим. Қўшнилар чувиллашиб телевизорини қайтаринглар, бояқиш болаларига нима дейди, деб уларни инсофга чақирмоқчи бўлишди, аммо бефойда эди.

Ўша дамда кўзимга ҳеч нарса кўринмас, юрагимда бир парча ўт ёнарди. Одамлар тарқагач, «вой, болам-эй, энди нима қиламан, энди сенсиз кўз юмсам, гўримга ким тупроқ тортади, бир этак болаларинг билан хотининг нима қилади, ҳалолим

болам, виждонингга қарши иш қилмайсан, биламан, сенга хусумат қилганларгаям Худо бордир, сен ёмон иш тутмагансан, болам...» деб ер муштлаб бўзлаётган онамни, мактабдан қайтиб, уйимизга ўғри тушдим, она, деб қўрқиб титраб турган болаларимни бағримга босиб: «Бизни Ҳақ яратган, умр бериб тақдири азалимизни манглайимизга битган. Ҳақ одам энгилмайди. Тез кунда эрим қайтиб келади», дедим. Ўша кунларда ота-онам, укаларим менга ҳамдард бўлишди. Телевизорни уста созляпти, гиламларни ювишга бердик, деб болаларимни алдаб турганимни кўриб, отам керакли уй жиҳозларини олиб келди. Дадам нега уйга келмайди, деб савол берган болаларимга: «Отангиз Тошкентга ўқишга кетди бир оз вақт ўтгач, албатта, келади», деб уларни овутдим.

Тергов материалларига қараб ҳукм чиқарилди. Жиноят кодексининг 119-моддасига биноан саккиз йил озодликдан маҳрум этишди. Суд жараёнига келтирилган маҳкумлар орасидан эримни аранг таниб олдим. Ранг-рўйлари сарғайиб, озиб, қорайиб кетган, гапиришгаям ҳоли қолмаганди. Оиласидан фақат бир кишига кўришиш учун рухсат берилди. Шунда мен, боласи билан дийдорлашсин деб қайнонамни киритдим. Боласини бағрига босиб, ҳушидан кетган онанинг аҳволи ҳалиям кўз олдимдан кетмайди. Кейинроқ, ўша қора кунлар ҳақида сўз кетганда умр йўлдошим надомат билан эсга олади.

«Ярим тунда терговга олиб чиқишади. Турқи совуқ, қўрс-қўпол соқчи кузатувида қоронғи азобхонага олиб боришади. – Айбланувчи Жамматов, сен давлат мулкани талон-торож қилиб, катта миқдорда пора олгансан. Бир гуруҳ гўл, содда кишиларни лақиллатиб, пахта сотиб олиш

учун пул йиққансан. Раис икковинг тил бирик-тиргансан, айбингга иқроор бўл, имзо чек, деб тепкилайди. Мен рози бўлмаганимдан кейин бошимга резина қоп кийдириб қийноққа солади. Ҳар куни, ҳар тунда шундай суроқ-саволлар, терговлар бўлаверади, бўлаверади...»

Мен бу ҳукмдан қатъий норози эканимни билдириб, Урганч район халқ судига, Ўзбекистон ССР Олий судига, Ўзбекистон ССР Олий Советига ариза ёздим. Улар рад қилишдан, мен ёзишдан чарчамадим. Ўша йили 27 декабрь куни суд иши Олий суд коллегиясида кўриб чиқилди. Мен ҳам қатнашдим. Ҳукмдан норози эканимни билдириб, қайта кўриб, ҳақиқат қилиб беришларини талаб қилдим. Жуманиёзов Қадам билан Жамматов Шарифга юклатилган жиноят ишини алмаштириб ўқилганини исботлаб, адолат талаб қилдим. Тушдан кейин коллегия тергов иши қайта кўрилсин, деб қарор чиқарди. Ўша ерда ўтирган адвокатлар, ёпилган ишни нега қўзғатдинг, илон думини эзган одамга захрини сочади, энди эрингнинг мушқули офир бўлади, жазо ўташ муддати чўзилади, дейишди. Мен уларга, агар эрим порахўр бўлса, ҳаром ишга қўл урган бўлса, халққа, ҳукуматга қарши борган бўлса, умри қамоқда ўтсин, мен пешонамда борини кўраман, дедим.

Ҳеч кимга кўз ёшимни кўрсатмадим. Дилим ёниб, вужудим қақшаб турса ҳам юрагимни ҳеч кимга ёрмадим. Чунки мен болаларимнинг отасига ўзимдан кўпроқ ишонардим. 1986 йилга қадар 303 нафар гувоҳ билан юзлаштирилса ҳам бирор инсон, мендан пахта учун пул олган, демаган. Бир йил ўтиб 18 март куни вилоят прокуратурасида қайта тергов бошланди. Вилоят проку-

рори қабулига кириб 28 апрель куни учрашувга боришга рухсатнома олдим. Мен ҳақиқат излаб борган одамларнинг барчаси менга инсондек муомала қилмас, у хонадан бу хонага ҳайдаб солиб, қўполлик қиларди. Уйга кириб келсам кекса, касалманд қайнонам: «Болам, янгилик борми?» деб интиқ бўлиб ўтиради. Кўзимни олиб қочганим билан, «Бўлади, онам, албатта янгилик бўлади», деб ёлғондан кулиб, уларни овутишга тушаман. Кўргиликларимга ғамлар уланди. Борини, жонини менга беришга тайёр турадиган, тоғдек суянчиғим отам оламдан ўтди. Тўхмат шамолига кўксимни тутиб, бўҳтонлар бўронида эгилмай адал турганим билан отамдан кейин тўкилиб қолдим. Айниқса, бизнинг бошимизга тушган шўр савдолар ота деган улкан дарахтимни қулатганига ҳеч чидолмасдим. Болам касал, онам тўшакка михланган, эрим заққум ютиб, менга умид боғлаб турган кунлар азоби юрагимдан, суягимдан кетмайди ҳануз.

Қайта суд бўлди. Қамоқ муддати уч йилга туширилди. Орадан анча ўтиб, «Наманган вилоятининг Поп тумани Уйғурсой ...га келдик», деган хабар келди. Урганч–Тошкент поездида пойтахтга, сўнг водийга йўл олдим. Қаҳратон қиш, юз-қўлларим совуқдан ёрилиб кетган. Зўрға гавдамни ушлаб турибман. Бир кун кечикиб келибсан, деб менга киришга рухсат беришмади. Туни билан зона деворига тиралиб ўтириб чиқдим. Совуқ, очлик, хорлик жон-жонимдан ўтиб кетса ҳам бир нарса мени тик ушлаб турарди. Барибир кўриб кетаман, шу тош деворлар ортида болаларимнинг отаси қилмаган жинояти учун надомат чекиб ётибди, менга қувват бер, сабру қаноат бер, деб Яратганга ёлвориб тонгни кутдим. Эртасига

қайта-қайта ариза ёздим, охири рухсат берилди. Эримни зўра танидим. Эти суягига ёпишиб қолган, юз-кўзлари кўкарган бир аҳволда эди. Бор кучимни тўплаб унга, «Яқинда уйга қайтасиз, бир оз чиданг, дадаси, бироз сабр қилинг», деб далда бўлишга уриндим.

1987 йил май ойида Олий Совет президиумига ариза билан мурожаат қилдим. 13 август куни рад жавоби келди. Яна ёздим, ёзавердим, ёзавердим. Тун билан тонгни англамай қолгудек ҳоридим, аммо адолат излайвердим. Олий кенгаш раиси қабулига ариза ёзганимдан кейин бир ой кутдим ва кирдим. У киши «Пахта иши» қайта кўрилмоқда, яқин кунларда яхши гап эшитасизлар», деди...

Гавҳар Шарипованинг заҳматлари зое кетмади. Отасини олиб кетишганда эмаклаб юрадиган Жасурбек энди катта бўлиб қолган, опаларига ўхшаб, «Отам ўқишдан қачон келади, менга нима обкелади?», деб савол берганида унинг юраги эзилади. Дарс соатлари икки ҳисса ажратилгани боис эртадан кечгача мактабдан бери келмайди. Пахта йиғим-теримида 60 нафар ўқувчи орасида ўрта қаторга тушиб, белини маҳкам боғлайди. Юз, юз йиғирма килодан пахта теради. Тут соясида гурунг қилиб ўтирган муаллимларга қараб ҳаваси келади, аммо у ишлаши керак. Хоразм билан Наманганинг орасига доvon битган. У тоғлар орасидан ўтиши, эрининг ҳолидан хабар олиши учун унга пул керак. Бу ёқда кекса қайнонаси, болалари... фақат ишлаши керак...

Кунлардан бир куни у кутган хабар келди. **«Сизни Жамматов Шарифни афв этиш тўғрисидаги илтимосингиз инобатга олинб, 1987**

Йил 26 октябрдаги Фармонга асосан у жазони ўташдан озод этилди».

3 ноябрь куни Уйғурсойга етиб борди. 54 ўлчамдаги костюм-шим киядиган басавлат эри ориқлаб бир сиқим бўлиб қолган. Вокзалдан уйга келганида тумонат одамни кўриб, унинг кўзига ёш келди. Дошқозонда ош пишириб дастурхон ёзиб, оёғига пойандоз солиб кутиб олган қариндошлар, маҳалла, қишлоқ аҳли ҳамманинг кўзиде кувонч балққан эди ўшанда.

Халқ маорифи бўлимидагилар Шарифбойни очиқ чехра билан кутиб олишди. Мактабда дарс бера бошлади. Аммо Гавҳар опанинг юрагидаги ғашлик кучайиб борарди. 1990 йил январь ойида Олий судга ариза бериб эрини оқлаб беришларини сўради. Орадан бир йил ўтиб, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари имзоси билан хат келди. Унда **«Пахта иши»ни қайта кўриш чоғида ҳеч қандай жиноят содир этмагани учун Жамматов Шариф тўла-тўқис оқланган деб топилади**», дейилган эди.

Оила тинчи, аввало, аёл бахти. Гавҳар Шарипова таъбири билан айтганда, Истиқлолнинг пешонасидан ўпиб, шодланиб, ғайрат билан меҳнат қиларди. Унинг таълим-тарбия борасидаги тажрибалари вилоят миқёсида оммалаштирилди. Истиқлолнинг илк йилларида «Мустақилликнинг бир йиллиги», «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. 1998 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлди.

Опани қишлоқда ҳамма ҳурмат қилади. Фарзандлари ҳам ота-онаси изидан борди. Қизлари Мақсудахон ва Моҳирахон, ўғли Жасурбек ҳам ўқитувчилик касбини танлади. Илмий изланиш-

лар олиб бормоқда. Қиз узатди, келин туширди, бир этак набиралар ҳовлисини тўлдиради. Ҳозирда Урганч тумани «Нуроний» жамғармасининг раҳбари, хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган «Аёллар маслаҳат маркази»да ҳам иш олиб бормоқда. Ёш oilаларга кайвонилик билан ёндашса, кексаларни ўз ота-онасидай эъзозлайди. Яқинда ота-онасиз улғайган, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган ёшлар Солижон ва Давлатбекни уйлантиришди. Яхшилик соғиниб одимлаган одамни Яратганнинг ўзи қўлларкан. Мурувватли инсонлар кўмагида тўйлар чиройли ўтди. Келин-куёвга атаб оналик меҳрини қўшиб кўрпа қавиди, келинчакларга миллий либослар тиктирди. Опанинг чеккан заҳматларию тинимсиз меҳнатлари бесамар кетмади.

Гавҳар опани таниганлар эл хизматида доимо камарбаста, ўзида яхши фазилатларни жамлаган фидойи аёл, деб таърифлашади. Опа мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида юксак мукофот – «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ

*Қонсираган империя, юрсанг – нега юрасан,
тўхтасанг – нега тўхтайсан, турсанг – нега ту-
расан, деб бошимиздан тегирмон тоши айлан-
тираётган бир пайтда шундай қатъият кўр-
сатиши, замонанинг зайлига қарши чиқиши осон
бўлган эмас. Бунинг учун халқпарварликнинг ўзи
кифоя қилмас эди, бунинг учун битта юрак кам-
лик қиларди...*

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Кўпдан бери аёлларимиз, оналаримизнинг сабр-бардоши ҳақида ўйлаб юрардим. Улар ора-сида фаол курашчилар кўп бўлган. Қашқадарё-лик таниқли ҳуқуқшунос Дилбар Муродова як-кабоғлик бир аёл ҳақида гап очиб қолди. Қамал-ганларнинг хотинларига бош бўлган, шаддод ва гапга чечан ўша аёл раҳбаримиз билан шахсан учрашган, эри озодликка чиқмагунча тиним бил-маган экан. Дилбар опанинг: «Бунча ирода ва матонатни қаердан олганига ҳозир ҳам лолман», деган гапи ҳайратимни янада оширди.

Қизиқиб қолдим. Манзили Яккабоғ туманида-ги собиқ «Шарқ юлдузи» хўжалиги ҳозирги Дар-хон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида экан. Суриштирган эдим, одамлар Уват қишлоғи чек-касидаги каттакон тепани кўрсатиб қўйишди. Ҳайрон бўлсам-да, машинани тўхтатмай, тепа-

лик устига чиқиб бордим. Номи тепа-ю, аслида боғ экан, айниқса, ёнғоқ кўп. Тепанинг қуйисида янги иморат солинаётган экан. Тўғри бориб, ана шу уйнинг олдидан чиқдим. Бир ёнда кичик иссиқхона. Қиш пайти бўлса-да, плёнка ортидан мева туккан лимонлар, қип-қизил гуллар кўзга ташланарди. Шу пайт эшик очилиб, тўнга ўралган, оппоқ соқолли, жуда бўйчан бобо ва ортидан қотма, кўзлари тийрак момо чиқиб келишди. Улар излаганим – Холиқ бобо Равшанов ва умр йўлдоши Муктарам момо Каримова экан. «Бобонгизнинг қулоқлари оғирроқ, қаттиқ-қаттиқ гапираверинг», – деди момо.

– Почтаданмисиз, пенсияни олиб келдингизми? – сўраб қолди бобо.

– Газетадан келдим, деяпти, ўйлаб-ўйлаб сўйланг-да, – деди момо.

Мен ниятимни айтдим.

– Э, гап бу ёқда денг, – дейди бобо, – у кунларни гапириш тугул, эслаш ҳам азоб...

Холиқ бобо ҳикояси:

– Уват қишлоғида туфилганман. Тўққиз-ўн ёшимдан кўрганим ер, тупроқ бўлган. Мактабда савод чиқарганмиз. Кейин Шаҳрисабздаги техникумда агрономликка сиртдан ўқидим. Аммо даладан айрилмадим. Кучим кўп, полвон йигит эдим, мен чопган кетмонни биров ишлатса, ҳансираб қоларди-ёв.

Муктарам момо ҳикояси:

– Пешонамнинг ёришгани – бобонгиз билан тақдиримиз қўшилгани, Худо берган ўғил-қизлар. Бобонгизнинг афанди феъли бор, уй қурамыз, ер сўранг, десам, шу тепани сўраб олибдилар. Ўшанда сув чиқмай, уй биттунча бўларимиз бўлган.

Холиқ бобо:

– Уйни олтмишинчи йил қурибмидик? Ўша даврда пахта, бир қарич ер нима эканлигини билмасмидинг? Томорқа сўрасам, раис «Шўр тепани олинг, чавандоз, улоқ чопишга боп-да» деганди эрмак қилиб. Хап, саними, бир кўрсатай, дедим, ёмон орим келди. Кетмонимни кўтариб тепалик устини чопа кетдим. Ҳаял ўтмай, анча жойни текислаб, сув тортиб келдик. Чавандоз жўраларим ҳашарга келишди, орада тўрт хона уйни тиклаб, томини ёпдик, кўчиб олдик. Кўп ёнғоқ экдим, ҳавас қиладиган жой, боғ бўлди. Мана, ўша уй, мана, ўша боғ. Насиба экан, болаларимиз шу жойда туғилди, кўкариб ундик...

Элик иккинчи йилда бригадирликка тайинлашди. То саксон биринчи йилгача ишладим. Бир куни раҳбарлар чақириб, «Раис бўласиз», дейишди. «Эполмайман, илмим кам», деб унамадим. «Одамлар сизни талаб қилишаяпти», деб охири қўндиришди...

Кейин бошланди «ўйинлар». План катта эди, бажариш – ўлим билан тенг. Одамлар тизза бўйи қор кечиб, кўрак терарди. Халқ қийналиб кетди. Охири, нима бўлди?

1985 йили бошланди тўполон, қама-қама, биров-бировни танимайди, десангиз. Москвадан келган терговчиларнинг ёнида ўзимиздан чиққанлар бирлашиб, бошимизда ёнғоқ чақа бошлашди. Ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб қолавердик. Саксон олтинчи йилнинг 15 май куни қўлимга кишан солиб, қамоққа олди-кетди.

Мард келдинг, энди мард кет, дейман ўзимга. Ўттиз уч кун қийналиб, ҳибсхонада ётдим. Ўн кишилик камерада 30-40 маҳбус, тоза ҳавога зор-миз. Суд ҳам ўтди, мени 10 йилга кесишди. Ос-

мон узоқ, ер қаттиқ. Дардимизни ҳеч ким эшитмасди.

Муктарам момо:

– Бу кишини олиб кетишгач, ҳамма ёқ хувиллаб қолди. Уйимизга тинтувга келганлар турмушимизни кўриб, бурунларини жийиришганини сездим. Ахир, саккиз фарзанд, уларнинг уст-боши, ош-нони... Бу киши ҳеч вақт уйга бир нима ташиб келмаганлар. Эрим бошимда, уним супрамда, ноним тандирда эди, чирқиллаган болаларим билан ёлғиз қолдим. Аммо эл биздан юз ўгирмади. «Наҳотки, болаларим бир умр отаси қамалгани учун ўксиниб юришса», дея жонимга ўт тушди. Чидолмай қишлоғимиздаги ёши улуг бир кайвони момомиздан, маслаҳат сўраб бордим. У киши: «Қизим, эр бошига иш тушса, хотинлар оёғига этик кияди, белини бойлайди. Холиқ бегуноҳ, буни эл билади. Эрингни озодликка чиқарса, вилоятимизнинг янги раҳбари чиқаради. Эшитишимча, у киши гуноҳсизларни оқлайман, эли хўрлатиб қўймайман, дебди. Ҳузурига кир», дедилар.

Қоним жўшди, белимни ичимдан боғладим, ёнимга ўқитувчи қизим Дилбарни олиб, яна бошқа қамалганларнинг хотинлариниям эргаштириб, Қаршига бордик. Ўша куни Ислом ака қабул қилдилар. Дадил туриб, дардимни айтдим. У киши қўлларидаги қоғозга қараб, «Холиқ Равшанов ҳақида яхши гаплар айтиляпти, гуноҳи бўлмаса, оқланади. Ёрдам қиламиз», дедилар-да, аризамизни адлия бошлиғи Дилбар Муродовага топширишни, бу иш билан шу аёл шуғулланишини айтдилар. Бир оғиз илиқ гапни эшитиб, кўзларимга ёш келди. «Бор экан-ку мениям эшитадиган инсон», дея тўйиб йиғладим.

Ўша куни, ишонасизми, ёмон туш кўриб чиқдим. Тушимда болаларимнинг отаси жарга тушиб кетаётган эмиш. Лекин кулармиш. Чўчиб уйғондим. Юрагим сезди, аҳволлари чатоқ, руҳлари синган. Зудлик билан яна Қаршига отландим. Нажот ўша жойда эди-да. Январнинг совуғини писанд қилмай, эрта тонгда обком биносига етиб борибман. Муюлишда кутиб турдим, машина кўриниб, раҳбаримиз тушдилар. Ёнларига чопиб бордим. Мулойимлик билан соғлиғим, оиламни, кейин хўжайиним ҳақида сўрадилар. Йиғлаб юбордим. «Дилбар Муродова Тошкентга ўзининг иши билан бориб келяпти. Эримнинг ошқозони касал, қамоқда ўлиб қолади. Етим ўсганман, ўн тўрт ёшимдан меҳнат қилдим. Агар у киши озодликка чиқсалар, болаларим билан чўлда меҳнат қиламиз», дебман. Бу гапни кўнглимга Худо солдими, ё ўзимни дадил тутдимми, биладим. Гапларимни эшитиб, жиддий оҳангда телефонда кимнидир сўрадилар. «Дилбар Муродова хужжатларни тўғри аэропортга олиб чиқсин», дедилар. Менга тасалли бериб, кузатиб қўйдилар. Қанот пайдо бўлди.

Кейин билдим. Шу куни раҳбаримиз эримнинг ишини қайта кўриш ҳақидаги талабномага имзо чеккан эканлар.

Холиқ бобо:

– Умид – тирикликнинг тиргаги, дейдилар. Уйдагилар хушxabарни етказгач, менга ҳам жон кириб қолди. Аммо раҳбаримизнинг савобли ишлари ҳақидаги гаплар турма деворларидан ўтиб, бизга ҳам етиб келган эди. Турма эшиги очилишига интиқ эдик. Бироқ ростини айтсам, ўзлари менинг ишимни қайта кўриш ҳақида талабнома

юборадилар, аёлимни шахсан қабул қиладилар, деб хаёлимга ҳам келтирмаганман. Энди ўйла-сам, ўшанда халқни ўйлайдиган улуғ зотлар ҳақи-да ҳеч нарса билмас эканман. Энди эшитинг.

Наврўз куни – 1988 йилнинг 22 марти эди – шу куни бутунлай оқланиб, турма дарвозасидан озодликка чиқдим. Аввалги ҳолим йўқ, озиб-тўзиб кетган эдим. Аммо букилган қаддим тикланди. Одамларнинг кўзига тик боқардим.

Уйда ўтиролмадим, менга чексиз яхшилик қилган инсонни кўришга ошиқдим. Момонгиз иккаламизни раҳбаримиз 30 апрель куни қабул қилдилар. Қучоқ очиб кўришдик. «Мана, Холиқ ака, энди бирга ишлаймиз», – дедилар у киши. Ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. Қамоқ, ноҳақ хўрликлар юрагимни қотириб юборган экан, бу улуғ зотнинг меҳри эритди. «Мен иш сўраб келмадим, Ислом ака. Сиз менга ҳаётимни қайтариб бердингиз, эл-юрт олдида қаддимни кўтардингиз. Ўла-ўлгунча миннатдорман, сизни дуо қиламан. Қарзларимни узолмасам, болаларимдан қайтсин. Сиздай улуғ инсон халқимизнинг бахти», – дедим. Кўп гапларим дилимда қолди. Ҳолатимга разм солиб турган эканларми, телефон орқали соғлиқни сақлаш идорасининг каттасига телефон қилиб, «Холиқ Равшанов деган оқсоқолимизни яхшилаб даволаб беринг», – дедилар. Шунда бу кишининг қалби дарё эканига имон келтирдим. Юрагим сув бўлиб оқди, ҳа, сув бўлиб оқди...

Муктарам момо:

– Кейин раҳбаримиз менга юзланиб: «Ана, опа, қайғуларингиз ариди. Сиз эса адолат борлигига ишонмаган эдингиз. Сиздай оналаримизни ўкси-тиб қўймаймиз», – дедилар...

Холиқ бобо:

– Орадан сал ўтмай, раҳбаримиз Яккабоққа келиб, мени йўқлабдилар, зудлик билан етиб бордим. Қандай ишлар билан шуғулланишимни сўрадилар. Ўшанда хўжаликда участка агрономи бўлиб ишлаётган эдим. «Энди ёшлар – илми борлар раҳбарликка кўтарилсин. Мен яна ер билан тиллашиб, армон қолмагунча ишлайин», дедим. «Ниятингизга етинг», дедилар.

Ниятларим ушадди, ўғил-қизларим ёнимга кирди, ишлаб пенсияга чиқдим. Юртимизнинг истиқлолини ўз кўзларим билан кўрдим. Бу улуғ ишларнинг бошида Юртбошимиз турибдилар. Ҳа-я, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи куни яна учрашиб, қучоқ очиб кўришдик. Дарров танидилар, момонгизни, болаларни сўрадилар. Шукр, дедим. Ҳа, Яратганга шукр, икки ўғил, олти қизни улғайтириб, элга қўшдик.

Холиқ бобо сўзлайвериб анча ҳоригани сезилди. Чой ҳўплаб, бироз тин олди. Ростини, суҳбатимиз тугагунча у кишининг салобатли овози қулоғим остида жаранглаб турди.

Мен тепаликдаги бу оддий уйдан улкан бир хазина топдим. Бу гўё вақтни, ёш-қариликни пинанд қилмайдиган, нурдай соф – икки дил достони эди...

*Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими*

ҲУКМ

Суд ҳужжатларидан: 1986 йилнинг 27 март куни Сирдарё область судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг сайёр суд мажлиси Китоб райони халқ судининг биносида бўлиб, саккиз киши устидан ҳукм чиқарди. Шу саккиз кишининг бири судланувчи Ҳалимов Ҳасан бўлиб, унга тегишли мол-мулки келтирилган зарарни қоплаш ҳисобига мусодара қилиниши, жазо кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўтаттирилиши белгиланиб, ўн бир йилга озодликдан маҳрум қилингани эълон қилиниб, суд залидан қамоққа олинди.

Ҳасан Ҳалимов суд залидан қамоққа йўл олар экан, юраги пораланиб, ортга ўтирилди: худди она бургут каби етита фарзандини қанотларига олган турмуш ўртоғи Тутибининг кўз ёшлари юзини ювар, беғуноҳ болаларнинг ҳайрат ва азобга тўлган нигоҳлари унинг изларидан узилмай эргашиб келарди. Ҳалимовнинг бўғзини ўткир тиг тилгандай бўлди. У энди ортга қарамай, ҳукм қилинувчилар билан белгиланган машинага ўтирди. Шиддат билан юриб кетаётган машинани эса «Пахта иши» баҳонасида Ўзбекистонга бостириб келган, ҳеч кимни аямай иссиқ тўшагидан азобларга улоқтирган ФИТНА бошқарди...

Қўлимда ёзувлари ўчиб кетай-ўчиб кетай деган қарийб ўттиз йиллик суд ҳужжатлари. Ёши етмишлардан ошган, камгап, камсуқум Ҳасан ака

уларни авайлаб сақлайди. Ёзувларни менга бераётганида ҳам: «Булар ўзи бир нусха», – дейди. Мен уларнинг нима демоқчи эканлигини ўша заҳоти тушунаман. Юрагим увишади. Рўпарамда ҳаётнинг азобли сўқмоқларидан илиниб ўтган, жаҳаннам дараларига қулаб, омон қолган эр-хотин: Ҳасан ота ва у кишининг рафиқаси Тўтиби ая ўтиради.

– 1983 йили «Пахта иши» юзасидан қўзғатилган иш бўйича хўжалик раҳбари Очилев Ёри 13 йилга, мен 11 йилга, бош иқтисодчи Меликов Исроил 11 йилга, бош ҳосилот Ҳамроев Ўрин 10 йилга, ёрдамчи ҳосилот Назаров Ҳазрат 10 йилга, пахтани топширувчи Қосимов Қаҳҳор 10 йилга, Меликов Тоир 10 йилга, кассир Худойқулов Файзулло 10 йилга суд залидан қамоққа олинди. – Ҳасан ота бир нафас сўзлашдан тўхтади. Узоқ тин олиб, яна хотираларга қайтади. – Суд залидан тўғри Қарши шаҳридаги жазони ўташ изоляторига олиб боришди. Ҳаво чидаб бўлмайдиган даражада иссиқ. 10-15 кишилиқ изоляторга 40 кишидан зиёд одам жойлаштирилди. Ўтиришга, ётишга рухсат йўқ. Тортган азобимизни айтишга тил ожиз... Нафас етишмайди. Бир ойлик дўзах азобларидан сўнг Шайхали посёлкасидаги жазони ўташ колониясига жўнатишди. Икки ой мактаб хонасига қамашди. Сўнг бригадаларга бўлиб, бошқа манзилга жўнатишди.

Мен беш ёшлигимда онамдан айрилган эдим. Ёлғиз суянган тоғим отам эди. Бошимга тушган бу савдолар отамни қулатди. 1987 йилнинг 7 февралда отам вафот этди. Падари бузрукворимни сўнгги йўлга кузата олмаганим, қабрига ўғил бўлиб бир кафт тупроқ ташлай олмаганим то қиёматгача кўксимни армон бўлиб ёндиради.

Суҳбатга Тўтиби ая қўшилди:

– Қамоқни душманимга ҳам раво кўрмайман. Олиб борган овқатларимиз ҳам хўжайинимга на-
сиб қилмасди. Еттига бола ҳар куни «отамизни
соғиндик», деб чирқиллайди. Уйда офизга илина-
диган егулик йўқ. Мен эримнинг айбсиз эканлиги-
ни исботлаш учун идорама-идора югураман. Мен
билан бирга «Пахта иши»да айбланиб, қамоққа
тиқилганларнинг оилалари... Осмонни жафокаш
ўзбек халқининг кўксидан ўрлаган ҳасрат туту-
ни қоплаб олгандай туйилади. Еттига норасида-
ларимни етаклаб, йўлга тушаман... Ҳамма ёқни
«Пахта иши»нинг қора кўланкаси қоплаб олган.

Китоб шаҳрига Гдялн, Ивановлар келиб кетди.
Уларнинг шум қадами етган жойдаги боғлар ха-
зон бўлади. Москвадан берилаётган бир-биридан
совуқ хабарлар ўзбек халқининг устига қора лой
чаплайди. Қамоқхоналар айбсиз инсонлар билан
тўлиб-тошиб кетган. Бу орада хўжайинимнинг
буйрагида қаттиқ оғриқ хуруж қилиб, белгилан-
ган касалхонага ётқизишди. Даволаниши учун
дори-дармон йўқ. Қариндош-уруғ, ёру дўстлар-
нинг борига шукр. Уларнинг ёрдамида бир амал-
лаб оёққа қўйдик. Сўнгра яна изоляторга тиқиш-
ди. 1986 йилдан то 1987 йилнинг майигача эрим-
нинг айбсизлигини исботлаш учун бош урмаган
остонам қолмади: Олий суддан тортиб то тегиш-
ли министрликларгача. Йигиталиев, Романовс-
кий, Нишонов, Қашқадарё област раҳбари Туро-
пов ва бошқалар қабулида ойлаб, кунлаб, соат-
лаб сарғайиб ўтирдим. Йўл юравериб, оёқларим
қавариб кетди. Бирортасидан кўнгилга юпанч
бўладиган жавоб ололмадим. Нафақат мен, бал-
ки мен билан бирга борган аёллар ҳам кўз ёшла-

ри шашқатор, умидсизликка тушиб, ортга қайтишига тўғри келди.

Тўтиби аянинг кўзларида ёш йилтиради. Рўмолининг учи билан мижжаларини оҳиста артар экан, сўзлашда давом этди.

– 1987 йилнинг 9 феввалида қайнотам вафот этдилар. То жон узилгунга қадар бир кўзи эшикда бўлди... Мен бўлсам бир этак болаларим билан кўз ёшдан бошқасига кучим етмай, халойиқ билан қайнотамни сўнгги йўлга кузатдик...

1987 йилнинг 16 февраль куни яна йўлга отландим. Қашқадарё области раҳбари бўлиб яқинда иш бошлаган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳузурларига хўжайинимнинг бегуноҳ эканлигини айтмоқ учун, мен муштипар аёлга иложи бўлса, уйимнинг эгасини қайтаришга ёрдам беринг, деб сўрагани кирмоқчи бўлдим. Кеч соат 19 да Ислом Каримов мени қабул қилдилар. Кўлимдан аризамни олиб, бошдан-оёқ диққат билан ўқиб чиқиб, кўнглимни кўтарадиган жуда кўп яхши гаплар айтдилар. «Айблари бўлмаса, ёрдам беринг, илтимос», – дедим. «Ёрдам қиламан», – дедилар. Оламдан ўтганларига эндигина бир ҳафта бўлган қайнотам учун таъзия изҳор қилдилар.

Ислом Каримовнинг ёнларида вилоят адлия бошлиғи Дилбар Муродова ўтирар эди. Мен хонадан гўё учиб чиққандай бўлдим. Ярим кечаси уйга етиб борар эканман, гўё чарчоқларим тарқаб кетгандай эди. Гарчи ҳали ҳеч нарса маълум бўлмаса-да, юрагимда умид уйғонган, Ислом Каримовнинг «Ёрдам бераман» деган сўзлари менга қайта жон ато этгандек эди.

Ўша кеча ухламасдан тонггача юриб чиқдим. Тонгни қаршилаганимда ҳам заррача чарчоқни

сезмасдим, кўзимга ҳамма нарса ёқимли бўлиб кўринар эди. Кун ёришмай уйимизга Дилбар Муродова келиб, «Ажримни беринг, Тошкентга бораман», – деди. 1987 йил 6 февраль куни Ислон Каримовнинг ёрдами билан 11 йиллик қамоқ жазоси уч йил мажбурийга алмаштирилиб, Бурятия АССРга очикқа чиқариб юборишди. 1988 йил 6 майда бутунлай оқданиб, 12 майда оиламизга – фарзандлари бағрига кириб келдилар. Турмуш ўртоғим вилоятда биринчилардан бўлиб оқланди. Зарарни қоплаш ҳисобига мусодара қилинган унга тегишли мол-мулк қайтарилди, қамоқда бўлган пайтида етказилган моддий ва маънавий зарар қопланди. Романовскийнинг қабулида бўлганимда, «Эринг еб қўйган, мана бу еридан ўтган (томоғини кўрсатиб), керакли жазосини олди, энди уларга ҳеч ким ёрдам қила олмайди», – деган эди... Мен ўша сўзларни эшитганимда етти-та норасидам билан гўё етти қават ернинг тагига кириб кетгандай эдим. Мен ўла-ўлгунимча Ислон Каримовдан қарздорман. У кишини Ўзбекистонга Худонинг ўзи юборган. Мана шу воқеаларга ҳам 28 йил бўлибди...»

Ислон Каримовнинг биринчи раҳбар лавозимига кўтарилиши том маънода ўзбек халқи бошидаги кулфатларга хотиманинг бошланиши эди.

Ҳасан ота Ҳалимов оғир тин олиб, яна сўзида давом этади:

– Тошкент – Улан-Удэ поездининг махсус вагонда тўққиз кеча-кундуз юрдик. Сибирнинг қирқ даражали совуғи жон-жонимиздан ўтади. Бир кеча-кундузда бир кружка қайноқ сув, бир тўғрам моғорлаган нон берилади. Қирқдан ортиқ киши-

нинг насибаси шу. Буйрагим яна хуруж қилди. До-ри-дармон йўқ. Оғриқнинг зўридан икки букчайиб қолганман. Кўз олдидан фақат болаларим ўтади. Агар менинг қисматимга Ислом Каримов аралаш-маганида нима бўларди? Ўн бир йиллик азоблар-га носоғлом буйрагим чидай олармиди? Ўйласам, ҳозиргача юрагим орқага тортиб кетади. Мен-ку, яшамоқ бахтига муяссар бўлиб, истиқлол мевала-ридан баҳраманд бўлиб, бир ҳовли фарзандларим-нинг эгаллигини кўриб, садоқатли, вафодор турмуш ўртоғим билан шу кунларгача етиб келдим. Аммо фитналар қурбонига айланиб, ҳаётдан Мосуво бўлган минглаб юртдошларимиз-чи?! Вақт – олий ҳакам. Халқимизнинг юзини қора қилмоқчи бўл-ганларнинг ўзлари тарих олдида шармисор бўлди. Қамоқда ўтказган кунларимда тортган азобларим эвазига 1996 йил 10 май куни бир буйрагимдан ажрадим. Профессор Мақсуд Мирзаев бошқа ши-фокорлар қўйган «хавфли ўсма» ташхисини рад этиб, қаттиқ шамоллаш натижасида ҳужайралари некрозга учраган буйрагимни муолажа қилиб, олиб ташладилар. Ҳозир соғлиғим яхши. Фарзандларим ўзи билан ўзи тинч. Йигирма бешта набирам бор. Менинг бирдан-бир тилагим – юртимиз осмони мусаффо бўлсин, биз кўрган кунларни ёшлар си-ра-сира кўрмасин.

Ҳасан ота дуога қўл очди. Гўзал Қашқадарё-нинг Китоб тумани, Дўрмон қишлоғида умргу-заронлик қилаётган бу бахтли кексалар менга дуолар билан биргаликда халқимизнинг «қизил империя» даврида тортган азоб-уқубатлари, ан-дуҳлари битилган жонли тарих китобини ҳам қолдириб кетишди. Зеро, Муҳтарам Юртбоши-миз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Тарих

инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хато-ларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяп-миз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб ту-рувчи омил бўлмоғи лозим».

АЁЛ МАЙДОНГА ТУШГАНДА

Ортада қолган оғир йилларда мен ўзбек аёлларининг ўз ёри, ўз оиласига бўлган беқиёс вафо ва садоқатини айнан қашқадарёлик опа-сингилларимиз тимсолида ўзим учун қайтадан кашф қилдим. Турмуш ўртоқлари, фарзандлари ёки ака-укалари ноҳақ қамалиб ётганида, бу муштипар аёллар ёрдам сўраб обком биносига бош уриб келарди. Уларнинг улкан сабр-бардоши ва чидамини, бошига қандай оғир мусибат тушган бўлмасин, Худо бор, ҳақиқат бор, деган умид билан яшагани, адолатга ишончи, оиласига меҳри, садоқати нақадар кучли бўлганини ўз кўзим билан кўрганман ва уларнинг инсоний фазилатларига тан берганман...¹

Ислом КАРИМОВ

Турмушга заҳар-заққум аралашган нохуш кунларда ҳар ким ўзича қон ютар, бу бухрон бутун мамлакатни домига тортганди. Гўё, халқ мақолида айтилганидек, ўрмонга ўт кетган, ҳўлу қуруқ баравар ёнарди. Фуқарога таскин бўлиши, дардларга дармон топиши лозим бўлган «марказ» эса талмовсирар, «Баттар бўл!» дегандек вазиятни лоқайд кузатарди. Нуфузли нашрлардан бири шундай кайфиятни силлиққина қуйидагича ифодалаганди: «...Ўзбекистонда порахўрлик ва қўшиб ёзишлар фош қилина бошланди. Бироқ айбланганлар ва судланганлар орасида 2 мингга

¹ Ислом КАРИМОВ. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. «Ўзбекистон», 2015 й. 228-бет.

яқин бегуноҳлар борлигини билмас эдик». («Литературная газета», 1988 йил, 4-сон). Қисқаси, қозининг ўзи муттаҳамлик қилаётган, бундай пайтда шикоятингни кимга айтишни билмайдиган замон эди.

Мана, ўша машъум кунлардан бир лавҳа.

* * *

Китоб туманидаги мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган «Китоб» совхоз-заводининг бош агрономи Акрам Раҳмоновнинг чекига ҳам шу «замона кулфати»ни тортиш тушди. У қарийб йигирма йиллик иш участкасида елиб-югуриб ишлаб юрар, хўжаликнинг моддий аҳволи яхши, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган цехлар қурилаётган, ишлаб чиқаришнинг саноат негизлари пайдо бўлаётганди. Воқеалар ривожини эса 1983 йил ўз измига бўйсундирди.

Совхоз-заводининг ўша пайтдаги директори вилоят агросаноат бирлашмасининг бош директори имзо чеккан буйруққа кўра, «ўз аризасига мувофиқ» деб кўрсатилган (сана 1983 йил, 5 октябрь), республика мева-сабзавотчилик хўжалиги министри 1984 йил 13 январда чиқарган буйруғида қайд этилишича, 1984 йил 12 январдан касаллиги туфайли ўз вазифасидан озод қилинади ва А.Раҳмоновга директорлик вазифаси юклатилади.

(Биз эътиборни ишдан бўшатиш сабабларига ва буйруқлар чиққан санага тортмоқчимиз. Негаки, булар шунчаки нарсалар эмас, балки шахс фаолиятига баҳо беришда салмоқли юридик мазмун кашф этадиган омиллардир, қолаверса, октябрь-январь ойлари оралиғида ўтган даврда биз қаламга олган А.Раҳмонов тақдирида даҳшатли ўзгаришлар рўй берди, унинг ҳаёти издан чиқ-

ди. Шунда қонуний савол туғилади: А.Раҳмонов, мабодо, бошқа кишининг ўрнида қора курсида ўтирмадими? Одамлар ишдан бўшамоқда, ишга кирмоқда. Демак, бундай ҳолларни назардан қочириш мумкин эмас.)

Бу пайтда «Китоб»да фарқ пишиқчилик, соҳибкорларнинг қўли қўлига тегмасди. Лекин ҳамманинг диққати 200 километр узоқликдаги массивга қадалган. У ерда чинакам жанг бормоқда: «миллий ифтихор» – «оқ олтин» жанги бормоқда. Ишбилармон раҳбарларнинг ташаббуси билан чўлни ўзлаштиришнинг шундай тажрибаси қўлланарди: ҳар бир туманнинг чўлда ўз «массив»и бор. Масофа, ишчи кучи, шароит ҳисобга олинмайди. Ер очасан, пахта экасан, режани бажарасан. Топшириқ – ҳарбийчасига, тегирмон тошини айлантиришинг керак.

Совхоз-заводнинг ҳам 33-совхозда 450 гектар пахтазори бор эди.

Директор ишдан бўшагач, барча ташвишлар бош агроном А.Раҳмоновга қолади. Китобнинг саховатли замини армуғон этган мева-сабзавотларни териб топшириш, истеъмолчиларга жўнатиш, боғ ва токзорлардаги кузги ишлардан бўшамайди, бош қашлашга қўл тегмайди. Ана шундай замзама пайти туманга чақириб, пахтани ҳам тез-тез эслатиб туришар, чўлда туман вакили – ижроия қўмитаси раисига бориб учрашишини тайинлашар эди. Вакил эса...

Массивдаги 5-бўлим бошлигининг суддаги кўргазмасидан: «Сентябрь ойида пахталар қийғос очилиб, белгиланган график бажариларди. Октябрда эса аҳвол қийинлашди, терим сусайди. Қўшиб ёзиш бошланди. Аслида график тузиб чиқилар ва у бизга

тарқатиларди. Графикни қўшиб ёзиш ҳисобига бажариш мажбурий эди».

Ниҳоят, ҳеч қандай расмий буйруғи бўлмаган, бироқ директорнинг юмушларини бажариб юрган А.Раҳмонов 17 октябрь куни кассир билан чўлга келди.

А.Раҳмоновнинг шикоят хатидан: «Бўлимга бориб, бошқарувчи, бухгалтер ва пахта топширувчи билан гаплашдим. Уларга қўшиб ёзишга йўл қўйманглар, деб тайинладим. Лекин улар бу иш бошланиб кетганини айтишди. Уларга ва бригадирларга қўшиб ёзиш тафсилотини (оқибатини) тушунтирдим ва уни тақиқлаб, Китобга қайтдим. Орадан уч кун ўтгач, райком бюросида биринчи котиб мени ўзбошимчаликда айблаб, «партбилетингни столга қўй, сен партияга нолайиқсан», деб талаб қилди. Ҳақоратлади, «массивга бориб вакилга учраш, ё унинг айтганини бажарасан, ё йўқ бўлиб кетасан», деб буйруқ берди. Мен район раҳбарлари тазйиқи ва таъқиби остида 20 октябрь куни совхоз кассири билан бирга массивга бориб, припискага аралашишга мажбур бўлдим».

Бир кун олдин эса «Китоб» совхозидирекциясининг буйруғи чиқди. Унда вилоят агросаноат бирлашмасининг буйруғига асосан, Акрам Умарович Раҳмонов бош агрономлик вазифасидан озод қилиниб, унга совхоз директорлиги юклатилган. Буйруқда Раҳмоновнинг директорликни бажара бошлаши 5 октябрдан, деб кўрсатилган. Бу бежиз эмас. Кейинчалик аниқланишича, совхозда қалбаки накладной ва ведомостларни тўлдириш 4 октябрдан бошланган. Демак, янги директор ишга келгану қўшиб ёзишни авж олдириб юборган. Нақадар мантиқли ечим. Ҳа, раҳбарлик лавозимларида ишбилармон одамлар ўтиради-да.

А.Раҳмонов: «19 октябрь куни шу лавозимга тайинланганман. Буни ойлик иш ҳақи тўлаш варақаларидан ҳам билса бўлади».

Аслида бу пайтга келиб, қўшиб ёзиш тўхтатиб бўлмас даражага келиб қолган, «Китоб» совхози ҳам йўқ жойдан 170 тоннага яқин пахтага эга бўлганди. Хуллас, бу операция 22 декабргача давом этди...

Бу фактларни Республика прокуратурасининг махсус тергов гуруҳи аниқлади ва ишни судга оширди. Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг сайёр тартибдаги очиқ суд мажлиси 1985 йил 1 ноябрда Китоб шаҳрида ўз ҳукмини эълон қилди. Унда «ташкिलий гуруҳ томонидан ғаразли мақсадларда» жиноят содир қилингани каби айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар ва судланувчиларнинг пушаймонлиги, юқори мансабдор шахсларнинг тазйиқи олдида ожизлиги, оилавий аҳволи сингари айбни енгилаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинди. Катта миқдордаги давлат мулкани талон-торож қилишга қаратилган бу хатти-ҳаракатга Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг бир неча моддалари қўлланди. Айбдорлар сифатида совхоз директори А.Раҳмонов 12 йил, кассир 11 йил, бухгалтер 11 йил, пахта топширувчи 11 йил, бўлим бошлиғи 10 йил, бош бухгалтер (аёл киши) 10 йил озодликдан маҳрум қилиндилар. Маҳкумларнинг деярли барчасига қамоқ муддатини кучайтирилган меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулкларини мусодара қилиш, кўплаб ҳуқуқларни чеклаш, қамоқ муддати тугагач эса 3 йил мансабдорлик лавозимларидан фойдаланмаслик сингари тавқи лаънат белгилаб қўйилди. Ҳукмда тўшпончанинг ўқидек қисқа жарангловчи «суд залидан қамоққа олин-

син» каби жумлалар кўп. Уларни ўқиганда кўз олдинг жимираб кетади: қамоққа олиш шунчаки эрмакми? 10–12 йил муддатни ҳуқуқсизликда, офир ғайриинсоний шароитда ўтказиш осон эмас. «Ғам билан ўтган умрнинг соати ҳам йилча бор», дейилади халқ тўқиган қўшиқда.

Аслида одамлар тақдирига ёвузларча муносабат анча олдин бошланган. Қашқадарёда бу талотўпдан жабр кўрмаган оила деярли қолмаган эди. Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг уч муовини, саккиз нафар бўлим мудирини, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитасининг раиси, унинг 4 нафар ўринбосарини, масъул котибинини, шаҳар туман ижроқўмларининг 12 нафар раисини, вилоятдаги йирик ташкилотлар раҳбарларидан 27 нафарини, 99 та колхоз ва совхознинг раис ва директорларини ишдан олиниб, уларга турли муддатда жазо тайинланган. (П.Равишанов. «Қашқадарё истиқлол арафасида». 2003 й.)

Озодлик Акрам ака учун нечоғлик қимматга тушганини эсламаслик мумкин эмас. Уни суддан анча олдин – 1985 йил 30 июлда хавфли жиноятчи сифатида эҳтиёт шартини билан қамоққа олишган эди. 12 йиллик қамоқ ҳақидаги ҳукм оилани яшин ургандек ларзага солди. Кунлар эса ўзининг офир асоратини қолдириб ўтди, гўё икки томонлама ўч оларди: шу кунларда онасидан айрилди, ота ўрнида раҳнамо – қайнота ҳам қутилмаганда вафот этди. Ҳамма офирлик турмуш ўртоғини Ойниса опага тушди. 5 нафар фарзандни ўқитмай ардоқлаш ва ноҳақ жабрланган эрининг ҳуқуқини учун курашишдек зил-замбил юмуш унга қолди.

Шунгача Ойниса Раҳимова болалар боғчасида ишлар, аҳил яшашар, эл қатори бир нави кун кечиришарди. Унга бирор масалада қонунчилик маҳкамаларига учрашишга тўғри келмаганди. Турман халқ судининг биносини кўрмаган аёл кейинчалик унга элтар йўлнигина эмас, балки юриспруденциянинг кўплаб нозик қоидаларини ўрганиб олишга мажбур бўлди. Ахир юқори ҳуқуқ-тартибот органларига шикоятлар йўллашгина эмас, балки маъмурлар билан юзма-юз баҳслашишнинг ҳам ўзи бўлмайди-да. У арз қилган идораларнинг қулоғи батанг, ҳар доим ҳам гапингни тинглайвермас эди.

Ўша серташвиш 3 йилдан совуқ хотира сифатида оиланинг шахсий архиви юзага келди. Унда район доирасидаги бошлиқлардан тортиб, Марказий Комитетнинг бош секретаригача жўнатилган минглаб (!) хатларнинг нусхалари ва уларга жавоблар ўрин олган. Суд ҳукмлари ва ажримларини юзлаб нусхада кўпайтирар, юқори органларга уйдан эллик вараққача бўлган хатлар йўлларди. Бу ишларда сингиллари, қўшнилар, барча яхши одамлар кўмаклашар, ёрдам берар эди. Ҳар сафар йўлга тушганда папкаларга жойланган қоғозларни орқалаб олар, уларнинг оғирлиги 15–20 килограммдан кам бўлмасди. Архивнинг ўзига хос экспонатлари – самолёт ва поезд чипталари. Улар кам эмас. Ойниса опа жуда кучли зарурат сезганда, почта, телефон, телеграф хизмати унинг дардларини ифодалай олмай қолганда йўлга тушарди. У ўша йилларда оғир изтироб юкидан эзилиб, аёл қалби қийналиб, республика пойтахтига 25 марта самолётда, 17 марта поездда борибди. Бундан ташқари, бир марта поездда Москва «сафари».

Бундай статистиканинг балки зарурати йўқдир. Ахир ҳар куни Тошкент ёки Москвага бориб келиш мумкин – нима бўлибди? Тўғри, лекин Ойниса опанинг бундай парвозларга, пулат изларда учишларга асло тоби йўқ эди. У суюкли фарзандлари бошида парвона бўлишни жуда-жуда хоҳлар, уларни ташлаб бир сония ҳам кетгиси келмасди. Боғчани, тарбиясидаги гўдакларни ҳеч кимга ишонмасди. Бироқ бошга тушган оғир ташвиш «этик ечмай» сув кечишга мажбур қилди. Опа ҳаракатлари давомида ишониб бордики, эри адолатсизлик қурбони бўляпти. Аҳволни бу ҳолда қолдириб бўлмайди. Шу туфайли унинг ҳаловати бузилди, бу йўлда ҳатто ўз ҳаётини тикди. Таассуфки, Ойниса опа каби «замон тарбиялаган қаҳрамон»лар кам эмас. Ахир «Пахта иши» билан қанчалаб оилалар қўрғонига ўт кетди?! Улар юзлаб, минглаб. Улар қалбида тузалмас яранинг доғи бир умр қолди.

Хўш, О.Раҳимованинг фидойилиги нима учун керак бўлиб қолди? Ҳақиқатда, уй бекаси ўз юмушлари билан банд бўлиб ўтирса бўлмасмиди? Ахир, мамлакатда адолатни қарор топтириш, ҳақни ҳаққа ажратиш учун бир нечта министрликлар, минглаб қонуншунослар ишлайди-ку! Бир қараганда шундай, бироқ мутасадди идораларнинг фаолияти оқлашга эмас, қоралашга, озод қилишга эмас, жазолашга йўналтирилган бўлса-чи? Ўша кунларда А.Раҳмонов ва бошқаларнинг иши билан боғлиқ ҳужжатларни кўздан кечириб, иштирокчиларнинг сўзларини тинглаб, шундай хулосага келиш мумкин эдики, масалага ёндашишда инсонпарварлик тамойилларидан қатъий чекинилган, айбни енгиллатиш эмас, балки оғирлатиш ҳолатларига кўпроқ эътибор берилган, жиноятни

юзага келтирган холис сабаблар тўла ўрганилмаган. Хуллас, шахс ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлидан эмас, жазолаш йўлидан борилган.

Суд ҳужжатларини кўздан кечирамиз. Ҳаммаси ҳукмда кўрсатилганидек, фақат Олий суд ажримда А.Раҳмоновга «800 сўм ўзлаштирган» деган айб ёпиштирилган. Унақада ўзлаштирилган пул 2640 сўм эмас, 3440 сўм бўлишини наҳотки ажримга имзо чеккан Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари – раис А.Акбергенов, коллегия аъзолари – А.Кайпназаров ва А.Сарабеков ҳисобга олмадилар? Улар тақаган айб Раҳмоновнинг ҳолатини оғирлаштиради, уни шерикликда айблар эди-ку? Бу шунчаки касбий хатоми ёки инсон тақдирига бе-парволикми?

– Ростини, Олий суддан умидимиз катта эди, – дейди Ойниса опа, – ҳақни қарор топтиради, оқлаб юборар, деб ўйлаган эдик. «800 сўм» кўзимизни очди, қараб туриш бефойдалигини сезиб, ҳаракатни бошладик. Совхоз ишчилари, фахрийлар қўллаб-қувватлашди, улар илтимосномалар ёзиб беришди.

Ҳақиқат излаган аёлнинг бутун Иттифоқ бўйлаб кезиши бошланди. У Республика прокуратураси, Олий суди, Олий Совети, Марказий Комитетининг масъул ходимларига учрашди, улардан нажот кутди. Уни баъзан қабул қилишди, баъзан эшикданоқ қайтариб юборишди, гоҳида тескари маслаҳатлар беришди. Йўлларда адашди, кечалари вокзал ва аэропортларда қолиб кетди. Лекин у ёлғиз эмасди, ўзидек ҳақ истаганлар, жабрдийдалар кўп эди. Шуларга суянди. Москвага йўл олди, поездда ўғли ноҳақ қамалганидан арз қилиб бораётган «Қаҳрамон она» ҳамроҳ бўл-

ди. Ит азобида СССР бош прокурорининг вакилига рўпара бўлди. У ерда Ойнисани тинглаб, «Наҳотки, пахта билан одамлар қамалган бўлса?» деб жавоб беришди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари номига фототелеграммалар юборди. Ваъдалардан бир оз кўнгли тўлиб қайтди. Шундан кейин жиноят ишидаги «800 сўм»ни олиб ташладилар. («Бунинг учун 800 килограмм қоғоз сарфладим» деганди Ойниса опа йиғламсираб). Ниҳоят, 1987 йил 9 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг афви билан А.Раҳмоновнинг қамоқ муддати 7 йилга қисқартирилди. Бу ҳам қаноатлантирмади. Ахир, бегуноҳ одам нега турмада ўтириши керак? Яна юқори органларга вазиятни изоҳлаб, содир этилган жиноий хатти-ҳаракатда А.Раҳмоновнинг қўли йўқлигини тушунтириб хатлар ёзилди.

1988 йил 19 майда иккинчи афв эълон қилинди, 7 йиллик муддат 4 йилга туширилди. Ҳамма азоблар тугаганга, хуш замонлар яқинга ўхшарди. Кейинги ойлар, айниқса, қийин ўтди, болаларнинг ичикканини айтмайсизми? Ойниса опа 1 сентябрда 40 ёшга тўларди, шу бахтли кунида турмуш ўртоғини ёнма-ён кўришни истарди. У Қаршига қатнар, ҳар сафар эрининг кийим-бошларини келтирарди. Лекин 4 марта ҳам ёлғиз қайтди. У азоб ичида ўртанарди, ахир, болаларга нима дейди, улар дадасини кутаяпти. Насиб қилган яхши кунлар ҳам бор экан, Акром ака 15 сентябрда қадрдон оиласига қайтди.

Аслида, Қашқадарёга янги раҳбар келган, у оилалар бошига тушган фожиаларни юракдан ҳис қилиб, амалий ишлар бошланиб кетганди. Ҳаммаси қўрқинчли тушдек ўтиб кетганга ўхшарди. Би-

роқ таассуротлардан халос бўлиш қийин, улардан қутулиш оғир. Айниқса, мунис қалби ёмонликлардан зада бўлган Ойниса опа баъзан шунча сарсонликларни бошдан кечирганига ишонмайди. Биз бу садоқатнинг жонли тимсолига тўқис оилавий бахт тилаймиз. Ҳа, сиз вафо тимсолисиз. Ахир, қандай кунларни кечирдингиз, опа!

Ўша кунларнинг жонли гувоҳи сифатида муҳтарам Президентимиз бу вафо маликаларига ўз эҳтиромларини шундай ифодалаганлар: «Балки улар умид билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошига ҳеч қачон «мен сизни севаман, яхши кўраман», деб айтмагандир, лекин бутун қалби, вужуди билан ўз ёрига фидоий бўлган ана шу аёллар тимсолида мен ҳақиқий севги ва садоқат намунасини кўрганман, десам, ишонинглар, бу – аини ҳақиқат»².

Акрам акани эса бошқа бир туйғу – баъзи одамларнинг тошбағирлиги қийнайди. Қамокқа олинган 30 июль куни консерва заводидида эди (у совхоздан бўшаб, вақтинча шу ерда ишлаётган эди). Ички ишлар ходими прокурор санкциясини кўрсатиб, қўл қўйишга мажбур қилди ва қамалганини билдирди. Акрам ака ташқарида машинаси, унинг ичида ўғли Акмал борлигини, ёш болага бу даҳшатни билдирмаслик кераклигини айтиб, уйига бориб келишга рухсат сўради. Ходим кўнмади, олиб кетди. Катта кўчада ёш бола машина билан қолаверди. Кимдир раҳм қилиб уйига хабар берди. Кечқурун хотини кўрпа ва егулик келтирди.

Вакил-чи? «Пахта оласан» деб қанчалар зуғум қилган эди. Ҳеч бало урмади, сувдан қуруқ чиқиб кетди. Судда ҳатто юзлаштирилмади. Кейин мак-

² Ўша китоб, 228-бет.

табга директор бўлди, виждони бироз қийналган-микан? Болаларга нимадан сабоқ берган экан?

Турмада маъмурларнинг қийнаши-чи? 7 ойда болалари билан бир марта учрашувга рухсат беришди. У ҳам беш дақиқадан ошмади.

Партия ташкилоти коммунист А.Раҳмоновнинг тақдири билан умуман қизиқмади. Йиғилишда унинг партиявий иши кўрилмасдан, билети чўн-такда туриб қамашди...

Бироқ энди у кунлар такрорланмайди, Акром Раҳмонов озодликда-ку, ахир.

Оила шарафи, сиғинган эътиқоди ҳам Акрам акани қийин пайтларда олдинги қаторларда бўлишга ундаганди. У оддий деҳқон оиласида ўсди, улғайди, нимага эришган бўлса, фақат ҳалол меҳнати туфайли бўлди. Отаси аллақачон вафот этганди. Турмуш уларни тарбиялади. Акаси Шодмон Умаров – Совет Иттифоқи Қаҳрамони, камтар ва ҳалол инсон, бутун умр бўйи халқ меҳрида бўлди, сидқидилдан хизмат қилди. Ундан ёрқин хотиралар мерос бўлиб қолди. Акрам ака бу мероснинг қонуний вориси, давомчиси. Институтни битириб келиб, узлуксиз 19 йил бир жойда ишлади, оддий агрономликдан хўжалик раҳбари, тумanning етакчи мутахассиси даражасигача кўтарилди. Элда муносиб обрў қозонди. Хизматлари эътироф этилди. У қамалган кунлари Акрамни яқиндан билган кишиларнинг кўчада йиғлаб юрганини, халқ жуда афсусланганини эслашади. Аслида у «қўшиб ёзиш» деган балого 63 кун рўбару келди ва бу гуноҳи учун 38 ой қамоқда азоб чекди. Яхшиям унга ўхшаганларнинг бахтига Қашқадарёга эл дардига малҳам бўлишга шай раҳбарларни Яратган ато этди...

* * *

Ташвишли кунлар ортда қолди. Инсоний қадри тикланган оила мустақилликнинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, фаровон ҳаёт кечирди. Олти нафар фарзандни тарбиялаб, халққа қўшди. Бугун уларнинг ҳар бири озод юртнинг бахтли фуқаролари. Фақат иситмадек ўтиб кетган қора кунларнинг ёқимсиз хотираси ҳаётга теран кўз билан қарашга ундайди, бу кунларнинг қадрига етишга чақиради.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

БЎРОНЛАРДА СИНМАГАН САБОТ

Қўлимда сарғайиб, титилиб кетган суд ҳукми. 1986 йилнинг 22 август санасида Жиззах вилоят суди жиноят ишлари коллегиясининг очиқ суд мажлиси баённомаси. Уни варақлар эканман, вужудимга титроқ киради.

Ҳукми изтироб билан ўқиб чиқдим, ўтган асрнинг машъум ва даҳшатли 80-йиллари, Шўролар ҳукуматининг инқироз олди талвасалари, ўша даврда Ўзбекистонда юз берган аянчли воқеалар, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб номланган фитнанинг қурбони бўлган қанча-қанча оилалар, бегуноҳ одамлар, уларнинг бошига адоқсиз азоб-уқубатлар келтирган Гдяян ва Ивановларнинг қилмишлари кўз ўнгимдан кино тасмасидай ўта бошлади. Ўшанда Гдяяннинг номи тилга олингудек бўлса, одамларнинг юраги ўлим шарпасидан сескангандек бир сесканиб кетарди.

Дарвоқе, юқоридаги суд ҳукми ҳақида. Бу ҳукм менга замондош, юртдош бўлган, ёнимиздаги маҳаллада ўсиб-улғайган, Сирдарёнинг бир фидойи фарзанди, ўзининг бутун умрини, ғайрат-шижоатини элга хизмат қилишга бағишлаган, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қўриқ ерларида янги ташкил этилган совхозларда агроном, бўлим бошқарувчиси, совхоз директорининг ўринбосари, совхоз директори лавозимларида ишлаб элга танилган заҳматкаш инсон Юсуф Товбоевнинг тақдирига

қора чизиқ тортган, ҳаётини остин-устин қилиб, умрини пароканда қилиб юборган ҳужжат. Унда Юсуф Товбоев билан ёнма-ён меҳнат қилган беш нафар мутахассиснинг ҳам шаънига иснод келтирадиган ифво ва бўҳтонлардан иборат айбно-малар мужассамланган. Бу оилаларнинг бирида ўн нафар, яна бирида саккиз нафар, етти нафар, олти нафар вояга етмаган норасидалар чирқираб қолган. Уларнинг оталари эса «порахўр» деб номланган сохта айбловлар билан қамоқхоналарда азоб тортган эдилар.

Ўша пайтларда «Сирдарё ҳақиқати» газетаси таҳририятида муҳаррир ўринбосари эдим. Ҳар куни эрталаб ишга келганимда марказий нашрларда «Пахта иши» ҳақида у ёки бу вилоятдан эълон қилинган танқидий мақолага кўзим тушар, уни ўқигач, кун бўйи юрагим азобланар, қўлим ишга бормай карахт бўлиб юрардим. Юраги пахтасидек юмшоқ бу заҳматкаш элнинг гуноҳи нима, тонг ёришмасдан даласига отланган, саратоннинг жазирамаларида ҳордиқ нималигини билмай пахтасини парваришлаган, ой ёруғида жўякларга сув тараган, ғўзасини сел-ёмғирдан кўкси билан тўсиб, асраб-авайлаган, ҳосилини йиғиб-териб олмагунча шийпонида тунаган, кўзларига уйқу қўнмаган деҳқон элни бадном қилиш кимларга керак бўлиб қолди, ҳалол нонини, топган тансиқ таомини ўзи емай меҳмонга илин-диган ўзбек халқининг покиза шаънига туҳмат тошларини отаётганларнинг не муддаоси бор? Бундай саволлар менга тинчлик бермас, лекин бу адолатсизликка, бу ифволарга чек қўйилишига халқимизнинг ҳақоратланган, топталган шаъни, албатта, тикланишига ишонардим.

1984 йилнинг 7 июль куни Сирдарёда совуқ бир миш-миш тарқалди. «Юсуф Товбоев қамалибди, унга қайсидир раҳбарга пора берган, деб айб қўйилаётган эмиш. У билан бирга қўл остида ишлаётган бир гуруҳ мутахассис кадрлар ҳам тергов қилинаётган эмиш».

Бу миш-мишлар Юсуф Товбоевнинг маҳалладошларини, уни яхши биладиган, ёнма-ён ишлаган, меҳнатсеварлигига, ташкилотчилигига, юксак инсоний фазилатларига ҳавас қиладиган, адолатли холис раҳбар сифатида қадрлайдиган дўстларини қаттиқ ташвишга солди.

...Юсуф Товбоев ҳақиқий чўл фарзанди эди. У Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида оддий деҳқон оиласида туғилиб-ўсган. Қишлоқ хўжалик техникумини битириб келиб, шу хўжаликда участка раҳбари бўлиб иш бошлаган. Юсуф бошлаган ишини рисоладагидай қилиб охирига етказмагунча тиниб-тинчимайдиган, кўз қарашлари ўткир, мустақил фикрлайдиган, қайсарроқ ва бир сўзли, шахду шиддати баланд бўйларига ярашиб турадиган йигит эди. У ишчанлиги билан тезда элга танилиб қолди. Қишлоғида бир оз муддат ишлагач, кўпни Оқолтин туманида янги ташкил этилган «Андижон» совхозига ишга юборилди. У ерда аввал агроном, сўнгра бўлим бошқарувчиси вазифаларида меҳнат қилди. Қайси вазифада ишламасин, тиниб-тинчимаслиги, қатъияти ва юксак масъулияти, янада муҳими, атрофидаги одамларнинг кўнглига йўл топа оладиган самимияти билан ҳурмат-эътибор топди, сиртдан ўқиб, олий маълумот олди.

Ҳамқишлоқлари, тенгқурлари, дўстлари, ҳамкасблари, улфатлари орасида Юсуф аканинг ўз мавқеи, муносиб ўрни бор эди. Ундан маслаҳат

сўрашар, фикри билан ҳисоблашишар эди. Бугун ҳам Юсуф аканинг тенгқурлари бўлган кексалар у ҳақида гап кетса, «зўр улфат эди, даврага келиб қўшилса, жон киргизиб юборарди», деб эслашади. Беғубор ҳазил-мутойибалари, латифалари, аскиялари билан ҳаммани оғзига қаратарди. У билан бир суҳбатлашган одам яна бир суҳбатлашсам, дерди.

Одамларнинг, элнинг эътибори, ишончи, эътирофи инсонни қудратли қилади, олдига юксак мақсадлар қўйиб яшашга ўргатади. Турли вазифаларда ишлаб, ҳаётнинг синовларида тобланган, чиниққан, деҳқончилик, пахтачилик илми сирларини эгаллаган, қўриқ совхозларда меҳнат қилиб, катта ҳаётий тажриба тўплаган, айни куч-райратга тўлган 35 ёшли Юсуф акани 1972 йилда Оқ олтин туманидаги 10-^{«А»} совхозига бўлим бошқарувчилигига таклиф этишди. Ўшанда совхоз директори бутун республикага таниқли раҳбар Худоёр Латипов эди. Юсуф Товбоев Худоёр акадек талабчан, қаттиққўл раҳбар билан ишлашга қувониб рози бўлди. Ахир, халқимизда «Яхшига ёндашсанг етарсан муродга, ёмонга ёндашсанг қоларсан уятга», деган мақол бор. Юсуф ака совхозга ишга бориб, у ерда ўзига ўхшаган билимдон, ишга чанқоқ, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар – Анварбек Жумаев, Салимжон Хушвақтов билан танишди ва умрининг охиригача оға-ини бўлиб кетди. Шу хўжаликда ишлаган йиллари унга катта омадлар келди. 1974 йилда ўша пайтда Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги илғор, пахтадан юқори ҳосил оладиган «Фарғона» совхозига бош агроном этиб тайинланди. Бу совхозда Фарғонанинг Қува туманидан қалб амри билан ишга келган, ўзи билан бирга юзлаб оила-

ларни чўлга кўчириб олиб келган, чўл бағрида сўлим гўшалар яратишга бош-қош бўлган бунёдкор инсон Собиржон Сиддиқов раҳбарлик қиларди. Юсуф Товбоев Собиржон аканинг ёнида юриб, раҳбарлик сирларини ўрганди.

Юсуф акани ҳаёт ҳамиша яхши одамларга дуч қилди, холис ниятли кишиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Шу боисдан омад уни қўлларидан етаклаб юрарди. Омад эса ўз-ўзидан келмайди, у ҳалол, тинимсиз меҳнат эвазига келади, инсонни зинама-зина юксакка кўтаради. 1976 йилда Юсуф Товбоев Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Саркисов номли 12-совхозга директор этиб тайинланди. Беш йил шу совхозга раҳбарлик қилди, уни энг яхши хўжаликлар қаторига олиб чиқди. Юсуф Товбоевни нафақат Сирдарё вилояти, балки Жиззах вилоятидагилар ҳам яхши танийдиган бўлишди.

1981 йилда Юсуф Товбоев тажрибали, салоҳиятли раҳбар сифатида Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 27-совхозга директор этиб тайинланди. Янги раҳбар бор куч-ғайрати, тажрибасини сарф қилиб, ишга шўнғиб кетди. Совхознинг марказий посёлкасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларига ёшу қарини сафарбар қила олди, қишлоқнинг қиёфасини ўзгартириб юборди, ҳатто пахта экиладиган карталарнинг четига ҳам ўрикзорлар барпо этилди. Ҳар бир бўлимнинг шийпони атрофига экилган сархил ўрик кўчатлари уч йилда мевага кирди, совхоз марказидаги йўллар четига экилган ўриклар шифил ҳосил қилди.

Инсон учун ўз меҳнатининг мевасини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ. Юсуф ака ҳар куни тонгда

қишлоқнинг кўчаларидан ўтаётиб, саришта ҳовлиларга кўз ташлар, чўл ўрнида бунёд бўлган шу сўлим қишлоқни яратишда ўзининг ҳиссаси борлигидан фахрланиб кўярди. Пахта далаларини кезиб-кезиб, бирор лотокнинг четига ўтириб олиб, ям-яшил гўзалари чўл шабадасида сокин чайқалаётган бепоён далаларга қараб завқланар, елкасини қиздираётган чўл офтобининг олов ҳарорати ҳам, юзларига урилаётган иссиқ гармселнинг нафаси ҳам унга бир олам ҳузур, руҳига ҳаловат бағишларди. Юсуф ака меҳнат қилиб, маънавий қувват оларди, қилган ишидан лаззат оларди, маза қилиб ишларди, ҳаётдан мамнун эди, элу юрти олдида юзи ёруғ эди.

...Ўша куни у Жиззахга мажлисга бориши керак эди. Юсуф ака эртароқ ишга отланди-да, идорага кириб зарур маълумотларни олиб, «Волга»сига ўтирди. Совхоз марказидан чиқиб, Жиззах йўлига бурилиши билан машинани бир йигит тўхтатди. Юсуф ака ҳайрон бўлиб машинадан тушиб, унга юзма-юз бўлди, машинани тўхтатган одамнинг рангпар, заҳил юзида кузги изғириндек совуқ бир ифода зоҳир эди, унинг чағир, кўм-кўк кўзларида такаббурлик, беписандлик акс этиб турарди. У ўзини таништиришни ҳам, мақсадини айтишни ҳам лозим топмай, чўнтагидан қизил гувоҳнома чиқариб, Юсуф аканинг юзига тутди. Унда «Начальник следственного отдела по особо важным делам Прокуратуры СССР Ю.Колесниченко» деган ёзувни ўқиди, вужуди музлаб кетди. Юсуф ака унга вилоятга мажлисга бориши зарурлигини тушунтирмоқчи бўлди. Лекин у эшитишни ҳам истамай, Юсуф аканинг қўлларига кишан солди. Бу воқеа шунчалик тез

содир бўлдики, Юсуф ака ҳали ўзини нималар кутаётганини билмасди...

...Вилоятга мажлисга отланган Юсуф ака шу куни Жиззах шаҳридаги ички ишлар бошқармаси ҳибсхонасининг ертўласига қамаб қўйилди. Уни нима учун қамашганининг сабабини ҳеч ким тушунтирмади ҳам. Бир ҳафта ўтгач, оиласи, фарзандлари бу воқеадан хабар топишди. Юсуф Товбоев қамалгач, у раҳбарлик қилган совхозда ҳар куни бир ваҳимали хабар тарқалар, кўча-кўйда одамлар бир-бирлари билан гаплашгани ҳам ҳадиксираб туришар, қўни-қўшнилар бир-бирларининг уйига кириб-чиқишдан ҳам чўчишарди. Боиси, Москвадан келган 12 кишидан иборат тергов гуруҳи ҳар куни совхоздан бир гуруҳ одамларни гувоҳ сифатида терговга чақирар, эрталабдан то тунга қадар уларни сўроқ қилиб ҳолдан тойдирар эди.

Ички ишлар ҳибсхонасининг зах, деворларидан нам тепчиб турган подвалида ётган Юсуф Товбоев бўлаётган воқеалар қандайдир англашилмовчилик туфайли содир бўлган, деб ўйлар, бугун-эрта уни чиқариб юборишларига умид қилар, лекин кун ўтган сайин кўнглининг бир четида милтилаб турган умид учқунлари сўниб бораётганини ҳис қилиб турарди. Ҳар куни уни махсус топшириқ билан келган терговчилар сўроқ қилар, ҳаммаси битта – «кимга пора бергансан, қанча пора бергансан?» деган саволни такрорлар эди. Юсуф аканинг нафрат билан уларнинг кўзига тик қараб, «Ҳеч кимга пора бермаганман», деб бир сўзда туриб олиши уларнинг ғазабини оширарди. Айрим кунлари Юсуф ака улар тинимсиз такрорлаётган саволдан вужуди титраб, ўзини аранг тутиб турарди.

Икки йилдан ортиқ давом этган қийноқлар, ҳибсхонанинг совуқ, бадбўй хоналаридаги азобли кунлар Юсуф аканинг метин иродасини бука олмади, ҳақиқатнинг юзага чиқишига бўлган ишончини синдирмади. Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси ҳибсхонаси ертўласида, сўнгра Ховосдаги 13-сонли тергов изоляторидида ўтказган кунларини, кўрган азобларини Юсуф ака ҳеч кимга, ҳатто умр йўлдоши Турсуной опага ҳам, ўғилларига ҳам айтмаган. Тўнғич фарзанди Абдурайим биз билан суҳбатда шундай хотирлайди:

– Отамнинг тергови 1984 йилнинг 7 июлидан 1986 йилнинг август ойигача – икки йилдан ортиқроқ давом этган. Отамни ҳеч кимга кўрсатишмасди, ҳеч ким билан гаплаштиришмасди. Оиламизда ҳаловат йўқ, 10 нафар фарзандмиз, мен энг каттасиман. Онам бу мусибатдан довдираб қолди. Гуёки атрофимиздагилар бизни қўли билан кўрсатиб, «Жиноятчининг болалари», деб нафратланаётгандек туйилаверади. Одамларга қўшила олмай қолганмиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди, онам шўрлик, бир куни бир тоғора манти пишириб қўлимга тутқазди: «Болам, олиб бор, зора, ҳибсхонадагилар ичидан бирорта инсофлиси чиқиб, овқатни отангга олиб кириб берса...»

Онаизоримнинг юраклари эзилиб айтган зорланишини қайтара олмай, бир тоғора мантини олиб, Ховосга жўнадим. Эрталаб бориб то қош қорайгунча ҳибсхона эшиги олдида у ердагиларга илтимос қилиб сарғайдим, отамни кўрсатишмади. Тоғорадаги мантини кўтариб ярим тунда Ховосдан Янгиергача пиёда келдим. Янгиерда катта каналнинг бўйига келиб, хўнграб йиғлаб кўнглимни бўшатдим. Йигит кишининг йиғлаганидан ҳам аянчлироқ ҳолат борми? Сўнгра ман-

тиларни каналга ағдариб, бўш тоғорани кўтариб уйга қайтдим. Уйда умид билан мени кутиб ўтирган онамнинг кўнглини тинчитдим: «Отамни кўрдим, мендан хавотир олманглар, яхшиман дедилар, овқатни олиб кириб беришди», – дедим.

Бу мусибатли кунлар фақат Юсуф Товбоев хонадонида эмас, у билан бирга ишлаган совхознинг бош ҳисобчиси, уруш қатнашчиси Маҳкам Алимов, бош иқтисодчиси Яхшилик Қобилов, касирлар Ислон Бегманов, Хўжамберди Дўсматов, бош ҳисобчининг ёрдамчиси Бердимурод Рустамовнинг ҳам бошига тушган, фарзандларининг бошини ҳам қилиб қўйганди.

...Ниҳоят, 1986 йилнинг 22 август куни Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 27-совхоз идорасида Жиззах вилоят суди жиноят ишлар коллегиясининг очиқ суд мажлиси бўлди. Суд Юсуф Товбоевни 14 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш колониясида ўташ белгиланди. Қолганлар 10 йил, 8 йил, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳукм ўқилди, залда пашша учса эшитиладиган жимлик чўкди.

Юсуф Товбоевга охирги сўз берилди. Совхоз аҳли ўз раҳбарининг нима дейишини кутарди. Юсуф ака ўрнидан турди, у одамларнинг кўзига тик қаради, лекин ҳеч кимнинг кўзида ўзига нисбатан нафратни кўрмади, аксинча, унга термулган юзлаб нигоҳлардаги хайрихоҳликни, ҳамдардликни, қувватлашни қалб кўзи билан ҳис қилди ва хотиржам, мардона, ўктам овозда шундай деди:

– Менга берилган жазога розиман. Лекин ёнимдагиларнинг бирортаси ҳам айбдор эмас, улар менинг, яъни раҳбарнинг топшириғини

бажаришган, уларга енгиллик беришингизни сўрайман.

Залда гулдурос қарсак янгради, «Оббо, азамат-э, отангга раҳмат, ҳақиқий йигитнинг гапини айтди», дейишди залда ўтирган кексалар. Улар Юсуф Товбоевнинг мард, адолатли инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

Юсуф Товбоев жазо муддатини ўташ учун Учкудукдаги жазони ўташ муассасасига жўнатилди. Ўша йилларда унинг оиласи, фарзандлари бошига тушган кўргиликларнинг ниҳояси кўринмасди. Умр йўлдоши Турсуной опа 10 нафар фарзандининг ўксиб турган кўзларига, мунғайган чеҳрасига қараб юраклари эзила-эзила ҳолдан тойди. Она-да, болаларига кўрсатмай пана-пананда йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатиб олади, Худодан ўзига сабр тилайди, яна рўзғор юмушларига уриниб кетади.

...1989 йил. Ўзбекистонда адолат шабадалари эсиб қолди. «Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов «Пахта иши» билан ноҳақ қамалганларни озод қилдиран эмиш», деган хушxabар тарқалди. «Хушxabарнинг қаноти бор», дейишади. Бу хабар Юсуф Товбоевнинг хонадонига ҳам ёруғ кунларни олиб келди. Орадан кўп ўтмай, ноҳақ қамалганлар озодликка чиқиб, оилалари бағрига қайта бошладилар. Юсуф ака оқланиб, ёруғ юз билан уйига кириб келганида маҳалласида тўй бўлиб кетди.

Қамоқхонада ўтган беш ярим йил Юсуф аканинг умридаги энг офир йиллар бўлди. Уни биргина умид асраб қолди. Ўзининг теран тафаккури билан ҳақиқатнинг юзага чиқишига ишониб яшади, ички бир овоз: «Бу кунлар ўткинчи, юзинг албатта ёруғ бўлади, бардам бўл!» деб такрорлай-

верарди. Фақат бир фикр адоқсиз азоб берарди. «Бошимга тушган бу кунлар ўн нафар фарзандимнинг тақдирига «қора тамга» босмасмикан», деган хаёл вужудини титратарди. Тўрт девор ичида офтобнинг уфқдан бош кўтаришини, тонг ёришини, қуёш ботишини кўришдан бенасиб ўтган ўша машъум йиллардан омон ўтиб, қутлуғ хонадонига қайтиш, нонуштада аёли ҳозиргина тандирдан узиб келтирган иссиқ нонни қўллари куйиб-куйиб ушатиш, фарзандлари қуршо-вида ўтириб дуога қўл очиб, Яратгандан ҳалол ризқ-насиба сўрайдиган кунларга етиш умиди билан яшади. Аммо соғлиғини йўқотиб, юрак касалини орттириб қайтди.

Юсуф ака ўзи аввал ишлаган совхозга директор ўринбосари этиб тайинланиб, иш бошлаганида, кўксига нураб ётган ғурур тоғи тикланди. Одамларга, элига кераклигини ҳис қилиш унинг забардаст билакларига қувват берди. Инсонлик шаънини, қадр-қимматини, пок номини, ғурурини тиклаб берган Ислом Каримовга миннатдорлик мактуби йўллашга жазм қилди. Кўп ўтмай Президентдан унга жавоб мактуби келди. Азоб-уқубатли кунларда, қамоқхонанинг дим, бадбўй хоналарида ётиб, камситиш ва хўрликларга чидаган, кўзига ёш олмаган Юсуф ака давлатимиз раҳбарининг имзоси билан юборилган мактубдаги «Ўзингизни асранг, Сизга соғлик-омонлик тилайман», деган жумлаларни ўқир экан, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди, беихтиёр мактубни кўзларига, юзларига босди. У Ўзбекистон раҳбари ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва тинчлиги учун ишончли кафолат эканлигини юрак-юракдан ҳис қилди... Юрагида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган фахрни туйди.

1991 йилда Юсуф Товбоев Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги ўзи туғилиб-ўсган «Москва» хўжалиги (ҳозирги Тошкент ҚФЙ)га директор этиб тайинланди. Уч йилда қолоқ хўжаликни ҳамма кўрсаткичлар бўйича илгор хўжаликлар қаторига олиб чиқди. Сўнгра Оқолтин туманидаги Бобур номли хўжаликда (1997 – 1998 йиллар) директор, Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Ғалаба» номли 3-совхоз директори лавозимида ишлади. Меҳнат фаолиятини бошлаганидан то нафақага чиққунга қадар турли лавозимларда ишлади, жамоаларга раҳбарлик қилди, кимнидир қўллади, кимнидир суяди, кимнингдир тўйини ўтказишга бош-қош бўлди, кимнингдир муаммосини ечишга кўмаклашди. Ҳаёти давомида «Инсондан яхшилик қолади» деган шиорга қатъий амал қилди.

Юсуф Товбоев 75 ёшида юрак хуружи билан оламдан ўтди. Лекин ҳамюртлари, уни яхши танийдиганлар, тенгқурлари, дўсту биродарлари қалбида Юсуф аканинг мунаввар хотираси яшамокда. У одамларнинг кўнглида ёруғ излар қолдирган инсон эди...

ДАЛА ШУНҚОРИНИНГ АРМОНИ

Ҳаётинг яхши бўлса, вақт чопқиллаб ўтиб кетганини сезмай қоласан.

Бошингга бирор мушкул тушса... вақт деганлари тўхтаб қолади гўё... Собиқ мустабид тузум емирила бошлаган даврда, республикамиз боши узра «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган машъум гаплар қора қуюн мисол таҳдид солган дамларда вақт тўхтаб қолганга ўхшарди. Қора кунларнинг ҳар бир дақиқаси ўтиши нақадар офир кечганди...

Машъум кунлар ўтмишга айланди. Бир пайтлар қанчадан-қанча оилалар тинчлигини бузган, не-не инсонлар ҳаётига зомин бўлган ўша «Пахта иши» ҳақидаги гаплар ҳам тушга айланди гўё...

Бироқ ўтмишни унутиб бўладими? Ўтмишини унутганларнинг келажаги яхши бўлмаслигини ҳаёт ўзи исботлаб турибди-ку. Кечаги аянчли кунларини эсидан чиқармаганлар бугунги дориломон дамларнинг қадрига ўзгача етади, эртанги келажаги учун мустаҳкам пойдевор қўя олади.

Бизнинг болалик давримиз ўтган асрнинг 70-80 йилларига тўғри келган. Суягимиз пахта далаларида қотган. Эрта кўкламдан ер чопиш, чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш, яганалаш, чеканкалаш, қатқалоқ ерни юмшатиш ва иложи борича тунда суғориш, ниҳоят, оппоқ, лўппи пахталарни йиғиб-териб олиш машаққатини кўриб улғайганмиз. «Пахта – бойлигимиз», деган сўз мурфак қалбимизга муҳрланган. Кузнинг дастлабки кунларидан бошланган пахта терими декабрь ойининг охиригача давом этар, «социалистик

мажбурият» дея хирмонимиз 6000000 тоннага етмагунча каттаю кичикда тиним бўлмасди...

Сентябрь, октябрь ойлари офтоб чарақлаб турганида бир нави эди, аёзли ноябрдан қор-қировли декабрь адофигача тортадиган азобимизни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмасди. Совуқда очилмай қолган кўсакларни терган қўлларимиз ёрилиб, тирноқлар қўпорилиб кетарди. Кўсак чувиш машинасига паншахалаб подбор (чала очилган кўсаклар, хас-хашак ва тупроққа қоришиб кетган пахтани шундай атардик) ташлар эканмиз, қуюндек кўтарилган чанг-тўзон ичида ўзимиз ҳам кўринмай кетардик...

Алам қиладигани, шунча тиним билмай ишласак-да, кўпинча «план» бажарилмай қоларди... Кейин қарзга ботган колхоз ёлчитиб маош бермасди...

Бу гапларни бугун эслашимиз боиси, пахтакорлар заҳматини кўрганмиз, улар дардини ҳис этамиз.

Эртаю кеч даласидан бери келмаган деҳқонларнинг косаси оқарганини кўрмагандик. Ўлганнинг устига тепгандек, «Пахта иши» деган гап чиқиб, бало-қазога айлангани ҳаммасидан ошиб тушган...

Ўшанда пахта учун жон фидо қилган қанчадан-қанча фидойи деҳқонлар, оддий табелчидан тортиб бригада бошлиғи, жамоа хўжалиги раиси ва ҳатто туман раҳбарларигача «Пахта иши» тамғаси остида хўрланганини, азоб-уқубат чеканларини эсласам, этим жунжикиб кетади... Самарқанд вилояти Оқдарё тумани томон йўл оларканман, шууримдан шундай ўйлар кечарди.

Мактабда мухбирликка ҳавас уйғонган кезлар «Оқдарё овози» газетасига бориб турардим. Ёш



Ноқонуний қамоққа олинган кишилар орасида кўп болали оналар, ҳомиладор аёллар, ёш болалар, қариялар ҳам бўлган (1985–1986 йиллар).



Хукмнинг ўқилиши (1985 – 1986 йиллар).



Пахта даласида оғир меҳнат
(80-йиллар).



Пахта даласига зарарли пестицид сепилмоқда (80-йиллар).



Тергов гуруҳи бошлаган жараёнларнинг барчаси очиқдан-очиқ айблов йўналишида ўтди. Умр бўйи меҳнат қилиб келган оддий халқ жисмоний ва маънавий азобларга дучор бўлди. Уларга пахтани қўшиб ёзиш, мансабни суиистеъмола қилиш каби айбловлар қўйилди.



Тергов гуруҳи кишиларни
ҳибсга олиш, уйларида
тинтув ўтказиш,
мол-мулкани тортиб
олиш чоғида ҳам мисли
кўрилмаган адолатсиз-
ликларга йўл қўйилди
(1985 – 1986 йиллар).



«ПАХТА ИШИ»ГА ДОИР АРЗНОМАЛАР

Қашқадарё область партия комитетининг
Сиринчи секретари урток Қаримовга.

Қарши район "Ленин йули" совхозила
яшовчи куп болали она Шодиева
Зулфина томонидан

А Р И З А.

Мен II /ун бир / фарзанднинг онаси қахрамон она. Мен ва болаларимни ҳозирги кунда оғиб шароитда яшайтганлиги хақида оизларга ариза орқал муржаат қиламан.

Эрим Шодиев Тура 1983 йилда пахта перепискаси бўйича 1985 йилдан буен камокда етибди. V перепискадан эрим бири тийин ҳам манфаатдор бўлмаган. Уни уша вақтда ишлаган область, район раҳбарлари мажбурлаб жиноят ишига кул урдирган. Эндиликда эрим Шодиев камокда етибди. "Ленин йули" совхозидан камалганларни ҳаммаси вилди, фақат мени эрим ҳозир ҳам каттик камокдалир. Болаларим қасалланиб бормокда. Мени отам нега келмаси деб уқоинмокда, Узим қасалланд булиб қолдим. Болаларимни боқиш мен учун қийин булмокда. Эрим Шодиев Тура 30 йил совхозда оддий ишчидан директорлик вазирасида ишлаб келиб, бирор чора олгани Чук. Лавлат планлари доимо бажариб келинган. Уни хизматлари учун партгя ҳукуматимиз бир канча орден медаллар билан муко атлаган. Партияимизга минг раҳмат, ва миннатдорман.

Чунки мени эримни II йил камок жазосини 6 йилини олиб ташлаган. I, V йил орден медаллар учун авб этилган. 2,5 йилдан буен камокла етибди. Жами камокдан чиқишига бир йил қолган. Хақиқат хиообга олинган. Район бўйича I та узи совхоз директорларидан камокда.

Мен оизлардан илтимос қиламан, мени ахволимни хиообга олиб эрим Шодиев Турани болалари енига қайтариб озоқ қилишда ердам беришларингизни оурайман.

Улуг октябрни 70 йиллик байрамда болаларим ҳам отаоини қуришни умид қилмокда.

Ариза езиб илтимос қилувчилар: *Шодиев* Шодиева З.

Болаларим: Қарамат *Шодиев* Комила *Шодиев*
Ойгул *Шодиев* Нодира *Шодиев*
Тожигул *Шодиев* Зебо *Шодиев*
Нооир *Шодиев* Холио *Шодиев*
Собир *Шодиев* Нишувар *Шодиев*
Зулхумор *Шодиев*

Қашқадарё вилояти Қарши тумани «Ленин йули» хўжалиги
райси Тура Шодиевнинг рафиқаси Зулфина Шодиева аризаси.

Кашкадаре область партия комитетининг
биринчи секретари урток Каримовга.

Кашкадаре область Карши раёнидаги
" Ленин йули " совхозда яшовчи уруш ва
мехнат ветеранлари томонидан

А Р И ЗА В А И Д Т И М О С Н О М А .

Ушбу ариза ва илтимоснома оркали бизлар уруш ва мехнат ветеранлари сизга одоб билан муржайат киламиз. Муайядатимизни маълум киламиз. 1983 йилда пахта перепискаси буйича собик совхозимизни директори Тура Шодиев 1985 йилдан буен камокда етибди. Унинг II /ун бир/ боласи бор. Улар жуда азобда яшамокда. Бизларни уни болаларига раҳимимиз келди.

Пахта переписокаси учун Тура Шодиев айбдор эмас эди.

У Уни уша вақтда ишлаган область, район раҳбарлари мажбур этган. Шодиев перепискадан бир тийин ҳам манфаатдор булмаган. Унга II йил камок жазоси берилган. У совхозда оддий ишчидан совхоз директорлиги даражасигача 30 йил халол ишлаган эди. Давлат пландари доимобажариб келинган эди. Совхозни хар томонлама обод қилиб янги ерлар очиб боғу-роғлар, ясола, мактаблар қурган эди. Бир қанча орден ва медаллар билан уни меҳнати тақдирланган эди. Хамма вақт халқга раҳбар ва меҳрибон эди

Тура Шодиев тугилган қишлоқда янги ерлар узлаштирилган эди. Хозир у ерларда пахта экиб мул хосил олинмокда. 1987 йил хосил йилида Шодиев узлаштирган чанталзорлардан хозир бу йил айниқо мул хосил олинди. Икки бригада планини совхозда ва районда биринчи булиб 20/Х 87 да планини ошиғи билан бажарди. Икки барабар план учун пахтамиз мул. Албатта биз ветеранлар сузимиз устидан чиқамиз. Биз ветеранлар партия ҳукуматимиздан миннатдоримиз, чунки Шодиев Турани манфаатдор булмаганини ҳисобга олиб 6 йил жазоси олиб талланди. Яна бир ярим йил орден, медаллар билан тақдирланганлиги учун жазоси олинди.

7⁵ йил камок жазоси олиб ташланган. Эндиликда 3⁵ йилга камо билан камокда етибди. 2⁵ йилдан буен каттик камокдадир. Жазосини уташга бир йил колган. Биз ветеранлар осласъ партия комитети ердан килиб Тура Шодиевни колган вақтини аві этиб солаларини енига ыбориларингизга ердан бершингизни илтимов билан сураймиз. Бизлар хар кунг Шодиевни долаларини куриб уксинмоқдамиз. Бизлар Узбекистонимиз, областимиз учун, давлатимиз учун халол, вижданан меҳнат килиб, Батан олдидаги бурчимизни шараф билан сажаринга ваъда берамиз.

Ушбу ариза ва илтимосномамизни ҳисобга олсаялар деган умиддамиз.

Уруш ва меҳнат ветеранларидан.

1. Каюмов А. уруш ветерани.
2. Холмуродов С. " " "
3. Тухтаев Х. " " "
4. Рузиев Т. " " "
5. Турсунов Х. " " "
6. Хасанов Ч.Ш. " " "
7. Жумаев Б. меҳнат ветерани.
8. Махманазаров Ф. " " "
9. Жумуродов Р. " " "
10. Одилов Р. " " "
11. Рахимов Х. уруш ветерани.
12. Хамраев О. " " "
13. Шомуродов А. " " "
14. Турсунов Б. " " "
15. Бозоров Х. ме меҳнат ветерани.
16. Узокова Ш. " " "
17. Рахимова М. " " "
18. Холерова С. " " "
19. Урокова Г. " " "
20. Рузиев Э. " " "
21. Дониров Д. уруш ветерани.
22. Инатов П. " " "

журналист Йўлчи Муҳаммадиев бизни таҳририятда очиқ чехра билан кутиб оларкан, интервью олишда нималарга эътибор бериш кераклиги, факт ва рақамларни қандай таҳлил қилиш, қайси мавзуни қандай ёзиш сирларини ўргатар эди.

Бир гал Йўлчи ака тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига бошлаб борди. Болта қишлоғига туташ пахтазорда бир киши эгат оралаб юрарди. «Бу киши Эсиргап Раҳматов бўлади, колхоз (ўша пайтлар жамоа хўжалигини шундай дердик) гидротехниги, – шивирлади ёш устозим. – Гапларига эътибор беринг, тайёр интервью бўлади...»

Гидротехник – жамоа хўжалигида сув таъминоти билан шуғулланадиган киши бўлиб, қишин-ёзин далада юрарди. Зуваласи пишиққина, ёзнинг чилласида ҳам кирза этик кийиб олган ўша киши биз томон пешвоз келаркан, салом-алик асносида куйиб-пишиб шундай деди:

– Ғўзани хўжақўрсинга суғориш керак эмас. Баъзи сувчилар дангасалик қилаётганини билиб қолдим. Мендан эшитадиганини эшитди! Ўргатиш осон, айтганларингизни бажариш ўзи бўлмайди, дейди занғарлар. Ишнинг кўзини билмаганидан кейин шундай дейди-да. Ўзинг ҳадеб қуруқ сув ичмайсан-ку, дедим. Сенга шарбат қандай ёқса, ғўзаларга ҳам худди шундай хуш ёқади! Ғўзаларга бериладиган «шарбат»ни тайёрлашнинг нимаси қийин, деб ўзим шартта ишга киришдим. Ҳар бир дала бошида ҳовузчага ўхшаш чуқур кавладик. Уни гўнгга тўлдириб, ариқ сувини шу томон бурдик. Қарабсизки, «шарбат» тайёр! Ҳовузчанинг бу томонидан маҳаллий ўғитга тўйиниб оқиб чиқаётган сув – ғўзалар учун ҳақиқий «шарбат» ҳисобланади. Ундан озиқ олган ғўзалар ўсиши, кўсак тутишини кўрасиз. Ой

ёруғида «шарбат»ли сувга тўйган ғўзалар мўл ҳосил беради. Сувчилар учун тўлин ой бамисоли улкан фонусга айланган. Ундан фойдаланиб қолиш керак. Демокчиманки, бугун ҳақиқий сувчи тунда ишлайди. Оқшоми билан ўзим йигирма учта участкани айланиб чиқдим. Ҳаммаси «шарбат» суви билан таъминланди. Бундай озуқа ғўзанинг жонини киритади. Ҳосили шунга яраша бўлади!

Колхоз гидротехниги ўша участкаларни (пахта даласи шундай аталарди) номма-ном айта бошлади, қаерда қанақа муаммо пайдо бўлгани ва у тун бўйи фонус ёғдусида қандай ҳал этилганини бирма-бир тушунтирди. Этигининг қўнжидан қалин муқовали дафтари олиб, қайси участкада нечта жўяк борлиги, уларнинг узунлиги, қай бирига сув тараб қўйилгани ва қанча вақтда поёнига етишини аниқ ҳисоб-китоб қилиб берди.

Кетмон дастасидек пишиқ қўлларида, офтобда қизарган юзида, қисикроқ кўзларида шижоат акс этиб турган сув хўжалиги ходимининг куюнчақлигига қойил қолгандим ўшанда.

Далада ҳамманинг ўз ўрни бор. Баъзи ишлар мавсумий бўлади. Колхоз гидротехниги эса йил бўйи тиним билмас экан. Баҳору ёз фаслида суғориш ишларида сувчиларга бош-қош бўлса, кузда зах қочириш, қишда эса шўр босган далаларни «ювиш» ишларини йўлга қўяди. Шу тариқа Эсиргап Раҳматовнинг ўрни мудом далада бўларкан...

Ишнинг кўзини биладиган шундай фидойилар пахтазорларга уззукун файз киритиб юришарди. Мўл-кўл ҳосил деганларини шунда кўринг эди!..

Журналист Йўлчи Муҳаммадиев «Дала шунқори» деб ёзган мақоласида уни «оби-ҳаёт таратувчи», «сув – зар, сувчи – заргар», «ер билан тиллашган», «ғўзага жон бахшида этган» дея кўкларга кўтарган.

Яхши гап жон озиғи, деганларидек, газетада ёри-тилган бу даъваткор сўзлар дала заҳматкашларига қанчалик мадад, руҳий қувват, куч-ғайрат бахш этганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ер тилини яхши билган, одамлар қалби-га йўл топиб дала ишларини йўлга қўяётган Эсиргап Раҳматовга катта ишонч билдири-шиб, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси этиб сайлашган. Раис ишни тажрибали отахонлар ва уста деҳқонлар билан маслаҳатла-шишдан бошлади.

Кўпдан кўп фикр чиқди, жўяли таклифлар ўр-тага ташланди. Шу тариқа анчадан буён қала-шиб ётган муаммолар ечими ҳал бўла бошлади.

Иқтисоди ночор жамоа хўжалигида тез орада аҳвол ўнгланди. Деҳқонлар вақтида маош ола бош-ладилар. Даромадга яраша буромад деганларидек, қўшимча фойда ҳисобидан Болта қишлоғи кўчалари туман марказигача асфальт қилинди. Йўл бўйига ба-тартиб манзарали дарахт кўчатлари экилди. Новда-лар кўкка бўй чўзгани сари қишлоқларга тароват бахш этаверди. 1983 йилда «Баҳор» деб номланган болалар боғчаси, гузар ва бошқа иншоотлар бунёд этилганида қишлоққа озми-кўпми файз кирди.

Очиғи, ўша даврда деҳқонлар ночор аҳволда кун кечирарди. Тўй қилишга қурби етмаганлар ҳам кам эмасди. Баъзи оилалар учун дафн маро-симини ўтказишнинг ҳам ўзи бўлмасди. Жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб ол-гач, шундай ночор оилаларга моддий ёрдам кўр-сатиш йўлга қўйилди.

Шу тариқа эндигина ишлар ўнғлана бошлага-нида республикамиз боши узра таҳликали булут пайдо бўлди. Нима эмиш, пахта йиғим-терими даврида «планни бажариш» учун қўшиб ёзиш, кўз-

бўямачиликлар авж олиб кетибди. Уни Москвадан келган «десантчи»лар «билиб қолган» эмиш. Гдян, Иванов деган «десантчи»лар «Пахта иши» юзасидан текшир-текширни бошлабди. Кўп кишилар жиноий жавобгарликка тортилармиш...

Машъум «Пахта иши» бўрони Эсиргап Раҳматовни ҳам четлаб ўтмади. 1985 йилда у кам эмас – 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

У ҳақда мақола ёзгани учун туман газетаси мухбири бошига ҳам не-не балолар ёғилгани ҳақида эшитиб вужудим титраб кетганди...

* * *

Ўтган аср юртимизда қандай таҳликали воқеа-ҳодисалари билан «ўчмас из» қолдиргани ҳақида кўп мақолалар ёзилди, китоблар битилди. Икки бор жаҳон урушидан ташқари собиқ СССРда амалга оширилган қатағонларнинг қиёси бўлмаган. 1980 йилларнинг ўрталарида айнан Ўзбекистонда юз берган адолатсизликлар ўша қатағонларнинг давоми бўлганди. Бу ўша «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган мантиқсиз гаплар билан боғлиқ ҳодисалар эди-да...

Ўшанда республикамизнинг барча вилояту туманларидан кўплаб жамоа хўжаликлари раислари, ҳатто бригада бошлиқларидан тортиб табелчиларгача аёвсиз қамоққа ҳукм қилина бошланди. Тани бошқа дард билмас, деганларидек, бир киши ноҳақ қамалганида унинг ортида оиласи, бола-чақалари, қуда-андалари ва бошқа қанча инсонлар азият чекишини ўша «десантчи»лар – етти ёт бегоналар қаёқдан билишсин?!

Отаси қамалган болалар худди айбдордек кўча-кўйда кўринмасликка ҳаракат қилишарди.

Мактабга ҳам бўйнини эгиб борадиганларни кўрганда юраклар зил кетарди...

* * *

Ҳаётда оқ ва қора, яхши билан ёмоннинг фарқини билиш учун кўп ўқиш, ўрганиш керак экан. Шу тариқа улғайган сайин кўп нарсани фарқдай бошлар экансан. Отам раҳматли Иккинчи жаҳон уруши ногирони бўлмаганида мен қирғинбарот жанглар ҳақида эҳтимол бу қадар тасаввурга эга бўлолмасдим. Уруш даври ва ундан кейинги аянчли воқеалар ҳақида отамдан эшитганман. Ўша эшитганларимни энди ўз ҳаётимиз билан солиштирардим. Наздимда, «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган ваҳималар отам айтган уруш давридагидан қолишмасди.

Энг оғири – вақт тўхтаб қолганга ўхшарди...

Эртанги кунга умид учқунлари беаёв сўниб борарди...

Уруш даври одамларни сўзсиз бирлаштирган, яъни ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, фашист босқинчиларига қарши курашга отланган. Эр йигитлар жанг майдонида, кексаю ёш фронт ортида бир тану бир жон бўлган!

...Шивир-пичирларда эшитганимиз: «олти миллион тонна пахта топшириш талаб қилинавергач, планни бажариш учун қўшиб ёзишлар бўлган экан, шунга мажбур қилган катталарни ҳам, уларнинг топширигини бажарган кимсаларни ҳам қамашаётган эмиш...»

Кейин қизиқ гаплар чиқди: «айби бўлмаса ҳам қамаб, бўйнига роса айб қўйишаётган эмиш... Жиноят қилмаганман, деганларнинг оила аъзоларини ҳам тергов қилиб, барибир бўйнига олдираётган экан...»

Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ бирдек ёнади деганларидек, бошқа касб эгалари ҳам бу зулм алангасидан четда қолмади. Ҳатто шу қамалганларни бир пайтлар газеталарда мақтаб ёзган айрим адиблар, журналистларнинг ҳам бошлари балага қолиб кетганди...

* * *

Орадан қанча йиллар ўтди.

Йиллар силсиласида қанчалик оламшумул воқеалар юз берди.

Бугунги дориломон давримизнинг улкан до-вонидан туриб ўша мудҳиш кунларга боқсангиз, худди қўрқинчли тушни эслагандек бўласиз.

Ўтмишини унутмаганлар шу ёруғ кунларнинг қадрига бошқача етади. Ўша воқеалар ҳақида ёзиш мақсадида Оқдарё туманига келгач, қадрдон устоз ҳузурига ошиқдим.

Айни пайтда «Оқдарё овози» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаётган Йўлчи Муҳаммадиев билан илк бора интервью олишга борган жойимизни ва Эсиргап Раҳматов билан бўлган воқеаларни эсладик.

Устоз яна Болта қишлоғи томон бошлаб борди. Йўл-йўлакай ўша колхоз гидротехниги кейинчалик «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси этиб сайлангач, жуда кўп хайрли ишларни амалга оширгани, ундан кўплаб боғлар, иншоотлар қолгани ҳақида армон билан сўзлаб берди.

Ўша даврда катта йўл бўйига экилган ниҳоллар бугун улкан дарахтларга айланган. Болалар боғчасида жажжи ўғил-қизларнинг шодон товушларидан дилингиз яйрайди. Туман марка-зидан беш чақиримча нарида жойлашган Болта қишлоғигача равон йўлдан борар эканмиз,

бу ерда Эсиргап Раҳматов руҳи шодумон кезиб юргандек туйилди.

Кўнгилда кечган ўйлар нақадар рост эканлигини раҳматли Эсиргап ака хонадонида ҳис этдик. Оила бекаси Зайнаб опа Жўраева ўша воқеалар ҳақида армон билан сўзлади:

– Раҳматли турмуш ўртоғимни «Дала шунқори» деб тўғри ёзгансиз, – деди онахон ёшланган кўзлари билан Йўлчи акага қараб қўяркан. – Умри далада ўтганди у кишининг. Уйга ярим тунда келиб, тонг қоронғисида чиқиб кетарди. Колхоз гидротехниги бўлиб ишлаганида қайси участканинг қай бир жўягида қанча сув оқаётганигача биларди. Қайси сувчи қандай ишлаётганини ўтирган жойида билиб турарди. Дала ишларини ипидан игнасигача биларди. Фақат ўзини билмасди, соғлиғини, тинчини ўйламасди...

Райкомдагилар (ўша даврда туман маъмуриятини шундай аташарди) у кишига колхозга раис бўласан, дейишганида рози бўлмаган, – дея хотирлади онахон бир нуқтага тикилганча. – Катталар ҳам, колхозчилар ва бригадирлар ҳам ҳоли-жонига қўймагач, қаерга борарди? Ахийри колхоз раиси бўлди. У киши раис бўлиб ҳузур-ҳаловат топгани йўқ. Қайтага пахтазорга михланиб қолди. Қиши билан ариқ-зовур кавлаш, ер текислаш, шудгор қилишдан боши чиқмасди...

– Узр, ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдаманг юз ҳайда деганларидек, шудгорлаш ишлари кузда бўлмасмиди? – Онахоннинг сўзини бўлдим бу гапга ойдинлик киритиш учун. – Ё, адашдимми?..

– Пахта бўлса-бўлмаса декабрь ойининг охиригача одамларни даладан чиқармаган кезларда ерни шудгор қилишга йўл бўлсин, – деди она-

хон армон қилгандек бош чайқаб. – Сиз айтган мақолга энди амал қилиняпти, кузнинг охирига-ча ҳамма иш саранжом-саришта бўлмоқда. Қор тагидан пахта излаш деган гаплар ху ўша замонда қолиб кетган. Туну кун далада ётиб ишлашни бизникиларга чиқарган эди. Эрта баҳордан далада ётиб оларди. Бульдозер товушидан кулоқлар қоматга келарди. Ерни текислаб, чигит экишга ҳозирлик кўриларди-да. Кейин экиш ишлари поёнига етмагунча тинчимасди. Ниҳоллар униб чиққанида у кишининг худди ёш боладек севи-нишини кўрсангиз... Ҳар бир жўякни бошидан адоғигача юриб қараб чиқарди. Қаердадир чигит унмай қолса, яна ҳаловати йўқоларди. Керак бўлса, битталаб чигит экиб чиқарди. Одамларни ишлатиш учун энг кўп ўзи ишларди. Меҳнатнинг таги роҳат, деб ғайратини жўштирарди. Минг афсуски, роҳат кўриш ўрнига маломатга қолиб кетса денг...

Кимлардир пахта планини бажариш учун қў-шиб ёзибди, деган гаплар чиққанида ҳайрон бўл-гандик. Бу гапларнинг бизга асло алоқаси йўқ-лигини билардим. Негадир 1985 йил қиш кунла-ридан бирида терговчилар турмуш ўртоғимнинг қўлига кишан солиб олиб кетишганида ҳайрон қолдик. Қандай айби учун олиб кетишганини билмасдик. Худди одам ўлдиргандек, ё давлатга қарши бирор иш қилган жиноятчидек олиб ке-тишди. Неча ой ҳибсда ётди ҳамки, бирор айб қўйиша олмади. Бу орада тарқалган ҳар хил миш-мишларни айтмайсизми... Энди бригадирларни ҳам қамармиш, раисга қанча пора берган бўлса, ҳаммасини бўйнига қўярмиш, табелчиларни ҳам терговга чақирармиш ва ҳоказо... Бир-иккита бригадирларнинг хотинлари уйимизга, агар тер-

говга чақиришса, нима деб жавоб берайлик, деб келишибди. Мен қайдан билай, дедим. Кўзимга дунё қоронғи кўриниб кетган бўлса... Болаларим ҳар куни отамни нега қамашди? Энди қачон келади? Отам кимга ёмонлик қилган, деб сўрашгани-сўрашган. Уларга нима дейишни билмайман. Раис бўлиб у кишим уйга бирор нарса кўтариб келмаган. У замонда нима ҳам кўтариб келсин? Шудгордан олдин териб келган бир-икки тележка ғўзапоядан бошқа нимамиз бор? Колхоздан бирор нарса ўмариб бўларканми? Ҳисоб-китоб ҳар куни назоратда эди-ку. Раис бўлмасдан, оддий тракторчи бўлганида қайтага тинчроқ, тўқроқ яшармидик, деб ўйлардим... Худога шукр, одамларимизда оқибат кучли. Қўни-қўшнилар, колхозчилар далда беришмаганида юрагим сиқилиб адоёи тамом бўлардим. Одамлар ҳамма нарсани билади. Раиснинг қандай ишлаганини деҳқонлардан сўранг. Ҳаммаси туҳматлигини билганлар раисни қамалгани учун маломат қилмади. Кўпчилик бизга қўшилиб азият чекканди. Бироқ бир нарса дейишга чўчирдилар...

Адолатсизликка чидай олмай аёл бошим билан идорама-идора югурдим. Саккиз фарзандимиз тирик етим бўлиб қолаётгани ҳақидаги оҳ-воҳларимни эшитадиган, жонимга ора кирадиган мард қайда дейсиз ўша пайтда.

Тергов пайти турмуш ўртоғимни қанчалик қийнаганларини билмасдим. Гдлян, Иванов деганлари турмадагиларга қандай азоблар бериб, йўқ нарсани бўйнига олдираётганлари ҳақидаги ваҳимали гапларни эшитиб мазам қочиб қоларди. Шўрлик турмуш ўртоғимнинг ҳам бўйнига «планни бажаришда пахтани қўшиб ёзган, райкомдагиларга пора берган» деган айблар қўйиш-

ди. Тавба, дейман ичимда, умри пахтазорда ўтаётган киши нимани қўшиб ёзади? Катта рўзгоримиздан орттириб кимга, нимага пора беради? Бу саволаримга ҳеч кимдан жавоб ололмасдим. Хулмас, суд ҳукми билан кам эмас – ўн бир йилга кесилди... Кимга қандай бўлган билмадим-у, биз учун қатағондан ҳам баттар кунлар бошланди. Жонини жабборга бериб ишлаб фақат ўзига жабр қилган экан-да.

Етмишни қоралаб қолган онахоннинг кўзлари ёшланди. Хона тўрида осифлик катта суратга термулиб қолди.

Ўша мудҳиш воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан қурган журналист Йўлчи Муҳаммадиев шундай деди:

– Ўша пайтда республика раҳбарларининг қатъиятсизлиги, қўрқоқлиги боис меҳнаткаш халқ жабр кўрганди. Қатъиятсиз раҳбарлар Москвадан келганларга қўшилиб ўз халқининг қаддини букишга уринди. Катта сиёсат майдонида «Ўзбекистон боқиманда» деган асоссиз гапларга ҳам қарши чурқ этишмаган. Худога шукр, ҳақиқат барибир қарор топди. Ислоҳ Каримов республика раҳбари бўлган кезларданоқ адолат учун курашни бошлаб юборди. 1989 йил 24 июнь куни сўзлаган биринчи маърузасининг сарлавҳасига эътибор беринг: «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди». Бу билан биринчи галда «Ўзбекистон боқиманда», «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган уйдирмаларга дангал зарба бериш бошланганди. Шу тариқа «Пахта иши» бўйича қамалган минглаб кишиларнинг «жиноят иши» қайтадан кўриб чиқиладиган бўлди. Жабрдийда одамлар букилган қаддини ростлай бошлади. Келажакка умид ва

ишонч ҳислари пайдо бўлди. Раҳматли Эсиргап Раҳматов ва у кишининг оиласи бошига тушган мудҳиш ишлардан ҳамма норози эди. Қилмаган жинояти учун одамни ўн бир йилга қамаш, умрини хазон қилиш инсофданми? Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди, деганлари рост экан. Хайриятки, икки йил деганда собиқ раис Эсиргап Раҳматов озодликка чиқарилди. Республика-миз раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан минглаб жабрдийда кишилар қатори «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси ҳам батамом оқланганди!

Бугун бу гаплар оддий воқеадек туйилади. Очиғини айтиш керак, ўша даврда ҳали Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритмаган, собиқ иттифоқ пойтахти Москвада қизил империя ҳали даҳшатли ҳукмронлигини юритаётган даврда бундай дадил қадамлар ташлаш жуда хатарли эди... Гдлянчилар қилган хунрезликлар ҳақида аста-секин бор ҳақиқат айтила бошланди. Республикамиз раҳбари ўз маърузаларида унинг жиноятларини очиқ-ойдин фош этиб ташлаганди.

Тикланган тарихий ҳақиқат юртга яна файз кирита бошлади. Одамлар эмин-эркин нафас олди. Озодликка чиққан кишилар яна тинчгина меҳнатга шўнғидилар.

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимиз боши узра том маънода офтоб чарақлади. Ўз юртингда ўз ўрнинини топиб яшашдан ҳам улкан бахт борми! Бундай бахтдан Эсиргап Раҳматов ҳам бенасиб қолмади. Сув хўжалиги бўйича етук мутахассис 1991 йилгача Оқдарё туманидаги Шаҳоб канали бўйича катта гидротехник сифатида ишини давом эттирди. Сўнг қатор йиллар «Шаршара-Наврўз» сувдан фойдаланиш уюшма-

сининг раиси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. 1997 йилгача «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлагач, унга катта ишонч билдиришиб, Оқдарё туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлашди. Шу лавозимда умрининг охиригача (2010 йилгача) фаол меҳнат қилиб, туманда қишлоқ хўжалик соҳасини янада ривожлантиришга самарали ҳисса қўшиб кетди...

Давлатимиз раҳбарининг ўша суронли йилларда, собиқ мустабид тузум давридаёқ тарихий ҳақиқатни тиклагани заҳматкаш халқимиз қаддини ростлаган бўлса, юртимиз мустақиллиги том маънода бахт ато этди.

КЎНГИЛ ОБОД БЎЛСА...

Адирнинг нариги тарафига ўтилса, Мучин қишлоғи бошланади. Бу томонларга анча йиллардан буён йўлим тушмаганди. Қишлоқ жуда ўзгариб кетибди. Буғдойзор ёқалаб борар эканман, кўз олдимда жаннатмонанд манзара намоён бўлди...

Оппоқ соқоли ўзига жуда ярашган Қосимов Дали акани мучинликлар «бахши бобо» дейишадди. Хушфеъл ва хушчақчақ бу нуроний инсоннинг яқин ўтмишда кўп жабр-ситаamlарни бошидан кечирганига дафъатан ишониш қийин. Чунки унинг бировдан хафа бўлиб юрганини ҳозиргача ҳеч ким кўрмаган. Қачон қарасангиз кайфияти чоғ, ҳамма у кишидан фақат ширин сўзлар эшитиб ўрганган. Ҳаётда ҳеч кимга озор бермаган, феъл-атвори ҳаммага бирдек маъқул келадиган одамлар ҳам бўлади. Афсуски, шундай мўмин-қобил ва ҳалол инсон – Дали бобо ҳам машъум «Пахта иши»нинг ноҳақ жабрини тортган.

Отаси Қосим Диёр ўғли, асл деҳқон, қишлоқнинг донишманд кайвониларидан бири эди. Фарзандларини ҳалол меҳнатга ўргатди. Дали акага отасидан қолган бутун мерос шу – ҳалоллик ва яхши тарбия. Бунинг қанчалик бебаҳо сармоя эканлиги Дали аканинг ҳаётида намоён бўлди.

Эсини танигандан бери умри далада кечди. Ишнинг катта-кичиги, оғир-енгили, қулай ва осонини танлашни билмасди. Қайси жойга лозим топишса, одамлар билан аҳил-иноқ бўлиб ҳалол ишлагани учун доимо ишонч ва ҳурматга сазовор эди. Яккабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» колхозида узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб ишлади. Бировга

ноҳақлик қилгани ёки иш юзасидан ранжитгани у ёқда турсин, овозини баландлатганини ҳеч ким эшитмаган. Ҳалоллик ва яхши фазилатлар ҳақида гап кетса, одамлар Дали акага нисбат беришарди.

Аммо 1980 йилларнинг ўрталарида «Пахта иши» деган қатағон бу ерга ҳам етиб келди. Ҳалол ва бепуқсон ишлаган одам фирромларнинг шубҳаси ёки газабига дучор бўлдими, ҳуллас, Дали акани ҳам ҳибсга олиб, куракда турмас «айб»лар қўйишди. Чунки Дали ака колхоз раҳбариятининг ишончини қозонган, масъулиятли хизматчилардан бири эди. Колхоз раиси ва бош бухгалтери ҳибсга олингач, уларнинг ишончли ходимлари ҳам жавобгарликка тортилиши керак! Собиқ марказдан келган «десантчи»ларнинг мантиқсиз «иш усуллари»дан бири ана шундай эди.

Уйда аёли тўққиз нафар фарзанд билан чирқиллаб, фарёд чекиб қолаверди. Умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган одам тўсатдан ясама «айб» билан 8 йилга қамалиб кетса, баъзан фалакнинг тескари ишларига ҳайратланмай иложинг йўқ...

Собиқ шўро тузумининг сўнгги қатағонида ҳўл-қуруқ аралаш ёнди. Аёли Чиннихол опа ўзига ўхшаган жуда содда, қишлоғидан ташқарини кўрмаган хокисоргина аёл эди. Ҳақиқат излаб қайси идорага боришни, дардини кимга айтишни ҳам билмасди у. Унинг учун амалдор ҳам, арзғўй ва нажоткор ҳам ҳўжайини – Дали аканинг ўзи эди. Суянган тоғи бу кўйга тушгач, энди у нима қилсин? Айниқса, тўққизта боламни энди қандай боқаман, деган ўй аёлга сира тинчлик бермасди. У ҳам эрига ўхшаб, меҳнатдан бошқа нарсани билмасди. Шу боис, норасида болаларини олиб далага чиқди, эркаклар билан баравар

кетмон чопди. Шом қоронғисида сигирини етаклаб, бир этак ўтни бошига қўйиб даладан қайтарди.

Мен бу жафокаш аёлни кўрганман. Ўшанда бизлар ёш бола эдик. Дали аканинг аёли жуда камсуқум эди. Бош кўтармай, тинимсиз ишлар, дам олиш пайтида бир нуқтага тикилиб, жим ўтирарди. Дардини элга дастурхон қилиб, ҳеч кимсага ҳасратини тўкмасди. Энди эсласам, аёл иродаси ва бардошининг шунчалик кучли бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ҳайратланаман.

Тўнғич фарзанди Мусурмон, исмига мос – мўмин-қобил, меҳнаткаш йигит, отасининг айбсизлигини исботлаш учун қўлидан келганича елиб-югурар, юқори идоралардаги мулозимлардан нажот сўрарди. Қишлоқ аҳлидан бирортаси ҳам «буларнинг отаси фалон иш бўйича қамалган», дея улардан юз ўгирмади. Негаки, бу одамнинг беозор ва ҳалоллигини ҳамма, шу жумладан, колхоз мутасаддилари ҳам билишарди, лекин уларга қулоқ соладиган адолатпарвар, мард топилмасди ўша пайтда...

Шўро тузуми «жиноят»да айблаган Дали аканинг узоқ йиллик меҳнатлари давомида бири ҳеч икки бўлмаган, бор-йўқ топгани ўша хокисор оиласи ва фарзандлари эди. «Мол-мулки мусодара қилинсин» дейилган ҳукмни ижро этиш учун уйига келган орган ходимлари ҳайратда қолишадди: «Бу уйда тинтув ўтказиб, нима оламиз?» Бу юпун хонадоннинг қаерида «миллионлар яширилган» бўлиши мумкин?!

– Бугун у хотиралар худди эртакка ўхшайди, – дейди Дали бобо. – Қарши яқинидаги Шайхали ҳибсхонасида олти ой терговдан сўнг «айб»имиз-

ни эълон қилиб, Сибирга «этап» қилишди. Томск ўрмонларида ўзбекка нима бор эди? У ерда кечагина элда кайвони бўлган юртдошларимиз, далада юрган юзлаб, минглаб деҳқон одамлар бор эди. Шу қаҳратон жойда фақат биз азоб чексак кошки эди. Нокаслар, «Бутун Ўзбекистонни тиканли сим билан ўраб, қамаб қўйса бўлади, бутун ўзбек халқи жиноятчи», дея телевизор орқали айюҳаннос ҳам солишган эди. Тинимсиз ишлаб, борбудингни берсанг-у, яна бундай тавқи лаънатга учрасанг, бундан оғири йўқ. Хўрлаб-таҳқирлаш мақсадида бизларни миллатининг тайини йўқ, ҳеч нарсадан қайтмайдиган калакесар жиноятчиларнинг орасига ташлашди. Камералардаги аҳволни-ку, айтмай қўяқолай.

Ноҳақ зулм ва таҳқирлашлар оқибатида мазлумларнинг руҳи жуда тушкун эди. Дардингни тинглайдиган мард топилмайди, гуё ҳамма биздан юз ўтиргандек эди. Эҳ, у кунлар...

Дали бобо бироз тин олиб, оғир хўрсинади. Қўлига дўмбирасини олади. Дўмбира ўз соҳибининг дард-аламларини айтиб-айтиб бўзлашга тушади:

*Кўрмангизлар сира жабр-ситамдан,
Улги олдим қўниб турган питамдан,
Бу дунёнинг иши доим кам бўлган,
Тутқунликни бари бошда жам бўлган,
Бахшилари айтолмасдан дам бўлган.
Мутеликдан турдик қўлни қовшириб,
Кўп нарсалар айтолмадик яшириб.
Босқинчига хизмат этдик бош уриб,
Шу боисдан кўнлаб яхши достонни,
Бахшилар ҳам олиб кетган ошириб...*

«Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди», деган гапни кўп эшитганмиз. Бу ибора ҳақиқат моҳиятини жуда қисқа ва лўнда ифода этади, назаримда. Чунки баъзан ҳақиқатнинг синмаслигига ишонч ҳосил қилгунга қадар инсоннинг ўзи «синиб» қолиши ҳеч гапмас. Адолат буй кўрсатгунча баъзан инсоннинг бошидан қанча изтироблар, оғир синовлар ва талафотлар кечади. Дали аканинг «айб»лари ўз исботини топмаганидек, у бошқалар ҳақида тўқилган сохта «айбнома»ларга имзо ҳам чекмади.

...Достон охирида Дали бобонинг кўзлари чақнаб, қадди тиклангандек бўлди. Овози ўктам янграй бошлади:

– Ниҳоят, маҳкумларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари орқали умидбахш хабарлар эшита бошладик, – дея эслайди Дали бобо. – Бор умид ва нажот фақат бир кишининг номи билан боғлиқ эди: «Қашқадарёнинг янги раҳбари – Ислом Абдуғаниевич Каримов, «ноҳақ қамалган яқинларингизни бағрингизга қайтарамиз», деб айтдилар», – дейишарди улар.

Бу хушхабар хуфтон кўнгилларимизни бамисоли чироқ бўлиб ёритди. Ҳақиқат юзага чиқишига умид-ишонч пайдо бўлди.

– Бизнинг аҳволимизни сўрайдиган адолатпеша улуғимиз бор экан-ку! – дейди Дали бобо жўшиб.

Ниҳоят, адолат қарор топди, Дали ака буткул оқланиб, уйига қайтди. Аммо у ҳибсдалигида бутун ғам-ғуссани ичига ютиб, болаларига гард юқтирмаган хокисор аёли оғир дардга чалиниб, вафот этган эди. Адолат ва ҳақиқат баъзан ана шундай, узоқ ва машаққатли йўл босиб келади.

Шу тариқа инсонларнинг сабр-тоқати, иродаси ва эътиқоди синалса, ажаб эмас.

Дали ака фарзандларини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбия қилди. Уларнинг кўнгли ўксишига асло йўл қўймади, ҳеч кимдан кам қилмади. Ўғилларининг суннат тўйларини ўтказди, бирин-кетин қизларини узатди. Бу, айтишгагина осон! Бундай кезларда меҳрибон онаизор, ғамхўр умр йўлдошининг ўрни қанчалик билиниши, отадан қанчалик куч ва ирода талаб қилинишини тасаввур этиш қийин эмас.

Фарзандлари тўйида биз ҳам ош-чой ташиб хизмат қилгандик. Ўшанда болалигимга бориб, «қамоқдан чиққан» одам – Дали тоғага бир-икки разм солгандим. У ўша-ўша – очиқ юзли, одамларга илтифотли, ичида дард-алами борлиги қиёфаси ва овозида сира билинмайди. Унинг азалий табиати – ширинсўз, мулойимлиги ва хушчақчақлигига ҳаётнинг оғир синовлари ҳам раҳна сола олмади. Дали акада таниш-нотаниш ва катта-кичикни, умуман, инсонларни ўзига тортадиган қандайдир сеҳр бордек. Сизга қараса, худди кўринмас қўл билан бошингизни силаётгандек бўлади.

Бобонинг қувноқ ва дилкашлиги суҳбатдошига ҳам юқади. Лекин бошидан кечирган оғир кунлар ва собиқ тузумнинг адолатсиз ишлари ҳақида сўзлашни ҳеч хушламайди.

– У кунларнинг нимасини эслай? – дейди бобо изтироб билан. – У қора кунларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар! Хизматга туҳмат, меҳнат эвазига ҳасрату надомат олсанг, булар эслашга ҳам арзимайди. Бугунгидек ёруғ кунларни орзу қилардигу, лекин очиги, тасаввур этолмасдик.

Яратганга берган умри, кўрсатган кунлари учун беҳад шукроналар айтаман...

– Кўнглингиз ҳалиям ёш, руҳингиз тетик – кўз тегмасин, – дейман 80 ёшдан «сакраган» Дали бобога. – Бунинг бирор сири борми?

– Бор, албатта, – дейди бобо, – менга қилинган барча яхшиликни – юрагимга, нима ёмонлик қилишса – сувга ёздим. Акс ҳолда юрагим тўла чандиқ бўларди. Ҳозир юрагим хушбўй гуллар билан тўла боғ! Яратганга беадад шукрлар бўлсин, эслаб қолиш ва унутиш неъматини берган. Бизга қачон яхшилик қилинса, миннатдорчилик уни эслаб қолишга, меҳр эса ёмонликни унутишга мажбур қилади.

Ана шундай донишманд инсон Дали бобо.

Ота-онанинг феъл-атвори фарзандларга мерос бўлиб ўтади, дейдилар. Фарзандлари ўзидек меҳнаткаш, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишди.

Бугун Дали бобо Мучин қишлоғининг пири бадавлат нуронийларидан бири. Мактабда, физика фанида «Бугун олам тортишиш қонуни»ни ўқиганмиз. Унга кўра, коинотдаги барча жисмлар ўзаро тортилиб, бир-бирини тутиб туради. Бу машҳур қонун, инсонлар тақдирига ҳам алоқадор бўлса, не ажаб!

Яқинда хонадонига борганимда, Дали бобони бир этак неваралар қуршовида учратдим. Улкан ёнғоқ шохига солинган арғимчоқда уларнинг қий-чув кўтариб учишини томоша қилиб турган экан.

– Арғимчоқда учган одамнинг гуноҳлари тўкилармиш, буларда гуноҳ нима қилсин, – дейди бобо қулиб.

Очигини айтсам, бу гап мен учун янгилик эди. Дали бобонинг дилкаш суҳбатида одам сира зерикмайди. Дали бобо бошидан кечирган ма-

шаққатли кунларни, собиқ мустабид тузумнинг ноҳақликларини эслагиси келмайди. Бугунги озод ва фаровон кунларимиз учун эса тилидан шукроналик тушмайди. Шукроналигини оддий сўз билан эмас, шеър-достон қилиб айтади.

Умри эл-юртга ҳалол хизмат қилиш билан ўтган, ҳаёт синовлари ва машаққатларини матонат билан енгган Дали бобо Қосимовнинг ҳаёти муҷинлик бугунги ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби, деса бўлади.

Ҳазрат Алихонтўра Соғунийнинг:

*Тош уриб синдирса олтун косани,
Тошнинг нархи ошмагай, олтун
баҳоси тушмагай,*

деган сатрларини ўқиганимда, Дали бобонинг ҳаёт йўли хаёлимдан ўтади.

Дали бобо ҳузуридан қайтар эканман, қишлоқнинг жаннатмонанд гўзал манзаралари яна диққатимни тортди. Теварак-атроф жуда ўзгариб кетибди. Илгари, шўро даврида бу жойлар, қишлоқнинг адирга туташган чеккаси ёз келди дегунча сувсизликдан қақраб кетарди. Пода ёки трактор ўтганда тизза бўйи тупроқдан қуюқ чанг кўтариларди. Шу лалмикор ерларга ҳам пахта экиларди. Аҳоли томорқаларини сувдан қисиб, ҳарчанд парваришлангани билан, гўза тизза бўйидан ошмасди. Заҳматли меҳнатга яраша ҳосил олиш мушкул эди. Нотанти ва фирром шўро тузумига гўё табиат ҳам илтифот қилгиси келмасди.

Ёки «Бахилнинг боғи кўкармас», деган нақлнинг исботимиди бу?

Ўзингиз ўйланг, «Ободлик кўнгиладан бошланади», деган улуғ ҳикмат хаёлимизга келганми-ди ўшанда?! Қаёқда дейсиз! «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган таҳқиромуз гапдан ҳаминқадар қувониб юрмаганмидик? Инсон қадрини камситган, таҳқирлаган, хизматига тухмат қайтарган қора замонлар «эртак» бўлиб қолгани рост бўлсин!

Атрофга ҳайратланиб боқаман: ҳамма ёқ ям-яшил. Яқин ўтмишда тизза бўйи тупроқ кўпчиб ётган сўқмоқлардан асар ҳам қолмаган. Йўл четидаги қалин дарахтлардан тангадек офтоб тушмаслиги, ҳатто булбуллар «чаҳ-чаҳ»лаб туриши ҳам – мумкин экан-ку! Кўзни қамаштиргудек товланиб турган мевалар турини санаб, адоғига етиш қийин. Бир-биридан чиройли уйлар қурилган. Буларнинг бари – Истиқлол шарофатидан. Одамларда шунчаки «кун кўриш» эмас, балки фаровон яшашга, юртни обод қилишга бўлган иштиёқ ҳар қадамда кўринади.

Кўнгилар ободлигининг нишонаси бу.

P.S. Ушбу тўплам нашрга тайёрланаётган пайтда Дали бобо Қосимовнинг вафот этгани ҳақида Яккабоғдан нохуш хабар келди. Яратган у кишини ўз раҳматига олган бўлсин.

Муҳтарам УЛУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

УМРИМИЗ КЎПРИК МИСОЛИ...

«Саодат» журнали таҳририятида ишлаб юрганимда (1977–90 йиллар), ҳар йили бўладиган республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида журналист сифатида қатнашардик. Фаол хотин-қизлар билан суҳбатлашиб, журналда ёритиш учун материаллар тайёрлашимиз керак эди. Кўз олдимдан кетмайди: минбарга олиб чиқадиغان зиналардан сал юқорироққа кўтарилиб мажлислар залига қараганда, худди ялангликда адашиб очилган чечаклар каби унда-бунда саноклигина аёллар кўринарди. Пахта далаларида эса...

Баҳорда чигит икки қулоқ бўлиб кўкаргандан токи кеч куз изғиринлари қиш ёғинларига улашиб, яланғоч қолган ғўзапоялар ҳам музлагунча ғўза чопиқ, ягана, чеканка қилган, пахта териб тинмаган қизлар, ҳомиладору ёш болали келинлар, оналар, кекса аёллар эди. Аслида меҳнатда суяги қотиб, меҳнатни ибодат даражасига кўтариб улуғлаган халқмиз. Чунки ҳалол ризқ-насибамиз, хонадонларимиз ободлиги, орзуларимиз рўёби, юртимиз тинчлигию фаровонлиги, тараққиёт сабабчиси меҳнат. Аммо яқин ўтмишда меҳнат меҳнаткашни собиқ тузум «тўғони бошидагилар»га қул қилиб қўйган, «Номи улуғ, супраси қуруқ» деган мақол, айниқса, меҳнаткашнинг туриш-турмушига мос келарди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб пахтазорлар нафақат «оқ олтин» тоғлари етиштириладиган, шу билан бирга, таъбир жоиз бўлса, инсон

вужудининг кимёвий заҳарли моддаларга қай даражада кўникувчанлигини ўрганишга қаратилган бешафқат тажриба майдонига ҳам айланиб улгурганди. Йўл-йўлакай далалар ёқасига шундоқ тўкиб қўйилган заҳарли кимёвий ўғитларнинг усти очиқ; бу дориларни куппа-кундузи катгаю кичик нафас олаётган ҳавога бурқситиб, чангитиб сепиб юрган самолётлар, тракторлар... бунисиям ҳолва, пахтазорлар ва уларга туташиб кетган ҳовлилар устидан қорёғди қилиб кимёвий заҳарлар сепилганда, эшик-деразаларни зичлаб ёпишга кимлар улгурган, кимлар эса худди эртақлардаги ёвуз дев уфурган оловга дуч келган каби, заҳарлар ёмғирида қолган... Ўша йиллари ёзилган шеъримда:

*Дорилар мавсумий куч берган ерим,
Доридан ҳосилин пуч берган ерим –
Ғўзапоя тўлган этакка ўхшар...*

– деган сатрлар бор.

Заҳарли дорилар ғўза баргини қуритиб тушириш учун пахта терими олдидан сепиларди. Дори ҳидидан маст далаларга пахта териш учун этак боғлаб кирган аёллару болаларнинг саломатлиги миллионлаб тонна пахта ҳосили учун гаровга қўйилганди гўё. Худди шу далалар четидаги тутларга боғланган беланчакларда чақалоқлару болажонлар онаси тушликка чиқишини оч, касал ҳолида ҳам кутишга мажбур эди. Тушлик олдидан пахта эгатларини айланиб жилдираб оқаётган заҳарли сувда бет-қўлларини ювиб, белига боғланган – кимёвий заҳар сингиб кетган этакларига артиниб, дори иси уфуриб турган бағрига боласини олиб эмизган, эркалатган оналарни

кўрганда, «Ҳой, тўхтаг! Бундай қилманг!» дейишининг иложи йўқ, чунки тоза сув, тоза ҳаво, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчининг ўзи ва унга амал қилиш учун билим-тушунча, шароит қайда эди?! Мисоли тиббиёт ўз ҳолига тиббиёт учун, маданият саҳналарда маданият учун хизмат қиларди. Собиқ совет тузумининг «қаричи»да бахтли, аслида эса оддий инсоний бахти, ҳуқуқлари ёлғон мақтовлар билан топтаб ташланганларнинг сон-саноғи миллион рақамлар билан ўлчанади.

Хизмат юзасидан фарғоналик Мақсуда опа Каримова билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари танишгандим. Узоқ йиллар давомида пахтачилик хўжаликларига раҳбар бўлган, собиқ тузумда меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган опа ўшанда қамоқхонадан чиққанига кўп бўлмаган экан. Сўзлашарканмиз, унинг аччиқ армонли ёшлари шукронаю миннатдорчилик ёшларига қоришиб юзларини ювди. «Аччиқ ёшлари» деганимнинг сабаби:

– Ғайратим, меҳнатқашлигимни кўриб 50-йилларда аввал пахта звеносига, кейин бригадасига бошлиқ қилиб қўйишди, кўп ўтмай раисликка тайинлашди, – деб эслаганди Мақсуда опа. – Олти фарзандимнинг ҳаммаси пахта даласида катта бўлди. Ҳомиладорлигим туфайли бирор кун ҳам таътилга чиқмаганман. Қай бир кун тонгда дарвозамиз очилмай қолса, кўни-қўшнилари: «Бугун Мақсудахон туғруқхонага кетибди-да», деб кўзим ёриганини билишаркан. Чақалоғим бир ҳафталик бўлар-бўлмас яна белимни маҳкам боғлаб, оёғимга этик кийиб ишга чиқардим. Ўша пайтларда ҳомиладорлиги ёки чақалоғи, ёш боласи борлиги учун бирорта аёлга бирорта раҳбар одамийлик юзаси-

дан бўлса-да, енгиллик яратганини билмайман. Балки уларнинг ихтиёри ўзида бўлмагандир... Биздан йил сайин пахта ҳосилдорлигини оширишни талаб қилишарди, бунга эришдик ва охир-оқибат «Ўзбек иши» деб аталган маккор ўйиннинг қурбонларига айландик.

Мени вилоят миқёсида чақирилган йиғинга таклиф қилишди-ю, ўша ердан қамоқхонага олиб кетишди. Ўшанда кичкина қизим Холида ўн бир яшар эди. Уйимиздагилар неча кунгача қаердалигимдан беҳабар, ташвиш, ваҳимада қолишган. Қамоқхонада эса менга ўхшаган аёллар анчагина, улар ичида энг ёши улуғи эдим. Ҳаммамизни пахтани қўшиб ёзишда айблашар, лекин бу жиноятни бўйнимизга қўйишга далиллари йўқ бўлгани учун зўравонлик қилишар, ҳақоратлашар, устимиздан кулишарди. Синглим, қизим тенги маҳбус аёллар орасида ким иродали, ким мўрт... Шунинг учун ўзимга: «Сен уруш йиллари қийинчиликларини, ҳаёт аччиқ-чучукларини булардан кўра кўпроқ кўргансан. Шунинг учун она, опа бўлиб қувватлашинг, ноумидликдан қайтаришинг, қаддиларини тик тутишларига ёрдамлашинг керак», – деб қўлимдан келганча далда бўлардим. Лекин ҳеч ким кўрмайдиган вазият бўлиб қолса, йиғлаб олардим. Куч-қувватимиз, умримиз, қалб қўримизни аямай совет империясига қилган меҳнатимизнинг «мукофоти» шундай бўлди.

Мақсудахон опанинг шукронаю миннатдорчилик кўз ёшлари бевосита она Ўзбекистонимизни Юртбошимиз мустақил деб эълон қилган лаҳзалари билан боғлиқ эди:

– Ҳуқуқсизлик, камситиш, адолатсизлик зулмини кўрганлар озодлик қадр-қимматини бутун борлиғи билан ҳис этса керак. Кечагидай эсимда:

Президентимиз мамлакатимизни мустақил деб эълон қилганларини эшитган онимда... тасаввуримга ҳам сиғмаган бахт қувончи, қалбимни тўлдирган фахру ифтихор ҳаяжонлари билан: «Бўларкан-ку, бор экан-ку шундай одам!» – деб кўз ёшларимни сира тиёлмаганман. Назаримда, неча ўн йиллар давомида, айниқса, «хизматга туҳмат» деганларидек, ноҳақ айблов туфайли қамоқда ўтирганимизда кўксимга йиғилиб қолган алам, унсиз фарёдни қувонч ёшларим ювиб кетаётгандек эди... Мен неча йил хўжаликка раислик қилган бўлсам, бирорта оилага томорқа ёки иморат солиш учун бир сотих ҳам ер бермаганмиз, рухсат йўқ эди. Мевазор боғларнинг дарахтлари кесилиб пахтазорларга қўшилади, сабзавот, бошқа экин-тикинлар экиладиган ерлар, ҳаттоки дала четидаги тутзорлар орасидаги бир қулоч жойларга ҳам пахта экишга буйруқ олгандик. Мустақилликнинг дастлабки энг катта рўшнолиги одамларнинг эҳтиёжига яраша ер берилиши бўлди. Ота-бобоси деҳқон, миришкор боғбон ўтиб, бу касбу корни давом эттиришга бир умр имкони бўлмай армонини ичига ютган кекса отахонларнинг истиқлол шарофатидан ўзига ва авлодларига умрбод мулк қилиб берилган ерга чўк тушиб, шукроналар қилиб йиғлаганларини кўрганман...

Бизнинг умримиз мисоли кўприкдай кечмоқда: собиқ совет тузумининг адолатсиз қонун-тартиботлари ўзини чиритиб борган ҳамда унинг байроқдорлари «зулм машинаси»ни сақлаб қолиш учун янги-янги аёвсиз ўйинлар, тажрибалар қўллаган даврни кўрдик ва... Аллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, мустақилликдек энг лазиз неъматдан баҳрамандлик насиб этди. Юқорида ёдга олинган шароит ва ҳолатларнинг табиий

натижаси сифатида касалманду ногирон туғилган болалар, ёзда йўлакларигача беморларга тўлиб-тошиб кетадиган юқумли касалликлар шифоналари, она ва болалар ўлими йилдан-йилга ортиб борганини кўрсатувчи далиллар ҳали кўз олдимиздан кетгани йўқ.

Бугунги ёшлар учун юқорида айтилган воқеа, ҳолатлар эртакдек туйилиши мумкин. Чунки биз бугун яшаётган, кўриб-билиб турган турмуш тарзимиз шу обод, боғу роғларга бурканиб, ҳар жиҳатдан тараққий топиб бораётган Ватан фарзандларининг – ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз, манфаатларимиз, орзу-интилишларимиз, меҳнатимиз ва ундан келган моддий-маънавий бойликларимиз, соғлигимизни қадрлаб, уларни камолга етказиб, келажакка мустаҳкам пойдевор қўйишдек улуғ мақсадга йўналтирилган.

Ёшлар ва келажак авлод, майли, у кунларни тасаввур ҳам қилолмасинлар. Фақат... ўтмиш саҳифаларига ибрат кўзи билан қараб хулоса чиқариш ва ота-боболарнинг юртда тинчлик барқарорлиги, халқу Ватан фаровонлиги, ҳар жиҳатдан юксалишга етаклайдиган хайрли ишларини изчил давом эттириш ҳамма замонларда авлодларнинг шарафли бурчи бўлиб қолаверади.

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Яхши эслайман. Ҳали бола ва ўсмирликнинг орасида эдик. Декабрь ойида ҳам, қирчиллама совуғу қор-қировли кунларда ғўзапоялар орасидан бир чигит қидириб, қўл ва оёқ бармоқларимиз музлаб, далада изғирдик. Совуқ жонимиздан ўтиб, уйимизга кетиб қоладиган бўлсак, ўқитувчи, вакилу бригадир дарров ортимиздан борар, «Сен давлатга, партияга душмансан, шунинг учун қизинг (ёки ўғлинг) даладан қочиб келди», деб кекса, касалманд онажонимизнинг «жонини оларди».

Ўша йилларда февраль ойи келиши билан яна далага чиқишга маҳкум эдик. Ёвону далалар бошини текислаш, ариқларни тозалаш, кейинчалик ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ғўзани бегона ўтдан тозалаш биз – бола-ўсмирларнинг бош вазифамиз эди.

Шу боис ҳам бугунги ёшларга чин дилдан ҳавас қиласан киши. «Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди», деган армонли хитоб кечаги кун ва бугунги ёшликнинг қиёсий ҳаёт тарзига даҳадор ҳикмат мағизли жумлагини ҳар лаҳзада ҳис этиш мумкин. Чунки бугунги ёшларнинг илму ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани ҳолда, яна уларнинг ҳар жиҳатдан ҳимояси учун муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари ғамхўрлик қилиб турибдилар.

Хунар-техника билим юртида ўқитувчилик қилаётган кезларим эди. Рамазон ҳайити арафаси эди-ёв. Директоримиз, раҳматли Ибод Фуломов чақираётганини айтишди. Борсам, домла: «Қизим, эҳтиёт бўлинг, ўтганларингизни зиёрат қиламан, деб мабодо қабристонга бора кўрманг! Кеча райкомпартияда қаттиқ гап бўлди. Фалончини отасининг жанозасида иштирок этгани учун партиядан ўчиришди. Сиз ҳам мозорга бориб, кўзга ташланиб қолманг! Билим юртимиз шаънига ҳам яхши бўлмайди», дея огоҳлантирди.

Ҳа, у кунларда ана шундай, дину иймонимизни, қадриятларимизни қатағон қилган, эътиқодларимизни оёқ остига олган коммунистик партиянинг «солдати», балки қули эдик барчамиз.

Аслида ҳуқуқимиз топталиши исботини фақат шу нуқталарда кўрибмизми, кўрган эдикми? Йўқ, ҳатто Наврўзи оламдай минг йиллик қадриятимиз ҳам «қатағоҳга олиб борилгани», сумалак сайлларимизни эскилик сарқити, диний байрам, деб эълон қилингани кечагидай ёдимизда турибди.

Тоталитар тузумнинг охириги йилларда қилган яна бир зўравонлиги, истибдоди борки, уни асло унутиб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди. Ўшанда «қайси бутага олов тушса» ёниб кетаверадиган бир вазият яратилган, бу оловни эса собиқ марказдан келган зўравонлар она Ўзбекистонимиз устига атайин «сочиб юборишган» ва соф виждонли, ҳалол, ишбилгич, фидокор юртдошларимизни унинг домига тортиб, қатағонга олиб, қадриятларимизни оёқ ости қилишган, ўзбек халқининг миллий ғурурини беаёв топташган эди.

Ана шундай жабрдийдалардан бири, Кармана тумани фуқароси, собиқ пахтакор Бахшулла ота Ҳамроев бу истибдод йилларидаги зўравонлик, руҳий азоблар ҳақида шундай дейди:

– Тоталитар тузумнинг бор юкини елкамга олдим, 53 йиллик умрим далада ўтди. 8-9 ёшларда эдим. Опам ушлаб бораётган боронани тортиб кетаётган от устига ўтириб, уни бошқараман. Шундай қилиб, ер ҳайдаб чигит экамиз... Ўша йилларда яланғоч от устида ўтиравериб, орқам яра-чақа бўлиб кетарди... Кейинчалик табелчи, бригадир бўлдим. Фаолиятимнинг 47 йилини бригадир сифатида меҳнат қилиб ўтказдим. Аъзоларимиз билан бирга 126 гектар ерда ишлаб, энг юқори ҳосилдорликка эришганмиз. 1980 йилда колхозга раис қилиб сайлашди. Худди шу йилларда Гдлян, Иванов деган зўравонлар тўдаси қамчиси менга ҳам етиб келди. Биз учун қўшиб ёзишнинг ҳеч кераги йўқ, шусиз ҳам ҳосилдорлигимиз юқори, режаларимизни 110 фоиздан ошириб бажарар эдик. Аммо собиқ иттифоқ қонунчилиги тепасида турган бу нобакорлар бригадиргача менга қарши гувоҳлик беришга мажбурлайверишди...

Ҳа, юртнинг заҳматкаш, ҳалол, пири комил деҳқонлари – Иззат Холиқов, Неъмат Жўраев, Шариф Маҳмудов, Фаффор Қаҳҳоров, Тўхта Фаниев каби бригадирлар раисга қарши гувоҳлик бериш учун қамоққа тушишди. Аямай қийноққа солиб, уриб, жисмоний нотавон, руҳий фалажга айлантиришди барини. И.Холиқов ва Н.Жўраев бу қийноқларни кўтара олишмади. 1985 йил охирида бандаликни бажо келтиришди.

Ўшанда бундай қисматлар Ато Бўтаев, Ҳамро Пулатов, Баҳриддин Туробов каби яна қанчалаб

ҳалол ва фидокор юртдошларимизнинг ҳам бошларига тушди.

– Чинакамига «қама-қама» замонга айланганди у кунлар. Оддий колхоз ҳисобчиси Жума ака Қулиев бир неча кун ими-жими йўқолиб кетди. Бир куни ярим тунда ўгли Рустамжон сўраб-суриштириб менинг уйимга борибди. «Уч кундан бери отам йўқлар, онам адойи тамом бўлдилар», дея ташвишланади бояқиш. Жума ака бир неча кундан кейин «топилди». Рангида ранг қолмаган, афтодаҳол бир қиёфада. Кейин билсак, «десантчилар» уни Конимех туманига олиб кетиб, ўша ерда қамоқда сақлашибди. Ёлғон кўрсатма ёзиб бермагунича уриб-азоблайверишибди, – дейди кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, нафақахўр Вафо Худойбердиев. – Худди ана шундай муттаҳамлик, зўравонликларнинг азобини ўша кезларда мазкур хўжаликнинг пахтасини заводга топшириб келадиган, раҳматли Саид ака Ражабов, ёш агроном Ислон Бозоровлар ҳам тортишди. Хўжалик раҳбари, раҳматли Шариф Манноновни шартли қамоқ жазоси билан жазолашди. Аёли, тажрибали педагог Ҳожибиби Ражабова бу кунлар изтиробни туфайли офир касалликка гирифтор бўлиб, кўп ўтмай вафот этди.

* * *

Ҳа, ўшанда марказдан келган терговчилар гуруҳи ҳеч кимни аямади. Нафақат туманлардаги, ҳатто республика ва вилоят миқёсидаги барча кўзга кўринган меҳнаткаш кадрлар қатағоннинг қора қиличи билан «чопилдилар».

Хуллас, бу нобакорлик, бу зўравонликларнинг даҳшатли олови ўшанда мамлакатимиздаги ҳўлу қуруқни баробар ёқди. Бунга эса нафақат собиқ

марказнинг эмиссарлари, она Ватаннинг тузи кўр қилгур ўша даврдаги қўғирчоқ раҳбарлари ҳам маълум маънода сабабчи бўдилар.

Беҳисоб шукронаки, Ўзбекистонимиз тепасига Яратган ҳар жиҳатдан халоскор қилиб юборган муҳтарам Юртбошимиз Ислон Каримов келдилар, у зот билан юртимизга истиқлолдай улуғ неъмат ҳам кириб келдию ҳаётимизда ҳақиқий рўшнолик даври бошланди.

Дарвоқе, қаҳрамонларимиздан бири, 83 ёшли Бахшумла ота Ҳамроев суҳбатлашган кунимиз гапининг охирида шундай деганди:

«Ўтган умримни эсласам, мен дунёга бемаҳал келган эканман, деб ўксинаман. Қани бугунги кунларда кечаги куч-қувватим, ёшлигим бўлса... Ҳақиқий ишлайдиган замон бугун келди. Барака топгур, умри узун бўлгур Юртбошимиз ишлаш учун халқимизга минг бир имконни яратиб берапти, тадбиркор инсонларни ҳимоятга олаётир; яна чин дилдан ишлаганни ардоқлаб, қадрини ҳам баланд қўймоқда. Ўзбекистонимизнинг эртаси бугунидан-да порлоқ бўлишига ишонаман. Бунинг учун беҳисоб-беҳисоб шукроналар қилсак арзийди. Оллоҳ олтин бошини омон қилсин, ишқилиб!»

Дарҳақиқат, отахон шу куни барча кексаларнинг дилидаги гапларни айтди-қўйди. Унинг сўзларини тинглай туриб эса, бизнинг тилу дилимизда шоирнинг ушбу мисралари ҳам ифорли бир тарзда мавж ураверди:

*Бу Юрт ободлиги сўзлагай яна,
Тинчлик, озодлиги сўзлагай яна,
Азизларнинг руҳи бергай гувоҳлик:
Адолат – Истиқлол қилди тантана!*

ЁЛҒИЗ

– Катта эшикни очиб қўй, болам! Ичим сез-
япти, отанг кепқолади. Катта очиб қўй эшикни.
Остонада туриб қомасин! – Бу Баҳринисо эна-
нинг кенжа набираси Ҳалимага ҳар куни субҳда
такрорлайдиган ноласи.

Кампир уч ойдирки, ёлғизи, кўзининг оқу қо-
раси илинжида тўшакка миҳланиб ётибди. Зо-
киржони эса узоқда, жуда узоқларда...

Баҳринисо эна бу йил саксон бешга тўлди. Сак-
сон уч ёшгача ҳам тетик юрарди. Яккаю ёлғиз
боласини қамоққа олишган кунларда ўмганига
оғир тош осилган қулдай эгилди-қолди. Бу юк
бора-бора охири энани йиқитди. Икки ойдирки,
туздан ҳам қолган: ана кетди, мана кетди бўлиб
ётибди. Кампирнинг жони ўғлига илҳақ ҳилвира-
ган танасини ҳадеганда тарк этавермади. 1988
йилнинг 26 сентябрь тонги ҳам энанинг «Қайда-
сан! Кела қол, болам!» деган сўзлари билан отди.
Бора-бора бу сўзлар билинар-билинмас пичир-
лашга айланди ва охири... эшитилмай қолди...

Аммо қайсар юрак ажалга бўй бермайди. Кил-
киллаб, уришда давом этади. Қоқсуяк тана энди
ёлғизига илҳақлигини фақат юрак уришлари би-
лан изҳор этади. Кенжа набира Ҳалима ҳам ҳар
тонг кампирнинг бош томонига келиб секингина:

– Эна, хавотир олманг. Катта эшикни катта
очиб қўйдим, – деган сўзларни такрорлаб қў-
йишни канда қилмайди.

* * *

Саксон еттинчи йилнинг баҳори Зокиржон ҳосилот учун изғиринлироқ келди.

Изғиринлар ҳам турличалигини, табиат инжиқликлари ижтимоий-сиёсий изғиринлар олдида ҳеч нарса эмаслигини у эллик беш ёшга киргунча ҳам ўйлаб кўрмабди! Нафақат ўйламабди, ҳатто хаёлидан ўтказмабди. Бу иши учун афсусланар, ич-этини ўзи ерди.

Этингни изғирин яласа, чопонни гуппи қавитиб, оёфинга пайтавани қалин ўрайсан – омондасан. Лекин инсон учун жамият изғиринларига дош бериш кўникмаси ҳам зарур бўлиб қолишини билмаган экан. «Эҳ, Зокиржон, – дерди у ўзига ўзи, – олий маълумотли бўлиш учун роса ўқибсан-у, ҳаёт илмини олароқ уққан экансан. Ўн уч ёшингдан колхоздасан. Оми одамлар тугул амалдорлар ҳам 220 вольт ток нималигини билмайдиган бир пайтда монтерлар гуруҳини бошқариб, колхозни электрлаштирдинг. Ўшанда чивикдайгина йигитча эдинг. Катталар нима иш буюрса, хўп бўлади, деб ишга киришиб кетаверардинг. Оддий кетмончиликдан ҳисобчи, бригадир, хўжалик мудирлигига кўтарилинг. Агроном, партком, охири колхозга раис бўлинг!..»

* * *

Шудгорларда баҳорги ишлар бошланиб кетган. Қораянтоқликларнинг ишга яроқли одами борки, қўлига кетмон олиб, янги ҳосил гамида далага ўрмалай бошлади.

Зокиржон гарчи, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасидан келган тафтишнинг охири яхшилик билан тугамаслигига кўзи етиб, ичини ит таталаб

ётган бўлса-да, ариқларни тозалаш, ҳайдалган пайкалларнинг тобга келиши билан вақтни бой бермай, чигит экишга шайлаш ишлари маромига етганига ишонч ҳосил қилиш учун саҳармардондан далама-дала кезишини канда қилмайди. Тўғри-да, Худо шоҳид, бировнинг ҳақини емаган бўлса. Жамоа ер-мулкини шахсий мулкидан аълороқ эҳтиётлаб, ўзининг ўрнига раис бўлиб келган Эрназар ака билан эгар талашмай, эш-қўш бўлиб, жонини аямай ишляпти. Буларни эл-юрт, район, област раҳбарлари ҳам кўриб, билиб турибди-ку! Тўғри, ўтган йилги пахта йиғим-теримида раис бетоблиги боис унинг ўрнига ҳосилот сифатида ҳужжатларга имзо чекканини инкор этмайди. Шу ишни ким қилган бўлса, ўзи қўл қўйсин, деб «накладной»ларни касал ётган Эрназар раисга жўнатворсинмиди? Нафсиламрини айтганда, бу ишда Эрназарни ҳам айблаб бўлмайди. Қўшиб ёзилган пахтанинг бирон килосини ўзлаштириб, еб кетгани ёки бола-чақасининг оғзига тикқанини билса, шундай қилса бўларди. Раисни ҳам бу йўлга катта курсиларда ўтирган, шу ишдан мўмай обрўю даромад қозонишни кўзлаган билаги йўғонлар мажбур қилганлигини билади-ку!.. Шу ишинглар нотўғри, деб кўрсин-чи! Ҳа, десанг, бу партиянинг топшириғи, бажармасанг энангни Учқўрғонда кўрасан, деб туришса...

* * *

Избоскан туманидаги Калинин номидаги колхоз агрономи Зокиржон Назаровни Андижон вилоят судининг 1987 йил 27-28 май кунги мажлисида уч йил қамоқ жазосига маҳкум этишди. Бироқ...

Келинг, ана шу суд жараёнига асос бўлган тафтишни амалга оширган собиқ «ревизор», айти

кунда Қораянтоқ қишлоғидаги фермер хўжаликларидан бирининг раҳбари Раҳимжон Маматов билан бўлган суҳбатимизни айнан келтирайлик:

– Зокиржон ака шу, ўзимизнинг Қораянтоқ қишлоғи фарзанди эди, – дея гап бошлайди у. – Нимага эришган бўлса, ўзининг тиришқоқлиги, зеҳни, камоли меҳнаткашлиги билан эришган. Меҳнат фаолиятини монтерликдан бошлади. Кейинчалик электрлаштириш гуруҳига бригадир бўлди. Институтни битиргач, агрономликка таъинланди. Салкам ўн беш йил «Победа» колхозига раислик қилди. Хўжаликларни йириклаштириш пайтида иккита колхоз бирлаштирилиб, Калинин номи билан атала бошлади. Янги хўжалик раислигига Эрназар Деҳқонов сайлангач, Зокиржон ака шу кишининг қўлида агроном бўлиб ишлаб қолди.

– Колхоз фаолиятини тафтиш қилган экансиз...

– Ҳа! Ўша пайтларда вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида «ревизор» бўлиб ишлардим. Гдяня-Ивановчилар зуғуми билан областдаги барча хўжаликларнинг 1984–86 йиллардаги иқтисодий-молиявий ҳаракатлари текширилсин, деган буйруқ бўлди. Калинин колхозини ревизия қилиш менга юклатилди. Чувамадаги пахта пункти билан хўжаликдаги ҳужжатлар ўрганилди.

– Ўрни йўқ пахтадан қамоққа олинган инсонлар моддий манфаат кўрганми?

– Ҳеч қандай. Бундан колхозчи ҳам, раҳбарлар ҳам бирон сўм наф кўргани аниқланмаган.

– Зокиржон ака у ёқдан қайтиб келгандан кейин ҳам, умридан бор экан, анча яшади. Серфарзанд эди. Ўнта болани меҳнат билан боқди. Деярли барчасини ўқитиб маълумотли қилди. Ажойиб инсонлар бўлиб етишишди. Ҳаммалари

уваали-жували, намунали оилалар қаторида бугун. Элдан ажралмай, эл корига яраб, яхши яшаб, ишлаб юришибди...

* * *

Эл корига яраб, элдан айрилмай!..

Бу сўзлар собиқ бир маҳкум амалдорнинг зурриётлари ҳақида ҳамда айни пайтда амалда турган раҳбар шахсининг бугун айтган гапи. Лекин ҳаёлимизнинг аллақасерига «маҳкамага тортилган собиқ раҳбар»нинг болалари отаси қамоқдалик йилларида ҳам эл-юртдан ана шундай меҳру киром кўрганмиди, деган савол тирғалиб тураверади. Ҳа, ота қамалгач, улар ўқишда, ишда, турли идораларда камситилди, турткиланди. Бошқалар учун бир зумда битган оддийгина юмушлари битказилмай, ойлаб, йиллаб сарсон-саргардон қилинди. Очиқ турган иш ўринлари унинг болалари учун ёпилиб қолди. Зора отамизнинг айбсиз айбдор бўлиб, совуқ ўлкаларда умри хазон бўлаётганини англашса, деган умидда ариза кўтариб борган маҳкамаларининг қоровуллари ҳам соатлаб кўзларига термултирди. Лекин, Аллоҳга шукрки, эл-юрт, айниқса, қораянтоқликлар уларни камситишмади. Биронта одам, бу текинхўр ёки жиноятчининг ўғли, қизи деб, қўлини бигиз қилганини билишмайди. Аксинча, тўй-ҳашам, издиҳомларда уларга «Зокир раис»нинг боласи, деб меҳр билан қарашар, ким, менга участка берган эди деса, яна бошқаси бўйним ишга ёр бермай, такасалтанг юрган кунларимда ишга чақириб, барбод бўлаёзган оиламни сақлаб қолган эди, дея миннатдорлик билдириб қоларди. Қўшни қишлоқларга бориб қолишса, азиз инсоннинг боласи, дея иззат-икром кўрсатишларини айтмайсизми?

Демак, оталари ҳамма нарсадан айрилса ҳам элдан айрилмайдиган ишлар қилиб қўйган экан. Демак, улар учун Худонинг яхши кунлари тугамаган. Эли алқаб турган одамнинг, гарчанд у қамоқда ётган бўлса ҳам, зурриётлари хор бўлмайди. Чунки элнинг изҳори ҳам нақд дуодир...

* * *

Ўзбекистондан «этап» этилган тирик «саржин ўтин»лар орасида кетган Зокир Назаров 1987 йилнинг кеч кузида Пермнинг Соликамскига бориб тушди. Унинг бу совуқ ўлкаларга келиб кўрган дастлабки кунлардаги кўргиликлари бир ўзи-ю, бир Яратганга аён.

Иқлим ўзгариши таъсирими, ё суд жараёнидаги сўроқ-саволлар, ён-атрофидаги айрим кимсаларнинг тутуруқсизлиги-ю, беюзлиги оқибатими, кейинги пайтларда юраги безовта урадиган бўлиб қолди. Келиб тушган манзили дазмол заводи экан. Унинг табиати шундай эдики, иш танлаб ўтирмасди. Муҳими, бекор турмаса бас. Нима бўлса ҳам иш қиламан, деб турган одамни чулчут ҳам илғайди, қадрлайди. Мен раҳбар бўлганман, деган хаёлни миясидан чиқариб ташлади. Нима иш кўрсатишса, кўнгилдан ёпишди. Аммо юрак қурғур... Нимагадир илгаригидай равон урмас эди. Завод раҳбарлари уни қоровулликка ўтказишди. Бу ҳам оғир келди. Шунда кимдир унинг агрономлигини эслаб қолди. Тузук-қуруқ ишламай ётган иссиқхонага тиқишди уни. Кундан-кун кучсизланиб бораётган юрак бу ерда тамом ҳолдан тойди. Ва... бир куни тепадан... қулаб тушди. Инсулт, дейишди. Мия қон томирлари ёрилибди. Ажали етмаган экан. Ойлаб бирон кимса йўқламайдиган шифохоналарда ётди... Энди у номигагина одам... Лекин энг муҳи-

ми, тирик эди. Тириклик эса унинг учун ҳамма нарса, ҳатто бахт деб айтса ҳам бўлаверади.

Бу кўргиликлар ҳақида кимга айтади, кимга ёрилади? Дўст-ёр, хотин, бола-чақа минглаб чақиримларда қолиб кетган бўлса. Барчасини онасига ёзиб, ёлворсинми? Бусиз ҳам у пешонамга битган ёлғизгина боланиям бағримга кўп кўрдинг, деб Худога нола қила-қила, адои тамом бўлгандир, шўрлик. Жуда кўнгли тўлиб кетса, қўлига қалам олиб Чита қизига (кенжаси Ҳалимани ранги оқ-сарикдан келгани учунми, эркалатиб шундай атарди) мактуб битади. Читаси ўн саккизга киряпти. Шунисини ўқитолмай қолди-да! Шугинаси қолиб кетди. Ишқилиб, яхши жойлардан ато қилсин! Бахтини Парвардигорнинг ўзи берсин! Юртга тирик кириб борса, шугинасини қишлоқнинг энг яхши хонадонига келин қилиб узатади, Худо хоҳласа...

Зокиржоннинг бу ниятларига фаришталар омин деган экан. Муддати тугаб уйига қайтгач, суюкли қизи – Читасини сўраб Қораянтоқнинг энг тиришқоқ, чаққон, уддабурон тадбиркор йигити Толибжондан совчи келди... Бугун кўпчилик ҳавас қиладиган бу ажойиб оилада икки қиз, бир ўғил вояга етяпти.

Зокиржон ота-онасига якка ёдгорлик бўлгани учунми, ёлғизнинг ёри Худо, деган иборани ёшлигиданоқ қимматли, дурдона нақд сифатида юрагига жойлаб олгани ҳам рост. Бу нақднинг асл мағзини қўша-қўша ака-укаси, опа-сингиллари борлар қаердан билсин? Ҳа, Зокиржон саҳродаги танҳо садақайрағочдай якка фарзанд эди. Дардини айтиб, кўнглини ёрадиган ака-ука, сингиллари бўлмагани учунми, бўлар-бўлмасга ҳасрат қилишни билмайроқ катта бўлди. Улғай-

гач эса... тез орада юртга кирди – катта-кичик раҳбарлик вазифалари уни янада жиддийроқ туришга, қатъиятлироқ кўринишга мажбур этарди. Ёлғизнинг ёри Худо, деявериб ўзимни ўзим тақдиримда бор жигарларимдан ҳам ёлғизлатиб олдимми-я, деган ўйларга ҳам бориб қоларди у баъзан...

* * *

1988 йилнинг 26 сентябрь куни Баҳриниса энанинг катта эшиги саҳармардонданоқ чинакамига, қаторасига бир неча кун ёпилмай турадиган бўлиб очилди. Зокир раиснинг Чита қизи бу хабарни доимгидек кампирнинг қулоғига етказишни бутун ҳам қанда қилмади. У бу жумлани бу гал сўзлаб эмас, бўзлаб айтди: «Энажоним-а! Мана, эшикларингиз катта очилди. Ундан киргани отам қани? Отам қани, энажо-он!»

Қораянтоқликлар Яратганнинг марҳамати беадад кенг ва аломат эканлигига шу куни яна бир бор гувоҳ бўлишди. Ҳаётда ёлғизман, деб армонда ўтаётган Зокиржоннинг ўнта боласи ҳозиргина жон таслим қилган Баҳриниса энанинг тепасида чирқираб турганда... катта эшиқдан «Вой, онў-ўм!»лаб Зокир раис кириб келди. Жанозага йиғилган одамлар шу ерда Эгамнинг яна бир синоатига гувоҳ бўлди. Бу аза билан тўйнинг бир-бири билан туйқус юзма-юз келган лаҳзаси, манзараси... Ушбу манзарани ким қандай тасвирлайди, бу энди ҳар бир инсоннинг ўз тасавури ва қуввайи ҳофизасига ҳавола.

Ўзбекистон шифокорлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда Баҳриниса энанинг ёлғизига илҳақ, туздан ҳам, тилдан ҳам қолиб, ўлим тўшагида ётганлиги ҳақида қайта-қайта

юборган сўровлари асосида бир ҳафталик озодлик берилган Зокиржон раис онасини ўз қўллари билан қабрга қўйиб, уч кунлик эҳсонини ўказгач, тутқунликнинг қолган қисмини ўташ учун ортига қайтиб кетди...

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган айбловлар билан бепоён Шўронинг турли минтақалари авахталарида азоб тортиб ётган минглаб юртдошларимизни бутунлай оқлаб, озодликка чиқариш ҳақидаги тарихий қарори эълон қилиниб, омон-омонлик дамлари бошланишига унчалик кўп қолмаган эди.

ТОНГ ОТМАГАН ТУНЛАР

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўз кўнглидек оппоқ пахта етиштирган халқимиз учун, улуф Абдулла Қодирий айтмиш, «тарихнинг энг кирли қора кунлари» бўлиб муҳрланиб қолди...

Ҳа, пахта катта сиёсат эди! Юртнинг каттасио кичиги ана шу сиёсат домига тортилган пахтани кўпроқ териш, шўро давлати деган ялмоғиз машина оғзига кўпроқ тутиш керак эди. Бўлмаса ўша махлуқ бус-бутунлигича бутун халқни ялмай ютиб юборарди. Олти миллион тонна пахтани етиштириш, териш ҳам ўша ялмоғизнинг оғзида азобланиш билан баробар эди аслида.

«Пахта – катта сиёсат» экани ҳаётда ўз тасдиғини топди.

Катта сиёсатнинг қурбонлари ҳам катта бўлади. Шовинистик мафкура қинидан суғурилган қилич яланғочланганида сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Пахта сиёсати баҳонасида ҳолдан тойган мамлакатни янада қаттиқроқ жиловлаш, бор-будини шилиб олиш, халқидан қул сифатида фойдаланиш мақсадида «кадрлар десанти» Ўзбекистонга юборилди. Собиқ шўро ҳукуматининг ашаддий шовинистлари – Гдяян ва Иванов каби жаллод терговчилар гуруҳи бу ерда «енг шимариб» ишга киришдилар. Ялмоғиз машина ишга тушган эди. Ўша даврда ушбу мавзулар совет матбуотининг асосий озиғига айланди. Бундан мақсад, ўзбек халқини, Ўзбекистонни нафақат собиқ иттифоқда, балки дунёга шарманда қилиш, жазолаш ва шу йўл билан бош кўтаришга

шайланиб қолган бошқа иттифоқчи республикаларнинг ҳам «овозини ўчириш» эди.

Даврга оид манбаларда қайд этилишича, десантчилар ўшанда «... ўзбек халқини ёппасига кўзбўямачиликда, порахўрликда, қўниб ёзишларда, боқимандаликда ва ҳоказоларда айблаб, партия ва давлат раҳбарларидан тортиб оддий деҳқонларгача таъқиб остига олдилар. Биргина сохта, ўйлаб чиқилган «Пахта иши» операцияси натижасида 25 мингдан зиёд республикамиз фуқаролари қийноқларга солинди, судсиз, терговсиз қамалди. Улар орасида кексалар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ҳам бор эди. Бегуноҳ кишиларга жисмоний куч ишлатиш, қўрқитиш йўли билан айблар қўйилди. Оддий меҳнаткашлардан раҳбарларга катта миқдорларда пора беришгани тўғрисида кўрсатмалар бериш талаб қилинди...»

Ўша мудҳиш кунларни 1937 йил Нарпай тумани – ҳозирги Чақар қишлоқ фуқаролар йиғини – «Ўзбекистон» маҳалласи, Танешка қишлоғида туғилган, умри пахта даласида ўтган, яхши меҳнат қилсам, қадр топарман, деган ниятда иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб, 1980 йилда мажбуран «Ўзбекистон» колхози раиси лавозимига тайинланган, етти фарзанднинг отаси Ризоқул Қиличев шундай эслайди:

– Тўрт йил хўжаликни бошқардим. Фаолиятим давомида бу соҳанинг одами эмаслигимни англаб етдим. Уч маротаба лавозимимдан озод қилишларини сўраб туман партия қўмитасига ариза билан мурожаат этдим. 1985 йил 11 январда аризам инobatга олиниб, мени Оқтош шаҳар коммунал хўжалиги раҳбарлигига ўтиб ишлашга кўндиришди. Икки йил ишлар-ишламас 1982–1983 йиллардаги «Пахта иши» тафтиш қилиниб, тергов

ва суд бошланди. Шу ўринда ўзим ҳақимда бир оғиз сўз айтиб ўтай. Қаерда ишлаган бўлсам, сидқидилдан, ўзимга юкланган вазифани астойдил бажарганман. Хўжалик раиси сифатида 42-мактаб, хўжалик бошқарув идораси бинолари билан (ҳозир 52-ўрта мактаб жойлашган), қишлоғимиздан Иккинчи жаҳон урушига кетиб, ҳалок бўлганлар хотираси учун ёдгорлик монументи қурилишига бош-қош бўлдим. Бундан ташқари, фельдшерлик пункти, 3 та доимий болалар боғчалари биноларини мослаштириб, ишга туширилишига ҳисса қўшдим.

Коммунал хўжалигида салкам 2 йил ишладим. Оқтош шаҳрининг ўнлаб кўчалари асфальтланди. Йиллар давомида сув етказилмаган кўчаларга махсус насос орқали сув берилди. Ана шундай эзгу ишлар режалаштирилиб, амалга оширилаётган бир пайтда «Пахта иши» комига тортидим.

Тергов даврида ҳар хил тазйиқлар, ваҳимали ташвиқотлар, қўрқитув усуллари қўлланди. Жумладан, пахтага қўшиб ёзишдан манфаатдор бўлган бўлсаларинг, ҳозироқ бир қисмини давлатга қайтариб топшириб қўйинглар, судда енгиллик бўлади, деган айёрилик ишлатилди. Табиийки, бизлар манфаатдор бўлмаганимизни айтдик. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Кимки ўша алдовга ишониб, бор-будини йиғиб, сотиб, топширган бўлса, охир-оқибат жиноятчи сифатида ўз айбини тан олган ҳисобланди. Тергов тугалланиб, ишлар судга юборилди. Жиноий иш очилганларнинг сони шу қадар кўп эдики, суд ишини юриштиш учун вилоятда бинолар етишмай қолди. Ҳар бир тумандан битта хўжаликни бошқа вилоятга жўнатадиган бўлишди. Бизнинг хўжалигимиз иши Жиззах вилоят судида кўриладиган бўлди.

Очигини айтиш керак, мансаб учун ҳар қандай разилликка тайёр кишилар ҳам анчагина эканини вазият кўрсатиб қўйди. Миллатпарварлик, эл-юрт шаъни каби тушунчалар уларга бегона эди. Гўё ёвуз машинани бошқараётган манқуртлар каби иш кўришар, на сўзингни тинглар, на айтганингга ишонишарди. Топган гаплари: «Пуларни қаерга яширгансан, олиб келиб топшир!», «Йиққан олтинларинг қаерда?»

«Сув келтирган хору, кўза синдирган азиз» деганлари шу бўлса керак-да!

Суд мажлиси 1986 йил 12 февраль куни Жиззах вилоят суди биносида яқунланиб, ҳукм ўқилди. Ҳукмда хўжалик раҳбари, яъни менга 12 йил, бош ҳисобчига 11 йил, қолганларга 10 йилдан қамоқ жазоси белгиланди. Ўша заҳоти ҳаммамизни қўриқчилар қуршовида ўнқир-чўнқир, бетон девор, тахта поддан бошқа ҳеч нарсаси йўқ ертўлага қамаб қўйишди. Мана, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати, мана, шўро террорчилари томонидан бегуноҳ одамлар нафсонияти, гурурининг топталиши, ерга урилиши, зўравонлик ва адолатсизликлар... Ўша ертўлада олтовимиз икки ҳафта ётдик. Фақат ҳожатхонага суткада икки марта олиб чиқишади, холос. Бизлар навбатчи орқали ҳеч бўлмаса бирор-бир тўшак беришини илтимос қилдик.

«Бу ер меҳмонхона эмас сенларга», – деб жеркиб беришди. Ўзимизнинг корчалонлар Гдян билан Ивановнинг бир оғиз топшириғини бажариш учун шунчалар жон куйдиришардики, ҳозир ўйлаб қарасам, мамлакатимиз нақ жаҳаннамга айланиб қолган экан.

1986 йил 26 февраль куни бизларни махсус машинада Ховос шаҳар турмасига олиб боришди. У

ерда ҳаммамизни камераларга жойлаштиришди. Камералар 10 кишилик бўлса-да, 20 – 25 нафар одам тиқиб ташланган эди. Хонада жой етишмасди, ҳавоси шу қадар исиб, айниб кетгандики, айримлар нафас ололмай ҳушидан кетиб қолар, шундай кезларда хонада бақир-чақир авжланар, ҳар ким ўзича ёлвориб, ёрдам сўрарди.

Кимдан?

Яна шовқин тинар, Худо ярақаб, йиқилган яна ўрнидан турар, кўп ўтмай, бошқа бировимизнинг юрагимиз «ўйноқлаб» қоларди. Аммо ташқаридан ёрдам қилиш ёки хонани шамоллатиб тоза ҳаво киритишга ҳеч ким рухсат бермасди.

Камерада бир йигит билан танишиб қолдим. У асли самарқандлик, Пайариқ туманидан Мамашокиров Саид деган киши эди. Тошкент автомобиль ва йўл қурилиши институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган экан. Сирдарё вилоятида пахта теримида талабаларнинг озиқ-овқатларини ўзлаштирган, деб туҳмат уюштирилиб, 12 йилга қамалибди. Хат-саводи борлиги учун ўша йигит ўзининг гуноҳсизлигини исботлаб, «оқланиб» чиқди. Вазифасига тикланди. Кейинчалик Ўзбекистон Миллий университети кафедрасини бошқарди, фан доктори, профессор бўлди. Ҳозир у киши ҳам нафақада, қалин дўстмиз, кўришганимизда бошимиздан кечирган ўша мудҳиш кунларни эслаймиз, сабабсиз таҳқирланганимизни, хўрланганимизни, инсоннинг қадр-қиммати пистанинг пўчоғича ҳам бўлмаган ўша кунларни эслаб, шу дориломон кунларга етиб келганимиздан бошимиз осмонга етади.

Қамоқдагилар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилса, «этап» дейишади. 1986 йил май ойида менга «этап» дейишди ва хонадан олиб чиқиш-

ди. Қаерга ва нима учун «этап» эканлигини айтишмади ҳам. Эртаси куни билсам, Каттақўрғон шаҳар турмасига келтиришган экан. Зирабулоқ пахта тозалаш заводи, пахта тайёрлаш пунктлари ва райком секретарининг судида гувоҳ сифатида қатнашиш учун чақиртирилган эканман. Шу ерда 1986 йил декабрь ойига қадар ётдим.

Шафқатсиз тергов ишлари, ҳақиқатни тан олмаслик, нима бўлса ҳам топшириқни бажариб, тухмат қилиб бўлса ҳам бирор натижага эришиш усулларида олиб борилган хўрлашлардан қалбим яраланди, калтаклар зарбидан аъзойи баданим моматалоқ бўлди. Инсон зоти чидаб бўлмайдиган бундай азоблар натижасида касалланиб қолдим. Врачлар кўриб, даволанишга рухсат берди. Мени Тошкентдаги махсус касалхонага жўнатишди. У ерда жарроҳлик амалиёти бажарилди. Ўн кундан сўнг яна Каттақўрғон турмасига қайтаришди.

1986 йил декабрь ойида яна «этап» қилишди. Махсус вагонда йўлда кетаётиб билдимки, бу сафар манзимиз олисроққа эди. Учқудуқ шаҳрига жўнатилаганимни вагондаги ўзим каби маҳбуслардан билдим.

1989 йил республикамизнинг биринчи раҳбарлигига сайланган Ислом Абдуғаниевич Каримов пахта билан боғлиқ масалада айбланганлар ишини қайта кўриб чиқишни, оқни оққа, қорани қорага ажратиш кераклигини Олий судга топширди ва кўплар қатори мен ҳам оқланиб, ўша йилнинг 26 декабрь куни – Янги йил арафасида уйимга, болаларим, оилам бағрига қайтиб келдим. Олий суд «Пахта иши» деб номланган жиний ишни қайта кўриб чиқиб, бизга нисбатан судланмаган деган ҳукм – ажрим чиқарди. Аввалгига ёки шунга тенглаштирилган иш билан

таъминлаб, етказилган моддий зарар давлат ҳисобидан қоплансин, деб чиқарилган ҳукм ижро этилди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди.

Баъзан мустақиллик бизга нима берди, деган саволга ўз тақдиримдан жавоб излайман.

Мустақиллик, аввало, бизга ўз қадр-қимматимизни, инсонлик ҳуқуқимизни қайтариб берди. Шу ўринда дилимга тугиб юрган бир фикрни алоҳида айтиб ўтишни истайман. Ўша замонда ҳукмрон мафкура «ноғора»сига ўйнаганлар бутун бир мамлакатни алғов-далғов қилиб ташлашди. Шундай бир вазиятда юртни, миллат шаънини ўйлайдиган одамнинг топилиши амри маҳол эди. Биз умидимизни узиб бўлгандик. Биз учун бундан буён тонг отмаслиги аниқ эди гўё. Тарихдан маълумки, 1937 йиллардаги қатағон ҳам деярли шундай кечганди. Ўшанда юртнинг ақл чироқлари ўчирилган, оқ-қорани танийдиганлар «Халқ душманлари» деб Сибирга ҳайдалган, отиб ташланган. Бу гал ҳам ўша усулни қўллаб, фақат номини «Пахта иши» деб аташди, холос. Шундай бир аянчли вазиятда юрт, миллат тақдирини ўйлайдиган, шу йўлда жонини ҳам аямайдиган инсоннинг тарих саҳнасига чиқиши чинакам бахтимиз бўлди. Халқни, элу юртни бирлаштирадиган улуғ зотлар тарихда жуда кам учрайди.

Давр ўз даҳоларини тарбиялаб етказди, деган гапда жон бор экан. Халқимиз, элу юртимиз бахтига Худо шундай улуғ инсонни бизга берди. Кўнгилларимиз Истиқлол эпкинидан масрур бўлди.

Дарҳақиқат, лавҳамиз қаҳрамони Ризоқул Қиличев ҳар жиҳатдан ҳақ.

Биз кеча ким эдик?

Ўша даврларда пахта чангаллашга ҳоли келадиган ёшу қари борки, пахта даласидан чиқолмасди. Аёллар ёппасига камқонлик дардига дучор бўлган, болалар касалманд, илм олиш ўрнига пахтазорда тонг оттирарди. Яшаш тарзи-чи? Гувала, пахса, полсиз уйлар, кафтдек шолчалар остига маккажўхорининг поясини тўшаб, кун ўтказарди. Ҳа, бизнинг яқин ўтмишимиз, турмуш тарзимиз шундай эди.

Энди-чи?

Бугун ким бўлдик?

Мустақил Ўзбекистоннинг озод ва эркин фуқароларимиз. Дунё бизни тан олди. Фарзандларимизнинг қадди тикланди. Турмушимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч ва осойишта, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай камол топмоқда. Энг муҳими, ўзлигимизни, ҳурлигимизни таниб олдик. Энди уни ҳеч кимга топшириб, оёқ ости қилиб қўймаймиз! Не бахтки, дунёга ўзлигига эга – Ўзбек бўлиб танилдик!

ГАР ҲАҚИҚАТ ЭГИЛСА...

*Бу гулшан ичра йўқдир, бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

Бу ҳазрат Алишер Навоийнинг олти аср бурунги ҳикматларидан бири. Яхшилик ила ном қолдирмоқ саодати нақадар улуғ ишдир. Зеро, бу саодат фақат дунёда эмас, Яратган зот ҳузурида ҳам муътабардир. Шу вайдан ҳам буюк боболаримиз панд этадиларки, вақти-вақти билан ортингга боққин, изингда нималар қоляпти! Дарҳақиқат, гоҳ шоду хуррамликда, гоҳида ташвиш-туғёнда ўтган кунларингни эслар экансан, беихтиёр сергак тортасан, ўзингни ўзинг тафтиш қиласан: «Бу ҳаётда нимага эришдим? Нималарни бой бердим? Кимга қандай фойдам тегди?» Ич-ичингдан чиқиб келаётган бу саволларнинг жавобини ахтарасан. Ахтарган сари ўзингнинг кимлигинг аёнлаша боради.

* * *

1986 йилнинг айни буғдой пишиғи эди. Бир тутамгина кечанинг қоқ ярмида уйга кириб келган раис супадаги кўрпачага ўзини таппа ташлади-ю, оёғидаги брезент этикни ечишга ҳам улгурмай ухлаб қолди. Унинг келганини уйдагилар ҳатто сезишмадиям. Аслида бу ҳол янгилик эмас. Бу одамни бола-чақаси ҳафтада бир, баъзан ойда бир кўради, холос. Чунки у доим биринчи хўроз қичқирғини далада кутиб олади. Шу билан ярим тунда уйига кириб боради. Шу серташвиш ҳаёт-

га кўникканига ҳам йигирма йилдан ошди. Баъзан ўйлаб қолади: менга шу ғалва керакми? Бироқ шундай пайтларда раҳматли отаси Бобоқул полвон эсига тушиб кетади. Отаси элининг олди эди. Машъум 30-йилларда колхозга раислик қилди. Кўпчиликнинг бошини қовуштириб, бева-бечораларни ҳам, бою камбағални ҳам, оқсоқ-тўқсоқни ҳам бирдай ўз қаноти остига олди. Шу офтобрўйда ўз элининг орига, ғурурига қалқон бўлди. У ўғли Маҳмадўстни ҳам ана шу руҳда тарбиялаган эди.

– Йигитнинг ори бўлсин, ори йўқ одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ, – дерди Бобоқул полвон.

У отасининг ушбу ҳикматларини эслар экан, ўзининг иродасизлик қилаётганидан уялиб кетади. Сўнгра яна жон-жаҳди билан ишга киришади.

Бироқ... мана, икки-уч кундирки, ичига чироқ ёқса ёришмайди. Йигирма йиллик қадрдон колхоз идораси унга зиндондек туйилади. «Тиқ» этган қадам товушидан бир чўчиб тушади. Ҳузурига келган одамнинг оғзини пойлайди. Унинг бирор машъум хабар айтишидан қўрқиб туради. Айниқса, бугун ёмон бўлди. Тушлик пайтида кассир Сулаймон Эсонов ҳаллослаб келиб қолди.

– Раис бува, сизга бир гапим бор, – деди у.

Кассирнинг ранги-рўйидан унинг айтадиган гапи маълум эди. Раиснинг ичига муз киргандек бўлди. У ҳузурида ўтирган бригадирларга маъноли қаради. Раиснинг истагини тушунган бригадирлар бирин-кетин хонадан чиқиб кетдилар.

– Нима гап? – деди раис бурчакда бетоқат бўлиб турган кассирга юзланиб.

– Раис бува, «Коммунизм» колхозини ҳам «босишибди».

– Қачон?

– Кеча...

– Тўра омонмикан? – деди раис кўнгли алланечук бўлиб.

– Тўра Эшонқулов қамоққа олинбди.

Раиснинг ранги оқариб кетди. У Тўра Эшонқуловни жуда яхши биларди. Ўзининг тиришқоқлиги билан «Коммунизм» колхозини Чироқчининг олди хўжаликларидан бирига айлантирган эди. Демак, мамлакатда хўлу қуруқ баравар ёнаётгани рост экан-да.

– Сенинг ҳисоб-китобларинг ҳаммаси жойидами? – деди раис кассирга ўйчан тикилар экан.

– Ҳаммаси жойида, раис бува, лекин...

– Нима «лекин»?

– Текширувчилар ҳисоб-китобга қараб ўтиргани йўқ. Бирин-кетин олиб бориб «тиқиб» қўйишяпти!

– Буни ўзим ҳам яхши биламан! Лекин бизга биров «ғинг» деса, адолат талаб қиламиз. Сен қўрқмай ишингни қилавер!

Кассир хонадан паришон ҳолда чиқиб кетди. Чунки айни пайтда у ҳам, раис ҳам ҳеч қаердан адолат талаб қилолмаслигини яхши англаб турарди. Лекин шундай бўлса-да, улар яхшиликдан умид қилишарди.

Раис кун бўйи бир нарса ҳақида ўйлади: эртага райкомга боради. Ҳар қалай Толмас Тиллаев инсофли, диёнатли одам. У киши Чироқчига раҳбар бўлиб келганидан буён ҳали ҳеч ким ёмонлик кўрган эмас. Ундан раисликдан бўшатишни ёки мана бу «оммавий қирғинда» ёрдам беришини сўрайди. Ахир, вилоят миқёсидаги ўнлаб, юзлаб хўжаликларнинг раҳбарлари бирин-кетин қамоққа ташланмоқда. Бу нима деган гап?

Саҳар пайти бир туш кўрибди. Тушида сай-хонликдан қоп-қора сел бостириб келаётганмиш. У даҳшат ичида селдан қочмоқчи бўлибди. Бироқ у ҳар қанча югурмасин, оёқлари унга бўйсунмасмиш. Сел эса тобора унга яқинлашиб келар, у ҳар қанча уринмасин, бу офатдан қочиб қутулолмасди. Шу асно беихтиёр бақриб юборди.

Эндигина қўлида челақ билан сигир соғишга отланган Хосият опа қўрққанидан эрининг олди-га югургилаб келди.

– Ҳа, отаси! Сизга нима бўлди?! – деди у ёқасига қайта-қайта туфлаб. – Одамнинг юрагини ёрдингиз-ку!

– Сув... менга бир коса сув бер, – деди қора терга тушган раис жойидан туриб ўтирар экан.

Хосият опа тезда бир коса сув келтирди.

– Туш, ёмон туш кўрибман, онаси.

– Тушни яхшиликка йўйиш керак. Ҳар нарса-ни ўйлаверманг! Вақтида дам олиш керак. Кейин... мана бу этик ўлгурларни ечиб, одамга ўхшаб ухлаш керак, – деди Хосият опа эрига ичидан ачиниб. – Мен ҳозир сигирни соғай, сут пишириб келаман.

Раис ўрнидан туриб, ҳафсаласизгина юз-қўлини ювган бўлди-да, ҳовлидан чиқиб кетди. Бугун ҳам иш кўп. Сут ичиб ўтиришга вақт қаерда дейсиз! Буғдойнинг олди ўроққа тушди. Бунинг устига, икки кун бурун бемаҳалда ёққан жала ғўзанинг тагини қатқалоқ қилиб ташлади.

– Раис бува, ассалому алайкум!

У чўчиб тушди. Қаршисида пахта топшириш ишлари бўйича масъул Тўра Ҳақбердиев турарди.

– Тинчликми, нима гап? – деди раис кўнгли бир нохушликни сезиб.

– Сизни идорага чақиришяпти!

– Ким?

– Танимадим, лекин орган одамлари экан.

– Ҳа, тушундим. Сел етиб келибди-да!

– Нима?!

Раис бу саволга жавоб бермади. Лекин айти пайтда Яратган унинг кўнглига ажиб бир хотир-жамлик солгандек бўлди. Майли, нима бўлса тақдирдан. Ахир, бировнинг ҳақини егани йўқ. Қўлидан келганича шу эл-юрт, шу колхознинг шаъни учун елиб-югурди. «Тепа»дан нима деб зуғум қилишса, ҳаммасига чидади. Пахта, ғалла, чорва режаларини ҳар йили уддалаб келди. Шунча меҳнатлари эвазига энди раҳмат ўрнига олиб бориб қамашадими?! Агар шундай қилишса, нима ҳам дерди! Раис ана шу ўй-хаёллар билан идорага кириб борди.

– Биз район ички ишлар бўлимиданмиз. Маҳмадўст Бобоқулов, керакли ҳамма ҳужжатларни олиб, биз билан бирга боришингизга тўғри келади, – деди раиснинг жойига ястаниб олган қоп-қора шляпали одам.

– Бундан Толмас Тиллаевнинг хабари борми? – деди раис. Чунки унинг ёлғиз умиди райкомдан эди. Ахир, колхознинг йўқдан бор қилгани, ҳар йили белгиланган режаларни ошириб бажариб келаётганидан улар яхши хабардор-ку!

Шляпали киши мийиғида кулиб қўйди:

– Райкомингиз аввал ўзини эплаб олсин! Тиллаевнинг ўзи «қия» бўлиб турибди-ку!

Бу гапни эшитиб, раиснинг сўнгги умиди ҳам сўнди.

Сел бостириб келди. Демак, бу – тақдир! Тақдирдан қочиб қутулиб ёки уни ўзгартириб бўлмайди.

Қуёш терак бўйи кўтарилган, бепоён Чироқчи далалари тандирдек қизиган, тонгги салқинда далага чиққан одамлар ўзларини аллақачон барги каллакланган тутлар соясига тортган, жизиллаб ётган далаларда бузтўрғайларнинг ҳазин нолалари эшитилиб турарди.

Машина ойнасидан қадрдон далаларни кузатиб кетаркан, раиснинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. Ўша, бундан салкам ўттиз йил бурунги гап-сўзлар ёдига тушди. Ўшанда уни Чироқчи район партия комитетига чақиришганди. У истар-истамас райком секретари Файзи Ражабов ҳузурига борди. У киши айтдиларки, «Сиз ҳақингизда тўлиқ маълумотга эгамиз. Бизга сиздек ишчан йигитлар керак».

Раис у пайтлар ҳали ёш, товни урса толқон қиладиган йигит эди.

– Мен нима қилишим керак, – деди у раҳбарга тик қараб.

– Чироқчини кўтаришингиз керак!

– Қандай қилиб?

Файзи Ражабов кулиб юборди.

– Қандай қилиб бўларди, меҳнат қилиб!

– Меҳнатдан қочмаймиз, райком бува, – деди у қатъий қилиб.

– Шунинг учун ҳам сизни чақиртирдим-да. Районда 2-3 та қолоқ бригада бор. Шуларни деб ҳар йили гап эшитамиз. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Хуллас, шу қолоқ бригадалардан бирини сизга бермоқчиман, – деди Файзи Ражабов ўйчан қиёфада.

У ўшанда бошига жуда катта ташвишларни сотиб олаётганини ҳали билмасди. Билганида

ҳам нима қила оларди? Ахир, бу партиянинг топшириғи эди. Топшириқни рад қилиб кўрсин-чи!

Шундай қилиб, Маҳмадўст Бобоқулов 1959 йилнинг айни қиш кунларидан бирида тумандаги энг қолоқ бригадалардан бирини қабул қилиб олганди.

Мана, шунга ҳам 27 йил бўлибди. Йигирма етти йилдирки, ер билан тиллашади, ер билан суҳбатлашади. Тонналаб пахта, буғдой етиштиради. Эртадан-кечгача елиб-югуради. Натижа-чи? Мана, натижаси!

Раис изтиробли ўйлар қуршовида кетаркан, беихтиёр ёнидаги шляпали кишига юзланди.

– Менга қанча йил бериши мумкин?

– Нима?!

– Неча йилга қамашмоқчи?

Шляпали одамнинг юзига қизиллик югурди.

– Қамалишдан қутулишнинг ҳам йўли бор, – деди у қувлик билан, – хоҳласангиз, келишамиз!

– Йўли қанақа?

– Қаерга кўмгансиз?

– Нимани?!

– Ана кўрдингизми, сизлар билан келишиб бўлмайди, – деди терговчи жаҳл билан, – барибир топиб олишади. Шунини вақтида ўзингиз давлатга топширсангиз, олам гулистон! Ҳар йили фалон тонна пахта бердим, деб кериласиз. Миллионлаб пулни оласиз! Ваҳоланки, пахтанинг ҳаммаси қоғозда! Хўш, шунча пулни қаерга қўйдингиз?

– Ука, – деди раис оғир тин олиб, – сен ўзи қаерликсан?

– Бунинг аҳамияти йўқ!

– Ҳа, майли, деразадан ташқарига қара...

– Нима?!

– Ташқарига қара, деяпман!

Терговчи ҳайрон бўлиб ташқарига қаради.

– Одамларнинг ҳовли-жойини кўраяпсанми? Шу менинг қишлоғим, элим! Бирорта тунука том-ли ҳовлини кўраяпсанми?

– Тунуканинг нима алоқаси бор?

– Алоқаси шуки, сен айтмоқчи миллионларни ўмариб ётган шу одамлар уйининг устини ёпиш-га ҳам қурби етмайди, – деди раис ички титроқ билан. – Тирамада келсанг, қишлоқ одамлари гурра-гурра бўлиб ҳашар йўли билан ҳовли-жойининг томини суваб олишади. Албатта, пахта теримидан кейин! Сен бўлсанг, пулни қаерга кўмгансиз, дейсан! Ҳув анави, эшакда кетаётган болаларни кўраяпсанми?

Терговчи раис кўрсатган томонга қаради.

– Шу болаларни неча ёшда деб ўйлайсан?

– Мен қаердан биламан, – деб пўнғиллади у.

– Мен эса биламан. Бу болалар нари борса 4-5-синфда ўқишади. Шўринг қурғурлар, яқиндагина мактабдан таътилга чиқишди. Энди нима қилади, биласанми? То сентябрғача даладан сомон ташийди. Сентябрьнинг қоқ ярмидан бошлаб, пахтага ҳайдалади. Қишнинг қор-қировли кунларигача пахта далаларида юришади. Шуларнинг ичида менинг ҳам болаларим, невараларим бор. Мана сенга бахтиёр болалик!

– Менга қаранг, нима демоқчисиз ўзи?

– Ҳеч нарса демоқчи эмасман. Шунчаки, сенга кўмиб қўйган пулларимни кўрсатдим, агар тушунган бўлсанг...

Минг афсуски, терговчи ҳеч нарсани тушунмаган эди. Тўғрироғи, тушунишни ҳам хоҳламасди. Чунки бундай манқурт кимсаларнинг худоси ҳам, пайғамбари ҳам партия эди.

Машина айни чошгоҳда туман ички ишлар бўлими биноси ёнига келиб тўхтади.

Қашқадарё воҳасининг Чироқчи тумани ниҳоятда катта бўлиб, юртимиздаги айрим вилоятлар ҳудудидан ҳам кенгроқдир. Туманнинг умумий ер майдони 395 минг гектарни ташкил этади. Ҳудудий жиҳатдан бир томони Самарқанд билан, бир томондан Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамашчи туманлари билан туташиб кетган. Шимолий сарҳадлари эса Зарафшон тоғ тизмаларига бориб тақалади.

Туманнинг жануби-шарқий қисмидан воҳанинг бош дарёси Қашқадарё оқиб ўтади. Унинг дарёга туташ жойларида мўътадил иқлим, сўлим ва салқин об-ҳаво шароити ҳукмрон. Қолган қисми эса текислик, қир-адир, тоғ ва тоғ ён бағридан иборат. Туманнинг жуда катта майдонини лалми ерлар ташкил этади.

Маҳмадўст Бобоқулов раислик қилган колхознинг каттагина қисмига пахта экилади. Чунки бу ҳудуд Шаҳрисабз туманига чегарадош бўлиб, сув муаммоси йўқ.

Раис бу хўжаликнинг ҳар бир қарич ерини ўзини танигандек танийди. Қаерда ўр, қаерда чуқур бор – унга ҳаммаси аён. Чунки у шу колхозда салкам 25 йилдан бери меҳнат қилади. Тўғрироғи, у 1969 йилдан то 1984 йилгача колхозда бош иқтисодчи бўлиб ишлади. 1984 йилга келиб, Маҳмадўст Бобоқулов колхозга раис этиб тайинланди. Ўтган икки йил давомида ҳам хўжалик давлат режаларини ортиғи билан бажарди. Бироқ...

Не ҳасратки, раис Маҳмадўст Бобоқуловга ана шу жонбозлиғи, яъни давлат режаларини ортиғи билан бажаргани панд берди. Раиснинг меҳнату машаққатини ўзига қарши ишлатишди. Ёши олт-

мишни қоралаб қолган бир пайтда «қўшиб ёзиш» тамғаси билан унга жиноят иши очилди.

– Пахта планини қандай қилиб бажардингиз? – дейишди тергов жараёнида.

– Пахта плани пахта топшириш билан бажарилади-да, – деди раис терговчининг бундай саволдан аччиқланиб.

– Қанчасини қўшиб ёзгансиз? Райком нима деб буйруқ берганди? Ўзлаштирилган пулларни қаерга қўйгансиз?

Хуллас, бир-биридан совуқ саволлар ёмғири остида қолган раис бир ҳақиқатни англаб етгандек бўлди: бу даргоҳда мақсад адолатни тиклаш эмас! Мақсад – қамаш!

Ҳа, «Пахта иши» деб номланган ва мамлакат бўйлаб ёйилган бу оммавий «қама-қамалар» аслида мустабид тузумнинг навбатдаги қатағони эди. Хўш, шундай бўлгач, адолатни кимдан талаб қиласан?

Бироқ шундай бўлса-да, Маҳмадўст Бобоқулов аввалига мислсиз ирода билан бўйнига қўйилаётган айбларни тан олмади. Айниқса, 37-йиллардан мерос қолган услуб – бошқа бировлар устидан нотўғри кўрсатма беришдек ноинсоний ишга бўйин эгмади. Аммо тергов давомидаги турли хил тазйиқ ва хўрлик, жисмоний қийноқлар остида терговчи кўрсатган қоғозларга имзо чекишга мажбур бўлди.

– Мен «Пахта иши» бўйича уч ярим йил қамоқхонада ўтирдим, – дейди Маҳмадўст Бобоқулов офир хўрсиниб. – Шу вақт мобайнида қанчадан-қанча раҳбар-кадрларнинг турли қийноқларга солинганининг гувоҳи бўлдим. Уларнинг айримлари бу азобларга бардош беролмай ўз жонига қасд қилди. Айримлари эса тузалмас касалликларга гирифтор бўлишди.

Президентимизнинг «Пахта иши» бўйича адолатни тиклаш борасидаги жасорати туфайли 1989 йилда, муддатидан илгари жазодан озод этилдим.

Дарвоқе, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўшанда Маҳмадўст Бобоқуловга ўхшаган минглаб бегуноҳ инсонлар озодликка чиқди. Орадан кўп ўтмай, халқимизнинг асрий орзуси ушалди, юртимиз мустақилликка эришди. Мустақиллик эса том маънода барча ҳақ-ҳуқуқларимизни қайтариб берди.

– Бугунги имкониятлар биз учун ушалмас орзу эди, – дейди ёши туқсонни қоралаб бораётган Маҳмадўст бобо. – Энди ер деҳқонники, фермерники! Қаранг, ён қўшним фермер, юз гектардан ортиқ ери бор. Ҳар йили режани бажариб бўлгач, қолган тонна-тонна ҳосилни уйига олиб келади. Чунки энди у унинг мулки-да! Тавба, буни атиги 25-30 йил илгари ўйлашнинг ҳам ҳеч иложи эди. Ахир, колхознинг омборидан бор-йўғи икки пуд буғдой олиб, икки йилга қамалиб кетганларнинг нечтасини кўрганмиз-да! Бугун фермерларимиз йиғиб-териб олган ҳосилни керак бўлса, дала-нинг ўзида саноат маҳсулотига айлантириб, чет элга экспорт қиляпти. Ахир, бундан ҳайратланмай бўладими?!

* * *

Инсоннинг ўзи англаб етган ҳақиқат ҳар недан қадрлироқ бўлади. Бироқ бу ҳақиқатга элтадиган йўл баъзан оғир машаққатли бўларкан. Бу йўл инсондан фидойиликни талаб этади. Унга ёшлигингни, қувончу муҳаббатингни ҳам фидо қилишга тўғри келади.

Қаҳрамонимиз Маҳмадўст Бобоқулов ҳам ҳаётида воз кечган нарсалари жуда кўп бўлди. У умри давомида тинчидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечди. Эл-улус, юрт равнақи учун меҳнат қилди ва бир нарсага эришди: халқ эъзозига!

Бугун Маҳмадўст бобонинг ёши тўқсонни қоралади. Унинг «умр дафтари»ни ўқир экансиз, унда сизу бизга жуда асқотадиган ҳақиқатлар борлигини англаймиз. Таъбир жоиз бўлса, бешафқат ҳаёт билан юзма-юз бўламиз, адолат тантанасини кўрамиз.

НОҲАҚ ЖАБР КЎРГАНЛАР

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «қайта қуриш» ниқоби билан халқимизнинг бошига тушган «Пахта иши» номли қора кунлар ҳали унут бўлгани йўқ. Ноҳақ жабрланганлар орасида Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманидаги Калинин номидаги совхозга 1977–1985 йилларда раҳбарлик қилган Бозорбой Тожимуродов ҳам бор эди. У 1986–1990 йилларда «Пахта иши» бўйича қамоқда ноҳақ жазо тортди.

Бу офир азобдан фақат Бозорбой Тожимуродовнинг ўзигина эмас, унинг оила аъзолари: 83 ёшли қари онаси, хотини Ширинхон ва 8 нафар ўғил-қизлари ҳам жабр кўриб, туҳмат балосига мубтало бўдилар...

Бағри куйган она

Ўшанда 1986 йилнинг кузи эди. Жиянгул кампирнинг оиласи тасодифан қайғу-ҳасрат исканжасида қолди... Ўғли Бозорбойнинг кутилмаганда қамоққа олиниши онаизорнинг юрагини парчалаб ташлади, ич-ичидан бўзлатди... У ўғлига бир умр тўғри тарбия бергани боис, Бозорбойнинг ҳақлигига ишонди, уни ноҳақ қамоққа олган кимсаларга лаънатлар айтди. Юрак-бағри қон бўлса ҳам, кўпни кўрган она эмасми, бу тасодифан рўй берган воқеадан карахт қолга тушган келини ва невараларига таскин берди:

– Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан асрасин», деган нақл бор. Болам, ўзларингизни қўлга олинглар. Бозорбойжо-

ним омон бўлса ҳали қутулиб келади, мен ўғлимга ишонаман. Ҳақиқат қарор топади. Асло тушкунликка тушманглар!

Қайнонасининг сўзига ишонса-да, Ширинхоннинг кўнгли ёришмади...

«Узоқ йиллардан буён элга бош бўлиб, кимсан Базеке бўлиб обрў қозонган инсоннинг бошига бирдан шундай иш тушса-я? Қалби пок, оқ кўнгил, меҳнатсевар, яхши инсон наҳотки шунчалар жабр кўрса?!» деган хаёллар уни тинч қўймади. Кичкинтойлари эса: «Отам қачон келади?» – деб Ширинхоннинг жонини эговлайди. Уларга нима деб жавоб беришини билмай ақли ҳайрон.

– Дадангиз узоқ сафарга кетган, келиб қоладилар, – дейди ва кўзига келган ёшни фарзандларидан яширади. У ичида олов ёнаётгандай дардга чалинди ва тўшак тортиб ётиб қолди. Бир куннинг ичида сочи оппоқ оқариб кетди...

Эрталаб бу ҳолатга кўзи тушган қайнонаси Жиянгул ҳам ҳовлиқиб:

– Ҳов, қароғим Ширинхон, сенга нима бўлди? Бунча ўзингни олдириб, шунчалар қайғурдингми?! «Аллоҳ севган бандасига дард беради», деганлар. Аллоҳдан жавобсиз иш йўқ. Ўғил-қизларингга энди ўзинг ота ва она бўлишинг керак. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ». Ҳали ўғлим озодликка чиқади, яхши кунларни кўрамиз, қизим, – дея меҳрибонлик билан келинининг сочларини силади.

Бу сўзлардан Ширинхоннинг кўнгли бўшашиб, қайнонасининг қучоғига ўзини отди. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Сочларини силаган қайнонасининг қўллари меҳрибон онасини ёдига солди. Кўз ёшини артиб, бироз енгил тортди.

– Раҳмат, эна, – деди у, – сўзларингиз белимга белбоғ бўлди, кўнглимни кўтарди. Гапингиз тўғри. Худо хоҳласа, Бозорбой акам келади. Мен барибир ноҳақлик бўлганига чидай олмаяпман. Кечаю кундуз тинмай меҳнат қилган бўлса, ўзига бир уй ҳам қурмаган бўлса, оиламиз ҳукуматнинг умумий ётоқхонасида яшаётган бўлса, молу дунё йиғмаган бўлса...

Ширинхон қайнонаси айтганидек, бу туҳмат тошларини кўтаришга бел боғлади. Аммо уларнинг кўрганидан кўрмаганлари кўп бўлиб чиқди...

Ширинхоннинг ўйлари

Тўққиз ёшлигимда онам вафот этиб, етим қолдим. Отам раҳматли мен, синглим Сулувхон, укам Гулимбет ва акам Палимбет тўртталамизга ғамхўрлик қилди. Онамнинг онаси Бийбижамол бувим ҳам бизлар билан яшар эди. У ҳам бизларга ўз онамиздек меҳрибонлик кўрсатди. Барибир, қиз бола учун онанинг ўрни бўлак-ку. Уйнинг барча оғирлиги менинг бўйнимда эди. Мен кичкиналигимдан меҳнатда тобланиб ўсдим.

Мактабни тугатиб, вояга етганимдан сўнг Бозорбойнинг отаси менинг отам билан тоға-жиян бўлгани сабаб, бизларнинг турмуш қуришимизга ўзаро келишишди. Бизлар ҳам олдиндан бир-биримиз билан гаплашиб, кўнгилларимизга ярашиб юрганимиз боис, бу қарорга қарши бўлмадик. Шундай қилиб, 1961 йилда Қораўзак туманидаги собиқ «Оржоникидзе» совхозидан собиқ «Москва» совхозига келин бўлиб узатилдим.

Менга уйлангандан кейин Бозорбой акам институтга ўқишга кириб, Нукусга кетди. Мен эса унинг ота-онаси билан овулда қолдим. Қайнота-қайнонамга хизматларим билан ёқдим. Бахт-

ли ҳаёт кечириб, умримиз давомида бир-биридан ширин 8 фарзанд кўрдик. Каттаси Болтабой олий ўқув даргоҳини тамомлаб ўқитувчи, келиним Бозоргул эса юрист бўлди, мана, оғзимизга ош солаяпти, Худога шукр. 1985 йили улар бир қизли, биз неварали бўлдик. Қайнотам 1969 йилда оламдан ўтиб, эварали бўлганини кўра олмади.

Бозорбой акам ўқишини тугатиб келгандан кейин 1964 йилдан 1967 йилгача овулдаги «Коммунизм» мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1967 йилда ўзи туғилиб ўсган овул халқининг илтимосига биноан овул бригадири бўлди. Ўша пайтда ҳам пахтадан мўл ҳосил тўплаб, бошқа бригадалардан олдинда юрди. Қорақалпоғистон АССР Жуқорғи Советига депутат бўлди. 1974–77 йилларда собиқ «Москва» совхозининг энг қолоқ 3-сонли бўлимини бошқарди. Шунда ҳам у бўлим ер майдонларини кенгайтириш ва ерга ишлов бериш ҳисобидан энг илғор бўлим сафига кўшилди. Кейин ишнинг кўзини биладиган раҳбар сифатида совхоз партия қўмитаси секретари, туман халқ назорати раиси, туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, 1976–85 йилларда «Калинин» (ҳозирда «Қорақўл» ОФЙ) совхозини раҳбари лавозимларида ишлади. У қайда ишласа ҳам фидойилиги билан иш олиб борганлиги туфайли орден медаллар билан мукофотланди. Мана энди шу инсоннинг номига қора доғ тушиб, мушкул вазиятда қолди. Лекин мен унга ишонаман, у ҳақ...

Шундай ўйларга берилиб ўтирган Ширинхонни қайнонасининг: – Ширинхон, ҳа, Ширинхон! – деган овози сергак торттирди ва у ялт этиб қаради-да, эшик томон йўл олди.

– Лаббай? – деди у қайнонасининг ёнига яқинлашиб.

– Бўшашиб ўтирмоқни қўйгин, болам. Бозорбойжоннинг қайда эканини суриштириб, Нукусга бориб келгин. Балки кўриб келарсан.

Ширинхон эртасигаёқ Нукусга йўл олди. Аммо Бозорбойни кўришнинг ҳеч чораси топилмади. Қанчалик истаса ҳам у эрини кўра олмай, «шолиси сувга оқиб» уйга қайтди.

Гдяян билан учрашув

Кунлардан бир кун кечки пайт уйда ҳамма биргаликда овқатланиб ўтирганда «Бозорбой Тожимуродовнинг хотини Ширинхон Утамбетова эртага соат 9-00 да Гдяян билан учрашувга Нукусга етиб келсин!» деган хабар келди. Бу хабардан саросимага тушган Ширинхоннинг эрта тонггача кўзи илинмади. Тонг отиши билан соат 7-00 да шоли ташийдиган юк машиналарининг бирига ўтириб, йўлга тушди. Ўз вақтида етиб келди. «Мендан нима сўрамоқчи экан?!» деб ҳайрон бўлди. Бир пайт Ширинхонга ҳам навбат етди. Эшикдан кириб борганида юзларини соқол босган Гдяян уни «ўтиринг» деб креслога таклиф қилди ва савол бера бошлади:

– Эрингиз туманнинг собиқ биринчи секретари Султон Қаниёзовга пул берганини кўрганмисиз?

– Йўқ, кўрмаганман. Мен уйда фақат қозон қайнатишни биламан, холос. Бошқа нарса билан ишим йўқ, – деб жавоб берди у.

– Қаниёзов вакиллар билан биргаликда уйингизга бориб овқат еганми?

– Уйимизга фақат Қаниёзов эмас, ким келса ҳам меҳмон қилиш халқимизнинг урф-одати.

Шунинг учун бу нарсани биз нотўғри ҳисобламаймиз, – деди Ширинхон дадиллик билан.

– Ҳа, яхши. Уйингизда сигирларингиз нечта? Қўй, эчки, товуқ нечта?

– Иккита сигир, беш-олти товугимиз бор.

– Қўй борми?

– Қўйимиз йўқ.

– Бўпти, кетаверинг, – деди Гдяян Ширинхонга рухсат бериб.

«Ҳақиқатан ҳам уйимизда боримиз шу-ку», деб хаёлидан ўтказди Ширинхон уйига қайтиб кетаётганида.

«Умумий ётоқхонада яшаётганимизда ҳам уйни тинтиб ҳеч нарса топиша олмаган улар. Чунки мол-дунё йиғишни билмаганмиз-да. Топган-тутганимизни қозонга солиб, «келган», «кетган» меҳмонга илиниб, дастурхон ёзиб ўтираверганмиз. «Қорин тўйса, қурбон ҳайит» дегандек, ўфил-қизларимизнинг қорни тўйганини, уларнинг соғ-саломат ўсганини катта давлат санаганмиз, ахир! Раҳбарнинг хотини бўлсам ҳам устимда яшил кремплин матодан биттагина костюмим бор эди. Ана шу костюмимни ташламасдан кийиб юраверганман. Кийимга ҳам қизиқмаганман-ов», – деб Ширинхон узоқ ўйга толди.

– Орадан кунлар, ойлар ўтди. Қиш ўтиб, баҳор кунлари Бозорбой акамларни ҳар куни «Бадай тўқай»га ишлагани олиб борадиган бўлишди, – деб эслайди Ширинхон биз билан суҳбатда, – ана шундан кейин яқин қариндошлар, ёру дўст, биродарлар Бозорбой акамни ўша ерга бориб кўриб қайтадиган бўлдик. Орадан бир ярим йил ўтгач, ноҳақ айб тақаб Бозорбой акамни Тошкентдаги қамоқхонага юборишди. Уни «озодликка чиқадди», деб кутганларимиз пучга чиқди...

Ҳеч бўлмаса яқин жойда тез-тездан кўриб турардик, энди уни қандай кўрамыз, деб яна қайтуга ботдик шу пайтларда. Қўлимиздан нимаям келарди, умид билан, яхши ният билан яшашга ҳам ўргандик.

Оиланинг бор оғирлиги менинг бўйнимга тушди. Шундай оғир дамларда катта ўғлим Болтабой билан келиним Бозоргул ишлаб, маош олиб кунимизга яради. Мен ҳам қараб ўтирмай деб, қорувлик ишига жойлашдим.

Тошкентга илк сафарим

Кунлар, ойлар ўта бошлади. Бир куни қайнонам менга, «Тошкентга бориб, Бозорбойжонимдан хабар олиб келсанг-чи, болам», – деб қолди.

Ушбу бир оғиз сўз қамчи бўлди-да, чипта олиш учун Нукусга чопдим. Қарасам, уч-тўрт кунгача кундузги рейсга чипта йўқ. Мен учун эса вақтнинг ҳар бир дақиқаси қадрли эди. Шунинг учун кечки соат тўққизга бўлса ҳам чипта сотиб олдим.

Тошкентга ҳеч бориб кўрмаган бўлсам-да, таваккал қилиб йўлга тушдим. Самолётдан тушибоқ қамоқ манзилини таксичига айтиб, тунги соат учда у ерга етиб бордим. Ҳайдовчи ҳам мусулмон одам экан, барака топсин, ўша жойга зудлик билан етказиб қўйди. Эҳ, қанчалар бахт, Бозорбой акамни топдим. У эса мени кўрган заҳоти: «Тушимми, ўнгимми? Тун ярмида кўрқмасдан қандай келдинг?» деб довдираб, кўзларига ишонмай қолди. Менинг эса кўзимга жиққа ёш тўлиб, гапира олмайман. У овулдаги воқеаларни, уйдигиларнинг барини сўраб-суриштирди. Гаплашиб ўтириб, тонг отганини ҳам билмай қолибмиз.

Бозорбой ака ўзининг ҳақ эканлигини, тегишли жойларга ёзаётганини, адолат тантана қилса,

тез кунда озодликка чиқиши мумкинлигини айтиб, мени суюнтирди.

– Шу мавридлар эсимга тушса, ҳалигача ҳайрон қоламан, – дейди Ширинхон ая биз билан суҳбатлашганда, – Тошкентга бориб кўрмаган бўлсам ҳам, тун ярмида аёл бошим билан турма-хонага етиб борганимга ўзим ҳайрон қоламан. Ўшанда менинг бир нарсага иймоним комил бўлди, инсон қалбида муҳаббат аталмиш туйғу бўлса, қанчалик узоқда бўлса ҳам, одам бир-бирига интилиб яшар экан. Уни ҳеч нарса тўхтата олмас экан...

Эртасига улар бир-бирлари билан кўзи қиймай хайрлашишди. Кетаётганда Бозорбой унга:

– Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ойимга салом айт. Болаларимни ўпиб қўйгин. Ўзинг ҳам омон бўлгин, – дея интизор кўзлари билан суюклисини кузатиб қолди.

Бозорбой оқланди, аммо...

1990 йилда «Бозорбой Тожимуродов оқланиб келибди», деган хушxabар эл орасида тез тарқалди. Ёру дўст, яқин қариндош, овул-эл ҳаммаси «кўз ойдин» айтгани шошилдилар. Йиғлай-йиғлай кўзлари кўрмай қолган Жиянгул онанинг қувончдан жағитинмайди:

– Тангри ярақасин, чироқларим, болам эсон-омон келиб, уйим тўлиб қолди-ку. Узоғига қувонтирсин, илоҳим. Мен ўлсам устимга ким тупроқ ташлайди, кўзим тириклигида ўғлим эсон-омон келсин, деб Худодан ёлвориб сўрардим. Мана, Худога шукр, тилагим қабул бўлди. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ, – дея у келганларга ўзи беморликдан зўрға ўтирса-да, гапираверади, гапираверади.

Ширинхоннинг ҳам қувончи чексиз, келинлар билан қўшилиб елиб-югуриб юрибди. Ҳаммаси яхши эди, аммо...

Фарзанд дарди билан узоқ касалланган Жиянгул она ўғлининг қўлидан ушлаб, пешонасидан ўпиб, армонсиз кўз юмиб, 1990 йилда оламдан ўтди... Бозорбой оға элнинг удумини жойига қўйиб, онаизорини ерга қўйди... Қамоқда кўп қийноқларни кўрган Бозорбойнинг ҳам соғлиғи яхши эмас эди. Шундай бўлса ҳам, уни қўшнилари маҳалла фуқаролар йиғини раислигига тавсия қилди. Бахтга қарши, Бозорбойни халқи қўллаб-қувватласа ҳам, айрим сиёсий саводи бўш, калтафаҳм раҳбарларнинг эътирози сабаб, у оқсоқол бўлиб сайланмай қолди.

– Бу воқеани у кўтара олмай, касалланиб қолди, – дейди Ширинхон офир хўрсиниб. – Аввал ҳам қандли диабет касали бор эди, шу зўрайиб кетибди... Касалхонада ётиб даволанишга тўғри келди. Касалхонадан чиққандан кейин уни «Москва» совхозининг «Коммунизм» бўлимига бошлиқ вазифасига тайинлашди. У ерда ҳам яхши ишларни амалга оширди. Халқ билан бирга бўлди. Ҳамма уни ҳурмат қиларди.

Аммо ушбу бўлим туман марказидан анча узоқ бўлганлиги сабаб, иш жойига қишин-ёзин қатнаш қийин бўлди. Тўрт йил қамоқхонада ётиб, соғлиғини йўқотиб келган киши учун бу ҳам осон эмас эди. «Ўзимиз яшаётган маҳаллага оқсоқол бўлганда балки соғлиғи ҳам яхшиланиб кетармиди», дея ҳалигача ўйлайвераман. Орадани кўп ўтмай, унинг соғлиғи борган сари ёмонлашди ва оламдан ўтди... Эрим уйимга келиб, кўнглим жойига тушиб, болаларимнинг отаси билан қолган умримни бирга ўтказаман, фарзандларимиз-

ни энди биргаликда уйли-жойли қиламиз, деган ниятларим пучга чиқди, – дейди Ширинхон офир хўрсиниб...

«Ҳаёт – кўзни очиб-юмгунча» дегани рост экан. Бутун бор одам эртага йўқ. Ўзи қисқа умрни яна қисқартирадиган ана шундай воқеа-ҳодисалар бўлмаганда, балки одамлар бундан ҳам кўп яшармиди, ким билади?! Икки бирдек суянчиғим – қайнонам ва эримдан айрилиш мен учун жуда офир йўқотиш бўлди. Аммо «ўлмакнинг изидан ўлмак йўқ» деганларидай, барибир фарзандларим учун уларни дуо қилиб яшаяпман. На чора?!

Кўнгилда қолган армон

«Бу дунё ёлғончи дунё, бу дунё армонли дунё», деган иборалар бекорга айтилмаган бўлса керак. Ширинхон билан унинг барча ўғил-қизларининг қалбида бир дунё афсус тўла армонлар қолди... Ота оиласини тебратиб қолган кенжа ўғли Кўчқорбойнинг дилидаги сўзларини эшитсангиз эди...

– Отам менга бошидан ўтганларининг ҳаммасини гапириб берган. Суд жараёнларини айтиб, суддан кейинги норизолик хатларини қўлимга тутқазган: «Мана, ўғлим, менинг ноҳақ тортган азобларимнинг иловалари. Қилмаган ишингни қилдим деб айттириш учун ноинсофлар ҳайвонларча азоб берганлар... Катта бўлганингда сени юрист қиламан. Сен у ноинсофлардай эмас, аксинча, адолатли юрист бўлишинг керак...» – деган эди.

Аммо мактабнинг 10-синфида ўқиётганимдаёқ отам оламдан ўтди. У мени юрист қиламан деган ниятларига ета олмади. Мен педагогика билим юртининг жисмоний тарбия бўлимини тугатдим. Кейин отамнинг армонини бажаришим керак

деб, ҳар йили кетма-кет (4 йил) Қорақалпоқ давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга ҳужжат топширганман, аммо ўқишга кира олмадим. Кейин оиланинг бор оғирлиги елкага тушиб, туман марказидаги спорт мактабида устозлик қилдим. Ҳозир умр йўлдошим Гулмира тумандаги «Баркамол авлод» марказида ўқитувчи, бир қиз, бир ўғлим бор. Ҳаммаси спортни севади. «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» танловида ғолиб бўлиб, Тошкентдаги финал босқичида иштирок этганмиз. Қизим Гулсауир ҳозир 8-синфда ўқийди. Ундан умидим катта. У спорт билан мунтазам шуғулланади. Келажакда юрист бўламан, дейди у. «Илоҳим, қизим ниятига етишсин, отамнинг армони ушалсин», – дейман. Чунки отамнинг насиҳатлари, унинг бошига иш тушиб, ноҳақ азоб тортганлари ҳаммаси менинг қалбимда бир умр армон бўлиб қолди, – дея хўрсинди Қўчқорбой. Бу саккизта ўғил-қиздан биргинасининг хўрсиниши эди...

Сарғайган варақлар

Инсон тақдири ҳам хосиятли бўлармиш. Бу гапни кўпни кўрган қариялардан эшитганман. Ким уни яхши томонга йўналтиришга ёрдам қилса, унга Аллоҳнинг нури ёғилади, аксинча бўлса, у кимсанинг оқибати бўлмас эмиш... Бу сўзда қанчалик ҳикмат борлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Биз сўз юритаётган Бозорбой Тожи-муродовнинг тақдирини ҳам ўзгартириб, зўрлик, ноҳақлик билан айб тақаб азоб берганларнинг бугунги кунда ҳеч ким бўлмай қолганлигини ҳамма кўриб, билиб, гувоҳ бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов «Пахта иши» бўйича комиссия тузиб, бу ноҳақликларга барҳам беришга бош-қош бўлди. У ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида бу ҳақда шундай дейди:

«Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши аввало шунга ёрдам берди.

Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан, Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайқамасликка обдан уриндилар».

Яқун

Ҳаёт давом этмоқда. Бозорбой оғанинг ўғил-қизлари армонда кетган отанинг ҳаётини, орзу-ниятларини давом эттирмоқдалар. Уларнинг ҳар бири оила қуриб, эл хизматида бўлиб, онаси Ширинхоннинг кўнглини олишга ҳаракат қиладилар. Ахир шундай оқкўнгил, садоқатли, меҳрибон аёлнинг яримта кўнглини олмай бўладими?!

Халқимиз тинч, эл фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ҳар байрамда ўғил-қизлари бу муштипар онани табриклагани келганда, хонадон 21 неvara, 7 чеварага тўлиб кетади. «Худога шукр, ҳар бири ўз кунига соғ бўлсин! Элнинг корига яраб, фарзандларининг камолини кўришсин, илоҳим!» дея Ширинхон ая дуо қилиб ўтиргани-ўтирган. Яқиндагина у 73 ёшни қаршилади. Ўғил-қиз, келин-куёв, неvara-чеваралари яна табриклагани келишди. Она учун бундан ортиқ бахт борми!

– Илоҳим, эл тинчлигига кўз тегмасин, ҳаммаси тинчлик ва тотув ҳаётимизнинг меваси, – дейди она суюниб ва: – Бу кунларни Бозорбой акам кўрмади-да, – дейди афсусланиб.

Шарқдан ҳар куни кулиб, бутун борлиқни ёритиб, чарақлаб чиқаётган қуёш, тиниқ осмон, эркин парвоз қилаётган қушлар мустақил юртимизнинг бахтли ҳаёти тимсоли. Ҳар йили қишлоқларимиз билан шаҳарларимизга кўрк қўшаётган янги-янги замонавий уй-жойлар Юртбошимизнинг халқимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан дарак беради. Қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни «Пахта иши» ботқоғидан олиб чиқиб, обрўсини тиклаган давлатимиз раҳбари омон бўлсин! Юрт тинчлигига ва халқимизнинг бирлигига, ҳамдўстлигига кўз тегмасин! Юрт келажакги деб ёруғ кунларга интилиб яшаш бахти биз ва сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

ЮРАКДА ҚОЛГАН ДОҒ

Халқимизда «Ҳеч банда эл назаридан қолмасин», деган ҳикматли гап бор. Ҳа, «элнинг назари» муқаддас ва азиз тушунча. Инсон дунёга келибдики, у ҳалол яшаб, эзгу амаллар қилишни, дунёдан номига доғ туширмай яшаб ўтишни олий мақсад деб билади.

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги қишлоқлардан бири – Деҳқончекда яшаб келаётган Қаюмжон ака Исмоилов ҳам ҳалоллиги, камтарин ва меҳнаткашлиги билан маҳалла-қўй ичида ҳурмат топган, «яхши инсон» деган номга сазовор бўлган юртдошларимиздан. Минг афсуски, у республикада 80-йилларнинг ўрталарида оммавий авж олган қатағонда айбланиб, адолатсизликнинг қурбони бўлди.

Қаюмжон Исмоилов 1940 йилда Деҳқончек қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. 1962 йили Намангандаги қишлоқ хўжалик билим юртини муваффақиятли тамомлаб, ўз қишлоғига, «Комсомол» колхозига ёрдамчи ҳисобчи вазифасига ишга келди. Олти ёшида онасидан етим қолган Қаюмжон ўғай онасига дастёр эди. Уч нафар қиз фарзанд кўрган ўғай она бевақт вафот этди. Орадан олти йил ўтиб, отаси ҳам бу дунёни тарк этди. Норасида сингилларни боқиб, вояга етказишни ўз зиммасида деб билган Қаюмжон 1965 йилда узоқроқ қариндоши бўлган Фазилатхон исмли қизга уйланди. Уларга Аллоҳ бирин-кетин олти нафар фарзанд ато қилди. Ўз ишига масъулиятли, мулоҳазали ёш мутахассис 1968 йилда жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси лавозимига кўтарилди. Вилоят газетасида илғор жамоа

хўжалигининг тажрибали мутахассиси сифатида Қаюмжон Исмоиловнинг суратлари босилиб, унинг фаолияти бўйича мақолалар эълон қилинарди.

Қаюмжон ака ҳам, Фазилатхон опа ҳам офир-босиқ, фаҳм-фаросатли инсонлар бўлгани учун фарзандлари илмга ташна, изланувчан бўлиб улғайишди. Тўнғич фарзанд Гулсуной Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мактабгача таълим факультетида ўқиётган йиллар эди...

– Қама-қамалар бошлангани овоза бўлаётган кезлар. Телевидение, радио, газета орқали бу ҳақда хабарлар берилаётганди, – дея офир хўрсиниб сўз бошлайди Қаюмжон ака. – 1986 йилнинг 5 январь куни жамоа хўжалигига махсус текширув гуруҳи келди. Бир неча йил давомидаги давлатга пахта, сут сотиш, чигит сотиб олиш ва бошқа қатор масалалардаги ҳужжатлар текширилди. Орадан маълум вақт ўтгач, жамоа хўжалиги идорасига келиб, ўзини вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи деб таништирган одам раис Сайдали Болтабоев ва мени ўтказилган текширув натажалари юзасидан тергов қилишини айтди. Бирор жойга кетиб қолмаслигимиз тўғрисида тилхат ёздириб олди.

1986 йилнинг 23 апрели. Кечки пайтда эшик тақиллади. Милиция ходими Қаюмжон акани эрталаб Қўрғонтепага тергов қилиш учун олиб кетишини айтгани келган экан. Қаюмжон ака уйдагиларга бидирмай терговга бориб қайтмоқчи эди. Аммо шу куниеқ унга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилди: у қамоқхонанинг зах, қоронғи камерасига қамаб қўйилди. Дастлабки уч кун давомида Қўрғонтепа қамоқхонасида сақланган маҳбус Андижон қамоқхонасига кўчирилди. Қамоқхона-

да икки ой давомида тергов олиб борилади. Ниҳоят, иш судга оширилди. 1986 йилнинг 20 июнида Қўрғонтепа туманидаги пахта тозалаш заводининг клубида очиқ суд жараёнлари бошланди. Эҳ, у кунлар... Саксон кун давом этган очиқ судда мингдан зиёд ҳамюртларнинг гувоҳлигида бўлган сўроқ-саволлар... Эгилган, ҳам бошлар, руҳий изтироблар, «юзи қоралик»нинг офир юклари...

– Андижон қамоқхонасида, тергов олиб борилаётган кунларнинг бирида мени махсус хонага олиб боришди. Йўғонроқ, оқ-сарикдан келган, эллик ёшлар чамасидаги совуқ қиёфали одам мени сўроқ қилди. Бу – Николай Иванов эди, – деб алам билан эслайди Қаюмжон ака, – у жиноят иши ҳужжатлари билан танишар экан, суммани кўриб, «Совсем мало», деди-ю, кўпроқ еган бўлишинг керак, оз ёзилибди, деган мазмунда норозилик оҳангида сўроқ бошлади. Сўроқ йигирма-йигирма беш дақиқа давом этди. Судга Андижон қамоқхонасидан мени ва раисни, ашаддий жиноятчилардек, итлар қуршовида Қўрғонтепага олиб келиб, шу тартибда қайтариб олиб кетишарди. «Комсомол» жамоа хўжалигида содир этилган «жиноий иш» бўйича судланувчилар саккиз кишидан иборат бўлсак, қолган олти киши дастлаб судга уйдан қатнаган. Залга ҳар куни мингдан ортиқ одам йиғиларди. Қариндош-уруғ, элу юрт, таниш-билишлар... Қизиқиб кирган ҳам, ачинган ҳам, бефарқлар ҳам бор... Кирмаган одам қолмаган. Биз – судланувчилар биринчи қаторда ўтирамыз. Булар: Сайдали Болтабоев – раис, мен – бош ҳисобчи, Шаробиддин Дарвишев – кассир, Исроил Исмонов – пахта топширувчи, Жакбарали Ҳожиназаров – тарозибон, Маҳаммаджон Нишонбоев – бош зоотехник, Аб-

дуллажон Тоиров – Деҳқончек пахта қабул қилиш пункти классификатори, Ином Юсупов – Деҳқончек пахта қабул қилиш пункти катта ҳисобчиси.

Жамоа ҳўжалиги ўрамида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, пахтакорлар, чорвадорлар ноҳақ айбланаётган собиқ раис ва собиқ бош ҳисобчи иш фаолияти давомида халқ манфаати учун кўплаб эзгу ишларни амалга оширганлигини, аммо бирор сўм ҳам шахсий манфаатдор бўлмаганликларини тасдиқлаб суд ҳайъатига бир неча марта талабномалар киритдилар. Талабномаларга юзга яқин ҳамюртлар имзо чекдилар.

1986 йилнинг 8 сентябрь кунда «қилдан қийиқ ахтариш», «тирноқ остидан кир қидириш», «емаган сомсага пул тўлатиш»ни мақсад қилиб қўйган суднинг ҳукми ўқилди. Қаюмжон Исмоилов беш йилу саккиз ойга кучайтирилган режимда озодликдан маҳрум этилди. Суднинг ҳукмига кўра «раҳбарлар билан ўзаро тил бириктириб, давлат мулкани талон-торож қилган жиноятчи»нинг уйдаги «бойлик»лар жамоа ҳўжалигига етказилган зарарни қоплаш мақсадида мусодара қилинди. Булар 1976 йилда сотиб олинган «Океан – 209» русумли эски радиоприёмник, бир бош бузоқ, беш бош қўй эди...

Қаюмжон Исмоиловнинг суд ҳайъатига ёзма равишдаги охирги сўзларида, жумладан, шундай дейилади: «Ҳурматли суд ҳайъати! Мен 1982–1983 йилларда қилинган жинойий ишларда ҳеч ким билан тил бириктирган эмасман, пахта қўшиб ёзилишига алоқам йўқ...»

Ҳалол, ор-номусли, виждонли инсон учун таҳқирланиш, ноҳақ айблов, ҳўрланиш ва камситилиш нақадар оғир. Инсонга Аллоҳ кўнгилни ҳам феълига яраша беради. Қаюмжон Исмоиловдек

кўнгил мулки яхшиликлар, эзгуликларга йўғрилган инсонларнинг руҳий изтироби ҳам кучли бўлади. У қамоқхонанинг махсус камерасида сақланаётган вақтида бир неча марта Олий суднинг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига енгиллик беришларини сўраб кассация шикоятлари ёзди. Андижон қамоқхонасида бир ярим йил сақланган маҳбус Тошкентдаги махсус комендатурада жазо муддатини ўташни давом эттирди.

– Талабалик йилларим қийинчилик ва изтироблар гирдобидида ўтган, онам йўл кирага пул топиб беролмай қийналарди, – Гулсуной қорачиғида йилтиллаган кўз ёшларини яширишга уриниб сўз бошлайди, – дадам жазо муддати давомида Тошкент уй қурилиш комбинатида бетон қуювчи сифатида оғир жисмоний меҳнатга жалб этилганди. Якшанба кунлари учрашиш имконимиз бўларди. Бир куни кўчада дадам тарозига тортилди ва «ўн тўққиз килограммга озибман», – деди. Эсимизни таниганимиздан биз – фарзандлар учун жасурлик, мардлик, матонат тимсоли бўлган даданинг юзига боқдим: у бирам ожиз, ғариб, нажотсиз бир ҳолатда эди...

– Энг ёмони, эл ичида юзимизнинг шувут бўлгани, – деб суҳбатга қўшилади Фазилатхон опа, – биз болаликдан ҳар қандай қийинчиликка кўниб яшаганмиз. Аммо бундай пайтда ўзингни кўлга олишинг жуда оғир бўларкан. Олтита болани қандай боқаман, бу ёқда уч нафар қайинсингилларим бўлса, эндигина Тошкентга ўқишга кирган қизимни қандай ўқитаман, деб йиғлайман. Йўқ, ризқни Аллоҳ бераркан, далага чиқиб кетмон чопдим, қариндош-уруғ, қайин опаларим ёрдамида эплаб кун ўтказдик. Эрингиз у ёқдан қайтадимми, йўқми, деганлар ҳам бўлди. Кечаси

билан сув ичиб чиқаман. Бир куни онам, «сахар» деган касалликда одам кўп чанқаркан, дўхтирга бор-чи, деб қолди. Тиббий текширувдан ўтдим: «қандли диабет» деб ташхис қўйишди. Шундан бери бу касал менга ҳамроҳ. У кунларни эслаш оғир... Моддий етишмовчиликдан кўра ҳам эл ичида бош кўтариб юришимиз қийин бўлган...

1989 йилда мустақиллик шабадаларининг эпикни кела бошлади. Фазилатхон опа оилавий шароити оғирлашиб кетганлигини сабаб қилиб, мусодара бўлган мулкларини олти нафар фарзандлари ва ўзининг ҳиссаси учун ундириб берилишини сўраб, суд ҳайъатига даъво аризаси ёзди. Қўрғонтепа туман халқ судининг 1989 йил 6 январь кунги ҳал қилув қарори шундай бўлди: «Даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, Исмоилова Фазилатхон ва олти нафар фарзандлари ҳиссаси унга ундирилиб берилсин. Исмоилов Қаюмжоннинг ҳиссаси келтирилган зарарни қоплаш учун колхоз фойдасига топширилсин».

Халқимиз раҳнамоси Ислом Каримовнинг таъаббуси билан «Пахта иши» бўйича ноҳақ жазоланаётган беғуноҳ юртдошларимиз оқлана бошлади. Жумладан, 1990 йил 17 декабрдаги Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми қарорига кўра, Исмоилов Қаюмжон раҳбарларнинг мажбурлови, тазйиқи остида, охирги зарурият ҳолида оммавий қўшиб ёзиш авж олган йилларнинг қурбони бўлганлиги учун айбсиз деб топилди ва жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

1991 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Олий суди томонидан Қаюмжон Исмоиловга ноҳақ жабрланган фуқаро сифатида аввалги вазифасига ёки унга тенглаштирилган вазифага тайин-

ланиши, жазо муддатини ўтаган йиллари учун ойлик маошлари ҳисобланиб тулаб берилиши, суд жараёнларида сарфланган суммалар, ундирилган жарималар ва мусодара қилинган мулкларнинг қиммати қайтарилиши, партиявийлиги ва бошқа чекланган ҳуқуқлари тикланиши ҳақида ажрим чиқарилди. Давлат бюджетидан ўн тўрт минг саксон икки сўм ундириб берилди.

Қаюмжон аканинг кундалигида 1990 йил 20 январь санаси билан шундай сатрлар ёзилган: *«Турғунлик йилларида қилинган ишлардан бир сўм ҳам манфаатим учун фойдаланмаганман, фойдаланишни ўйлаган ҳам эмасман. Аммо ўша даврларда раҳбарларнинг топширигини бажармасликнинг иложи йўқ эди. Мажбурлов, зўрлов туфайли иложсизликдан қилган ишимдан ҳозир ҳам пушаймонман, чунки халқ орасида ўзим ҳам, болаларим ҳам «судланган» деган тамганинг маломатига қолдик».*

Қаюмжон ака оқланди, кўрган моддий зарарлари қопланди, «судланган» деган қора тамгадан халос бўлди. Аммо қалбини яралаган маънавий зарба уни янаям камгап, янаям вазмин қилиб қўйди...

– Президент Ислом Каримовнинг жасорати, одилона сиёсати туфайли маккор тузумнинг зулмидан омон қолдик, – дейди Қаюмжон ака, – ҳаёт йўлини ҳар ким ўзи хоҳлаганича танлайдиган замонларга етганимизга шукр. Фарзандларимнинг ҳаммаси яхши касбларни эгаллаган. Гулсуной қишлоғимиздаги 21-мактабгача таълим муассасаси мудираси, Муҳаммаджон – тадбиркор, Ҳасанбой – олий маълумотли доришунос, Зухраҳон – тикувчи, Раъноҳон ва Гулчехраҳонлар ўқитувчи. Ўн бешта набирам, битта чеварам бор. Катта

набирам Малика Тошкент давлат консерватори-
ясини битириб, Тошкент маданият коллежида
ўқитувчи бўлиб ишляпти. Набираларимнинг
бири Тошкентда академик лицейда таҳсил олади.

Қаюмжон ака каби давр қурбони бўлган юрт-
дошларимизнинг тақдир йўли ёш авлод учун ҳаёт
китобидир. Мураккаб ва офир йилларда халқимиз
қатъий ишонч, сабр-матонат билан доно Юртбо-
шимиз раҳбарлигида ёруғ йўлга чиқиб олганлиги,
бир тану бир жон бўлиб истиқлол аталмиш улур
неъматни сақдаб қолганлиги айна ҳақиқатдир.
Эркин инсон бўлиш саодати – буюк саодат эка-
нини чуқурроқ англашимиз, бугунги фаровон,
тинч-осойишта кунларга осонлик билан эришма-
ганлигимизни унутмаслигимиз, Мустақиллиги-
мизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни муқад-
дас ва олий бурч деб билишимиз керак.

АСА ФАРЗАНД ЭДИ ЁВКЕНТГА

Бу дориломон кунларда уларнинг ҳам ҳақи бор. Истиқлол сабаб фидойи ватандошларимизнинг, мустабид тузум даврида қатағонга учраган, «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган тамға билан ноҳақ айбланганларнинг пок номлари, хотираси тикланди. Тарихий адолат қарор топди. Бугунги нурафшон кунларда ул зотлар хотираси олдида бош эгамиз.

1

Жўра Қурбондан нима қолди? Жўра Қурбон деган ном қолди...

Ёвкент қишлоғидаги тутзорлар, муъжазгина боғ, теракзор кўча бу номни эслатади. Ҳамқишлоқлар, тумандошлар қалбида қолган ширин хотиралар бу номни эслатади. Ўзлаштирилиб, обод бўлган ерлар, қайта чирой очган қишлоқлар, у кашф этган ўзига хос деҳқончилик мактаби эслатади бу номни. Тўғри, балки бугунги ёш авлод бундай инсонлар ҳақида, ўша давр ҳақида тасаввурга эга эмасдир. Аммо кекса авлод вакиллари яхши билади ўша давр машаққати, азоблари, хўрликларини, бунинг юкини тортган, остида қолиб азобланган инсонларни.

Дейлик, Жўрақул Қурбоновни туғилиб-ўсган, фаолият юритган Бухоро вилояти Олот туманида эмас, қўшни туманларда ҳам ёши улўф инсонлар илиқ хотиралар билан эслашади. «Кимнинг фарзандисан, болам?.. Э, ҳа, Жўра Қурбоннинг қишлоғидан экансан-да». «Олотданман, дедингми,

Жўра Қурбонов деган инсон ўтган, эшитганми-сан?» Хуллас, эл аро афсонага айланган одамлардан эди раҳматли.

* * *

Қўлида папка кўтарган, олифталарча кийинган, қора кўзойнак таққан кимсалар ёпирилиб келишди. Нималарнидир излашди, шекилли. Олтин, кумуш, қимматбаҳо буюмлар, пулларними-ей. Раҳнамолари Гдьян, Иванов талаб қилгач... Топишди. Ҳатто ўйлаганларидан, излаганларидан-да қимматроғини, бебахороғини. Бир этак фарзанд, невараларни, ёру биродарлари ўртасидаги меҳр-оқибатни. Қўплаб инсонлар, ҳамқишлоқлар қалбларига сочган яхшилик уруғини. Бундан аламзада бўлган тергов гуруҳи рангли телевизор, радиоприёмник, ҳатто эски гиламларгача рўйхатга олишди.

...1965 йил. «Навоий» жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлаб келаётган серғайрат йигитчани энг қолоқ хўжаликка бригадир этиб тайинлашди. Бироз муболага билан айтганда, бешигидан қабригача пахта экиладиган йиллар. Суронли, тўзонли йиллар. Марказга фақат ва фақат пахта керак. Мана шу оқ олтинни етиштириб, йиғиштириб оладиган қуллар керак. Хоҳласа тепасидан бутифосу яна нима «фос»ларини ёғдириб, заҳарлайди. Ундан-да заҳарли бўлган сиёсатини сочади. Ҳатто айрим корчалонлар пахтани дарахтда ўсади, деб тасаввур қилиши мумкин. Бу муҳим эмас. Муҳими, улар марказда сиёсат, дўқ-пўписа қила олади. Партия номидан ўдағайлаб, буйруқ бера олади. Ёш, иқтидорли кадр ана шу давр тўфониде қолди. У қабул қилиб олган 7-бригаданинг пахта бўйича ҳосилдорлиги ҳар гектарга 13

центнердан тўғри келарди. Гарчи Бухоро қишлоқ хўжалик техникумини тутатиб келган бўлса-да, билими, тажрибаси олий маълумотлилардан қолишмасди. 1973 йилгача ҳосилдорлик даражаси 40 центнергача кўтарилди. Партиянинг, ҳукуматнинг қўйган вазифаси бажарилди. Улкан-улкан хирмон кўтарилди. Халқнинг, қишлоқдошларининг турмуш даражаси ошар, деб ўйлаганди. Косаси оқармади бари бир. Аммо раҳбар халқ учун жавобгар. Шу масъулиятни ҳис қилган Жўрақул Қурбонов елиб-югурди. Шўр, зах босган, янтоғу юлғундан бўлак гиёҳ ўсмаган майдонларда боғ барпо қилди. Ҳашар йўли билан уйлар қурдирди. Қундаларига қулоч етмайдиган тутлар, булутларга бўй чўзган теракзорлар, хуллас, яшариш, яшнатиш, бунёдкорлик ишлари билан Ёвкентга файз олиб кирди.

Элас-элас эсимда. Қишлоғи тарихи ҳақида гап кетганда, биз жужуқларга амаким шундай сўзларни айтган: «Ёбу деган бир қавм ўтган. Туркий уруғлардан дейишади. Ёбулар кенти дейилган бу тупроқ. Ёбукент бора-бора Ёвкент бўлган. Яна бир тахминга кўра, қадим-қадимда бу замин овчилик, чорвачилик билан машҳур бўлган. Унга кўп-кўп ёвлар кўз олайтирган. Лекин мард, жасур аждодлар ватанларини ёвларга бериб қўйишмаган. Шу-шу, ёвлар ололмаган кент – Ёвкент бўлиб тарихда қолган».

Қайси бири ҳақиқат, қайси бири афсона – бунга шу бугунгача ҳеч ким аниқ жавоб беролмаган. Лекин бу ҳикоятлар замирида Жўра Қурбоннинг ўзи турилиб, ўсган тупроғига меҳр-муҳаббати бисёр эканлигини ҳис қилиш қийин эмас. Хуллас, Ёвкент фарзанди қишлоғини обод қилишга уринди. Захкашлар қаздириб, шўр ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилади.

Ташаббускор, тиниб-тинчимас бу инсонни 1972 йилда жамоа хўжалигига партком котиби этиб сайлашди. Туманда қолоқ хўжаликлар кам эмасди. Бунинг устига чўл, даштларни ўзлаштириш сиёсати авж нуқтасида бўлган. Янги ташкил этилган «Комсомолобод» давлат хўжалигидан мақсад ҳам чўлни ўзлаштириш эди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Унга тадбиркор, ишбилармон раҳбарлар керак. Тумандаги «катта»лар мазкур хўжаликка Жўрақул Қурбоновни бош агроном сифатида йўллади. Агрономга кўп нарса боғлиқ. Айниқса, чўл ерларни ўзлаштириш хусусида гап кетганда. Яна елкада масъулият, яна машаққат. 1100 гектардан зиёд ер ўзлаштирилди, чўлда шаҳарча бунёдга келди. Бу 1973 йил эди. Изланувчан Жўрақул шу йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кириб, соҳа илмини пухта ўрганди. 1979 йилда агрономия ихтисослигини тугаллаб, олим-агроном мутахассислигини эгаллади. Туман агросаноат бирлашмаси бош агрономи лавозимида бир йил ишлаган тажрибали кадрни янги довон кутаётганди. Тошлари, тиканлари бор довон. Умрга зомин бўлган эговлари бор довон. Булардан қўрқмади, булардан ҳайиқмади Жўрақул. Хуллас, қолоқ бир хўжаликни – Файзулла Хўжаев номидаги жамоа хўжалигини «кўтариш» лозим бўлди. Хўжаликка Жўрақул Қурбоновни раис этиб тайинлашди. Маълумот учун бир нарсани айтиб ўтайлик. У хўжалик бошқарувига раисликка тайинланишидан бир йил олдин, яъни 1979 йилда жамоа хўжалигида ҳар гектар ердан 24,6 центнердан пахта ҳосили олинган. 1980 йилда ва кейинги йил ҳам режа ортиғи билан адо этилди. Икки орден, қатор-қатор медаллар билан тақдирланди Жўрақул ака.

Терговчи:

– 1981–1982 йилларда раис бўлиб ишлаганингизда пахта қўшиб ёзган экансиз. Бу жиноятдан ортирган бойликларингиз қаерда?

Айбланувчи:

– Аввало, бу юқори партия ташкилоти раҳбарларининг буйруғи, зуғуми остида бўлган. Агар буйруқни бажармасак, биз – партия аъзоларининг умрини турмада чиритиш, яқинларимизни қон қақшатишларини айтишган. Ўн болам бор. Шуларни ўртага қўйиб айтаманки, қўшиб ёзишдан бир тийин ҳам манфаатдор бўлмаганман.

Терговчи:

– Бу чўпчагингни катта холангга сўзлайсан, раис. Бўрини биласан-а, бўрини. Емаса ҳам оғзи қон дейдилар. Сен сингари раислардан совет тузумини тозалаймиз. Яхшилиқча барини сўзласанг, ўзингга осон бўлади.

Айбланувчи:

– Партия топшириғини сўзсиз бажаришга ўрганган одамлармиз. Ахир, шундай тарбияланган-да. Бу ишга «жиноят-ку», дея қарши чиққанзимизда, «юқорининг топшириғи шу, бажарасан», дейишган. Ўзингиз ўйланг, 120 фоизга режани уддалаганимдан кейин қўшиб ёзиш нега керак эди?

Терговчи:

– Кўксингни орден-медал, шон-шарафга тўлдиришган-да.

Айбланувчи:

– Олган ҳар бир рағбат, мукофотим замирида халқимга қилган ҳалол меҳнатим ётибди. Буни одамлардан сўранг. Мен ҳеч қачон шон-шухрат ортидан қувмаганман.

Терговчи:

– Бир нечта моддалар билан айб қўйиляпти. Сенга ўхшаган раисларнинг жинояти катта. Бир умр оиланг, яқинларинг ўртасида юзинг шувут бўлиб ўтади.

Бу диалогни бирон-бир ҳужжатдан олганим йўқ. Ўзимча шундай тасаввур қилдим. Албатта марҳумнинг шахсий архивидаги қўлёзмалар, ариза ва шикоятларни ўрганиб, хаёлан шундай манзарани кўз олдимга келтирдим. Аслида бундан-да баттар савол-жавоблар, азоблашлар, хўрликлар бўлгани рост-ку. Энди ҳужжатларга мурожаат этсак.

ҲУКМ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан

1985 йил ноябрь ойи 28-кунида Бухоро область суди состави Олот район маданият уйи клубида. Раислик этувчи область халқ судьяси аъзоси Болиев.

...Юқоридагиларга кўра ва ЎзССР жиноят кодексининг 279-282, 284, 292-294, 298 ва 305-моддаларини қўллаб суд состави

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Қурбонов Жўра ЎзССР Жиноят кодексининг 119-1, 149-1, 153-моддасининг 11-қисми, 155-моддалари билан айбли деб топилсин.

У ЎзССР Жиноят кодексининг 119-1 моддаси билан жиноят кодексининг 42-моддасини қўллаб, 7 йил озодликдан маҳрум этилсин. ЎзССР жиноят кодексининг 149-1 моддаси билан 3 йил

озодликдан маҳрум этилсин. ЎзССР жиноят кодексининг 155-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум этилсин.

ЎзССР Жиноят кодексининг 40-моддасига асосан тайинланган жазоларнинг енгилени оғири билан қоплаб ўташ учун 7 (етти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилансин, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташ белгилансин. Жазони ўташ муддати 1985 йил 2 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин, 4 йил моддий ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин.

Суд рўйхатга олинган 680 сўмлик «Чайка – 414» рангли телевизор, 138 сўмлик «Океан – 209» транзистор приёмниги, «Москвич» 61-64 БХВ автомашинасини давлат фойдасига мусодара қилиб ундириш етказилган зарарга қаратишни лозим деб топади.

Ўзбекистон ССР Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг

АЖРИМИ

1986 йил май ойининг 19 кунда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи А.А.Акберганов, коллегия аъзолари Қайпназаров А. Сарабеков А.дан иборат ҳайъатда Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси Соғинбоевларнинг иштирокида Бухоро область судининг 1985 йил 28 ноябрда қўрилган жиноят иши бўйича чиқарган ҳукми устидан судланганлар Қурбонов Ж., Сайлиев К., Ондаев С., Омонов К., Омонов Б., Бекмуродов Ф.лар

томонидан келтирилган кассация шикоятларини жиноят ишига қўшиб қўйди.

...Маҳкум Қурбонов ўз кассация шикоятида пахта қўшиб ёзиш район раҳбарларининг мажбурлаши асосида бўлганлиги, ўз ихтиёри билан қилмаганлиги, пахта планини ошиғи билан бажаргани, план бажариш учун пахта олишнинг ҳожати бўлмаганлиги, область, район пахта планини бажариш учун уларни мажбурлаши асосида бу иш бўлганлиги, тергов объектив олиб борилмаганлиги, ҳақиқий қўшиб ёзилган пахтанинг миқдори тўғри аниқланмаганлигини кўрсатиб, муқаддам қилган ишларини, оилавий аҳволини эътиборга олиб, жиноят ишини одилона кўришни сўрайди.

ЎзССР ЖПК нинг 314-моддасини қўлаб, коллегия

АЖРИМ ҚИЛАДИ

Бухоро область судининг 1985 йил 28 ноябрда Қурбонов Жўра ... ларга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин. Судланганлар Қурбонов...лар кассация шикоятлари қаноатлантисилмай қолдирилсин.

Раислик этувчи: Акберганов А.А.

Коллегия аъзолари: Қайпназаров А.

Сарабеков А.

Суд ҳукмидан кейин бир йил ҳам ўтмай, аниқроғи, 1986 йилнинг 30 сентябрида Жўра Қурбонов жазони ўташ жойида хасталиги сабаб дунёдан кўз юмди. Ортиқ чидай олмади. Бу

ёлғончи дунёнинг ҳасратлари, дардлари азобларига кўз юмди. Енгилди. Ортиқ улар билан курашишга юрак ожизлик қилди...

Тўқсонни қоралаб қолган Қурбон ота Сафаров кўнгли хира бўлиб уйғонди. Ғашлиги ошди. Жўрақулнинг хотини Зиёда опанинг сабри чидамади. Бардоши портлаб кетди. Хўжайини ноҳақ қамалганидан кўнглига ҳеч нарса сиғмай юрганди ўзи. Ўн боланинг ташвиши – уларга оталик, оналик қилиш ташвиши сиғди. Саҳардан кечгача ер чопиб, пахта етиштириш, ҳатто унга боласидан-да кўпроқ парвона бўлиш ташвиши сиғди. Бунчалар кенг бўлмаса юраги ўзбек аёлининг. Аммо қайнотанинг биргина, атиги биргина – алаҳсирашга ўхшаб айтган гапини сиғди-ролмади. Дунёга юрак кенгликларини очган аёл меҳр қўйгани – очуннинг қанчалар торлигини ҳис қилди. «Юракни сиқманг, бова». Бобо эса бир нуқтага тикилганча бир сўзни такрорлайверди, такрорлайверди: «Чинорларимдан яна бири қулади». «Астағфирилло, астағфирилло», деганча келин ёқасига туфлади. Кечга томон шумхабар етиб келди. Қурбон бобо ўғли Ибодулладан кейин Жўрақулни тупроққа топширди. Шу-шу, отанинг ҳовлидаги ёши ярим асрга тенг шотути қурий бошлади. Қанча-қанча суронли даврларни кўрган, очарчиликда ош-нон бўлган қадрдон тут. Бобонинг ўзи каби сўлди, қуриди...

Истиқлол арафасида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳақиқат қарор топа бошлади. «Ўзбек иши», «Пахта иши» дея тўқайда ҳўлу қуруқ баробар ёнган юртдошларимиз, Жўрақул Қурбоновга ўхшаган инсонлар оқланди. Уларнинг айбсизлиги исботланди.

1991 йил 1 августда – истиқлолга бир ой қолганида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси марҳумнинг иш материаллари билан танишиб, хулоса чиқарди.

«ЎзССР ЖПКнинг 353-моддасини қўллаб, коллегия

АЖРИМ ҚИЛАДИ

...Қурбонов Жўра жиноий иши унинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун ётқизилсин.

Раислик этувчи Сарабеков А.»

Истиқлол йилларида Жўрақул Қурбоновнинг фарзандлари ўсиб, улғайди. Ҳатто бугун фарзандларидан бири унинг номи билан аталувчи деҳқон-фермер хўжалигига раҳбар. Тўнғич ўғли Зокир – бригадир. Фарҳоди Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида бош муҳандис. Тўнғичи – қизи Назира педагог. Хуллас, эл-юрт ободлигига, мустақилликни мустаҳкамлашга фойдаси тегаётган уларнинг. Демакки, отаси руҳини шод этишган фарзандлар...

Янгибой ҚҰЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

АМУДАРЁ ТЎЛҒАНГАН ТУН

Собиржоннинг наздида минг йиллардан буён бу ўзанда тўлғаниб оқаётган азим дарёнинг ҳам тўлқин-тўлқин бўлиб жўш урган бедор юраги бор. Шу қудратли юрак бугун, яъни 1986 йилнинг 1 апрелида ўта безовта, бесаранжом, беқарор ураётгандек эди. Оҳ уриб, қирғоғига қаттиқ-қаттиқ бош уриб, теран қаъри дарду ҳасратга тўлиб кетгандек тўлғанарди. Улуғ Ўкуз устида бетиним учаётган, чарх уриб сувга тўш ураётган оққувлар ҳам тинчини йўқотган. Соҳилдаги жийдазор тепасида муаллақ туриб чириллаётган сўфитўрғай ноласи юракларни ўртарди. Қирғоқ яқинида улкан тегирмон тошидек айланаётган гирдоб ичида дарё ўпирган тўронғил дарахти оддий хасдек унинг измида. «Гирдоб. Гирдоб. Гирдоб. Нега менинг юрагим дарё гирдобини кўриб бунчалар ҳаприқмоқда? – деб ўйлади Собиржон. Онажонимнинг аҳволи қандай? Тузалиб кетармикан? Эҳ, бечора онажоним-а! Сиз неча марта менга ўхшаган ҳосилотларнинг буйруғи билан самолётда сепилган бутифос ёмғири остида қолдингиз. «Бутифос» деган лаънати сўз овулга «гепатит» деган даҳшатли дардни бошлаб келди. Мана, жигарингиз шишиб, рангингиз сомондек сарғайиб ётибсиз. Дарёга ўрнатилган насосларнинг ҳолатини бирров кўраману ёнингизга қайтаман, она!»

Собиржон Тожимов бош ҳосилот лавозимида ишлаётган давлат хўжалигида ёппасига чигит

экишга киришилган. Хўжаликка машҳур пролетар адиб Горький номи қўйилган. Ер куррасининг олтидан бир бўлаги, яъни 15 иттифоқдош, яна қанчадан-қанча мухтор республикалару мухтор округларда, шу жумладан, жаҳонга мўлу арзон олтин ва «оқ олтин» етказиб бераётган Ўзбекистонда мазкур ном билан юритиладиган хўжаликлар кўп. Иқтисодий салоҳияти бўйича Амударё туманидаги ушбу жамоа билан беллашадигани жуда кам. Давлат хўжалиги ҳар йили давлатга 20 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси сотади. Айнан шу хизмати учун бир пайтлари хўжалик раҳбари Отажон Худойбергановнинг кўксига олтин нишон тақиб қўйилган.

Бош ҳосилот насос станциясига келишдан аввал давлат хўжалигининг 8 бўлими (ҳар бўлимининг ер майдони бир жамоа хўжалиги ҳудудидан катта)ни ҳам айланиб чиқди. Тонг оқармасидан ҳайдовчи билан бўлимларга чиқиб, тушликда машҳур пахтакор Йўлдош Ўрозбоевнинг хонадонида пиширилган «анжир палов»дан тўрт қошиқ еди-да, яна картама-карта кетаверди. Бир соатда уч-тўрт хўжаликни айланиб чиқди.

Ҳайдовчига рухсат бериб, уйга кирганида хотини обдаста, оппоқ сочиқ билан қарши олди. Рафиқасининг юзидаги ташвишдан сезди, унга жон ато қилган жондан азиз инсонининг аҳволи оғирлашса оғирлашганки, яхшиланмаган. Онаси ётган хонага кириб, 79 яшар Нозигул аянининг пахтадек оқ сочларини меҳр билан силади. Тўлғаниб ётган она бир нарсалар демоқчи эди.

– Сизга сўзлаш мумкин эмас, онажон. Қийналиб қоласиз. Мен сизга тажрибали врач Абдулла Мадаминов ё Константин Огайни чақириб келаман. Иккови ҳам қилни қирқ ёрадиган шифокор. Озгина сабр қилинг. Иложи бўлса, ухлаб олинг! – ўғил онасини тинчлантириб, ташқарига йўл олди. Даҳлизда ўнг туфлисини кийиб улгурмасидан ташқи эшик тарақлаб очилди-да, уйга ички ишлар ходимлари ва мошранг куртка кийган барваста киши кириб келди. Курткали киши кўкрак чўнтагидан алвон муқовачали гувоҳнома олиб очди-да, ўзини таништирди:

– Фуқаро Собир Тожимов! Сиз Жиноят кодексининг икки моддасига биноан жиноий ҳаракат қилганликда айбланиб, ҳибсга олиндингиз!

Дастлаб Собиржоннинг тили айланмай қолди. Бу саратоннинг қирқ даражали иссиғида икки қарич қор ёққандек кутилмаган ҳол эди. Икки йилдирки, «Пахта иши» бўйича тергов кетаётганидан, Гдлян, Иванов, Карташян, Волосенко, Каракозов, Глушенчко каби терговчилар туман-туман кезиб юрганидан бохабар эди. Нега энди унинг қўлини қайириб кишан солишяпти? Ҳосилотнинг нима айби бор? У фақат экишга, парваришга, агротехника қоидаларига риоя қилинишига масъул-ку. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деган гап тўғри экан-да!

– Мени ҳибсга олиш учун ордерингиз борми?

– Бор. Конечно, на всякий случай икки копия қилиб ёздирганмиз!

– Онам оғир касал эди. Хайрлашиб чиқай...

– Давлат мулкани талон-торож қилганинг исботини топмаса, тез қайтиб келасан. Сен, великий агроном, мени дурак деб ўйлаяпсанми? Ана, энг ашаддий порахўр обком котиби кийиниб чиқа-

ман, деб қирқ жойига пичоқ уриб ўлиб кетди. Сен ҳам шундай қилмоқчимисан? Отставить. Давай, на выход!

Собиржон тез қайта олмади. Ҳибсга олинганидан 14 кун ўтгач, онаси оламдан ўтди. Жаноза ўқиладиганда қамоқхонанинг қоронғи камерасида ўтирар эди. Мусибатни билмаслиги мумкин эди. Камерадоши, эллиққалъалик Олимбой Примов аниқлаб берди. Терговчилару турма ходимлари орасида Олимбой аканинг танишлари кўп экан. Таъзия билдириб, шундай деди:

– Сендан биттагина нарса талаб қилинади, иним. Фақат синмаслик. Таёқ синса иккинчи, учинчи таёқ топилиши мумкин. Лекин Собиржон синса, иккинчи Собиржонни топиб бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ўзингни йўқотма. Мана, менга Жиноят кодексининг 118-3, 118-2, 149, 155-моддалари билан айб қўйиб, жиноий иш очишди. Сохта айбловларни фош қилсам, Глушченко деган муттаҳам Ўзбекистон Жиноят кодексининг 119-1, 152-моддаларига биноан айб-лаб, қўшимча жиноий иши очди. Қозончининг ҳақи бор қайдан қулоқ чиқарса, дейдилар. Сен улар билан асло ўчакишма. Ёлгон ваъдаларига ҳам ишонма. Сохта айбловларни асло бўйнингга олма. Ҳақиқат эгилиши мумкин. Лекин синмайди. Биз барибир бу ердан чиқамиз!

Олимбой ака ярим авлиё экан: айтганларининг бари рўёбга чиқди. Олимбой Примов ҳам, Собиржон Тожимов, «Пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилган амударёлик фуқаролардан Собир Бобожонов, Умар Йўлдошев, Йўлдош Файзуллаев, Исмоил Дуйсенбоев ва бошқалар ҳам тўлиқ оқланди.

Собиржон Тожимов қамоқ дарвозасидан чиқиб, Аллоҳ яратган бу ёруғ оламнинг тоза ҳавосидан кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди.

Собиржон Тожимов, миллион-миллион ватандошларимиз, бизни халқимиз учун 1991 йилнинг 31 августида Ватанимиз узра истиқлол ва озодлик тонги отди. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон асрларга татийдиган улўвор ишларни амалга оширди. Собиржон ака ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаётбахш ҳавосидан нафас олиб, тинчликка, тўкин турмушга шукрона айтиб яшайпти.

БОБОТОҒНИНГ СОР ЛОЧИНИ

Бирон бир халқнинг гурурини синдирмоқ, уни муте ва қўрқоқ оломонга айлантирмоқ учун унга қарши уруш очиб, жанггоҳларда жон бериб, жон олиш шарт эмас, ўша халқни элнинг олдида юрган, тўрида ўтирган, эл-юрт иши учун жонини фидо қилган, мард, жасур ва суюкли фарзандларидан жудо қилмоқнинг ўзи кифоя.

Отасидан эрта етим қолиб, ўтай ота эшигида юрмоқни ор билиб, қир-адирларда бойларнинг қўйларини боқиб, ўттизга кирганда уйланган Омоннинг суюкли тўнғичи Бобомурод ота меҳрига зор бўлиб ўсган бир дарёдил инсоннинг қалбидан нур эмиб улғайгани учунми ёки чиндан ҳам Аллоҳнинг назари тушган бандамиди, болаликдан катталардек сермулоҳаза, ғайратли, қайси ишга киришса, уддасидан чиқадиган, уқувли, меҳнатсевар бўлиб ўсди. Отаси-ку, у билан катта одамлар билан гаплашгандек гаплашар, қўни-қўшни, қишлоқдошлар ҳам «Омонбой, Бобомуродингиз бошқача бола-да», деб унга ҳавас қилишарди.

Саттор Норбоев деган фуқаролар йиғинининг раиси бўларди. У бир куни пода боқиб юрган Бобомуродни кўриб, раҳми келганиданми ёки боланинг юлдузи иссиқ учраганими, отига миндириб, Ҳатиб қишлоғидаги Кўчарбоев деган ўқитувчининг қўлига олиб бориб топширади. Шу билан Бобомуроднинг ҳаётида янги йўл очилди ва бу йўл унинг янги инсоний қирраларини кашф этди. Етти йиллик мактаб, Бухородаги колхоз ҳисобчилари тайёрлаш курси, Телпакчинор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳам котиб, ҳам ҳисобчи

сифатидаги фаолият йигитнинг бир обрўйига ўн обрў қўшди. Ўша йиллар пахтачиликка шунчалар меҳри баландмиди, ҳарқалай бир звенога бошлиқ бўлиб ўтди. Саккиз аъзо, бир от билан роса тер тўкиб ишлади. Кузга келиб, ғўзаси кўсагини кўтара олмай қолди. Гектаридан 57 центнердан ҳосил олинди, бу округдаги энг юқори кўрсаткич эди.

Бобомуродни 1939 йили ҳарбий хизматга чақиришди, шу билан Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди ва у шу кетганича қишлоққа саккиз йилдан сўнг қайтиб келди.

Уруш бошланган кун Бобомурод хизмат қилаётган қисм чегарадан 22 километр берида, Львов атрофидаги ўрмонларнинг бирига жойлашган ёзги лагерда эди. Ёармоқ букиб қадрдон юртга қайтадиган кунларини санаб юрган йигитлар учун эрталабки нонушта ўрнига тревога эълон қилинди. Дафъатан бошланган уруш ҳаммани шошириб қўйди. Тиш-тирноғигача қуроланган душман жиддий талафотлар эвазига бўлса-да, Ленинград остонасигача етиб келди. Сентябрьнинг бошида Ленинграднинг мамлакат билан қуруқлик орқали алоқаси узилди. Шаҳар 900 кун давом этган ўтли ҳалқа қуршовида душман билан курашди ва ҳаёт кечирди. Душман шаҳарни ер билан яксон қилиш учун шаҳар мудофаачилари устига минг-минглаб тонна бомба ёғдирди, кечаю кундуз тўп-замбараклардан ўққа тутди, лекин мудофаачиларнинг иродасини бука олмади. Бобомурод ҳам ўша жасур мудофаачилар сафида эди. Гитлерчилар истеҳкоми – Рейхстаг деворларига ғолиблик муҳри ўрнида найза тиғи билан ёзув битди: «Б.Омонов. Сурхондарёлик ўзбек пахтакори. Термиз-Берлин».

Отаси ишчи батальонига, укаси Холбобо кўнгилли бўлиб урушга кетиб, икки қиз билан ёлғиз қолган онаси Саидабиби Бобомурод кулиб, қувнаб ўтирган бўлса-да, чўкиб, киртайиб қолган кўзларига, озгинликдан янада чўзинчоқ бўлиб кўринаётган рангпар юзларига қараб, дилбандининг қандай машаққатларни бошидан кечирганини ўзича тасаввур этиб, кўзлари ёшга тўлиб кетар, гоҳ уни, гоҳ буни баҳона қилиб, ташқариларга чиқиб, йиғлаб-йиғлаб келар, аммо шўрлик онаизор ўғлини олдинда қандай шавкатли меҳнат, шон-шуҳрат ва етти ухлаб тушда кўриш мумкин бўлмаган туҳматлар кутаётганини билмас эди. Билганида, била олганида, эҳтимол, ўша кун сира йиғламаган бўлармиди... Сабаби, уруш йиллари тортган машаққатлари «Пахта иши» қурбони сифатида кўрган азоблари олдида «ҳеч нарса» эди.

* * *

Кўлидан иш келадиган ҳамма урушга кетган, қишлоқда хотин-халаж, норасида бола-бақрадан бўлак ҳеч ким қолмаган эди. Бобомурод қон кечиб олган жанговор орден-медалларини сандиқнинг тубига ташлади-да, далага чиқди. Бепоён даштларга чиқиб саховатли қуёш нурига чўмиб ётган қадрдон далаларга қараб юраги соғинчдан ҳапқириб кетди. У етти йил елкасида қурол кўтариб, оловли жанггоҳларда жон олиб-жон бериб юрган бўлса-да, бу қадрдон заминни, ўзининг кимлигини, бобомерос касбини бир зум унута олмаган эди.

Кўп ўтмай уни ўзлари истиқомат қилаётган «Коммунизм» колхозига раис қилиб қўйишди: «Отаси Омон ака ҳам кўп меҳнаткаш, камбағал»

дан чиққан оқибатли инсон эди, ўзи ҳам ғайратли, ишнинг кўзини биладиган йигит. Оғир кунларимизда бошимизда шундай бир одам тургани маъқул», дейишди қишлоқдошлар. Ўшанда 1947 йил эди, Бобомурод Омонов оғир кунларда ишонч билдирган қишлоқдошларига шу кундан бошлаб қарийб 39 йил, «Пахта иши» деб аталган мудҳиш жиноят китобининг қора саҳифаларига «Бобомурод Омонов» деган исм-шариф ёзилиб, қамоққа олингунча саркорлик қилди.

Урушда қанча азоб-уқубатларни бошдан кечириб, ногирон бўлиб қайтган бўлса-да, унинг қалбида ўша ҳарбийга кетгунча 12 гектар ердан 57 центнердан ҳосил олиб, энг баланд хирмон кўтарган бўз йигитнинг ғайрати гупириб турарди. Бобомурод Омонов элининг бошида шунчаки «ҳай баракалла» қилиб турмади, эл билан қўшилиб меҳнат қилди, жафо чекди, тер тўкди, Боботоғ массивида сочилиб ётган 50 га яқин қишлоқдан иборат хўжаликни нафақат вилоят бўйича, балки республика бўйича машҳур рентабелли бирлашмага айлантирди. Меҳнати эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони билан тақдирланди. Бобомурод Омоновнинг ташаббуси билан хўжаликда ташкил этилган «Меҳнат шуҳрати» музейи шу эл меҳнаткашларининг ҳалол меҳнат билан босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилувчи, ёшларни Ватанига, халқига, ҳалоллик ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбияловчи бир мактаб бўлди.

Таниқли адиб Менгзиё Сафаров Бобомурод Омонов ҳақида шундай ёзади: «15-20 йил муқаддам Боботоғ ёнбағирларини ўзлаштириш, баъзи бир олимларнинг фикрини ҳисобга олмаганда, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлса керак.

Кекса тоғнинг юксак адирларини текислаётган, унга ҳаёт элтаётган қудратли техника тизгинини тоғ сари бурган меҳнаткаш одамларнинг журъати кўпчиликини ҳайратга солди, табиатнинг мангу уйқусига барҳам бериди». Йилдан-йилга сони ўсиб бораётган хўжалик аъзоларини ишли, ошу нонли қилиш, ҳаётларини файзу баракотли этиш ташвишида ёниб яшаётган Бобомурод Омонов ана шу саъй-ҳаракатлари билан денгиз сатҳидан 1100 метр баландликда 500 гектар ер ўзлаштирди, ўзлаштирилган ерларга Остона каналдан 4 куб метр сувни уч босқичда, қарийб юз метр баландликка кўтариб берадиган насослар қурдирди.

Хўжалик жуда катта миқдорда пахта, ғалла, гўшт, сут каби маҳсулотлар етиштирар, шунга яраша даромад ҳам олинар, ҳар йили ана шу даромадлар ҳисобидан хўжалик аъзолари учун нимадир қурилар эди. Бобомурод Омонов хўжалик марказидан 300 ўринли замонавий, уч қаватли шифохона қурдирди, то қурилиш битказилиб, очилиш маросими ўтказилмагунча юқоридагилардан ҳеч кимга хабар бермади. Шифохона очилганининг эртаси куниёқ марказдан вакил келиб, партия қўмитасининг бюросини ўтказди ва йиғилишда иштирок этаётган вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Григорий Порфирьевич туман марказида шифохона бўлишига қарамасдан, ўзбошимчалик қилиб, хўжаликда касалхона қургани учун партиявий ҳайфсан бердиртирди. Бобомурод Омонов гап келганда отасини аямайдиган одам эди, ўшанда ўрнидан туриб, «Мен отамга қаср қурдимми, ўғлимга уй қурдимми, бу ишим учун ҳали бир марта ҳайфсан берибсиз, юз марта ҳайфсан берсангиз ҳам

мен ортиқча даромадимиздан ҳар йили нимадир қуравераман», деди. Ва сўзидан қайтмади.

Болалар боғчаси, «Бахт уйи», сўлим Хонжизада меҳнаткашлар учун дам олиш уйи, «Болалар ёзги оромгоҳи», 720 ўринли учта қишлоқ мактаби, қишлоқ хўжалик техникуми, қишлоқ аҳолиси учун қанчадан-қанча турар жой бинолари...

* * *

Бобомурод ака оилада ҳам меҳрибон ва қаттиққўл умр йўлдош, ота эди. У киши турмуш ўртоғи Фавзия опа билан саккиз фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, ўқитиб, касб-ҳунарли қилиб, элга қўшган. Болалари эл пахтада бўлганда пахтада, эл ғаллада бўлганда ғаллада бўлган. Ҳеч қачон раиснинг боласиман деб, одамлардан ажралиб, машина миниб, бекорчи сайру саёҳат қилиб кўча-кўйда юрмаган. Раиснинг ўзи меҳнаткаш, сахархез инсон бўлгани учун уйга келганида болаларининг бекор чўзилиб ётганини кўришни, чошгоҳгача ухлаб ётганини ёмон кўрарди. Ўзи ҳар кун сахар туриб, кулранг қашқа отига миниб, қишлоқни, далаларни айланиб қайтганда уйда ҳаёт қайнаб туришини яхши кўрарди.

Ўғли Султонмурод шундай хотирлайди:

– Болалик пайтларим уйқуни яхши кўрганим боис, «отам маза қилиб ухласалар бўлмайдими, у кишини ҳеч ким урушмайди-ку», деб ўйлар эдим. Отам узоқ сафарларга кетса, онамдан мени уйғотмасликларини илтимос қилар эдим. Бир сафар отам эрталаб Москвадан келганларида ҳамма хурсанд кутиб олган, битта мен ухлаб ётган бўлганман. Мен отамнинг «Султонмурод қани?» деган овозларидан уйғониб кетдим. Отам мени кўриб, бир мақол айтдилар: «Беор кулгу, бено-

мус уйқу». Шу бир оғиз гап калтак зарбидан ҳам оғирроқ ботди. Отамиз қачон сафардан қайтсалар, ҳаммамизни бир-бир бағирларига босиб, дастурхон атрофига йиғилганимиздан сўнг ҳар биримизнинг нима ишлар билан машғул бўлганимизни суриштирардилар. Онам жуда пазанда аёл эдилар, дастурхонимиз ҳамиша онам пиширган турли пишириқларга тўла бўларди, лекин нонуштага, албатта, бир коса қайноқ сут берардилар. Отамиз қачон сафардан қайтсалар, «Қаерда бўлмай, хаёлим сизларда, кўнглим далаларимда бўлади. Онаси, сенинг бир коса қайноқ сут узатиб туришинг кўз олдимга келаверади», дер эдилар. Укам Олимжон билан иккиси ошни яхши кўрарди. Баъзан отам ўз қўллари билан ош тайёрлар эди.

1985 йилнинг 28 майини нафақат Омоновлар оиласи, балки Бобомурод Омонов ўзининг қарийб қирқ йиллик умрини, бор куч-ғайратини, соғлиғини бахшида қилган «Коммунизм» бирлашмасида истиқомат қилаётган халқ дилда аччиқ бир оғриқ, алам билан хотирлайдиган бўлди.

Бобомурод ака 22 йилдан буён қандли диабет хасталиғи билан оғриб юрарди. Катта хўжалик, иш кўп. Даволанишга ҳар доим ҳам вақт ажратавермас эди. Ўша тун негадир уйқуси учиб, ҳеч ухлаёлмай қийналди. Тонгга яқин кўзи илиниб, ғалати туш кўрди. Эмишки, ой узоқ тутилиб, кўни-кўшни болалар тонггача тоғора чалиб чиқибди. Итлар узоқ-узоқ ваҳимали улибди. Кўнгли ғашланган Бобомурод ака тушини аёлига айтса, Фавзия ая ҳам безовталаниб, «Саломатлигингизга қарамай қўйдингиз-да. Бугун Султонмуродни олиб, дўхтирга боринг. Бир ётиб, даволанинг», деб кўярда-қўймай шаҳарга жўнатади.

68 ёшга кирган бемор киши, Ленинграддан Берлингача қаттол душман билан олдинги сафларда туриб курашган жангчи, 38 йил элу юртига ҳам фидойи фарзанд, ҳам фавқулодда ташкилотчилик қобилиятига эга хўжалик раҳбари сифатида меҳнат қилган инсон шифохонада шифокор қабулига кириб, унинг тавсияларига асосан анализлар топшириб, таҳлил натижаларини кутиб, дорихоналардан дори-дармон харид қилиб юрган айни дамларда унинг уйига «Биз марказдан келган вакиллармиз» дея бостириб кирганларнинг важоҳати жуда қўрқинчли эди. Улар хонадон бекасининг ҳали замон келиб қолишади, супада ўтириб, чой-пой ичиб туринглар, дейишига қарамасдан ҳамма хоналарни тит-пит қилиб ахтариб чиқишди, одам ўлдирган қотилни тутмоқчи бўлгандек уйга, кўчаларга форма кийган пойлоқчиларни қўйиб ташлашди. Ҳеч нарсадан беҳабар, бироз кечроқ қайтган Бобомурод Омоновни тепасида хавф-хатар пайтида огоҳлантирувчи рангли маёқ ёниб ўчаётган машинага солиб олиб кетишди. На унинг кексалигини, на хасталигини, на жанггоҳларда кўрсатган қаҳрамонликларини, на эл-юрт учун 38 йил мобайнида қилган хизматларини инобатга олишди. Қалқиб кўчага чиққан халқ тўрттала чироғи ваҳима билан ўчиб ёнаётган машиналар ортидан ҳам ҳайрон, ҳам қўрқув билан қараб қолди: «Шундай одамнинг қўлларига кишан уриб олиб кетишди-я...»

Бобомурод Омонов бу машъум кунларнинг совуқ шамолини анча олдинроқ сезган эди...

Бобомурод Омонов ўзининг устидан тушган имзосиз хатдан боҳабар эди. Ўшанда вилоят маркази томон бораркан, юраги симиллаб оғриб

кетаётган бўлса-да, кўнгли ўзининг ҳақ ва ҳалоллигига, бугун бўлмаса, эртага ҳақиқат қарор топшига бўлган ишонч билан лиммо-лим эди.

Уни тўғри қамоқхонага олиб кетишди. Эртаси кунни хўжаликка вилоят прокуратурасидан вакиллар келиб, катта йиғин чақиришди. Йиғилишда Бобомурод Омоновнинг устидан ёзилган шикоят хатини ўқиб беришди. Шикоят хатида унинг хўжалик ҳисобидаги «Волга» енгил автомашинаси кузови, «ГАЗ-69» автомашиналарининг қонунга хилоф равишда ўзлаштирилгани, хўжаликдаги «қўшиб ёзиш»лар ҳақида куракда турмайдиган бўҳтон гаплар ёзилган эди. Ҳақиқатан ҳам «Волга»нинг кузови хўжалик бошқарувининг қарори билан Бобомурод акага тақдим қилинган эди, аммо ўша заҳотиёқ Бобомурод ака кузовни шахсий эҳтиёжига ишлатишдан номус қилиб, уни хўжаликка қайта кирим қилиб қўйган эди. Галвирдай тўкилиб, хизмат вазифасини юз қарра ўтаб бўлган, 1954 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-69» машинаси эса 50 фоизга арзонлаштирилган нарҳда хўжаликда бир умр меҳнат қилган чорвачилик механиги Шоймардон Эшболтаевга бошқарув қарори билан берилган.

Аммо «Пахта иши»ни кўраётган «оға»ларнинг дасти узун дастёрлари ҳақиқатни исботловчи ҳеч қандай далилни тан олишни истамадилар, аксинча, «Омонов ишига алоқадорсиз» деб, яна тўққиз кишини ҳибсга олишди. Улар орасида хўжаликнинг бош ҳисобчиси Ҳазратқул Ҳасанов, ҳайдовчи Холмамат Холов, чорва механиги Шоймардон Эшболтаев, нафақахўр қариялар Жўрақул Шарипов, Ҳошимжон Икромов бор эди.

– Машина олиш учун Бобомурод Омоновга икки минг сўм пара берганман деб ёзиб берсанг,

қамоқдан чиқиб кетаверасан, акс ҳолда, ҳолингга маймунлар йиғлайди. Бобомурод Омонов билан бирга отиласан.

Бу терговчининг механик Шоймардон Эшболтаевга қўйган талаби эди.

– Бу тухмат! Мен ҳеч кимга пора бермаганман, – деди Эшболтаев.

Терговчи Казбек Битаров бош ҳисобчи Ҳазратқул Ҳасановнинг олдига ўн варақдан иборат кўрғазмани тутқазди:

– Қариянинг ёши бир жойга бориб қолган. Сиз ҳали ёшсиз, ўзингизни ўйланг. Шу ёзилганларга ўхшатиб кўрсатма беринг, «мен ижрочи эдим, раиснинг топшириқларини бажарганман, холос», денг. Шу билан осонгина қутулиб кетаверасиз.

Казбекнинг аврашлари ҳам, дўқ-пўписа, қийноқлари ҳам иш бермади. Ҳазратқул Бобомурод Омоновга, ҳақиқатга хиёнат қилишни истамади, борини ёзиб берди: яъни хўжалиқда ҳеч қандай қўшиб ёзишлар бўлмаган, қонунсиз пахта терилмаган, ноқонуний бир тийин ҳам сарфланмаган, одамларга қилган меҳнатларига қараб маош берилган.

Ноҳақ қамалганларнинг бири Бобомурод ака билан 38 йил бирга ишлаган, хўжалиқда партия ташкилоти котиби вазифасини бажарган Мамазиё Маллаев эди. Бир замонлар отаси «Файзулло Хўжаевнинг думи» деб, халқ душмани сифатида қамалган, токи ҳарбий трибуналдан отасини оқловчи хат келмагунча бир умр елкасини қисиб юрган Мамазиёнинг тақдирида ҳам ноҳақлик жабри бор экан. У 62 кун қамоқда ўтирди, бу кунларнинг ҳар бири йиллардан узоқ ва машаққатли эди, дўқ-пўписа, тухмат, қийноқ, алам ва ўй жон-жонидан ўтиб кетар эди.

Яқинлари тергов ҳибсхонаси эшигида Бобомурод Омоновни бир бор кўриш учун зор-интизор бўлишди. Бир сафар терговчи Казбек Битаров бобонинг кимни кўпроқ яхши кўришини сўради. «Невараси Сардорбекни» деган жавобни эшитиб, «Эртага ўша неварани олиб келинглар, бобоси билан кўриштираман», деди. Оила аъзолари хурсанд бўлишиб, тўрт яшар неваранинг шарофати билан отани бир бор бўлса-да кўриб қолиш илнжида Сардорбекни олиб, Узундан Термизга йўлга чиқишади. Ҳибсхонада эса Бобомурод Омоновнинг олдига бошдан-оёқ бўҳтондан иборат бўлган қоғозни қўйишади: «Неварангиз Сардорбек келган, агар уни кўришни истасангиз, мана шу кўрсатмаларга қўл қўйиб берасиз». Бобомурод Омонов қоғозни ўқиб: «Ёлгон маълумотларга имзо қўйиб, неварамни кўрадиган бўлсам, кўрмаганим маъқул», – дейди.

Бобомурод Омонов қамалгандан сўнг хўжаликда фаолият юритаётган ферма мудирлари борми, бўлим бошлиғи борми, бригадир борми, умуман, мансабга алоқадор одамларни уриб, тепиб, тишларини синдириб, ёлгон кўрсатмаларга имзо қўйишга мажбурловчи «десантчи» гуруҳ пайдо бўлди. Бобомурод Омоновнинг ҳайдовчиси Холмамат Холовни фарзандларига тўй бераётган пайтда машинага тиқиб олиб кетишади. Йўл бўйи уриб-сўкиб, дўқ-пўписа қилиб, «Агар мана шу қоғозларга имзо қўймасанг, болаларингнинг тўйини азага айлантираман» деб, Бобомурод Омоновнинг устидан уюштирилган ёлгон кўрсатмаларга имзо қўйдириб, уйдан қарийб 150 километр олисдаги Жарқўрғон туманига олиб кетишади.

1987 йилнинг 15 октябрь куни ҳамма гувоҳларни вилоят марказига олиб бориб, юриш қийин бўлган-

лиги сабабли Бобомурод Омоновни Сариосиё туман суди биносига судлаш учун олиб келишди. Машина тўхташ жойи билан судлов биносининг ораси анча бор эди. Бобомурод Омоновнинг яхшиликларини кўрган, унинг ҳақлигига ишонган халқ тўлқиндек кўриқчилар орасида кетаётган Бобомурод акани қуршаб олди. Шунда бир кекса отахон кўриқчиларнинг «ҳай-ҳай»лашига қарамасдан оломонни ёриб ўтиб Бобомурод Омоновнинг ёнига борди ва икки кўлини дуога очиб, «Хизматларингизнинг қадрига етмай, туҳмат уюштирганларнинг жазосини Аллоҳдан сўрайман. Бу дунёда ким кимга нима яхшилиқ-ёмонлик қилган бўлса, ҳаммасининг ҳисоби бўлади», – деди. Ҳамманинг кўзига ёш қалқди.

Судлов жараёнларида 415 нафар гувоҳнинг кўрсатмаси тингланди, айбдор деб ҳисобланиб келинган 10 нафар киши айбсиз деб топилди. Халқнинг талабига кўра Бобомурод Омоновга сўз берилди:

– Халойиқ сизга минг раҳмат. Муздек совуқ хоналарда музлаб ўтирдим, ҳавоси сўриб олинган камераларда сув оқиш учун тушириб қўйилган жўмракка оғзимни қўйиб, нафас олдим. Айбсизлигимни исботлаб, сизларнинг ҳузурингизда ёруғ юз билан туриш учун турманинг барча азобларига чидадим, жон сақладим. Мана, Худога шукр, юзим ёруғ бўлди, – кейин суд раислигини олиб бораётган Раҳмоновга қараб, – мана, кўрдингиз, гувоҳи бўлдингиз, халқ мени оқлади. Энди мени турмага солиб қийнаб ўтирмасдан осасизми, отасизми, ҳукмингиздаман. Сизларга жоним керак, шекилли, бошқа шикоятим ҳам, гапим ҳам йўқ.

Бу гапларни эшитиб кўпчилик йиғлаб юборди.

Бобомурод Омоновнинг умр бўйи машаққатли меҳнат билан ҳалол ризқ топган, элига, юртига ҳалол ризқ улашган қўллари бўм-бўш эди... У бир умр меҳнат қилди, янги ерлар очди, тоғлар билан бўйлашган хирмонлар яратди, қанча-қанча одамларга бошпана қурди, шифохоналар, зиё масканлари қурди – қўллари эса бўм-бўш, ўзига ҳеч нарсани олиб қолмади.

Суд раиси халққа оқлов ҳақидаги ҳукми марказга тасдиқлатиб, тўрт-беш кун ичида орангизга қайтарамиз, деб ваъда қилди.

Аммо, таассуфлар бўлсинки...

Орадан саккиз кун ўтиб, бутун қариндош-уруғлар, бутун хўжалик аҳли бугун-эрта келиб қолади, деб ўтирган бир пайтда Бобомурод Омонов тергов изолаторида жон берди, деган шум хабар келди.

Қандайдир одамлар майитни Термиздан Сарисийёга олиб келиб, ўша заҳотиёқ ажал қувгандек қочиб кетишган. Худо ҳам уларнинг ишларидан ранжиганмикин, ажал уларнинг изидан қувиб етган, йўлда автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлишган.

Ҳа, ҳаётнинг ўзи энг олий ҳакам ва ўзи ҳукм чиқаради, лозим бўлганда бу ҳукми ўзи ижро этади.

Бобомурод Омоновнинг қутилмаган ўлиmidан қишлоқ ларзага келди. Бир умр элим, халқим деб, ёниб яшаган инсонни сўнгги манзилга кузатиш учун келган одамлар кўчаларга сифмай кетди. Ҳамманинг кўзида ёш, дилида афсус-надомат: «Эсиз-а, сақлаб қола олмадик-да. Бизга қандай хизматлар қилган одам эди-я».

Тобутни ҳовлидан чиқариб кетишадиган пайт Бобомурод ота билан ҳар тонг дала кезувчи қадрдон ҳамроҳ – қашқа отнинг кишнагани ҳамманинг фарёдини босиб кетди.

Сўнги суд мажлиси йўллар ойнадек бўлиб музлаб ётган қаҳратон қиш кунда Бобомурод Омоновсиз ўтди. Суд мажлисига келган сариосиёликлар суд залига сирмай кетди. Суд ишида хўжалик ишларини тафтиш қилган Мавлонов, тергов ишларини олиб борган Казбек Битаров, Ботир Қурбонов ҳам иштирок этишди. Судда Бобомурод Омонов ва бош ҳисобчи Ҳазраткул Ҳасановни оқлаш ҳақидаги суд ҳукми Олий Суд томонидан тасдиқлангани боис, улар тўлиқ оқлангани эълон қилинди. Мавлонов бошчилигидаги тафтишчилар гуруҳи ўз айбига иқрор бўлганлиги маълум қилинди.

Аммо бу иқрор йўқотилган нарсаларнинг ўрнини ҳеч қачон тўлдиролмас эди.

* * *

Ўзбек халқи қалбида «Пахта иши» дея номланган машғум «кампания» ҳеч ўчмайдиган қора доғлар қолдирди. «Пахта иши» сабаб ўзбекнинг қанчадан-қанча сор лочинлари, илмли сара йигитлари, суюкли фарзандлари қурбон берилди. Ушбу мухта-сар мақоламиз қаҳрамони Бобомурод Омонов ҳам ана шу жафокаш халқнинг бир истеъдодли фарзанди, ўрил-қизларининг суюкли отаси эди.

Бугун Бобомурод Омоновнинг фарзандлари, неваралари – Бобомурод ака орзулаган қутлуғ ва фаровон дамларда яшамокда. Бошимиз узра истиқлолнинг хуш насимлари эсмоқда. Бугун ишчан, тадбиркор инсонларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, уларга кўмак берилмоқда. Юрт ана шундай ташаббускор инсонлар ҳаракати билан янада кўркамлишиб, кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Эл-юрт фаровонлиги учун ёниб меҳнат қилган Бобомурод Омоновдек табуруқ инсонлар ёди эса ҳеч қачон хотирадан ўчмайди. Энг катта тасалли ҳам шу.

ОҚТЕПАЛИК ИККИ ДЎСТ

Олтинқул туманининг Оқтепа қишлоғида Абдуфаттоҳ Зайнобиддинов ва Муҳаммаджон Абдувалиев деган синфдошлар яшайди. Иккаласининг ҳаётдан олган изтиробу қувончлари, иродаю матонатлари бир-бирига жуда ўхшаш... Мустабидлик даври қатағонлари айни авжига чиққан йилларда таваллуд топган бу синфдошларнинг болалиги Иккинчи жаҳон урушининг офир, сермеҳнат, сабрталаб даврига тўғри келган.

Сабру матонат билан аламли кунларни енгиб, мустақилликни кутиб олишганида ҳаммадан кўра кўпроқ қувонган ҳам шулар. Бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб учрашди дегунларича, мустақиллик ўзбек халқининг миллий ғурурини, инсоний қадрини ҳимоя қила билган халоскор неъмат эканини шукрона билан кўп таъкидлашади. Сирдош, дардқаш бўлиб, ўтган кунларни хотирлашади...

Муҳаммаджон ота-онасининг ёлғиз фарзанди. Юрагида нима яхши ўй-нияти бўлса, шу боласидан кутишган. Ўқиса, ишласа, элга таниқли бўлса, янами... яна серфарзанд бўлиб ҳовлимизни қувончга тўлдириб берса... деб орзулашган. Келин тушириб набира кўрганида эса, Ойимхон аядан бахтли инсон йўқдек эди.

...Эзгу орзулар рўёбини топа бошлади. Муҳаммаджон Абдувалиев Андижон пахтачилик институтини тугатиб, 1961 йилда ўз қишлоғи – Оқтепадаги колхозга агроном, кейинроқ партком бўлди. Сўнг вилоятдаги ҳар бир туманга қўриқер ҳисобланган Бўзда биттадан колхоз ташкил

қилиш белгилаб қўйилган махсус қарор чиққач, у ҳам ёш, билимли мутахассис сифатида чўлга сафарбар қилинди.

– Бўз узоқми, болам, бормасанг бўлмас эканми? – мунғайибгина сўради онаси.

– Қизиқ савол берасан-а, онаси, ўзи масъул одам бўла туриб ҳукумат топшириғини рад этадими, – ўғлининг ўрнига жавоб берди Абдували ота.

Абдували ота билан Ойимхон эна гувала деворли пастқам уйида ҳувиллабгина қолавердилар. Бўз туманидаги Муҳаммаджон агроном бўлиб борган хўжалик номи «Янги турмуш» деб аталди. Касбини суйиб ишлаган ёш мутахассис тезда кўпчилик эътиборини қозонди. Дастлаб парткомликка, кейин хўжалик раислигига тайинлашди. Ер билан тиллашиб ишлаган ўзбекнинг ери обод бўлмаганини ким кўрган. Бўз тумани хийла обод бўлиб кўзга ташланиб қолгач... Комсомолобод (ҳозирги Улуғнор)га – у ердаги «Улуғнор» совхозининг 800 гектарли катта бир бўлимига бошлиқ бўлиб сафарбар қилинди. Кўнглида яхши нияtlари, вужудида куч-райрати жўш урган йигит раҳбарларнинг ҳам, элнинг ҳам ишончини қозона борди. Вилоят Кенгашига депутат этиб сайланди. Қаторасига беш йил совхоз яхши кўрсаткичлар билан офизга тушганда эса «Ўзбек иши» деган кутилмаган кўргиликлар бошланди.

1986 йилнинг май ойи эди. Дала кийимида райкомпартия идорасига кириб бориши билан уни туман прокурори сўраётгани айтилади. Киради-ю... остонадан ўтиши билан тўрт нафар милиция кийимидагилар қўлига кишан солиб, ҳибсга олганларида довдираб қолади... Бу ёғи энди... аламу изтироб, Масковнинг Гдлян ва Иванов деган «олиймақомлари»га хизмат қилаётган прокуратура ходимлари уни ўзи тушунмаган бир

неча модда билан айбдор курсисига ўтқазиб қўйдилар...

...Синфдошлар қўпинча бу ҳақда хотирлашга қийналиб, жим қолишади. Муҳаммаджон ота нима десин, қай бир азобни айтсин. Нега ҳибсга олинганини ўзи англамай, сўроқ-саволсиз, уйдагилар беҳабар 15 кун ер ости қамоғида ўтирганиними?! Суд жараёнининг биринчи кунда онаси билан бирга келган 16 ёшли қизи – Умиданинг кучли изтиробдан сўнг, тунда онасининг тиззасига бош қўйиб йиғлаган қўйи жон берганиними?! Тонг отганида вайрондил она қизалоғининг жонсиз жасади устига оқ сурп ёпиб, йиғидан қизарган кўзларини, шишган юзларини рўмол билан тўсиб, яна судга боргандаги овозсиз нолалариними?!

Рафиқаси Холисхон иродали аёл экан. Қайнота-қайнонасидан кейин Олтинқўлдаги кимсасиз, қаровсиз ҳовлисига қайтиб келди. Умиданинг вафот этганини Муҳаммаджонга билдирмай тупроққа қўйишди. Маърака маросимини ўтказишди. Кўргиликларга қўниш ҳам жасорат.

«Пора олиш, пора бериш»да ноҳақ айбдор саналган Муҳаммаджон Абдувалиев 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. У ёлғиз қамалмади, касирми, омборчими, пахта заводининг тарозибоними, бўлим бошлиғими... Биргина совхоздан жами 16 нафар айбсиз айбдорлар қамоқда азоб чекдилар.

Қўйилган тўхмат айблар исбот топмади. Ким икки йил, ким уч йил «ўтириб» оқданиб, озодликка чиқишди. Ҳақиқат эгилади, букилади, синмайди, ахир...

– Яна Улуғноргами?! – норизо бўлганча кўчкўрон тахлади Холисхон.

– Бормасак бўлмайди, – қатъий гапирди эри.
– Тўлғанойни ўша туманга узатдик. Набираларимиз бор. Уларнинг юзлари ёруғ яшаши учун яна бироз Улуғнорга бориб ишлаймиз. Кўргиликларимизнинг туҳмат эканини ҳалол меҳнат билан исботлаш учун ҳам яна борамиз Улуғнорга.

Бордилар. Ишладилар. Маҳалла-қўй ҳалол, меҳнаткаш бу инсонни иззат билан қаршилади. Шундан кейингина ота уйнинг чироғини ёқиш учун Олтинқўлга қайтишди.

Мустақилликнинг халқимиз ҳаётига олиб кирган катта бир янгилиги маҳалла институтининг пайдо бўлиши десак, рост. Нафақага чиққан кунидан бошлаб оқтепаликлар Муҳаммаджон отани маҳалла фуқаролар йиғинига раис қилиб сайлаб олдилар. Яна ташкилотчилик, халқ билан биргалик, ташаббуслар бошланиб кетди.

– Ташаббускор яшашни жуда ёқтирасиз-а, – ҳазиллашади унга Абдуфаттоҳ синфдоши.

– Бусиз бўлмайди, ахир. Қолаверса, сиз кенгликларда роҳатланиб юрасиз-у, мен уйда ўтираманми? – беғараз кулади Муҳаммаджон ота.
– Мен ҳам бекор қолишни ёқтирмайдиганлар хилданман. Биласиз, энг аввал ўзимиз ўқиган 41-умумтаълим мактабига маҳалла ҳомийлигини уюштирдик. Ота-онамиз, азиз қишлоқдошларимиз ётган қабристонни ободонлаштириб, атрофига девор ўрадик, дарвоза қурдик. Қабристон атрофидаги 1 гектарга яқин ерга дарахтлар экканимиздан сўнг кўкаламзор боғ пайдо бўлди. Холисхон ҳам далани яхши кўришини билардингиз-ку. Ўғилларим Улуғбек, Ойбек қанотимизга кирди. 13 гектар ер олиб, бола-чақа, қариндошуруғлар жамланиб, «Кўктерак» фермер хўжалигини ташкил қилдик. Кейин туман «Маҳалла»

жамоат фондига ўтсангиз, деб туриб олишди. Улуғбекни эса Улуғнорга мутахассислиги бўйича ишга таклиф қилиб қолишди. Биласиз, Тўлғаной қизим ўша ёққа келин бўлган. Ҳозир Улуғнорда тадбиркорлар партиясига раҳбар. Синглим ёлғиз қолмасин дедими, Улуғбек ҳам кетди. У ерлар ҳозир чўл эмас, бўстон бўлиб кетган. «Кўктерак»ни кичикроқ бўлса-да, чорва фермер хўжалигига ихтисослаштириб олдик.

Холисхон билан ўғил-қизлардан 17 нафар не-вара, 18 нафар чеварага бош бўлиб қолдик. 2011 йилдан Олтинкўл туман «Нуроний»ларига ҳам бошлиқ қилиб қўйишган. Қандай йўқ дейман. Минг бор шукр, сизга ўхшаган дўсту ёронларнинг қаторида «ҳорма, бор бўл» қилиб юрибман...

Ўзбекнинг феъли шунақа

...Олтинкўл туман Оқтепасининг «Мамаюсуф-чек»ида яшовчи, илғор «Чашма» фермер хўжалиги раҳбари Абдуфаттоҳ Зайнобиддиновнинг ҳам ҳаёт йўли, кечаги ва бугунги кайфияти ҳам синфдоши Муҳаммаджон Абдувалиев сингари айнан ўзбек элининг таржимаи ҳоли деса бўлади. Асли Халқ таълими аълочиси нишонига эга ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлган бу одам жуда таъсирчан. Хийла сўзга уста. Кечмиш хотиралар ва бугунги фараҳбахш кунлар ҳақида сўйлаганда юраги ҳапқириб, кўзи намланганини ўзиям сезмай қолади.

Ўйлаб қаралса, бизнинг ер билан тиллашмаган, экин экиб ҳосил йиғмаган, дарахт экиб мева тутмаган кекса юртдошимиз йўқ ҳисоби. Абдуфаттоҳ бува ҳам шуларнинг бири. Қишлоқдошлари уни «раис бува» деб иззатлашлари бежиз эмас.

Раис бува шу тупроқни суйиб меҳрини бергани учун элдан ҳурмат топган, шу тупроқни суйиб меҳр бергани учун у ҳам синфдошидек мустабид йилларнинг «Ўзбек иши» деган қора курсисида икки йил тергов қилинган, қўшни Фарғонада икки йил давом этган таҳқир судида ўзи сингари элнинг сара деҳқонлари аламу изтироб чеккан. Тўрт йил давом этган оғир кўргиликлар унинг ҳолини хароб қилиб, ногиронга айлантирди.

Икки синфдошнинг мустақиллик нақадар улуғ неъмат эканини ҳаммадан кўпроқ ҳис қилишлари шундан.

– Яхшигина нафақа оласиз, дам олиб юрсангиз ҳам бўларди, дўстим, – дейди суҳбат орасида Муҳаммаджон ота.

– Бўларди... Ҳеч бўлмаса кўзим кўрмай қолган кейинги тўрт йилда дам олсам ҳам бўларди, – жавоб беради у оғир тин олиб. – Дам олишга кўнглим кўнмади. Ахир, топганинг бировларнинг дастурхонига жўнатилиб, сен ишчи кучигина ҳисобланган қарам йилларда ишлаган одам еринг ҳам, топганинг ҳам ўзингники, ўз элингники бўлганда қандоқ жи-им ўтираман. Қолаверса, тўрт ўғлим, беш қизимни шу тупроқни суйиб топдим, шу тупроқдан ризқ териб улғайтирдим. Уларга бу улуғ тупроқ сеҳру синоатини ўргатишим фарздай туйилди.

Раис бува айтмоқчи бўлган гапини жамлаётгандай, тарозига қўяётгандай бир зум ўйга толади. Аста давом этади:

– Ўша саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида «Ўзбек иши» деган туҳмат қора ҳарфлар билан тарихга битилди. Аслида бу бўҳтон халқни кўрқитиб, унинг тобелигини кучайтириш, ҳукмрон доиралар устунлигини намоён этиш эди, холос.

Минг бор шукр. Мустақиллик барига хотима ясади. Мана, бугун Юртбошимизнинг раҳнамолигида халқимиз чин ўзбек иши ҳақиқатда қанақа бўлишини, ўзбек нималарга қодирлигини бутун дунёга кўрсатди. Ўтган 24 йил ичида маънавий дунёқарашимиз ўсиб, ўзлигимизга эга бўлдик. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ҳайратланарли даражада юксалди. Қанчадан-қанча соҳалар ривожланди. Бу эса халқимизнинг яшаш тарзига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Биз ҳалолликка ўрганган, яратишга, яшна-тишга мойил халқ эканимизни исботладик. Менга сизгина эмас, жуда кўплар «нега шу ёшингизда ҳам фермер хўжалигида ишлаяпсиз?» деб савол беришади. Тўғри, яхшигина нафақа оламиз. Ўғил-қизларимиз ишлашяпти, даромадлари ёмон эмас. Ҳукуматимиз ҳам иззатимизни жойига қўйяпти. Мана, 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб аталиб, бизга ғамхўрликлар янада кучайди. Ўзингиз биласиз, ўзбекнинг ўзига хос феълларидан бири шуки, иззат топган жойига меҳр тутгиси келади. Шундай экан, қандоқ уйда ўтираман. Меҳнат қонимга, жонимга сингган, ахир. Кенгликларда роҳатланаман. Сир-саноатли тупроқда юртнинг ризқи унаётганидан шукр қиламан. Мана бу пайкалларга – халқнинг тўлиб турган ризқи бўлмиш оппоқ пахталарга бир қаранг, ўртоқ, мен хирагина кўриб шунча қувоняпман, аниқ кўрганларнинг ҳайрати қанчалигини ҳис қиламан.

– Олтинқўлдаги энг донгдор фермерлардан бўлиб қолдингиз, дўстим.

Муҳаммаджон отанинг эътирофи ҳақ. Абдуфаттоҳ буванинг пахта пайкаллари ҳақиқатан ҳам ҳар йили кўзга ҳайрат тутгудай серҳосил бўлади. Тўққиз-ўн иш кунда биринчи терим би-

лан режани орттириб бажариб қўйишади. Иккинчи терим билан бемалол ҳар гектар учун 45 центнердан ҳосил йиғиб олаверади. Мазкур «Чашма» фермер хўжалигига ёндош «Соҳиби меҳнат» фермер хўжалиги далалари ястанган. Тўғриси айтиш керак, кўрсангиз икки далада икки хил ҳолат.

– Раис бува, нега шундай, – ажабланиб сўрайдилар.

– Бу энди тажрибага ҳам боғлиқ, шекилли.

– Дадамнинг устозликлари боис, – жумлани тuzатади фермернинг ўғли Улуғбек Зайнобиддинов. – Билсангиз, ниҳоллари гуркираган мана шу пайкалимизни деб акам Қаҳрамон Зайнобиддинов дадамлардан қанча койиш эшитганлар. Эсингиздами, дада?

– Эсимда, ахир ерниям, ғўзаниям ўз оби-тоби бўлади. Кўзим хира кўрса ҳам, шунинг учун тез-тез ёшларга ишонқирамай дала айланаман. Бир куни айланиб юрсам, мана шу пайкалнинг пастроғидаги ғўзалар ўсиб кетганини сезиб қолдим. Меъёрдаги ғўза 1,20 метр, нари борса 1,40 метр бўлади. Ундан баландладими, тамом, ернинг қуввати ғўзапоя учун кетаяпти, деяверинг. Рост айтди, ўғлим Қаҳрамонни қаттиқ койидим. Дарҳол ғўзани ўсишдан тўхтатиб, ҳосил йиғишга йўловчи «СЖН» препаратини сочишга буюрдим. Бепарво қолиб хатога йўл қўйгани учун Қаҳрамон-жон айнан рюкзак тақиб ўзи сочи препаратни. Кейинроқ ҳосилнинг мўллигидан қувониб юрди.

Ҳа, еримизни сахий деймиз, зўр деймиз, лекин сахийлик ҳам ернинг парвариши билан боғлиқ. Ер илми, пахта илми, сув илми... бари меҳр билан омихталансагина ернинг фазилати очилиб, сахийлигини кўрсатади.

«Раис бува»нинг бу жонсараклиги хўжаликнинг 50 бош қорамол боқилаётган чорва ишида ҳам, буғдой экиб режани ортиғи билан бажаришганда ҳам, пилла етиштиришда ҳам малҳамдай асқотади. Тўрт ўғли – агроном Бахтиёржон, муҳандис Қаҳрамонжон, ҳисобчи Нодирбек, чорвадор Улуғбек Зайнобиддиновлар, набираси – тумандаги коллежни тамомлаб хўжаликнинг тракторчилигини уддалаётган Диёрбек Абдуфаттоҳовлар оталарининг бу мактабида сидқидилдан ўқишяпти. Тажриба ўрганишяпти. Фақат фарзанду набираларгина эмас, сувчилар – Абдулаҳад Жалилов, Саиджон Мухторов, Тўлқинжон Ортиқов, тракторчи Муродил Акбаров, Шокиржон Ибрагимов каби қишлоқдошлар ҳам дарёдил ота мактабидан баҳраманд бўлишади.

«Раис бува»нинг айтишича, «ерга меҳрим бор, ерни севдим» дейишнинг ўзи бўлмайди, бу севги, бу муҳаббат ҳар бир томирингда айланиши керак. Токи у ҳаётингни гўзал қилсин. Ўша муҳаббат билан элингни ҳам сева оласан кейин. Қишлоқдошлари Абдуфаттоҳ ота тимсолида бунга кўп бор гувоҳ бўлганлар. Ҳар йили «Чашма»нинг ҳар бир аъзоси уйида қоп-қоп буғдой бўлади. Бундан ташқари, хўжаликнинг буғдой хирмонидан бир неча тоннани шу қишлоқдаги кам таъминланганларга бўлиб беришади. Буванинг айтишича, буям «Ўзбекчилик».

– Бойлик ҳақида қандай ўйлайсиз, – деган саволга шундай жавоб берадилар.

– Энг катта бойлик – ўз юртинг ўзингда экани. Ўз уйингда бировга ҳисоб беришдай иложсизликдан асрасин. Яна бир улуғ бойлик – тинчлигинг. Бошқа бойликлар юрагингдаги муҳаббатнинг чўғига яраша ўзи келаверади. Мана, 10 та соғин сигир, 15 та бузоқ, 25 та қўй, от, ўз Андижони-

миздан чиққан автоуловлар, қоп-қоп буғдой, томорқадан чиқадиган сабзавоту резаворлар, ҳаммадан ярашиқлиги чаман бўлиб очилиб турган пахта – булар муҳаббатга яраша уйимизни излаб келаётган бойликлар. Меҳмон келса уйимиз ясоғлиқ, ўчоғимиз оловли. Танимиз соғ, кўнглимиз чоғ. Менимча, оилам, қишлоқдошларим учун рисоладаги бойликлар мана шу.

Буни Муҳаммаджон ота ҳам тасдиқлайди. Икки синфдош нуронийнинг фикрларига қўшилган ҳолда унга қўшимча қилиб, мустақил Ватаннинг энг катта бойлиги сизлар каби иродаси метин, кўнгли дарё одамларнинг борлиги, деган гап кўнглидан ўтиши табиий.

БИЗ КУТГАН ТОНГ...

Теша ота Тошеври излаб вилоят марказидан Ромитан туманига ўтдим.

У киши Ҳазортутда эканлигини эшитгач, йўлга тушдим.

Ҳазортут деганлари ҳам нақ Варахша чўли этагига туташиб кетган қишлоқ экан. Эндиликда бу жойдаги равон йўллари шинам ҳовли-жойларни кўриб, қишлоқ дейишдан тортинадим одам.

Йўл бўйидаги йўнғичқазор еридан кўклик те-раётган қизчалардан номдор фермер ҳовлиларини сўрадим:

– Анави икки қаватли уйни кўряпсизми? Дарвозаси у томонда, – деди ўрнидан туриб менга салом берган қизчалардан бири, – уйларида бўлсалар керак.

Қизчалар кўрсатган катта кўча бошидан ўн-га қайрилиб, қайси ҳовли дарвозасини қоқишни билмадим. Йўлнинг икки томони қатор қилиб қурилган чиройли иморатлар. Ана гўзал лойиҳаю мана гўзал лойиҳа. Бир челақ помидор кўтариб келаётган йигитчадан Теша ота ҳовлиларининг дарвозасини тортиниброқ сўрадим.

– Анави яшил дарвоза қўнғироғини босинг, келинлари бор. Ўзлари иссиқхонада бўлсалар керак, эшитмасликлари мумкин, – деди йигитча самимийлик билан.

Эшикни дилбаргина келинчак очди. Теша отанинг уйда бор-йўқликларини сўрасам, ширингина кулди:

– Кундуз кунлари отамни уйдан тополмайсиз, чорва ёки далада бўлиб, кечқурун қайтадилар. Фурсатингиз бўлса киринг, меҳмон бўласиз...

Узримни айтдим. Далалар томон оқиб борувчи ариқ ёқалаб узоқ юрдим. Кенг буғдойзорлар ора-лаб юрган оқсоқолни кўриб қувониб кетдим.

Теша ота билан гурунглашиб, буғдой майса-зорлари даласида узоқ айландик. Экинларнинг баравж ўсаётгани, бу йилги ҳосил кўп бўлиши, дон-ризқ кўпайса, тандирлар тўлиб нон ёпилиши тўғрисида тўлқинланиб гапирган қаҳрамонимиз билан катта ариқ бўйидаги сувчилар қўнимгоҳи-даги омонатгина ўриндиқда ўтирдик. Суҳбатни ўша машъум «Пахта иши» томон бурдим. Мен ўтмишни титкилай бошлаган пайтим Теша ота чорва, боғ, асалариларнинг кўпаяётганини га-пириб хаёлга чўмди. Яна ўз фикримни ўртага ташладим.

– Синглим, етмиш уч яшар чол нима қилиб юрибди кимсасиз далада, десангиз керак. Мен дала билан гаплашаман, дарахтлар билан са-ломлашаман. Қиш ҳам, қарилик ҳам хотирадан кўтарилади. Болалик, йигитлик чоғларимни, раҳ-барлик қилган йилларим, бугунги фермерлик фаолиятимнинг келажагини унда кўриб, томоша қиламан, ўша, сиз боя уч марта тилга олган «Пах-та иши» қама-қамасида мен мана шу ерларда ёўзалар ривожидан хабар олаётган эдим... Эй, ни-масини айтай, қай бирини гапирай? Агар меҳри-бон Юртбошимиз матонат кўрсатмаганда, мендай туҳмат тошига нишон бўлган юртдошларимиз мус-тақиллик юзини кўрмай, «Пахта иши» балосига ги-рифтор бўлиб, кўзи очик кетарди. Меҳнаткаш ўз-бек халқининг толейига Тангрининг атагани бор экан. Мана қаранг, – деди Теша ота ғурурланиб, шамолда тебраниб турган буғдой майсаларини кўрсатиб. – Бу кенг далалар менинг мулким. Мол-қўйим бор, чиройли, кўркам уй-жойим қанотимга

айланган меҳрибон фарзандларим ёнимда. «Пахта иши» билан айбсиз айбдор бўлиб қамалганимда фақат тирик чиқишни, яна очиқ ҳавода ер босиб юришни, болаларимни тўйиб бағримга босишни ўйлаганман, холос.

1938 йилда туғилганман. Касбим уста-дурадгорлик, кейинчалик қишлоқ хўжалик институтида ўқиб, олий маълумотли бўлдим. Совхозда оддий ҳисобчиликдан бошлаб, раисликкача турли лавозимларда ишладим. Колхоз ерлари шўр, унумдорлиги яхши эмас. Қўнглимни ваҳима босарди. Раҳматли отам билан маслаҳатлашдим. Янги захкашлар чиқариб, эскиси билан улаб юбор, зах қочса, ернинг шўри қочади, деди отам. Шу йўл билан ерларни тобига келтирдик. Янги ер очдик чўл ҳисобидан. Экин майдонларимиз тўрт минг гектарни ташкил этди. Пахта, пилла, чорва, асаларичилик, полиз, боғдорчиликдан даромадимиз кўпайди, ўн етти-ўн саккиз центнер ҳосил берган гектарлар унумдорлиги кўтарилди. Мактаб, боғча, савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, новвойхона, тикув цехлари, ҳаммом, пахта қабул қилиш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тоза ичимлик суви йўлини бунёд этдик, янги йўл чиқариб асфальтлаштирдик, кўприклар қурдик. Етти йил шу колхозда раислик қилдим, табелчи-бригадирдан тортиб, оддий сувчи бўлган меҳнаткашлар ойлик, йиллик маош оладиган бўлдилар. Мутахассис чақириб, янги иссиқ сув булоғи кўзини очиб, энди шифохона қурамиз деб юрганнимда, меҳнаткаш Ўзбекистон деҳқонининг бошига тушган «Пахта иши» тухмат тошлари, 1983 йилнинг одам ютар қуюнлари мени ҳам комига тортди. 1985 йилнинг қишида «Пахта сотиб олган, пора берган, пора олган» деган тухматлар билан 12 йил-

га озодликдан маҳрум этилдим. Уйда эса олти нафар ҳали ўзини ўнглаб олмаган болаларим, қари ота-онам, касалманд аёлим суйнчиқсиз қолди. Ур деса кўзни чиқарадиган терговчиларнинг мажбурлаб «уни ёзиб бер, буни ёзиб бер»лари. Одам боласи кўрмаган азоб-уқубатлар. Йигирма олти йил раҳбарлик қилган одамнинг нокаслар туҳмати сабаб тақдирининг қоралигини қаранг. Мен барча қийноқларга дош бердим, ҳеч кимга туҳмат қилмадим, келажакка, ёруғ кунларга, Яратганнинг қудратига кўз тикдим, кўнглимда кимдир хониш қиларди: «Сабр қил, кураш, виждонингни сотма, ёруғ кунлар келишига яқин қолди».

Эрталаб тураман шу садо, кечқурун ётаман шу хаёл. Тангри севиб яратган халқини оёқ ости бўлишига йўл қўймас экан, ўн икки йиллик қамоқ жазоси олти йилга қисқартирилади. Кейин тўрт йилга. Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг катта жасоратлари туфайли барча ноҳақ жабрланганлар қатори мен ҳам озодликка чиқдим, оқландим, уйга қайтдим. Отам тирик, болаларим бир ҳол, рўзгорим афтода. «Колхозга қайтиб раис бўл», деган таклифларни рад этдим. «Мен олий маълумотли зоотехник, чорвашуносман» дедим, фермер бўлдим, бор кучимни ишга солиб меҳнат қилдим, рўзгоримни тиклаб олдим. Фермерларга яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаландим. Қирқ миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан олти бош соғин сигир сотиб олдим. Ўттиз бир гектар ер ажратдилар. Қамоқхонада тортган азобларим изини дала, меҳнат, чорва, боғ яратиш, иссиқхона қуриш каби ширин ташвишлар ювиб кетди. Украина, Польша, Германия мамлакатларидан олиб келинган зотдор йирик шохли моллардан биз ҳам сотиб олдик. Бугун улар сони

икки юз элик бошга етди. Сиз бизнинг ҳовлимиз ичини кўрдингизми? – деди Теша ота менга қараб.

– Ичкари кирганим йўқ...

– Эҳ, синглим, киринг эди ичкарига, мен қурган янги ҳовлини кўрардингиз. Оқланиб уйга келсам, ҳали ҳам ўша пастак-пастак деворли ҳовли. Тўрт-беш васса жуфти синган беш болор афтода уйлар. Собиқ мустабид тузум даврида меҳнат қилишни обдан ўрганибмизу, шунга яраша яшашни эса унутган эканмиз. Биламан, кўзим кеч очилди, шунга ҳам шукур, деб фермер хўжалиги даромадидан икки қаватли уй-жой солдим, ўғил-қизларимга ҳам шу нарсани ўргатдим. Юртбошимиз айтганидек, меҳнатдан роҳатланиб яшашни ўргандик. Ҳар куни дала айланаман, чорва молларидан узоқлашмайман, кечалари, албатта, бир ярим соат китоб мутолаа қиламан. Бир дўстимдан Тоғай Муроднинг: «Отамдан қолган далалар» китобини олиб ўқиб, шундай кунларга етганимизга шукур қилдим. Бир куни биздан кейин болаларимиз отамдан қолган далаларда яйраб-яшнаб юришини ўйлаб юрагим орзиқди.

...Қуёш ғарбга қараб оғди. Кузги буғдойзорлар даласининг ҳавоси ўша-ўша. Ўзи март ойининг охири, апрель боши дала ҳавоси шундай бўлади. Ўтирганинг сари ўтиргинг, янги умрини бошлаётган дарахтларга қараб суҳбат қургинг келаверади. Теша ота Тошевнинг суҳбат мавзуси уста пахтакор «Пахта иши» билан жабрланган Усмон Кенжаевнинг сўнгги тақдирига кўчди.

– Қамалганлар, туҳмат гирдобига чўкиб кетганлар ичида ёши катта шу киши эди. Терговларда Усмон Кенжаевнинг беҳуш бўлиб йиқилганларини кўп кўрардим. Ёши 61 дан ошган одам эди...

Усмон Кенжаев Шофиркон туманининг Чандир қишлоғида 1920 йилда туғилган. Даҳшатли Иккинчи жаҳон уриши йилларида 20 яшар йигит қўлига қурол олиб, жангга кирди. Урушдан голиб бўлиб қайтгач, деҳқончилик ишларига боши билан шўнғиб кетди. Шофирконнинг собиқ «Ўзбекистон» колхозида табелчи, бригадир, партком бўлиб ишлаб, одамларни, иш кўзини ўрганди. Ҳаммага яхшилик қиладиган суянч тоғига айланди. Уни шу колхозга раис қилдилар. Шофиркон тумани муҳитида ҳамиша изланишда бўлган раҳбаргина ютади. Усмон Кенжаев Жилвон чўли ҳисобидан гектарларни кенгайтирди. Энг чекка қишлоқларга сув, электр энергияси олиб келди. Кўприк, мактаб, ҳаммом, болалар тарбия маскани, янги иморатлар қурди. Қишлоқлар атрофида мевали боғ ташкил этиб, кўчат экиш, пайвандлаш, парваришларни ҳаммага ўргатди. Уруш йилларида ўтириб қолган колхозни оёққа турғазди. Тўйларда бирровгина ўтириб келса, таъзияларда уч кун қатнаб, кўнгиб сўраб, кемтикларини тўлдиришга бел боғлади. Хонадонларнинг эрталабки дастурхонида сут, қаймоқ, сариеғ бўлиши учун колхоз фермасидан насли мол тарқатди. Сабзавот, полиз уруғчилигидан ҳам катта фойда кўриш Усмон Кенжаевдан чиққан тажриба эди. Пилла, дон, чорва пахтадан тушган даромаднинг бир қисми бунёдкорлик ишларига сарфланса, қолган қисми колхозчиларга йиллик иш ҳақи даромади қилиб бериларди.

Шундай кунларнинг бирида «Пахта иши» туфайли Усмон Кенжаев ҳам балоларга гирифтор бўлди. Бир йилгина олдин олтмиш йиллигини нишонлаган раисни туман бош раҳбари «яна бир-икки йил ишлаб беринг», деб сақлаган эди...

«Сен туман ва вилоятнинг биринчи раҳбарига пора бергансан, пахтани қўшиб ёзиб, план тўлдиргансан», деб уни қамадилар. Додига ҳеч ким қулоқ солмади. Тўрт йил Россиянинг Амур вилояти, Тахтамида посёлкаси ўрмонларида Шофиркон, Ўзбекистон, жонажон Чандир қишлоғи, ҳимояга зор оиласи, ўзи очган янги ерларни соғиниб ишлади. Кўп азоб, соғинч тортишлар одамни ожиз қилиб қўяр экан. Қамоқ камералари кўр бўлиб, ҳатто оёғи остини ҳам кўриб билмаган одамга шафқат қилмас экан. Усмон Кенжаев бошқаларга айттириб, уйига хат ёздирди. «Менку, шунча йил меҳнат қилиб, биттагина чўпон бўлсин, ризқига хиёнат қилмаган эдим. Ёлғон бўҳтонлар сабаб қамоқларда хўрланиб, кўр бўлиб қолган оталарингни кечиринглар. Борди-ю, ўлсам, Тахтамида ўрмонида мунғайиб, Шофирконнинг бир ҳовуч тупроғини кутиб ётган қабримни излаб келиб-кетинглар. Мен ҳеч нарсадан оғринганим йўқ. Бу ҳаёт экан. Марказқўмга қуллик мени шу қўйга солди...»

Ожиз, ночор бўлиб қолган 65 яшар Усмон Кенжаевнинг сўнги илтижоларини Тангри эшитди чоғи, Ислон Каримовдай одамнинг катта юрак билан қилган жасорати туфайли «Пахта иши», «Ўзбек иши» занжири ноҳақ қамалганлар бўйнидан тушди.

У юртга қайтди, кўзлари ожиз бўлса ҳам хира ярим юрт тупроғини, эл рухсорини кўрарди.

... Қуёш ғарбга қараб ғарқ бўлган маҳали мен шаҳарга қайтиш тараддудига тушдим. Дала ҳавоси сал салқин тортди.

– Теша ота, – дедим мен, – суҳбатингиз учун раҳмат. Яхши одамларни яхшиликда хотирладик. Илоҳо, ёмон кунларни кўрмайлик. Яна келман далаларингизни кўришга.

– Қачон?

– Буғдойзорларингиз пишиб, ўрим-йиғим бошланган кунлари кўнғироқ қилсангиз, учиб келаман.

– Э, – деди Теша ота ўрнидан туриб, – она қизим келинг ўша кунларни кўришга. Қўй сўяман. Ҳув анави бухорий гужум остида ўчоқ осамиз. Ҳаммани чақирамиз. Дийдор далада бир ярашсин...

Мен Ҳазортут қишлоғи далалари, кўпни кўриб, яхши кунлар дийдори учун тоғдай кўкарган 73 яшар толмас фермер Теша ота Тошев билан хайрлашиб, «Албатта келаман. Ана шу ариқ бўйида ўтириб, шеър ёзиб, буғдой хирмонингизга ўқиб бераман», деб хайрлашдим.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Сафар ОСТОНОВ. Ҳукми тарих чиқаради	6
Муҳаммад АЛИ. Тўра ва Зулфина қиссаси	18
Оқ лайлак	32
Аччиқ хотиралар ёди	45
Маҳмуд ТОИР. Қора тарих ёхуд қўрқинчли туш	57
Мунаввара УСМОНОВА. «Ҳақ йўли, албатта бир ўтилғуси»... ..	71
Юнус УЗОҚОВ. Икки дил достони.....	80
Шарифа САЛИМОВА. Ҳукм	87
Ҳаким САТТОРИЙ. Аёл майдонга тушганда	94
Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА. Бўронларда синмаган сабот.....	107
Тўлқин ЭШБЕК. Дала шунқорининг армони.....	119
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ. Қўнғил обод бўлса	133
Муҳтарама УЛУФОВА. Умримиз кўприк мисоли.....	142
Салима УМАРОВА. Адолат тантанаси	148
Қамчибек КЕНЖА, Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Ёлғиз	153
Ўктам МИРЗАЁРОВ. Тонг отмаган тунлар.....	162
Саидвафо БОБОЕВ. Гар ҳақиқат эгилса... ..	170
Гулнора НУРЛЕПЕСОВА. Ноҳақ жабр кўрганлар	182
Хуришда ҚЎЧҚОРОВА. Юракда қолган доғ.....	195
Алижон САФАРОВ. Асл фарзанд эди Ёвкентга	203
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ. Амударё тўлганган тун	213
Жамила ЭРГАШЕВА. Боботонинг сор лочини	218
Замира РЎЗИЕВА. Оқтепалик икки дўст	232
Ибодат РАЖАБОВА. Биз кутган тонг	242

Масъул муҳаррир:
Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Тўпловчи ва нашрга
тайёрловчилар:**
Сирожиддин РАУФ,
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Бадий-публицистик нашр

АДОЛАТ ЙЎЛИ

*Бадий очерклар,
публицистик мақолалар*

Мухаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умид ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2016 йил 17.06.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 ^{1\32}.

Босма тобоғи 7,875+1,0 вкл.

Шартли босма тобоғи 13,23+1,68 вкл.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 83.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



— / —

АДОЛАТ ЙЎЛИ

— / —



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-587-4



9 789943 275874